

- NASR
- NAZM
- DRAMATURGIYA
- MUMTOZ ADABIYOT
- YOSHLAR DAFTARI
- JAHON ADABIYOTI
- ESTETIKA
- SAN'AT FALSAFASI
- ADABIYOTSHUNOSLIK
- SAN'ATSHUNOSLIK

# Шарқ юлдузу



# Sharq yulduzi

## Унутилмас лаҳзалар



Ўзбекистон халқ ёзувчиси  
**Комил ЯШИН**  
(1909 – 1997)



J

Alisher Navoiy  
nomidagi  
O'zbekiston MK

# Шарқ юлдузи

Адабий-бадний, илмий, ижтимоий-сиёсий журнал

1931 йилдан чиқа бошлаган

## ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

Муҳаммад Али  
Кенгесбой Каримов  
Энахон Сиддикова  
Иқбол Мирзо  
Қахрамон Куронбоев  
Жумакул Курбонов  
Фармон Тошев  
Ислом Ёкубов  
Умарали Норматов

Хайриддин Султонов  
Сирожиддин Саййид  
Меҳрибон Абдурахмонова  
Йўлдош Солижонов  
Тоштемир Турдиев  
Шухрат Магкаримов  
Адхамбек Алимбеков  
Жамолиддин Муслим

Эм 3

Бош муҳаррир в.б. — Сирожиддин Рауф

Наср бўлими мудири — Рисолат Ҳайдарова

Назм бўлими мудири — Икром Отамурод

Адабиётшунослик бўлими мудири — Ориф Ҳожи

8

2017

**УШБУ СОНДА:**

НАЗМ

Тўлан НИЗОМ



ЮРТИ БОФИДА  
НИҲОЛДАЙ ҲСДИМ

Тонг ёриб, кулади зар қуёш –  
Капалак қанотин ёзади.  
Фунча деб, қушлар ҳам бебардош  
Суратин самога чизади.

НАЗМ

МУНАВВАРА



ҚЎКСИМДА  
ҲАЁТ ПУМОРИ

Шу лаҳзага, шу онга,  
Шукр қилинг, қадрдон.  
Ҳаёт гўзал, тинч осмон,  
Фаровон, Ўзбекистон!

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Саваш ЕЛЎК



ОЗОД ҚЎНҒИЛ ҲИКОЯСИ

Мустақиллик даври ўзбек ҳикоячилиги бадий сюжет, композиция, услуб янгиланишлари билан бир каторда психологик тасвир борасида ҳам салмоқли ютуқларга эришди. Бу борада Эркин Аъзам, Аҳмад Аъзам, Шойим Бўтаев, Неймаг Арслон, Назар Эшонкул, Абдуқаюм Йўлдош, Зулфия Қуролбой кизи, Луқмон Бўрихон, айникса, Хуршид Дўстмуҳаммад ҳикояларини алоҳида таъкидлашни истардим.

**Мунира ЙЎЛЧИБОВА**

*АДАБИЁТШУНОСЛИК*

*СЎЗНИ ТОВАЛАНТИРАЎЭТЯАН  
ШОИР*

“Шоир шеър ёзишда сўзларни ҳисоб-китоб қилиб ўтирмайди. Шеър ёзиш режали иш эмас. Шеърнинг мисралари, қофиялари табиий йўсинда қуйилиб келаверади. Уни нари-бери “суриш” мушкул. Мен қўллаган барча сўзлар, жумладан, сал тушунарсиз, ғалатироқ деган сўзларингиз тилимизда, сўзлашув йўсинимизда бор”.



**Қамчибек КЕНЖА**

*НАСР*

*ЎСУМА ЁМФИРИ*

Гохо-гохо, ёвқарашлар, писандалар, таъналар жонидан ўтиб кетганда қабристонга борарди-да, марҳумнинг гўрига бош уриб йиғлар, ундан афв этишини сўраб ялиниб-ёлворар, руҳининг безовта бўлмаслигини, болаларига тасалли беришини ўтинарди.



**Исмоил ТЎЛАК**

*ЎНУЎТМАС МЕНИ БОҒИМ*

*ДУНЁГА ҚАЛБ БИЛАН  
ҚАРАНГ*

Жимгина яшадим, жимгина севдим,  
Жимгина бағринга қўйгум бошимни.  
Сендек буюк қалбни сал кечроқ сездим,  
Қабул эт, она юрт, ўтинч ёшимни.





## Сулаймон сори Билқис кўйидин бир марҳабо келтур



НОДИРА  
(1792-1842)

\* \* \*

Ҳар табу тобеки ул шамъи шабистонимдадур,  
Тоблардурким дамодам риштаи жонимдадур.

Ҳар ғубору гардким етмиш ани домониға  
Ул ғубору гард мавжи чашми гирёнимдадур.

Гар ғубори хоки роҳин айласа бежо насим,  
Сабру бетокатлиғи таъби паришонимдадур.

Топмасун тағйир ул рашки чаман ранги дебон,  
Лола янглиғ доғлар кўнглумдаги конимдадур.

Етмасун, ё раб, насими сард ул шамшодаким,  
Шуълалар ҳар лаҳза ўтлуғ дуди афғонимдадур.

Риштаи жоним самуми ваҳм бирла титранур,  
Гар сабодин жунбише сарви хиромонимдадур.

Жисму жон хокистар ўлғай жумла рангни ўртагай,  
Бўйла ўтким ишқидин бу қалби сўзонимдадур.

Барча эл кирдориға таҳсин этиб айлар дуо,  
Хўблғким, Нодира, Жамшиди давронимдадур.

\* \* \*

Кўнгул жонидину жон қолди жонони жаҳондин ҳам,  
Кўнгулдин жона еттим, ғам тунида балки жондин ҳам.

Тилармен юз биёбон қатъини қилсам қуюн янглиғ,  
Ки, ўтқайман висолин истабон қавну макондин ҳам.

Дуо бирла паёми васл еткур, эй сабо, бир кун  
Анинг руҳиға мендин, манга ул руҳи равондин ҳам.

Агар хижрон элина ёр васли бўлмаса ҳосил,  
На ҳосил хонимондин, балки умри жовидондин ҳам.

Анинг хижронида қон йиғламоқдин хуш бўлур ҳолим,  
Айирма, эй фалак, бир лаҳза чашми хунфишондин ҳам.

Ҳарими каъбаи иқболина етсам, будур мақсад,  
Ки, қилсам нола доғи ҳажри ёри меҳрибондин ҳам.

Бўлубман, Нодира, ул сарви гулрухсордин айру,  
Кўнгул қондур ҳавоии боғу сайри бўстондин ҳам.

\* \* \*

Айладинг азми сафар, эй шахсуворим, яхши бор,  
Эмди сенсиз йўқ мени сабру қарорим, яхши бор.

Вақти рихлат етди, оҳанги сафар соз айладинг,  
Ёрим эрдинг васл айёмида, ёрим, яхши бор.

Равшан эрди маҳфили имкон жамолинг шамъидин,  
Яхшилар султони эрдинг, шахриёрим, яхши бор.

Етмайин осибии хижрон чархи нафаржомдин,  
Кўҳи ғам остида қолдим, ғамгусорим, яхши бор.

Сен қилиб азми сафар, мен қолмишам ҳасрат била,  
Гарчи ҳажрингда ҳазон бўлди баҳорим, яхши бор.

Турфа мушқилдур виро этмоқ сенингдек ёр ила,  
Кўкка етди нолаи беихтиёрим, яхши бор.

Заъфарондек сарғайиб ҳажрингда нолон қилмишам,  
Сенсан, эй хуршид талъат, гулузорим, яхши бор.

Нодира муштоқдур зинҳор келгайсан яна,  
Мунтазирдур йўлга чашми интизорим, яхши бор.

\* \* \*

Масих анфосидек жисм ичра жон киргузди гуфтори,  
Кўнгул базмини равшан этти ҳар тун шамъи рухсори.

Фироқинг ўти дуди бошим узра солди юз савдо,  
Фиғонимдин кизиди жоним ичра ҳашр бозори.

Келинг, эй ҳамнишинлар, бул менинг жонимға раҳм айланг,  
Йиқилди кўзларимни ёши бирла жисм девори.

Бўлуб бошдин аёқ ойина янглиг дийдаи хайрат,  
Тушумда жилва этти ҳар тараф товус рафтори.

Каломинг нашъаси беморлар жисмиға руҳафзо,  
Лабингни шарбати эрди бузук кўнгулни меъмори.

Паридек ўзни недин айладинг кўз шахсидин пинхон,  
Кишига бўлмади маълум оғзинг рамзу асрори.

Магар келса насиме ёри гулпўшим риёзидин,  
Очилса гунча янглиғ уқдаси кўнглумни тумори.

На ҳожат нола чекмак, кўз ёшини айламак тўфон,  
Фироку меҳнат ичра сабр этмакдур сазовори.

Магарким ул парирў хусни нури айлади партав,  
Кўзум ойинадек, эй Нодира, хайрат намудори.

\* \* \*

Нигори гулбаданамни тушумда кўрсам эдим,  
Лаби шакаршиканимни тушумда кўрсам эдим.

Кўз очмайин ғамида рўзгорим ўтгучидир,  
Ки, ёри сиймтанамни тушумда кўрсам эдим.

Чу даври рохатим ўтти зихи саодат эди,  
Муроди жону танамни тушумда кўрсам эдим.

Ғамида шона каби чок-чокдур кўнглум,  
Ки, кокули Хўтанамни тушумда кўрсам эдим.

Юзи гулу кади шамшод, кўзлари наргис,  
Баҳору ёсуманамни тушумда кўрсам эдим.

Жафои хажр била кўксуми фиғор килай,  
Нигоҳи сеҳрфанамни тушумда кўрсам эдим.

Лабимға келди анинг васлини тилаб жоним,  
Бало ўти фиканамни тушумда кўрсам эдим.

Ҳамиша булбули таъбим фиғону зор этар,  
Ки, орази чаманамни тушумда кўрсам эдим.

Фироки, Нодира, кўнглумға доғлар қўйди,  
Амири сафшиканамни тушумда кўрсам эдим.

\* \* \*

Манга ул сарв қад пайғомин, эй боди сабо келтур,  
Губори макдамидин кўзларимға тўтиё келтур.

Вафо қонунидин савту тараннум айла, эй мутриб,  
Ба ёди дўстон ушшок базмида наво келтур.

Сабо сорига гар тушса гузоринг ногаҳ, эй худхуд,  
Сулаймон сори Билқис кўйидин бир мархабо келтур.

Бўлубдур рўзгорим шоми ғам дайжуридек тийра,  
Манга, эй меҳри тобон, муждаи субҳи саф келтур.



Эрур тожи мурассаъ боиси дардисар, эй Мажнун,  
Паришон мўи сардин шонаи боли ҳумо келтур.

Кўнгул кўзгусини, эй Нодира, ишқ ичра равшан кил,  
Муҳаббат доғидин ойинаи гетийнамо келтур.

\* \* \*

Ёрдин айру мени бедилни зор этти фалак,  
Ёшурун дарди дилимни ошкор этти фалак.

Кўзларимни кавкабафшон айлади мардум каби,  
Махликоларнинг юзидин шармсор этти фалак.

Кетти ул хуршиди махпайкар, ани ҳижронида  
Интизор айлаб кўзумни ашкбор этти фалак.

Ихтиёрим бор эди ҳар ишни килсам ихтиёр,  
Ёрдин айлаб жудо беихтиёр этти фалак.

Эрди хоки пайкарим андуҳ тоғидин гарон,  
Паймоли хайли ғам айлаб ғубор этти фалак.

Гунча гулшанда Азизи Мисрий истиғно эди,  
То нашот изҳор этиб гул бўлди, хор этти фалак.

Кўймайин озоду хуррам дил, қилиб макру фусун  
Кўп диловарларни марг ила шикор этти фалак.

Нодира, кўз тутма гардундин мурувватким баса,  
Эътибори даҳрни безътибор этти фалак.

\* \* \*

Менки фуркат тунлари ул гул юзин ёд айларам,  
Булбуледурман хазон фаслида фарёд айларам.

Шомларким зўр этар маъюслик ул шохсиз,  
Орзу жинсини бир оҳ ила барбод айларам.

Бир кеча кўрдум тушумда ул жаҳоноро юзин,  
Дам-бадам ул важҳдин ғамгин кўнгул шод айларам.

Сурати ёдида рангин фикрлардин ҳар замон,  
Сафҳаи фитрат аро тасвири Бехзод айларам.

Ўтка солди оху афғоним фалаклар рахтини,  
Ҳар нечаким чарх бедод этти бедод айларам.

Хаста кўнглим ичра пинҳон доғлардур ҳар замон,  
Кечалар тасбехдек юлдузни теъдод айларам.

Менки жон бирла ризо жўяндаи фармонингам,  
Нодира, андин вафо мулкани обод айларам.



**Шухратбек  
АБДУРАХМОНОВ**

## ЭЗГУ МАҚСАДЛАР ЙЎЛИДА

Бутун Ўзбекистонда бўлгани каби бугунги кунда Андижон вилояти ҳам улкан бунёдкорлик майдонига айланган. Амалга оширилаётган ислохотлар, янгиланиш ва юксалишлар жараёнида меҳнаткаш халқимиз ҳамда тадбиркор юртдошларимизнинг хизмати бекиёс, албатта. Ҳар бир эзгу иш замирида халқ манфаати, одамларнинг турмуш шароитини яхшилаш, фаровон яшашларига имкон яратиш каби олий мақсадларимиз мужассамдир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев жорий йил июнь ойида вилоятимизга ташрифидавомида Андижон вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини ошириш бўйича йиғилиш ўтказиб, унда 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси, жумладан, “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини муҳокама этган эди. Ушбу вазифалар асосида вилоятимизда 2017–2018 йиллар давомида тўққиз йўналишда қарийб 375 миллиард сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилиши белгиланди. Ташриф давомида давлатимиз раҳбарига вилоят иқтисодиёти ва ижтимоий инфратузилмаларини ривожлантиришга доир қатор лойиҳалар тақдим этилди. Жумладан, Булоқбоши туманида Хитой технологияси асосида йилига 21 минг тонна кимёвий чўқтирилган бўр маҳсулоти ишлаб чиқаришга мўлжалланган лойиҳа Марказий Осиёда ягона ҳисобланади. Маҳсулот тўлиқ маҳаллий хомашё – охақтошдан олинади. Қорхона ишга тушгач, чет элдан сотиб олинаётган шу турдаги маҳсулотга бўлган талаб қондирилади, уни экспорт қилиш йўлга қўйилади. “Ўзфармасаноат” компанияси ва тижорат банклари томонидан 2017–2018 йилларга мўлжалланган фармацевтика соҳасини ривожлантириш дастури асосида Андижон туманида “Zamin Bio Health” жамиятида йиллик қуввати 10 миллион флакон инсулин ишлаб чиқаришга ихтисослашган лойиҳа амалга оширилади. “Ўзавтосаноат” акциядорлик компанияси Андижон вилоятида амалга оширишни режалаштирган лойиҳалар ҳам эътиборга молик бўлиб, давлатимиз раҳбарига янги автомобиль русуми – “Chevrolet tracker” ишлаб чиқариш бўйича маълумот берилди. “Ўзэлтехсаноат” акциядорлик компанияси ва тижорат банклари томонидан 2017–2018 йилларда вилоятда амалга оширилиши мўлжалланган лойиҳалар, эски “Андижонмап” акциядорлик жамиятида ташкил этилиши режалаштирилаётган кичик саноат зонаси лойиҳаси ҳам

*Шухратбек АБДУРАХМОНОВ – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси. Андижон вилояти ҳокими. 1969 йилда туғилган. Андижон пахтачилик институтини (ҳозирги Андижон қишлоқ хўжалик институти) тамомлаган. “Шухрат” медали билан тақдирланган.*

диққатга сазовор. Бўш турган ер майдони 19,16 гектар бўлган “Андижонмаш” худудида ташкил қилинадиган sanoat зонасида енгил sanoat, электрокабель, чарм-пойафзал махсулотлари, эшик-ром, мебель, дори-дармон, пластмасса ва қурилиш материаллари ишлаб чиқарилади, мева-сабзавот ва полиз махсулотлари қайта ишланади, натижада 2 минг янги иш ўрни очилади. Sanoat зонасида тадбиркорлар ва тижорат банклари томонидан 127 миллиард сўмлик 15 лойиҳа амалга оширилиши кўзда тутилган.

Истиклол байрами арафасида Кўкон, Марғилон ва Андижон шаҳарлари ўртасида электропоезд катнови йўлга қўйилди. Давлатимиз раҳбарининг Фарғона вилоятига ташрифи давомида Кўкон, Марғилон ва Андижон шаҳарлари ўртасида электричка катновини йўлга қўйиш бўйича мутасаддиларга топшириқ берган эди. Ўтган қисқа муддатда Кўкондан Андижон шахригача электропоезд катновини йўлга қўйиш бўйича дастур тузилди. Бу жараёнда йўллар мустаҳкамланди, электр таъминоти масаласи ҳал қилинди.

Андижон шахридаги ўн бир худудда маҳалла гузарлари ва универсал спорт мажмуаси қурилиши жадал суръатларда олиб борилмоқда. Андижоннинг эски шаҳар худуди бутунлай ўзгача қиёфа касб этди. Дехқон бозори замонавий талаблар асосида янгидан қурилди. Йўллар кенгайтирилиб, транспорт катнови учун қулай шароит яратилди, янги мухташам савдо дўконлари қад ростлади, кўчалар замонавий кўринишга эга бўлди. Эски шаҳардаги тарихий ёдгорлик – Жомеъ масжид-мадрасаси таъмири учун 6,4 миллиард сўм маблағ ажратилди.

Мустақилликнинг 26 йиллиги арафасида “Фидойинг бўлғаймиз сени, Ўзбекистон!” шиори остида “Андижонни кўркам ва обод вилоятга айлантирайлик!” анъанавий кўриктанлови ўтказилди. Бунёдкорлик ва ободонлаштириш борасидаги илғор ташаббусларни қўллаб-қувватлаш, оммалаштириш, эл-юрт фаровонлиги йўлидаги эзгу ишларда аҳоли, айниқса, ёшларнинг иштирокини фаоллаштириш, қишлоқ, маҳалла, ташкилот ва муассасаларда тозалик-орасталик, кўкаламзорлаштириш ишларини кенг йўлга қўйиш мақсадида ташкил этилган кўрик-танлов тадбирларида барча ўз хоҳиши билан иштирок этди. Танловда хонадонлар, кўп қаватли турар-жой бинолари атрофининг озодлиги, саранжом-сарипталиги, худудларни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш бўйича олиб борилаётган ишлар, шунингдек, халқ амалий санъати ва миллий хунармандчиликини кенг намойиш этишга алоҳида эътибор қаратилди.

Халқимизга хос юксак фазилатлар ҳақида гап кетганда меҳр-оқибат, бағрикенглик, мурувват ва саховатпешалик алоҳида тилга олинади. Дарҳақиқат, буларнинг барчаси халқимизнинг кундалик ҳаёт тарзи, орзу-мақсадлари, сазй-ҳаракатлари билан ҳамоҳангдир. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий сиёсат замирида ҳам аҳоли турмуши фаровонлигини янада юксалтириш, айниқса, кам таъминланган ва ўзгалар кўмагига муҳтож инсонларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга муносиб турмуш шароити яратишдек олийжаноб мақсадлар ётади. Андижон вилоятида эхтиёжманд оилалар, жисмоний имконияти чекланган фуқароларга Президент совғаси – янгиланган намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилган уй-жойларни топшириш ҳам ана шундай инсоний фазилатлар кадрли эканлигини кўрсатди.

Вилоятнинг барча туманларида янги намунавий лойиҳалар асосида мингта кўшимча арзон уй-жойлар қурилиши бошланди. Бу борада уй-жойга муҳтож фуқароларнинг талабларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мактабгача таълим муассасалари, спорт объектларида ҳам ўз ечимини қутаётган муҳим масалалар ижобий ҳал этилмоқда. Хонобод шахри, Пахтаобод ва Жалакудук туманларида аҳолининг мактабгача таълим муассасаларига бўлган реал талаби ўрганиб чиқилиб, мавжуд ўттиз еттига болалар боғчалари таъмирлашга киришилди, янги болалар боғчаларини қуриш бўйича манзилли рўйхат шакллантирилди.

Йўл, транспорт коммуникация тармоқларини қуриш, таъмирлаш соҳасига эътибор натижасида жорий йилнинг биринчи ярмида 291,3 км ички ҳўжалик йўллари таъмир-



ланиб, фойдаланишга топширилди. Хонобод шаҳридан ўтган “Душанбе – Бишкек – Термиз” автомобиль йўлининг 583-километрида Қорадарё устидан ўтувчи кўприк қурилиши давом этмоқда. Бунинг учун 7 млрд. сўм маблағ сарфланади. Вазирлар Маҳкамасининг “2017–2019 йилларда Хонобод шаҳрини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги қарорига асосан 432,6 млрд. сўм маблағ ажратилиб, Хонобод шаҳрининг адирлик қисмидаги 150 гектар ер майдонидан самарали фойдаланиш мақсадида вилоятдаги бошқа шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳамда йирик ташкилотлар томонидан дам олиш масканлари қуриш бўйича иш олиб борилмоқда. Ушбу ерларда интенсив томчилаб сугориш усулида ёнғок, pista, бодом, унаби, узум боғлари яратилмоқда. “Хонобод” санаторийси энг замонавий дам олиш масканига айлантирилиб, юртдошларимиз ихтиёрига топширилади. Андижон – Хонобод йўналиши бўйича электрлаштирилган поезд катнови йўлга қўйилиши бўйича ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Вилоятда ичимлик суви ва оқова тармоқлари, электр ҳамда газ таъминоти тизимларини яхшилаш бўйича ҳам тегишли ишлар бажарилмоқда. Жорий йилда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури доирасида 2557 та лойиҳа амалга оширилиши белгиланган.

Хўжаобод туманидаги “Навигул” кўшма корхонасида йилга 50 минг тонна мевасабзавотни қайта ишлаш лойиҳаси амалга оширилиши натижасида 1 минг 200 нафардан ортик киши иш билан таъминланди. Ушбу логистика марказида 6 гектар майдонга замонавий технологиялар билан ишлайдиган иссиқхона, 255 гектар майдонда эса интенсив усулда янги мевали боғлар ташкил қилиниб, яна 589 гектар майдонда сабзавот экинларини экиш имконияти яратилди.

Булоқбоши туманида умумий қиймати 203,9 млн. АҚШ долларини ташкил этувчи йиллик қуввати 1,2 млн. тонна бўлган цемент заводини қуриш ишлари белгиланди, бу эса 700 дан ортик иш ўринлари яратилишида асосий омил бўлади.

Мулқдорлар томонидан энгил ва озик-овқат саноати, кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва хизмат кўрсатиш тармоқлари негизида тузилган лойиҳалар амалга оширилиши натижасида жами 19,1 млрд. сўм ҳамда 390 минг АҚШ доллари миқдоридан инвестиция киритилди. Бундай мисолларни яна келтириш мумкин.

Вилоятда ўрмон хўжалигини янада ривожлантириш мақсадида Ўрмон хўжалиги давлат кўмитаси тизимидаги Ўрмон хўжалиги илмий тадқиқот институтининг Андижон филиали ташкил этилди.

Вилоятдаги адир ерларидан унумли фойдаланиш, ноёб манзарали ва мевали, доривор ўсимликлар етиштирилишини ташкил этиш мақсадида вилоят ўрмон хўжалиги учун Асака, Марҳамат ва Қўрғонтепа туманларидан жами 4 минг 329 гектар ер майдони ажратиб берилди. Умуман, вилоятда кишлоқ хўжалигининг деярли барча йўналишларида ҳам янги лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Йил бошида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида”ги фармойиши қабул қилингани, давлатимиз раҳбарининг юртимиз ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузасида адабиёт, санъат, маданият соҳасидаги мавжуд муаммолар, уларни бартараф этиш чоралари ҳақидаги сўзлари адабиёт аҳлини руҳлантириб юборди. Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, буюк ўтмишимиз, буюк аجدодларимиз, бекиёс бойликларимиз бўлгани каби адабиётимиз, санъатимиз ҳам тобора раванг топиб бориши шубҳасиздир.

Биламизки, Андижонда адабий муҳитнинг шаклланиши узок ўтмишга бориб такалади. Улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис” аса-рида Андижон ижодий муҳитига доир аниқ маълумотлар берилган. Дунё маданияти

ривожига катта хисса қўшган шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам ана шу муҳит таъсирида етишиб чиккан. Шарқ мумтоз шеъриятининг ёркин сиймоларидан бири Нодира ҳам Андижон кизидир.

Чўлпоннинг замондошлари – Алиохун Оразий, Муҳаммадхон Махжурий, Мулла Хошим Ҳайратий, Зокиржон Ҳабибий, Абдувахоб Сайфий, Абдулахад Анисий, Имомиддин Улфатлар яратган адабий муҳит тобора ривожланиб, Комил Яшин, Тўхтасин Жалолов, Карим Аҳмадий, Султон Жўра, Омонуллохон Бокир, Восит Саъдулла, Хошимжон Раззоқов, Ҳайитбой Азимий, Саида Зуннунова каби бетакрор ижодкорларни етиштириб берди. Рустам Раҳмон, Олимжон Холдор, Холдоржон Куронбоев, Тўхташ Ашуров, Муқимжон Ниёзов, Заҳириддин Муҳитдинов, Турсуной Содиқова, Муҳаммад Юсуф, Исмоил Тўлак, Усмонжон Шукуров, Фозил Эмин, Убайдулла Содиқов, Қобил Мирзо, Одилжон Олимов, Муқаррама Муродова, Замира Эгамбердиева каби марҳум ижодкорларимизнинг адабиёт ривожига йўлидаги хизматларини ҳам алоҳида эътироф этиш лозим.


Бугунги кунда устозларимизнинг фидойилик билан адабиёт ривожига йўлида хизмат қилиб келаётганлари бизга ифтихор бағишлайди. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али, Ўзбекистон халқ шоири Тўлан Низом, адабиёт, санъат ва маданиятимизнинг ёркин вакиллари Зокиржон Машрабов, Сайфиддин Жалилов, Эътибор Охунова, Қамчибек Кенжа, Одил Абдурахмон, Фарид Усмон, Ҳанифа Солиқова, Хабибулло Турсунматов каби пойтахтда ва вилоятимизда яшаб, ижод қилаётган устозларимиз, шунингдек, Наби Жалолиддин, Хуршида, Замира Рўзиева, Омина Тожибоева, Мунаввара, Ҳумоюн, Улугбек Ҳамдам, Хабиб Сиддик, Иқромжон Аслий каби ижодкорларнинг адабиёт йўлидаги хизматлари эътиборлидир.

Муҳтарам Президентимиз ташаббуси билан 2017 йил вилоятимиз аҳли учун Бобур йили деб эълон қилинди. Йил бошидан буён ҳар бир ташкилот, муассаса, корхоналарда шоирнинг асарларини ўқиб-ўрганиш соатлари, бобурхонлик кечалари ўтказилмоқда. Шоир ҳаёти ва ижодини ёритувчи бурчакларга шоир бюстлари қўйилди. Маънавият хоналари, ахборот-ресурс марказлари, янги кутубхоналар Бобур Мирзонинг адабий-илмий мероси билан бойитилмоқда. Андижон шаҳрининг Боғишамол ҳудудидаги “Боғи Бобур” дам олиш масканида махсус лойиҳа асосида зиёратгоҳ ва истироҳат боғини қайтадан яратиш бўйича бунёдкорлик, ободончилик ишлари амалга оширилмоқда.

Бу йил Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф номидаги 150 ўринли ўзбек тили ва адабиётига ихтисослашган мактабга биринчи ўқувчилар қабул қилинди. Шоир номидаги хиёбонга унинг ҳайкалини ўрнатиш, шоир ҳаёти ва ижодини акс эттирувчи музей ташкил этиш ишлари ҳам ниҳоясига етказилмоқда.

Вилоятда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда Чўлпоннинг 120 йиллигини кенг нишонлаш борасида алоҳида чора-тадбирлар белгиланган. Жойларда чўлпонхонлик тадбирлари бўлиб ўтмоқда. Шоирнинг мухташам ҳайкали Андижон шаҳридаги Чўлпон номи билан аталувчи боғ ичкарасидан Чўлпон кўчасида янгидан барпо қилинган қўрқам хиёбонга кўчириб ўрнатилди. Ушбу кўча замонавий талаблар асосида таъмирланди, боғни ободонлаштириш, шоир уй-музейини бойитиш ишлари давом этмоқда.

Барча соҳалардаги ишларимиз замирида мамлакатимиз аҳолисининг жойлашуви жиҳатидан энг зич, ҳудуди жиҳатидан эса ихчам ҳисобланган Андижон аҳолисининг турмуш фавривонлигини ошириш, мамлакатимиз иқтисодиётини янада ривожлантириш ишига муносиб хисса қўшиш, келажагимиз бўлган ёш авлодга ҳаётда ўз ўрнини топишига қўмаклашиш, уларга обод ва озод юртни мерос қилиб қолдиришдек ниятларимиз ётади. Ёшларни Ватан, халқ ишига камарбаста бўладиган фарзандлар қилиб ўстиришда адабиётнинг ўрни бекиёс эканини теран англаган ҳолда уларни ҳалол меҳнатга ўргатиш, касб-ҳунарли ва илмли қилиш орқали биз юртимиз келажагини таъминлаймиз ва бу йўлда куч-имкониётимизни аямаймиз.



Тўлан НИЗОМ

## Юрт богида ниҳолдай ўсдим

### Табиат қўшиғи

Тоғлар кўкка керадир кучок,  
Куёшга интилар чўккилар.  
Ёш тўккан булутлар шум, кочкок,  
Бўронлар кувалаб йўқ қилар.

Дарёлар хайкирар, ховлиқар,  
Биларму қайларга борарин?  
Денгизлар тўлғанар, ер сикар,  
Тўлкинлар бузади қарорин.

Тошлар котиб колар шу асно,  
Харсанглар кулайди чилпарчин.  
Юлдузга лим тўлса кенг само,  
Титраб ғазал ўқир Ойбарчин.

Тун сокин, тун ўйчан, хаёлкаш,  
Дафтарга тушади мисралар.  
Илҳом йиғи бошлар бир – яккаш,  
Майса кулоғида сирғалар.

Тонг ёриб, кулади зар куёш,  
Капалак қанотин ёзади.  
Ғунча деб, қушлар ҳам бебардош  
Суратин самога чизади.

Бугдойзор шовуллаб солланур,  
Хирмонга тўлади зумрад дон.  
Ўн тошли тегирмон айланур,  
Дастурхон устида ширмой нон.

Тўлан НИЗОМ – Ўзбекистон халқ шоири. 1938 йилда туғилган. Андижон давлат педагогика институтини (ҳозирги АДУ) битирган. Шоирнинг “Сенинг эртақларинг”, “Ифтихор”, “Муқаддас руҳ” ҳамда “Баҳорий майсалар”, “Авжи ёз”, “Заррин япроқлар” номли китоблари нашр этилган.



Ёмғир куйилади беаёв,  
Қорлар эриб битар бечидам.  
Бахор кулиб ўйнар бежилов,  
Ёз ўтиб, куз келур дам-бадам.

Хар дарахт, хар майса, хар бир ўт  
Айтадир шукрона бир оят.  
Оламда нима бор тўкис, бут,  
Шу эрур сўнгги йўк, хикоят...

## **Элбек туғилган қишлоқ**

Кўм-кўк осмон остида,  
Кўм-кўк тоғлар устида,  
Ям-яшил дарахтлар-ла,  
Ям-яшил тош тахтлар-ла  
Ястаниб ётган тупроқ –  
Элбек туғилган қишлоқ.

Тунда ойи сузилган,  
Нур ипаги узилган,  
Кўнгил тинчи бузилган,  
Армон қилган, чўзилган,  
Кучли момақалдирок –  
Элбек туғилган қишлоқ.

Эгалари ким экан,  
Ёнғоқларни ким эккан?  
Шамолга солган жуган –  
Бўронларга жон тиккан,  
Пешонаси ярқирок –  
Элбек туғилган қишлоқ.

Бунда Чўлпон изи бор,  
Усмон Носир сўзи бор,  
Илхомнинг ғиз-ғизи бор,  
Мен тотиган тузи бор,  
Майсалари хилпирок –  
Элбек туғилган қишлоқ.

Тарқаганди шум “миш-миш”,  
Битикларини, эмиш,  
Тоғларга яширганмиш,  
Юксакка оширганмиш...  
Уни сўйлар беадок –  
Элбек туғилган қишлоқ.

## Деразамда чуғурлаган қуш

Тушунмадим сўзингга сахар,  
Кўп сайрадинг тинмай сарбасар,  
Тилинг мунча шакардан-шакар,  
Айт, нимадан келтирдинг хабар,  
Кўрган эдим бир ғаройиб туш,  
Деразамда чуғурлаган қуш?

...Тирик эмиш севгилим, боғда,  
Оқ гулларни кучиб кучоқда –  
Унга томон юрдим, шу чоғда  
Ғойиб бўлди мендан узоқда...  
Эр бошимдан учди аклу хуш,  
Деразамда чуғурлаган қуш.

Бу дунёда айрилиқ ёмон,  
Торлик килур ер билан осмон.  
Ўғирласа севгисин ҳижрон,  
Қандай чидар йигит деган жон...  
Жисми қолса куп-куруқ, бўм-бўш,  
Деразамда чуғурлаган қуш.

Йиллар кечди сочга ташлаб оқ,  
Лек сўнмади ёрга иштиёк.  
Вафо бўлди бир қайнар булок,  
Қатрасида армон ва фироқ...  
Сўнг туғилди дostonлар кўш-қўш,  
Деразамда чуғурлаган қуш.

Сен нимадан бердинг нишона,  
Ташрифингга нима баҳона?  
Тўхта, сенга бўлай парвона,  
Мана, сенга ушбу кошона...  
Қанотларинг тилломи, кумуш,  
Деразамда чуғурлаган қуш?

Илтимосим, яна сайраб бер,  
Созингни чал яйраб-яйраб бер,  
Фолингни оч, эртам караб бер,  
Ҳеч бўлмасин шоир фаромуш,  
Деразамда чуғурлаган қуш.

### Тонг

Шамол гулни уйғотди,  
Гул кўнгилни уйғотди.  
Кўнгил ёрни уйғотди,  
Ёр булбулни уйғотди,  
Булбул йиғлаб сўз қотди:  
“Бўлди, энди тонг отди,  
Ой куёшни уйғотди”.

## Эртага

Вақтинг кетди дея, ўқситма харгиз,  
 Қайноқ юрагимда тошар ўтли хис.  
 Удир отилмаган сирли бир вулкон,  
 Сен уни билмайсан, билмайсан, эсиз.  
 Уларнинг ҳеч бири кетмайди беиз,  
 Албатта, эртага бўлар намоён.

## Боғ кезаман олам кезгандай

Дўстим эккан хил-хил кўчатлар  
 Шундоқкина адир бағрида.  
 Кўз олади яшил кўкатлар,  
 Кўл ястанган боғнинг фарбида.

Тўхтаб колдим учратиб, алхол,  
 Бир туп олма зехнимни ортиб.  
 Одам бўйи келар у ниҳол,  
 Турар ғужум ҳосилин ортиб.

Шоҳчалари ерга эгилиб,  
 Мевасини қиларди эҳсон.  
 Ер каддини отадай билиб,  
 Сахий эди оналарсимон.

Қирмизланар, товланар, ёнар,  
 Олмаларда куёшнинг нури.  
 Мева бериб дарахт қувонар,  
 Шундай ўтса инсоннинг умри.

Дейман, бунда бўрон бўлмасин,  
 Жала қуйиб, турмасин довул.  
 Бу оламда боғбон ўлмасин,  
 Мангуликка ҳакам бўлсин ул.

Йўқ, қўнмасин баргларига чанг,  
 Илдизлари бўлсин мустаҳкам.  
 Мевалари ҳаминша таранг  
 Ва эгаси ҳеч кўрмасин ғам.

Боғ кезайин дунё кезгандай,  
 Юрт боғида ниҳолдай ўсдим.  
 Билганидай, мени сезгандай,  
 Ёнгинамда одимлар дўстим.



Қамчибек КЕНЖА

## ЖУМА ЁМФИРИ

Ҳикоя



У жазм қилган ишига икки кундан бери тайёргарлик кўрарди. Аввалги куни ҳовлини айланиб, бежо ётган ўтин-чўп ва бошқа майда-чуйдаларни йиғиштириб саранжомлади, кучи етмаганларни ўғлига буюрди. Келинга ҳовли анча ивирсиб кетибди, эртага супуриб-тозалаб қўйинг, деб тайинлади. Кеча тунда ҳамма ухлагани ўз уйларига чикиб кетгач, катта сандиқни очди, ўлимлигига йиғиб юрган нарсаматоларни кўздан кечирди. Ҳаммаси жойида, бешта юз долларлик пул ҳам қўйган ўрнида – ок сурп қатида турибди. Чўнтагида бор сўмларни ҳам олиб қўшиб қўйди. Чамаси, етарли, етмаса, бир гап бўлар...

Анчадан бери жума кунини мўлжаллаб юрарди.

Кеча эрталаб саргарошда соч-соқолини олдирди. Кейин шаҳарга кетди. Бозорга эмас. Сарой деган мавзедаги болалигидан маълум ва маъкул ҳаммомга тушиб, покланди. Ўша ерда ички кийимларини алмаштирди, оҳорли яктак кийди. Уйда пайшанба деб палов дамлашган экан, емади, енгилроқ, ҳам ични тозалайди, деб, келнига бир сиким гуручга ширингуруч пиширтди, аммо барибир таъби тортмади, уч-тўрт қошиқ тановул қилган бўлди. Кичкина-шўқатоғи ўғил неварасини суетгина суюб-эркалади. Ўғлига нималарнидир уктириб-пишиктириб қўйиш фикри йўқ эмас эди. “Ўлим ҳақ. Қазоим етиб қолса... ҳар пайшанба эҳсон қилиш, кўп одам йиғиш шартмас, қурбинга қараб, ҳар замонда беш-тўрт одамга икки-уч товоқ ош бериб, дуойи фотиҳа қилдириб қўйсанг, бас”, демоқчи эди. Аксига олиб, шу куни ҳам бўкиб ичган шекилли, уйига кириб, гумдон бўлиб кетди. Ўзи уни “Ичиб келган кунинг кўзимга кўринма”, деб огоҳлантирган эди. Ҳа, майли, барибир ўргатадиганлар кўп. Имом-домлага ўхшаган, “Ота-буванг қилганини қиласанда”, дейдиганлар бор. Лекин лаҳадга қўйишни маҳалладаги энг тўғри, ҳалол одам, ўлим-ийтимларда доим камарбаста бўлиб турадиган Шаҳобиддинга, омади гап; деб айтиб қўйган. Шуни эслаб, таскин топди.

Хуфтон намозларини шошилмай ўқигач, жойнамоз устида ўтирганича ўтган умрини ҳисоб-китоб қилиб чиқди, қариндош-уруғлар, ёру биродарларини, оласа-бerrasа қилиниб юрган олиб-сотар ҳамкорларини бир-бир кўз олдига келтирди. Бирон

Қамчибек КЕНЖА – Ўзбекистонда хизмат қўрсатган маданият ходими. 1946 йилда туғилган. Тошкент давлат университетини (ҳозирги ЎзМУ) тамомлаган. “Яшил барг”, “Ишиқинг тушса”, “Орзумандлар”, “Нотаниш гул”, “Тог йўлида бир оқшом” каби китоблари чоп этилган. “Палаҳмон” романи муаллифи.

кимсада йирикрок ҳақи ё қарзи борлигини эслолмади. У асли қарз деган нарсани ёмон кўрарди, ўғлига ҳам бировда ҳақинг қолса-қолсин, қарзинг қолмасин, деб тайинлагани-тайинлаган эди.

Ярим тунда туриб олди, бомдоддан кейин “Ихлос” сурагини минг марта такрорлади, калима келтириб яна анча ўтирди. “Ҳазрати Ёсин”га сабри етмади. Тонг оқариб қолаётганга ўхшади. Ҳавонинг авзойи бузилганини кўриб, бир зум иккиланди, кейинги жумага қолдирсаммикин, деди, яна фикридан қайтди. Ёмғир – оби раҳмат, айниқса, жума кунгиси...

Ўз хужрасидан сассизгина чиқиб, енгил шиппак кийди. Айвон четидаги устунлар орасига тортилган сим дордан ўғлининг бир пой қора пайпоғи ерга тушиб кетган экан, қоқиб-силкиб, жуфтининг ёнига илди. Дорда опшоқ майка ҳам ёйиғлик эди, олиб юзига бирпас босиб турди-да, уни ҳам ғижимланган бўйи жойига қайтариб ташлаб қўйди. Кейин ўғли ва келини ётадиган хона томонга кўз югуртирди, чироғи ўчклигидан хотиржам тортгач, зинадан охишта пастга тушиб, томорқа сари юрди.

Ёмғир битта-иккита томчиларди...

Томорқага ўтиладиган, азбаройи эскилигидан ранглари ўчиб, қуриб-қакшаб кетган, кийшайиб, таг томони ерни сирпайдиган бўлиб қолган пастак эшик ғийтил-ламаслиги учун уни ёғоч тутқичидан тепага охишта кўтариб очди-да, ичкарига оёқ қўйди ва икки қўллаб, қандай очган бўлса, шундай, аммо мумкин қадар зичлаб ёпиб, йилтиллаб турган занжирни миҳ илгакка солди. Хаёлидан бу илгак, занжирни нимага қўйишувдийкин, деган фикр кечди ва болалик пайтларида томорқанинг қўрғон эмаслиги, яъни тўрт томони девор билан ўралмагани ёдига тушди. Авваллари қишлоқ хонадонлари иккига бўлинар – ички, олди қисмида уй-жойлар, саҳнда эса узум ва бир-икки туп олма ё беҳи, қолган барча мевали-мевасиз дарахт, экин-тикин ҳовлининг иккинчи қисмида – иморатлар орқасида бўлар, шунинг учун ҳам у ёқ томорқа (яъни томнинг орқаси) дейиларди. Уйлар четида қўшни хўжалик чегарасигача давом этган ўқ деворнинг қулай ерига юқоридагидай дарча-эшик қурилар, хожатхона ҳам ана шу девор ортида, яъни кўздан панароқда бўларди.

Орқамда шарпа йўқмикин, дея, дароз қаддини энгаштириб эшик тирқишларига қулоғини бирпас тутиб турди ва олдинга, яъни томорқанинг этак тарафи томон қадам ташлади.

Сўқмоқ энсиз бўлиб, икки қирғоғини ажриқ босган, ажриқ орасида ўриб ташланган ғўзағар, талха ва бошқа ўсимликларнинг чўқарлари тиккайиб турар, шунинг учун аста, авайланиб юришга тўғри келарди. Сирасини айтганда, у шошаётгани ҳам йўқ.

У томорқа – боғ этагидаги анча илгари кўз остига олиб қўйган ва ўшандан бери у ерга бот-бот ўтиб, азмойиш олиб келаётган жой – ўзи каби қари субҳони ўрик дарахти остини кўзлаб борарди.

Бу режа унда бир йил аввал қатъийлашган, бундай савдоларга сабаб бўлган ходиса эса роппа-роса қирқ йил бурун рўй берган эди. Ҳозир етмиш бешга қиряпти, демак ўшанда айни қирчиллама ёшда – ўттиз бешда бўлиб, ҳозиргидай оғир-босиқ эмас, серғайрат, шиддаткор ва анча гердайдан эди.

Бултур қўшни қишлоқдаги бир эҳсонда қотиллик ҳақида гап кетди. Жуда кескин фикрлар айтилди.

– Одам ўлдириш исломда энг оғир жиноят – гуноҳи кабиралардан бири, – деди бирови.

– Ҳа, тўғри айтасиз, ҳар қандай осий банданинг гуноҳи кечирилиши мумкин, илло ширк келтирган билан бировни ноҳақ ўлдирганики афв этилмас экан, – қувватлади бошқаси.

– Қандай номаъқулликки, ўзига ўхшаган бир бандани жонидан айириб, унинг хотинини тул, болаларини етим қолдириб, беш-олти йил ўтириб чиқишади-да, яна ҳеч нарса кўрмагандай, маҳаллада бемалол бош кўтариб юраверишади. Пайғамбаримиз эрининг хунини талаб қилиб келган бир аёлни кўлига қилич тутқазиб, мана мен тайёрман хун тўлашга, деган экан. Ҳозир шунақа одам борми?.. Жазодан қутулиш учун жиннихонага ётволишданам тойишмайди.

Луқмалар унга жуда оғир ботди, жон-жонидан ўтиб кетди. Худди уни назарда тутишгандай... Сенга тегишли бу, эшитиб қўй, дейишгандай. Ростданам, билиб гапиришдими, билмайми, у англамади. Бир кўнгли, ха, атайин сенга теккизиб гапиришяпти, деса, бир кўнгли “У бўлиб ўтган ишларни булар эшитишмаган, энди, бир омади гапни айтишяпти-да. Ўзимизни қишлоқдагилар ҳам аллақачон эсдан чиқариб юборишган...” дея уни овуларди. “Лекин ўзингнинг ёдингдан кўтарилгани йўқ-ку, доим ич-этингни еб юрасан-ку”, дерди бошқа бир овоз кесатиб. Аслида бошқалар ҳам унутмаган экан...

Чорси шаклидаги, жаннатнинг бир парчасидек томорка ҳам иккига бўлинган бўлиб, дарчадан тўғри йўлак очилган, ўнг томон анорзор, чеккароқда икки-уч туپ анжир ҳам бор эди. Чапда эса анвойи мевалар: кўкон гилос, хурмо, олма, шафтоли, икки-уч нав ўрикнинг энг каттаси – энг этакдаги деворга ёпишиб ўсган, шохлари тарвақайлаган, танаси бақувват субҳони эди. Унинг ёнбошга кетган йўгон бир шохи ниятини амалга ошириш учун жуда қулай бўлиб қўринарди.

У айбдорлигини, жиноятининг қанчалар оғирлигини ўзи ҳам тан оларди. Умрига зомин бўлган ҳаммаҳалласининг ўғил-қизларини кўрса ўзини қаёққа уришни билмай қоларди. Кечалари уйкуси ўчиб, ташқарига айлангани чиқаркан, юлдузларга тўла сирли осмонга, қора тунни нурафшон айлаган тўлин ойга тикилиб, бир мўмин бандасини шундай мўъжизалардан махрум этгани учун Парвардигордан мағфират тилаб, илтижо қилар, пуштипаноҳсиз, бош эгасиз қолган бева-бечора она-ни, норисадаларни ўйлаб юраги эзиларди. Ўша – ўтган йилги, қўшни қишлоқдаги издиҳомда айтилган, унга қалтак бўлган, юрагига тигдай теккан дашномлардан кейин энди ёруғ дунёда яшаши қийинлигига ақли етган ва қарийб қирқ йилдан бери бот-бот дилига ғулу солиб турадиган васвасага бўйин эгиш мавриди келганлигига ишонч ҳосил қилган эди. Лекин хотини ўтиб кетгач, унга қарайдиган – кирини ювиб, овқатини пишириб, ётар кўрпасини тўшаб-йиғиб қўядиган неварга қизининг сепи тайёр эмас эди. Ўғли ўзига ўхшаб арақхўр чиқди. Тўғри, у ўғлининг ҳозирги ёшидан (қирқ бешга бориб қолди) анча илгари, аниқроғи, бошига ўша машғум қулфат тушганидан кейин, оғзига шайтоннинг сувидан бир қултум ҳам олмай қўйган, чекишни ҳам буткул ташлаган эди. Аммо арзандасини ҳеч йўлга сололмади. Унга қаттиқ тегишдан ўзини тияр, чунки одамқушлик балосидан сўнг Оллохнинг бирон бандасини “сен” демайман деб ўзига ўзи сўз берган эди.

Буни қарангки, унинг отаси ҳам ичувчи, яъни бу “қасб” уларга ота-бобо “мерос” эди. Падари бузруквори шаҳар бозорида қовун-тарвуз олиб сотарди. Унинг ёнида юриб савдо-сотикни, яъни дехқон билан савдолашишни, таллашиб-тортишишни, қисқаси, арзонга олиб қимматга пуллашни ўрганди, мева-чева бозорига ўрнашиб олди. Отасидан кейин ҳам шу “ҳунар”ни давом эттириб, шу йўл билан тирикчилик ўтказарди. Аммо жонини жаборонга бериб юбормасди. Фазилат билан иллат – ўт билан сув, иккиси бир вужудда мақом курса-да, ҳеч қовушмайди, аксинча, иккаласи икки томонга тортади – фазилат фазилатга етаклайди, иллат иллатга судрайди. Ишёқмаслик ичкилик билан топишди. Ичкилик уни қартабозларга ошно тутинтирди. Тўғри, улар қатта гардкамчи эмас, савдо юришмай қолган кезларда эр-



макка беш-ўн сўмдан тикиб ўйнашарди, холос. Аммо кўнгилсизликлар, фожиалар арзимаган нарсалардан бошланади. Қартабозлик ҳам ичкиликка, гиёҳвандликка ўхшаган гирдоб – ўртасига тушиб қолган кимсанинг омон чиқиши даргумон, аксинча, унинг бир фалокатга гирифтор бўлиши ҳаётда кўп исботланган.

У камокдан келганида йигирма олти ёшли ўғил кашандаликка, майхўрликка муккасидан кетиб бўлган эди. Фарзанди унинг тарбиясини олмади, халқ таъбири билан айтганда, ота тийиғини емади, қиблагоҳ ёлғизгина жигаргўшасини едириб-кийдирилмади, уйланишида ҳам асқатмади. Бу ташвишларнинг бари шўрпешона хотинининг зиммасига тушди: у ҳовлидаги меваларни (яхшиям ота-боболари экиб кетишган экан) тирноқлаб парваришлар, куш-паррандалардан кўриб, сотиб, рўзғор тебратарди. Ўғлини ака-укаларининг ёрдами билан уйлади. Аслида, тўйни отаси келганда ўтказишни мўлжаллашувди, келиннинг хаста онаси кўзим очиклигида кизимнинг тиниб-тинчиганини кўрай, деб қўймади. Хуллас, унинг тили ҳам қисик, ўғлига қаттиқ тегишга ҳадди сизмасди. Яхшилик билан кўп айтиб кўрди, ерга қараб, “хўп-хўп” дедию, ўзгармади. Элликка қияпти. У тенгилар ҳозир беш вақт намозни қанда қилишмайди.

Ўша воқеадан кейинок эр-хотин ўртасига совуқчилик тушиб, оилавий муносабатлар дарз кетган, хонадондан ҳаловат, тотувлик йўқолган эди, у камокдан қайтганда ҳам илиқлик тикланмади. Аёл жуда азобланиб яшарди: у ёкка қараса – жигарлари, бу ёкка қараса – эри ва болалари. Бечора икки ўтнинг орасида куйиб-ёниб адойи тамом бўлди. Одам нима учун яшайди – оила қуриш учун. Ҳаётнинг мазмуни – оила. Оила – энг аввало умр йўлдоши, танмахрам. У бўлмагандан кейин оила ҳам йўқдай гап экан.

Бошқага уйланиши кийин бўлди. Одам ўлдириб, салкам ўн беш йил ўтириб чиққан котил билан бир дастурхондан овқат еб, бир ёстикка бош қўйишни тасаввур қила оладиган кам. Ниҳоят биттаси таваккал деб, розилик берган эди, кечалари босинқираб, чўчиб уйғонавергач, “Мениям бўғиб-нетиб қўйса-чи?” деган хавотирга тушиб, кетиб қолди. Азбаройи, тирикчилик учун бозорга чиқадиган мўмин-мусулмон бир аёл билан ҳамдард, ҳамҳасрат бўлиб, унга умид боғлаб, жувон ҳам мойиллик билдириб турувди, кимдир қулоғига шипшитиб қўйганми, бирдан ўзини тортиб қолди. Шундан кейин тақдирга тан беришдан ўзга чораси йўқлигини англади. Шундан буён сўккабош ичонгир ўғли, келини, уларнинг фарзандлари – икки қизи ва бир ўғли билан умргузаронлик қилишади. Унга қарашга эса неварра-қизларининг каттаси тайинланган. Аёлининг эзилиб, касалланиб ёруғ дунёни барвақт тарк этишига (марҳум унинг суюкли, ёлғиз тоғаси эди), ўғлининг хулқи ўзгармаётганига (балки у отасининг жиноятдан, камалишидан орият қилиб, алаmidан ичар, балки кимлардир “котилнинг боласисан-да” дея юрагини эзишар...) ўзини айбдор деб биларди. Лекин барибир маҳалла-қўйдан хижолат чекарди. Ҳожи одамнинг фарзанди-я...

Қабатуллоҳни зиёрат қилиб, ҳаж амалларини ўтаганлар бутун гуноҳлари тўкилиб, онадан янги туғилгандай покланади, деган гап унга умид, илинж бағишларди. Кўп қийинчиликлар билан рўйхатга ёзилди. Судланганим учун бу кутлуғ ибодат ҳуқуқидан ҳам маҳрум этилганмикиман деб кўркувди. Олти йилда навбат келди. Шукр қилди. Оллоҳнинг уйдан ўзича енгил тортиб қайтган эди. Масжид имоми жума маърузаларидан бирида “қони ноҳақ тўкилган одамнинг хуни ювилмайди” дегандан кейин тарвузи қўлтигидан тушиб юрган эди (масжидга ҳам қатнамай қўювди), юқорида зикр этилган йиғиндаги муҳокама ва ҳукм дард устига чипқон бўлди.

“Ҳа, демак, бу дунёда яшашга чиндан ҳам ҳақинг йўқ экан” дегандай бўларди кимдир.

– Одам ўлдирган бир менми? Дунё қотилларга тўлиб ётибди-ку? Чингизхон, Гитлер, Сталин миллионлаб одамларни кириб ташлаган-ку?!

– У бошқа масала, улар мусулмон эмас эди.

– Фақат мусулмон одам ўлдирса гуноҳкор бўладими?

– Ҳамма гуноҳкор бўлади, айниқса, мусулмон...

Шунақа пайтда ўзини каерга кўйишни, бошини нимага уришни билмай қоларди. Устига-устак, марҳумнинг ўғли-қизлари йўл-чўлда рўпара келиб қолишганда ошқора терс қараб ўтишса, бағтар ичидан зил кетарди.

Ҳа, бу ёқда – очикда у нафратли қарашлар таъкибига дош бериш мушкуллигини, таъна-маломатлар найзаси қамоқ жазосидан-да ўтқир ва шафқатсизлигини, одамнинг қалбини вайрон, юрагини мажруҳ қилишини обдан тушунди. У ёмғирдан қочиб, дўлга тутилгандай ҳис этарди ўзини. Айниқса, марҳумнинг тунд башарали кичик ўғли унга “қаримга қайтадиган дунё бу, бир кунмас-бир кун сендан албатта отамнинг ўчини оламан” дегандай, қовоғини бағтар уюб, ўқрайиб тикилар, қасоскорнинг енги ичида тигли бир яроғ яшириндай туюларди. Аслида у турмадалигида ўлганнынг аламзада фарзандлари оиласига, хусусан ёлғиз арзандасига бир зиён-заҳмат етказиб қўйишларидан чўчирди. Бахтига у хавотирланган қор-қол юз бермади. Очикка чиккач, балки қариндошлик туйғуси йигитларни ёвуз ниятларидан қайтаргандир, эҳтимол ўзимдан қасд олишни чоғлаб юришгандир деган гумон пайдо бўлди. Уларнинг гезариб, хўмрайиб қарашдан нарига ўтмаслиги эса унга таскин бермас, аксинча, шубҳаларини кучайтирар, бу машъум воқеа ҳам қачондир содир бўлиши мумкин деган ҳадик ҳеч тарк этмасди уни. Қутилган, аммо қай тарздалиги номаълум кўнгилсиз ҳодисанинг чўзилиши, сурункали таҳлика одамнинг жисми ва юрагинигина эмас, балки руҳиятини ҳам пажмурда қилиб қўйиши ҳеч гап эмас.

Шаҳарданми, бошқа қишлоқданми уй сотиб олиб, кўчиб кетишни ҳам кўп мўлжаллади. Лекин шаҳардан жой олишга қурби етмас эди. Бошқа қишлоққа кўчиб борса, ёши бир жойга етган одам ёт маҳалла аҳли билан киришиб, сингишиб кетиши кийин, қолаверса, у ердагилар ҳам “Ким экан?” “Қаердан келибди?” “Нимага ўз юртини ташлаб чиқибди?” деб сўраб-суриштирмайди, дейсизми?

Гоҳо-гоҳо, ёвқарашлар, писандалар, таъналар жонидан ўтиб кетганда қабристонга борарди-да, марҳумнинг гўрига бош уриб йиғлар, ундан афв этишини сўраб ялиниб-ёлворар, руҳининг безовта бўлмаслигини, болаларига тасалли беришини ўтинарди. Жабрдийда қасосчилар сал шаштидан тушармикин, деб бирикки марта ўғлидан майда-чуйда ўтказиб юборди, лекин уни ҳайдаб солишибди. “Отамнинг қотили берган нарсани ейишдан ҳазар қиламиз, итмизга ҳам раво кўрмаймиз” дейишибди. Ўз қишлоғида ҳам тўй-ҳашам, маърака-маросимларга аралашидан безиллаб қолди. Телевизорда кино бошланиши билан ўрнидан туриб кетарди – одам ўлдириладиган сахна-ҳолатларни юраги асло кўтармасди. Кўчада бошқалар ҳам бир-бирини нуқиб уни кўрсатишаётгандай, “анави-да, фалончининг қотили” дейишаётгандай туюларди.

Назарида энди унга биргина йўл қолган, бу – дор остига элтадиган йўл эди.

Дарчадан субҳони ўрик тагигача бўлган сўкмоқ қалта, нари борса, икки-уч дақиқалик масофа эди, аммо баъзан ана шундай қисқа манзилга етиб бориш ҳам ўнғай бўлмаслигини шу кунги фаҳмлади.

У эсини танигандан бери Худодан жон қарздорлигини ёдлаб-ўйлаб, ҳис этиб юрар, бахтсиз ҳодисадан кейин эса бу ҳисобга бандасидан ҳам жон қарздорлиги қўшилган

эди. Бу икки зил юк унинг елкасидан тегирмон тошидай эзар, махбуслар гарданига солинадиган ғул сингари кисиб, эркин, бемалол қадам ташлашга, ҳатто нафас олишга ҳам монелик қиларди. Масжиддаги маърузадан, издиҳомдаги таъна, танбехдан сўнг, энди ўша қиёмат қарзларни узиш, мажбуриятни зиммадан соқит этиш муҳлати этиб келди шекилли, деган ўй шууридан кетмай кўйди. Дўшини олиб, бундок ўйлаб кўрса, жамиятга, эл-юртга ҳам на ўзи ва на ўгли тузукрок бир наф етказмабди. Лекин назарида набираси олдидаги бурч ҳаммасидан мухимрок, ҳаммасидан заруррок эди. Маъсума киз ўн-ўн бир ёшидан бошлаб, яъни етти-саккиз йилдан бери унга сидқидилдан хизмат қиларди. Унинг бўйи этиб, турмушга узатадиган палла яқинлашиб қолган, аммо сеп-сидирғаси, уларга қўшиб берадиган ҳеч ваколари йўқ, ичувчи, иши юришмаган ўглининг сабзифурушлик қилиб топгани бўлажак келиннинг ҳозирда урф бўлган мебели (девор шкафи), кийим-кечаги тугул, кўрпа-тўшаги, пардасига етиши ҳам дарғумон. Шунинг учун етмишдан ошган одам яна белни маҳкам боғлаб, бозорга чиқиб кетган эди. Ҳар қалай, бу соҳадаги укуви, кўп йиллик тажрибасига ишонса бўларди. Бозорни ку умуман ташлагани йўқ эдику-я, аммо шу пайтгача эрмак учун, вақт ўтказиш учун йингилларда камрок қатнашиш, маҳалла-қўйдагилар, хусусан марҳумнинг яқинлари назаридан узоқрок бўлиш учун шаҳарга бориб, савдо қилса қилиб, йўкса чойхонада ўзига ўхшаган бекорчилар билан валақлашиб, кунни кечқиртириб қайтиб келарди. Энди астойдил киришмаса бўлмаслигини англаган, невар-кизни бечора, ўксик ҳолда ташлаб бу дунёни тарк этиш яна бир номардлик, яна бир ноҳақлик бўлади, деган фикрга келган эди. Аксига олиб, бирон ташкилот ё хўжалиқда тузук-қуруқ ишламагани учун нафақаси энг кам иш ҳақи миқдориди эди. Энди уйдан сахар чиқиб кетиб, тонг қоронғисиди бозорнинг қатга, асосий дарвозаси олдида кишлоқлардан ёнғоқ мағизи, мева-чева ё бошқа маҳсулотларини олиб келадиган дехкон, боғбонларни кутиб туришадиган ва енгил машиналар яқинлашиши билан уларга аридай ёпирилиб, молни эгасидан арзон-гаровга, қарийб юлқиб олишадиган хақиқий олиб-сотарлар – бозорнинг дарвозасини очиб, кечаси беркитиб кетадиганлар (ёш йигитлар, ўрта ёш аёллар, қатта эркаклар) қаторига бир амаллаб (ҳаммани ҳам сиғдиришавермайди) қўшилиб олди. Бу унинг ёшига, оппоқ соқолига, сохт-сумбатига муносиб юмуш эмаслигини яхши туярди. Лекин бошқа қандай чора бор? Бошқа нима ҳам иш қиларди?.. Нима бўлса ҳам чидайди-да. Осон овқат борми? Ҳеч йўқ, мебелига етгулик маблағ тўшлаб берса, қолганини отаси қарз-ҳавола кўтариб бўлса ҳам амаллар...

У хаёлан ўзи билан ўзи музокара қилиб, иккиланиб-иккиланиб, орқасига қараб-қараб, секин-секин қадам босар, ички нимчаси остидан белига ўраб боғлаб олган қанопдан тўқилган арқонни ушлаб-сийпалаб қўяр ва яна ўзини, хаёлларини тафтиш қилишга тушарди.

Хўп, мен-ку бир банданинг ҳаётига билмасдан, тасодифан зомин бўлибман, аслида, Худо шохид, бунақа ниятим йўқ эди, йиқилиб жони узилди, фақат йиқилишига менинг шапалоғим сабаб бўлган, дейлик. Анови “дохий”лар-чи, миллион-миллион одамларни билиб, атайин, қасддан кириб ташлаган-ку?! Қанчаларини тирик-лайин кўмиб ё ёқиб юборишган. Улар орасида юз минглаб бегуноҳ норасидалар, аёллар, кекса-нотавонлар бор эди. Яна қанча-қанча инсонлар ўша подшоаларнинг нобоп-нокобиллиги, нодонлиги туфайли очликдан, қаҳатчиликдан ўлиб кетишди. Шунча одамнинг ёстигини қуритганлар ҳеч қанақа жазога тортилишмади-ку?! Тўғри, уларам ниятларига етишмади – осмонга устун бўлишмади. Уларниям икки қўли бошида кетди, бегуноҳ одамларни кириб-қакшатиб йиққан бойлиги, мол-дунёси, “донғи” ҳеч нарсага асқатмади, лекин қилмишларига яраша азоб-уқубат ҳам тортишмади...

Сўқмоқда ҳам қадамини тезлатишга ҳалал берадиган нарсалар кўп эди. Кеча кечки пайтги қаттиқ шамолда ёнғок, ўрикдан синиб, узилиб тушган, ўша тўзонда ёпирилиб тўкилган хўл-қуруқ япроқлар кўрпаси орасида ярми кўриниб, ярми кўринмай айқаш-уйқаш бўлиб ётган чакалаксимон шох-шаббалар оёқларига ботар, уларни четга олиб ташлаш учун ҳадеганда тўхтаб, эгилишга тўғри келарди. Бошқа маҳал бўлганда бу ўтин-чўпларни бир жойга йиғиб қўйиш лозим эди, келини тутантирикка ишлатарди. Илло, ҳозир шошиб турар, ўғли ё келинининг гисираган товушни эшитиб, эшик тиркишидан ё девор оша мўралаб қолишидан хавотирда эди. Ҳолбуки, майда ва сийрак ёмғир зарраларининг баргу хазонларга урилиб заиф шитирлашидан ўзга бир сас йўқ, атроф тонг олдидан бўладиган зариф бир сокинликка чулганган эди. Лекин бу, ёмғир ҳидини инобатга олмаганда, кўнгилга хуш ёкадиган осойишталик эмас эди.

Бирдан оёқлари чалишиб кетаётганини сезиб, ўзини тетикликка солди ва елкаси оша орқасига бир хуркак назар ташлаб қўйгач, сўқмоқни эҳтиёткорлик билан тоза-лаб, юришда давом этди.

Рутубатли куз кунлари эди. Ёмғирли изғирин найзалари юпка барра чопонни тешиб ўтиб, баданга тикандай санчилар ва сескантирарди. Шунга қарамай, боғдаги мевасидан енгиллаб, шохлари тиккайган ўрик, шафтоли, анор дарахтларининг ҳали ивиб улгурмаган, кечаги шамолда омон қолган, пушти, зардоли, олтин рангларга дўнаётган япроқлари янада тозариб, янада тиниқлашиб, товланиб, кўзни оладиган даражада чиройли кўринар, фақат кечагина оламини яшил либосга бурқаб дилларни яшнатиб турган, бандидан барвақт узилиб, хазон номини олган баргларнинг, сарғайиб, учлари ерга бош қўя бошлаган турфа хил кўкатларнинг оёқ остида зорлангандай, қисирлаб синиши нохуш, аянчли эшитиларди. У ёқдан бу ёққа ёпирилиб учаётган тўсдай қора қарғаларнинг ҳали киш келишига анча вақт бўлишига қарамай қағиллашида, яъни, одамларнинг айтишича, “кор, ёғ, кор, ёғ” дея ўтинишларида илинж, умидворлик бордай туюларди. Бечоралар кор ёғиб, гўнглар кўмилса, айнан ўзларига кийин бўлишини идрок қилмайдилар-да. Бу уларнинг нодонлигидан бўлса керак. Ҳар қандай жонзот фақат ўз зиммасига юкланган, табиати, феълига хос вазифани адо этади-ку. Балки бунда ҳам бир сир, ҳикмат бордир. Эҳтимол, балки ана шу нодонлиги туфайли қарғалар узок умр кўришар... Ерни қор босса, жамики қуш-паррандалар инига уриб кетиб, ҳамма егулик уларга қолар...

Шунча беҳисоб жониворлар ҳам умри билан, ризки билан яратилган-а. Яна, қарғаларнинг турдошу нотурдошларидан ҳаддан зиёд узок – тахминларга кўра, уч юз йил яшаши-чи... Зерикиб, тўйиб кетмасмикин ҳаётдан? Худо берган умрни яшайди-да. Демак, зерикишга, ҳаётдан тўйишга ҳақлари йўқлигини ҳис этишади. Қолаверса, қушлар ва бошқа жондорлар бир-бирини ўлдиринмайди, чунки уларда ақл йўқ, бўлса ҳам, кам, аммо фаҳм бор. Демак, бир-бирининг қонини тўкиш – ақлли зотларга хос бу феъл, бу қисмат фақат бандаларга ато этилган...

Хуллас, бир неча дақиқада етиб бориладиган сўқмоқ шу тарика бугун жуда чўзилди. Яна, йўлнинг ярмида олдидан кесиб ўтаётган чипор илонга кўзи тушиб бўр сесканди. Газанда ҳам тўхтаб, баҳайбат жониворга ажаблангандай қаради ва сира писанд этмай, кенг оғзидан пилиқдай чўзилиб чиқаётган ингичка, айри тилини ўйнатиб бир зум тургач, вишиллаганча, зипиллаб хазонлар орасига сингиб кетди. Бадбахт сахарлаб қаердан келяптийкин? Бунча тажанг бу? Ёмғир кучаяди шекилли... Лаънатининг дум-пумини босиб олмай деб оёғини чекароққа ташлаган эди, қандайдир тўнғакка қоқилиб, мункиб кетаёзди. Гижинди. “Илон – хосиятсиз махлук” деб янди ичида. Бу ҳам етмагандай, яқин атрофда бойўғли чўзиб

“кув-кув”лади. Бу садо унга киноядай эшитилди (Балки бу уккининг шу тундаги сўнги кичкириғидир). Шу кеча у тонггача деярли мижжа қоқмаган эди. “Ўлимга шошмасанг ҳам бўларди, – кўнглидан ўтарди унинг. – Ўзи, барибир тўрингдан гўрийг яқинлиги аён, яшайдиганингни яшаб кўйдинг, яна қанчаём умр кўрардинг, ошиқмасанг ҳам, жонингни олгани ҳадемай келиб қолишарди...” Барибир осмонга устун бўлмаслиги аниқ. Эртагами, бир йилдан кейинми, қачондир ёруғ дунё билан видолашадиган кун келади-ку. Аслида мелиса кўлига кишан уриб олиб чиқиб кетган пайтданок ҳаётидан файз, мазмун йўқолган: темир идишда дарчадан узатиб берганларини (фақат одамнинг совуғини ошириб, жигилдонини қайнатадиган, кекиртирадиган овқатларни) еб-ичиш (худди ҳайвонот боғидаги ё бошқа қафасдаги ҳайвонларга ўхшаб, лекин у жониворларнинг ҳар бирига таъбига қараб, махсус егулик тайёрлаб берадилар. Уларнинг ҳар бирини ҳафсала билан, меҳр билан парварийлайдилар, чунки улар жамиятга, одамларга зарур; маҳбусларга эса – ҳаммасига бир хил емиш – хоҳласанг ҳам, хоҳламасанг ҳам шу...) билан нафси балосининг эҳтиёжини қондириб, буюрилган, зиммасига юкланган ишларни ўлганнинг кунидан, кўлининг учиди бажариб, кунларини муайян тартиб-интизом асосида ва зуғум остида ўтказишдан иборат умрнинг қандай мазмунию киммати бўлиши мумкин?

Салкам ўн беш йил шундай кун кечирди. Ҳа, кун кечирди, яшагани йўқ. Қамокда одамнинг дили доим ғуссаю, андухга тўлиб тураверади, ичи ҳеч илимайди, юраги хаприкмайди, кулги, табассуми зўраки ва қисқа бўлади, шеригига, суҳбатдошига завқ бермайди, юкмайди. Тонг отгириш эса турган-битгани азоб: афсуслар, пуншаймонлар, надоматлар киприк қоктирмайди – тепангда девайлаб туриб олади, бигиз ўқталади, холи-жонингга қўймайди. Биргина мароқли, умидбахш машғулот, эрмак – кун санаш, ой санаш. Маҳбуслар бу мусибат маконини ҳафтанинг қайси кунни тарк этишларигача ҳисоблаб чиқишарди. Яна, туйнукдан юлдузли осмонга (ҳаво очик кечалари) тикилиб, ўзни чалғитиш... эди. Хайрият, ғурбат кўрғонидан, зулмат, изтироблар, тахкирлар, тахдидлар исқанжасидан халос бўлиб, тунд башаралар, ўкрайган кўзлардан кутулдим, десанг, бу ёқда... Шу алпозда яшаб нима хузур-халоват кўряпти? Узун кечаларни қисқартиришга шерик бўладиган ҳамдард, ҳамтун хотин ҳам йўқ. Биттагина ўғилнинг ахволи бу – ора кунда кўзларига қон тўлгандай, қизариб-бўзариб келиб, асабини бузади. Эрталабдан кунни кечкиртиришининг ғами, ташвиши босади. Издихомларда кулишиб, яйраб ўтиролмасанг, тўртта одамга дадил қўшилломай, ҳамсуҳбатларинг юзига тик қаролмай, бир нима деб қолармикин деб, хавфсираб, ҳадиксираб турсанг... Шу ҳаётми? Бировдан тилинг қисилмай, юзинг шувит бўлмай, қаддингни ғоз тутиб яшасанг тузук. Акс ҳолда... Бозор ҳам жонга тегди. Қариган чоғингда боланг, неваранг тенги, пулнинг, фойданинг олдида отасидан ҳам кечиб юборадиган сурбетлар билан мол таллашиб, дахшанда бозор аёлларига масҳара бўлиб юриш одамнинг ҳамиятига тегар экан. Бунинг устига, юраги ҳам қачондан бери қисади, сал илдамроқ қадам ташласа, сал оғирроқ юк кўтарса, сал кескинроқ ҳаракат қилса, хансирайдиган, ҳарсиллайдиган бўлиб қолган. Оламда ҳақи тугаб бораётганидан белги эмасми булар?... Йўқ, бир кун, бир соат, бир дақиқа бўлса ҳам унга белгиланган муҳлатдан илгарироқ, ўз ихтиёри билан омонатни эгасига топшириши керак. У дунёга елкасида шундай оғир юк билан қандай боради? Яратган Эгам “Мен бандамга қарзга берган жонни нега олдинг? Қилгиликни қилиб қўйиб, юравердингми?” деса нима деб жавоб беради? “Лекин жаноза-чи, жаноза нима бўлади?” Жанозани барибир ўқишади. Шайтон васвасага солган дейишади. Бунақа ишлар ундан аввал ҳам бўлган. Балки чиндан ўша иблис уни авраётгандир. Ё, эҳтимол, ёзуғи ўзи шундайдир. Балки шу ишдан

кейин ўгли ҳам хушёр тортиб, бемаза одатларига чек қўяр, унда отага нисбатан ачиниш ва шафқат туйғуси уйғониб қолар. Ич-этини ейишдан, тавки лаънат аламларидан, юзи коралиқдан халос бўлса, балки ўзининг ҳам руҳи енгил тортар... Ё, енгилламасмикин? Янада кўпроқ жабру жафолар тортиши керакмидийкин? Аммо қачонгача давом этади бу?... Ҳа-да, ахир у ҳам атай қилгани йўқ эди, бировни ўлдиришни хаёлигаям келтирмаганди. Инсон боласининг жон таслим этиши шу қадар осон бўлишини кўриб ўзиям ҳушидан айрилаёзган эди ўшанда. Бор-йўғи гап талашиб қолишган эди. “Ғирромлик қилдинг!” “Сен ғирромлик қилдинг!..” – Қартабозлар учун одатий ибаралар. Қарта ўйинининг моҳияти ўзи ғирромликдан иборат-ку. Айвондаги чорпоёда ўтиришган эди. Тиккалашиб кетишди. Иккови ҳам анча қизиб олишганди. Ерга тушишди. Жўралар, ҳар доимгидай, ошхўрлик қилиб ўтиришувди. Бошқалар “хай-хай”лашди, лекин жиддий эътибор беришмади. Бирпаслик даҳанаки жанг деб ўйлашди. Ҳақиқатан ҳам “жанг” узоқ давом этмади. Айвон пойдевори баланд, сахн эса анча паст эди. У муштга жавобан шапалоқ тортиди – шапалоғи кенгрок, дағалрок эди – ўсмирлигида, ёшлигида анча-мунча муштлашиб турарди – рақибининг айвондан пастга чалканчасига қулаётганини кўриб турди, гурсиллаб тушганини эшитди. Ҳозир ўрнидан туриб кетади, деб хаёллади. Бирок у негадир ўрнидан туравермади, питирчиламас, кимирламас ҳам эди. Ирғиб тушди. Рақиб эшитилар-эшитилмас хирллаб нафас олаётган эди. Енгил машина топиш кийин бўлди. Қишлоқларда автоулов кам эди у пайтларда. Туманга етказиб боришолмади, ярим йўлда узилиб қолди. Кейин суд-тиббийёт таҳлилида аён бўлди – бетон зинанинг қиррасига текканида бўйнидаги аллақандай томир узилиб кетган экан. Бунга ачинмабдими, афеусланмабдими? Шапалоқ тортиганига пушаймон бўлмабдими? Қарта, қимор деган балоларни ўйлаб топганларнинг аждоду жаддодлари шаънига “ёғли” ҳақоратлар ёғдирмабдими? Ичкиликка ружу қуйгани учун ўзини ўзи лаънатламабдими?... Ўн тўрт йилу, етти ой афеусланди, андух чекди. Шунча умри турманинг нимкоронги, зах хоналарида ҳайф кетди-ку. Бу жазолар камми? Аслида қискарроқ муддатга ҳукм қилдиришнинг йўли, чораси ҳам бор экан, қамоқда айтишди: эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган жиноят деб, ҳатто “Ўзини ҳимоя қилган” деган модда қўйиш ҳам мумкин экан. Рақиб аввал қўл кўтарувди, бунга гувоҳлар ҳам бор эди. Лекин бу нарсалар унинг хаёлигаям келмаган ўшанда. Адвокат ёллашни ҳам билмабди. “Ҳа, шунақа бўлди, айбдорман”, деб бўйинини қисиб тураверган. Авахтадан қутулиб чиққач қанчалар суюнган эди! Аммо махаллада мархумнинг ўғлига, тўғрироғи, унинг нафрат тўла нигоҳларига кўзи тушган чоғдан бутунлай битмаган, фақат юзаси қотган яраларнинг очилиб кетганини, бу жароҳат азобларидан, маломатлардан қутулиш кийинлигини ҳам, чидашга, тишини тишига босиб сабр қилишга мажбурлигини ҳам англаган эди. Лекин чидашнинг ҳам охири борлигини, сабр қосаси ҳам бир куни тўлишини, шунда дунё ташвишларидан, адоғи йўқ изтироблардан безган ожиз бандага фақат бир чора – ҳамма нарсага этак силкиш имкони қолишини, ҳатто жоннинг ҳам ортиқчалик қила бошлашини ўйламаган экан... Аммо... У ҳозир шимининг почалари шудрингдан шилта бўлганини ҳам пайқамасди. Ўрик остига яқинлашаркан, тиззалари қалтираётганини сизди ва нигоҳлари билан кеча қўл-оёқлари тирноғини олиш баҳонасида қолдириб чиққан қўлбола курсичани қидира бошлади. Курсича негадир кўринмасди. Белидаги арғамчини ечишга тутинган бармоқлари титрар, юраги эса бесаранжом гупилларди.

Ёмғир тезлаб борар, у жуда майин, ёқимли ва... хузурбахш эди.

## Ишқ тўла қалбларда оҳ бўлиб қолай



Абдунаби БОЙҚЎЗИЕВ

### Куй фасли

Куз –  
Сенинг хаёлинг, менинг уволим,  
Новдада ёнар барг – изтиробларим.  
Хазонрез боғларда бўзлаётган ким,  
Шу менми, ўйчанам – умрихиёлим?

Япроқлар азоби бунчалар сарин,  
Бунчалар заъфарон борлик бўйлари?  
Шу сенми, баҳорим – кирмиз настарин,  
Саргайиб кезорим, боғда ўйларим?

Ўйларим, қарибсиз, гулнинг ишқидай,  
Биз берган азоблар кипти ишини.  
Мен – висол ҳажрида йиғлаб юрган най,  
Бир дарвеш излаган эсу хушини.

Чалғил, эй муғанний, чалғил беармон,  
Маий мунг охимни сипқарсин ул ой.  
Мен – энди ноламан, мен – энди афғон,  
Ишқ тўла қалбларда оҳ бўлиб қолай.

Кезай, оҳангларда бир дарвеш мисол,  
Яшай юракларга булбулдай кўниб.  
Бир куни қалбингда, эй насри уззол,  
Шоядки, балқисам “Шашмаком” бўлиб.

*Абдунаби БОЙҚЎЗИЕВ – 1954 йилда туғилган. Ўзбекистон Миллий университети ҳамда Санкт-Петербург сийёсатишунослик мактабида таҳсил олган. Ижодкорнинг “Губорингни ёзгайман”, “Сени излаб келдим”, “Ўзбекнаво юлдузлари...”, “Жудолиг дайти”, “Кўзлари дарёйим”, “Дилхирож туйгулар”, “Беш наво”, “Беш сўмлик кеккайиш”, “Чўли ироғим”, “Тешикмозор хангомалари”, “Ай, акам дарё экан...” номли шеърый, насрий, ҳажвий-юмористик ҳамда публицистик китоблари чоп этилган.*



\*\*\*

Ёлғизлик  
Бир ўзим...  
Бийдай ҳазин хонайди.  
Дераза – дунё юзи,  
Юрак силкиб хонайди.

Яхшиям  
Дераза бор,  
Илинар нур, сабони.  
Ташқарига чиксамми,  
Хай, чиксам борми маъни?

Кўча  
Шиғай шовкинзор,  
Бегонаман, унда мен,  
Шовқинлар шавқли озор,  
Шавққа озор бўламен.

Шавқ – сиз, озор бола... мен!

### Тун – азизам

Куёш шомда эриб битди,  
Исков танҳо қолдик яна, тун.  
Дил розларин тўшамок учун  
Сени узок, умрзок кутдим.

Тун – азизам, оғушимга кир,  
Шивирлагил дудокларимга.  
Сўнг, ўзингни кўнглимга яшир  
Ва айлангил дилдоғларимга.

Кел, ўзингни кўнглимга яшир...

\*\*\*

Вақт,  
Бунчаям  
Сирпанчиксан?  
Тутиб қололмасман  
Бирон лаҳзангни!  
У ёндан  
Бу ёнга уйрилгунимча  
Сен йўқсан,  
сен йўқсан,  
сен йўқсан!

## Сен йўғингда

Бизнинг кўча соғинди сени,  
Дов-дарахтлар кетди ичкиб.  
Кўтаролмай хижрон юкини,  
Симёғочлар қолдилар чўкиб.

Йўлинг пойлаб қушлар сайради,  
Тентиради сойлар телбавор.  
Лойлар кечиб баҳор ойлари,  
Йиғлаб ўтди сенга интизор.

Эх, мени кўй,  
Кўябер мени,  
Ичикмадим дарахтлар каби.  
Симёғочдай чўка билмадим,  
Сайролмадим қушлар сингари.  
Лойлар кечиб баҳор фаслидай,  
Хун-хун йиғлаб ўта билмадим.

Менми?  
Мен... Эх, кўябер мени...  
Кўчалар ҳам... соғинди сени!

## Во, ёшлик!

Совурибман, вафо қилмабман,  
Қўл ҳам силкимабман, хайр, деб!  
Қайда айро тушдик, билмабман,  
Йиллар бизни қачон айирди?

Сезмабман, сочинг оқарибди,  
Манглайингни ўйибди ажин.  
Аёлингнинг кўзи ёрибди,  
Уч ўғил, киз... Дилхирожи...

Турибсан, мана қошимда,  
Ростин айтсам: бип-бинойи чол.  
Мен-чи, ҳамон, ҳамон ношудман,  
Салкам саккиз ботмонлик савол.

Аслида, биз битта вужудмиз,  
Кўзларимиз, сўзларимиз бир.  
Бирок, бирок, учрашолмаймиз,  
Сенда мен, менда сен – мусофир...

Сенда сен, менда мен – мусофир...

## Қиш куни

(Манзара)

Оқ қайиннинг озғин шохига,  
Ястаниб ётиб олди қор.  
Гул ҳам тўйди булбул охиға,  
Ухлар, бошда оқангор рўмол.

Эхтиросдан лоф урган қушлар  
Машки тўнган. Мудрар қайдадир?  
Чойшабларда кўради тушлар,  
Лолакизғалдоқларни адир.

Сувдан қолган қумариқ яна  
Ётар ялпиз бўйларин қўмсаб.  
Шамол томнинг манглайин силар,  
Оққорсочин тўзғитар, тараб.

Мажнунтолнинг ҳилвир сочини,  
Юлкилайди изғирин, ўйнар.  
Мўрилардан пурқар охини,  
Туйқус сочи оқарган уйлар.

## Йўлим – пойтахт

Кетдим...  
Андижонни жонимга жойлаб,  
Ўпкални тўлдириб ҳаволаридан.  
Хотиралар қолди қишлоқни пойлаб,  
Ва рашқим бир қизнинг иболарида.

Бағримда улғайган армонлар мени  
Опкетди. Болалиқ тугади-битди,  
Ичимдаги думбул қишлоқи “мен”им  
Ортимдан югурди... чопди... Қоп кетди.

Кибрларим ўлди мусофирликда,  
Мусофирлик мени киборлар қилди.  
Борлиққа бор эдим, ушбу борлиқда,  
Борлигимни бордайн борлар қилдинг.

Раҳмат Шош –  
Қаттиқкўл, меҳрибон гўша,  
Тонмайман, бағрингда қамолга етдим.  
Ҳаммасини топдим, бахтимдан бошқа,  
Уни бир қишлоқи олдида-кетди...

\*\*\*

Қайтаяман тор йўлдан. Кеч куз,  
Вужудимда ҳорғинлик бахти.  
Ўтди яна бир куним сенсиз,  
Бир кун умрим қайларга окди.

Оқиб кетди боғлар, далалар,  
Кўзларимда тим кора наво.  
Сабрмиди сўнгсиз нолалар,  
Қаноатми, унсиз илтижо?

Эзиб қўйди мени бу алам,  
Савдолари тўзимсиз борлик.  
Бормисан-эй, торгина хонам,  
Ёлғизмисан, тунги айрилик?

\*\*\*

Қачон  
Қарамай,  
Чорлаганинг чорлаган,  
Мен эса  
Интилганим интилган, сенга.  
Бирон кун,  
Бирон дафъа  
Тинчлик борми ўзи, сендан,  
Ҳай, қурмағур, дераза?



**Ҳавас бўлса қариға навъувонлик.  
Ҳижолат зоҳир айлар саргаронлик.**

**Алишер НАВОИЙ**



МУНАВВАРА

## Кўксимда ҳаёт тумори

### Ҳамдардлик

Ҳамдардлик билдирдим бошини силаб,  
Дардингни олай деб, дарддан аритдим.  
Ҳар куни бир бора холини сўраб  
Қоронғи кўнглини шамдай ёритдим.

Келди ёруғ кунлар, тарк этди қайғу,  
Шукроналар айтдик икки кадрдон.  
Билмадим, дилим гаш, кўнглим қоронғи,  
Юрагим четидан сизиб турар кон.

\* \* \*

Ижрочи эрурман ҳаёт саҳнида,  
Гоҳи бой, гоҳ қашшоқ, гоҳи беморман.  
Бахтлиман, суюкли содик ахдига  
Гоҳ кўнгил зарбидан дилтанг, бедорман.

Гоҳо гунг бўламан, ожиз нотавон,  
Юрагим тубида хайкирар бир шер.  
Вужудим тилқадир, руҳимда исён,  
Зорланиб сўрайман, “Ҳаётимни бер!”

Бемажол, бемадор, турсам жимгина,  
Кўзларим юмилса, баридан толиб.  
Ҳаётни тарк этмай кузатаман, жим,  
Табиат кўйнига беркиниб олиб...

*МУНАВВАРА – 1965 йилда тугилган. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтини (ҳозирги ТДПУ) тамомлаган. Шоиранинг “Дийдор”, “Сизга ўхшасин”, “Соғинч манзили”, “Бундай элни қайдан топасан”, “Юрагимдасан, Ватан” каби шеърӣ тўпламлари, “Аёл – миллатнинг тарбиячиси”, “Ёруғ кунлар яқин” номли бадиий публицистик китоблари чоп этилган. “Шухрат” медали билан тақдирланган.*

## Шу лаҳзада

Шу лаҳзада, шу онда,  
Тебраниб турар жаҳон.  
Қай бир юрт ўт ичида,  
Қай бири бўлмиш вайрон?

Шу лаҳзада, шу онда,  
Қайдадир тошар уммон?  
Қай тоғда гиёҳ унмас,  
Кўксин куйдирар вулкон.

Шу лаҳзада, шу онда,  
Кўкка отилмиш пайкон.  
Шум сайёднинг касдидан  
Бургут кулар чалажон.

Шу лаҳзада, шу онда,  
Она йиғлар, бағри кон.  
Мажолсиз боласига  
Тополмас бир бурда нон.

Шу лаҳзада, шу онда,  
Беватан қанча инсон.  
Хунрезлигу жаҳолат  
Пойида бўлмиш қурбон.

Шу лаҳзада, шу онда,  
Кимдир бемор, безабон.  
Кимдир молу дунё деб,  
Элидан тонди осон.

Шу лаҳзада, шу онда,  
Бизда тўй, бизда меҳмон.  
Нону жон кайғуси йўк,  
Тўкин-сочин дастурхон.

Шу лаҳзада, шу онда,  
Теграмиз тўкис қўрғон.  
Юзга кирган момолар  
Ҳовлига экар райхон.

Шу лаҳзага, шу онга,  
Шукр килинг, кадрдон!  
Ҳаёт гўзал, тинч осмон,  
Фаровон Ўзбекистон!

Тошни йўниб, кириб ясади одам,  
Кўз, кулок, бармоқда ҳаёт жилваси.  
Одимлашга шайдек оёқлари ҳам,  
Бу мохир устанинг ажиб ҳийласи.

Ҳайкалтарош эди, сийлади Худо,  
Яратмоқ машқида садка жонини.  
Аммо, эритолмай айлади нидо,  
Юраги тош қотган қадрдонини.

## Онам

Юксалиб боряпман, қўлларим узун,  
Кичрайиб боряпти мунисим онам.  
Сўраши яхшилик, тилаши тўзим,  
Кексайиб боряпти ёлғизим онам.

Онам бор, дардим йўк, мушкулим осон,  
Елкалари тоғдир, дарё гавҳари.  
Титрадим, гўёки титради осмон,  
Бағримга бошини қўйган маҳали.

Ёдимда, туршак еб данагин тутиб:  
“Мағиз ейман”, десам, тишда чакарди.  
Турибман ёнида ёшимни ютиб:  
“Болам”, деб, шўрликнинг сочи окарди.

Тунда кир юварди, тонгда ёпиб нон,  
Кун чикмай далага кетарди онам.  
Билмадим, вақт топиб мизгийди қачон  
Ох, десак, жонини тутарди онам?

Эгнида уникқан обравон қўйлак,  
Пешидан райҳоннинг иси келарди.  
Маликалар ҳақда айтганда эртак,  
Онам йиғлаганга ўхшаб куларди.

Билмадим, у пайтлар бўлмаганми ғам,  
Одамлар шодлигин кўрганмиз, холос.  
Боласин бўйига қувонган онам,  
Дунё қайғусидан бўлолган халос.

Саксондан ўтса ҳам, жонсарак ҳамон,  
Қўшнини йўқлашни қанда қилмайди.  
Палапонларига чайнаб бериб нон,  
Қушни тиндиради, ўзи тинмайди.



“Бир кулоч” сочимга ачинар доим,  
 “Увол қилдинг”, дея, титраб силайди.  
 Ярим тун бехосдан кўзимни очсам  
 Менинг гуноҳимни Ҳақдан сўрайди.

Кичрайиб боряпти меҳрибон онам,  
 Ўйласам... ўйласам... юрак қонайди.  
 Хокисорим онам, садқа жон онам,  
 Юраги тафтидан кумғон кайнайди.

Бороримдан кўпдир онам хумори,  
 Дийдоримга ташна, меҳримдан жудо.  
 Дуоси кўксимда ҳаёт тумори,  
 Боряпман, онамни асраб тур, Худо!

\* \* \*

Дили беғамликни сўрайман, аммо,  
 Хотиржам яшашни қилмайман хавас.  
 Кунимни безайди, ташвиш – муаммо  
 Тонгим ҳам, туним ҳам меники эмас.

Биламан, битмишга тортилган чизик,  
 Бир кадам нарига қўймайди тақдир.  
 Шу бетин онларни тухфа этган зот  
 Нени раво кўрса, шу бўлар, Ҳақдир?

\* \* \*


Ғазаб билан олишиб енгдим,  
 Энди менга келмайди яқин.  
 У чўғ бўлса мен ҳам оловман  
 У кўк бўлса, мен эса чақин.

Ўзимники тўртта томоним,  
 Нафс жилолда, жаҳл ҳам йирок.  
 Аммо зиркирайди товоним,  
 Кимдир эшик кокмокда шу чок.

\* \* \*

Кўп койиб юрамиз суяксиз тилни,  
 Не сўз хато кетса ундан кўрамиз.  
 Ҳеч ким айбламас бепоён дилни,  
 Номини ардоқлаб бошга кўямиз.

Сувратни сийратдан қўймоқлик устун,  
 Азалдан бу хислат инсонларга хос.  
 Аслида қалбимиз беюз, бетизгин,  
 Тил шўрлик қалбларга таржимон, холос.



**Наби ЖАЛОЛИДДИН**

## ЧУВАЛЧАНГ ЁҚҚАН КЕЧА

Хикоя



Эшикдан кирди-ю ҳаракатларидан ўзини хушёр кўрсатишга уринаётгани сезилди.  
– Ёмғир ёғади шекилли. Шамол бўляпти, – деди ёмғирдан қочиб, панага ўтгандай елкаларини силтаб. – Яхши ўтирибсизларми?

Дераза ойнаси басма-бас тикирлаб, тиркишидан шамол уфургандай бўлди.

Онасининг ёнига чўкиб, болишга ёнбошлади. Хаёлидан ушбу гап ўтди: “Дадам чикибди шекилли, болиш кўйилиб қолибди”. Онасининг пинжига суқилган уч ёшлар чамасидаги ўғлини панжаларидан тутиб, ўзига тортди. Бола кўнмади, буралиб, бувисига баттаррок ёпишди.

– Чирок ўчмаса гўрғайди, – деди хотини унинг гапига ҳамоҳанг овозда ва хон-тахта устидаги чинни косаларни йиғиштиришга тушди.

– Яна ичдингми, болам? – Онаси одатдагидек юзини буриштириб, йилтираган кўзларига қараб кўйди. – Даданг хафа бўлади-да!

Туйқус хотинига боқди: “Хе, ўлинг-э”, дея ёзғирарди нигоҳи. Кўзи билан унга пўписа қилиб, олдидаги пиёлани кескин узатди.

– Чойдан қуй! – Сўнг онасига қайрилди. – Ўзи тузукми дадам?

– Худога шукр, бугун хийла тузук. Опанг минан сийнинг келишувди, шейда анча гаплашиб ўтирди. Биннасаларни гапириб, худди болаликларингдигидек кулдирди. – Онаси дастурхон четини беихтиёр ўрамоқлаб, кўкси шишиб, хўрсинди. – Қалампирни эзиб-эзиб, бир коса овқат ҳам ичди.

– Хайрият, – деди кадини кўтариб. – Яхши бўп қопти, а?

– Опаларингни кузатиб, сени кута-кута ҳозиргинада кириб кетди.

– Овқат ичассими? – сўради хотини кўлидаги коса-қошиқларни шақирлатганча кучаниб ўрнидан туриб.

Белини ушлаганди, корни янада дўмпайди.

– Йўк! – деди дағал овозда. – Қорним тўк!

Хотини ташқарига чиқиб кетди.

– Олдига бир кириб қўй, ўғлим! – Онаси набирасини кучоғига олиб, ухлатмоқчидай ёнбошлади. – Барибир сени кутади.

Шамол ойналарни яна тикирлатди.

У чойни тез-тез хўплаб, пиёлани бўшатди.

*Наби ЖАЛОЛИДДИН – 1962 йилда тугилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎЗМУ) журналистика факультетини тамомлаган. “Ялпизли кеча”, “Ҳур нидо”, “Сен билан қолмайман”, “Эркаги бор уй” каби шеърий ва насрий тўпламлари нашр этилган. “Умар Хайём”, “Тегирмон” романлари муаллифи.*

– Ичганман-ку, ая?..

– Якинлашмайрок ўтирасан-да.

– Хўп. Ё бисмилло!.. – дея ўрнидан турди.

Дадаси кўрпалар қалин тўшалиб, қат-қат болишлар қўйилган темир каравот-да шифтга термилиб ётарди. Ёнида – пастда чойнак, пиёла, иккита китоб устида кўзойнак. Бош томонидаги тоқчада ҳам китоблар.

Унинг шарпасини пайкаб, қайрилди.

– Ассалом алайким, дада! – Энкайиб, нафасини ютиб кўришди. – Тузукмисиз? – Бериқоқдаги тўшакка чўкди.

– Келдингми, ўғлим? Худога шукр, анча тузукман. – Дадаси ётган кўйи кўлини дуога очди. – Омин, тинчлик-хотиржамлигини берсин! Овқатийни ичдингми?

Дадасининг кўнглини ўйлаб, ёлғон гапирди:

– Ҳмм, ичдим. – Ён-верига аланглади. – Телевизорни обчикиб берсам бўларкан-а? Зерикмасдингиз. – Аслида дадасининг телевизорни унча хушламаслигини яхши билади. Ҳозирги гапини нима дейишни билмаганидан беихтиёр айтиб юборди.

– Дилбузариини (дадаси телевизорни шундай атарди) нима қиламан-а, болам, бошимни оғритиб... Шамол бўляпти шекилли-а? Ёмғир ёғади. Баҳор хавоси-да, ёққани яхши. Ерга фойда, – дея хўрсинди. Сўнг унга беозор тикилди. – Тағин ичдингми, ўғлим?

– Ҳа, энди... – Дадасига бирров хижолатли назар ташлади: хийлагина озганини, кўзлари маҳзунлашганини илғади. Мўйлови, жағининг учидаги калта соқоли оппоқ. Озгин қўлларининг томирлари бўртган. Олтмиш бешни коралаётган одам картайдандек кўринади. Дадасининг ахvoli дийдасини юмшатди, димоғида гимирлаётган зардасини ютиб, сарқуш шуури озорсиз сўз қидирди. – Улфатлар миан ўтирдик-да, дада. Ҳаммалари яхши боллар...

Дадаси ёнбошлаб, чап қафтани чаккасига тиради.

– Яхши боллар бўлса бордир, – деди кўпол гапириб қўйишни истамаётганлигини сездириб. – Аммо улар бирон жойда ишлаб, тирикчилигини йўлга солволиб, иннайкейин улфатчилик қилишаётгандир балки...

У гаши келиб, тебранди, юзи тиришиб, пишиллади. Чаккалари кизиби, ўзини тутолмади.

– Яна юзимга соляпсизми, дада? – дея тўнғиллади.

– Йўқ, ўғлим! – Дадаси жиддий, лекин меҳрли гапирди. – Юзингга солганим йўқ, эсингга соляпман. Сен менинг ёлғиз ўғлимсан, суянганим, ишонганимсан! – Охириги сўзлари ялинчок оҳангда чикди. – Менинг сафарим қаримокда. Энди уйнинг эркаги сенсан, ўғлим! Кўзим очиклигида бир ишнинг бошини тутгин, дейман!

– Йўлкирага пул топволай, Россияга кетаман, – деди у мана-мана йўлга чиқадигандай ишонч билан.

Дадасининг қошлари чимирилди.

– Тағин ўша гапми?! Узоқнинг буғдойидан яқиннинг сомони яхши, болам! Ўз юртида бой бўлмаган...

– Бу гапларни аввал ҳам айтгансиз! – дея дадасининг гапини бўлди. – Сомонниям, ўзга юрда бой бўлмасликниям биламан. Ома бундан менга нима фойда? – У рўпарасидаги одам падари эканлигини ва ҳатто унинг бетоблигини ҳам унутиб борарди. – Агар ўшанда қайтармаганингизда, беш-ўн сўм пул ишлаб келган, мошина олиб, ҳозир ҳеч йўқ кира қилиб, тирикчилигимни ўтказаетган бўлармидим!..

Отанинг юз-кўзида надомат балқиб, туриб ўтирди. Энкайиб, пиёлага чой қуйди. Қақдини тиклаб, бир кўтаришда сипқорди. Пиёлани тўшак устига ташлаганди, ёнбошлаб қолди.

У дадаси билан яна айтишиб қолишдан сақланиш учун кўзғалди.

– Кўйинг, дада, мен чикиб кета қолай!

– Йўқ, ўтир! – деди дадаси юмшоқлик билан, бироқ қатъий. – Ҳозир гаплашмасак, кейин кеч бўлади. – Фикрини жамламоқчидай соқол-мўйловини силади.

У ғашланиб, пишиллади.

Дераза ойналари қаттикроқ тиқирлаб, парда пуфакдай шишди – шамол авжланди шекилли.

– Ёлғиз ўғлимизни Россияга жўнатиб, онанг икковимиз бейда қандай тинч ўтирамиз, болам?! – Дадаси бироз кизишди. Овози титради. – Опа-сингилларинг бировнинг хасми. Ўлиб-нетиб қолсақ, маҳалла-қўй кўмиб қўяр! Аммо уят бўлмайдами, ўғлим? – Унга синовчан тикилди. – Мана, ўзинг, анови ёлғиз ўғлингни Россияга жўнатармидинг?..

У захарханда иршайди.

– У хали ёш бола-ю, дада! Мен уни зўр одам қилиб ўстираман. Эрта кунда тиклаб қўяман. Ҳадеб ақл ўргатмайман! Ўз холига қўяман...

– Шунақа дегин?.. – Дадаси яна чаккасини кафтига тиради. – Менам борки орзумидимни сенга тикқандим, ўғлим. Эркалатиб ўстирдим. Ўқитдим...

– Ўқидим, қаттақон домла бўлдим, а? – кесатди у кейинги ой-қунлардаги ҳамма аламларини овозига жамлаб.

– Домлаликни нимаси ёмон? Биласан, отам, бобонг-да эрта ўтиб кетган. Мактабни битираётганимда тушимга кирган. Малим (муаллим) бўласан, деган. Отам раҳматлининг бир оғиз гапи минан ўқитувчи бўлдим.

У “фу-у” дегандай тагин иршайди.

Ота ҳамон айтишиб қолишдан сақланар, гап-сўзларидан ичидагини тўкиб солгиси келаётганга, жигаргўшасини шаштидан қайтаришни истаётганга ўхшарди:

– Сизларниям бир умр ўқитувчилик қилиб боқдим. Ўқитувчининг нони ҳалол.

– Лекин кўпаймайди! Шунинг учун мениям ўқитувчи қилмоқчи бўлдингиз.

– Ҳа! Университетни битирдинг – бунинг нимаси ёмон? Зиёли, деган номинг бор. – Ота овозини майинлаштирди. – Агар мактабда ишлолмаган бўлсанг, бунинг учун бошқаларни айблама!

– Шунақа дейсиз-да! – У росмана тутоқди. – Нима, сизнингча, озгина ойликка эртамандан кечгача чулдирвақиларнинг манқасини артиб юришим керакмиди? Яна-тагин мактабда фақат хотинлар қолган. Хотинларнинг энаси бўлиб...

Дадаси жилмайишга уринди.

– Хотинларнинг энаси эмас, хотинларнинг эркаги бўлиб, дегин. Кейин... сабр қилсанг, озгина ойлик ҳам етарди. Ойлик – бу нақд нарса. Барака сабрда, болам.

У бошини сарак-сарак қилди-ю, индамади.

Буни дадаси ўзича тушунди.

– Экзюпери деган ёзувчининг “Кичкина шахзода” деган китоби бор. Аши кичкина шахзода ҳамманинг ўз сайёраси бор, уни тез-тез супуриб-сидириб туриши керак, дейди. Яъни кўнглини-да, – ота тушунаптимми-йўқми қабилида тикилди. – Сениям кўнглинг қирлаган, болам. Уни тозалашинг керак. Бунинг учун китоб ўқишинг, яхши нарсаларни ўйлашинг керак.

У “вой дада-сй”, дегандай бошини тебратиб, аччиқ жилмайди.

Шу пайт эшик очилиб, келин кўринди.

– Чой дамлаб берайми, дадажон? – дея эрига кўз ташлаб қўйди.

– Майли, кизим, ўзи тугаб қолди шекилли.

Келин чап қўлида белини ушлаб, кийналиб чойнақни олди.

Ота ўғлига норози қараш қилди. Аммо у буни пайқамади. Хотини чиқиб кетиши ҳамона яна тўнғиллади:

– Э, дада-я, ҳалиям китобларда яшайсиз, “китоб-китоб”, дейсиз. Анови Эркин ака ўқиш тугул умрида бирон марта китоб ушлаганмикин? Ома бой-бадавлат яшайди. Мошиналарини, қурган уйлари қаранг..

– Гапинг тўғри, ўғлим, – деди ота бамайлихотир. – Лекин Эркинжон Худодан фақат бойлик сўрайди-да.

– Нима, мен сўрамаёпманми? – силтанди у.  
 – Йўқ, сен икки ўт орасидасан, болам! – Ота “канийди гапларимни тўла тушунсанг”, дегандай ҳаловатсизланиб, туриб ўтирди. – Гап қизиқ қолди, энди айттай: сен нима истаётганингни билмайсан. Ичишга-ку тинмай ичяпсан. Эшитишимча, анови чойхонанинг бурчагида кимор ҳам ўйнаётган эмишсан...

– Ёлгон! – деди у ишончсизрок овозда.

– Алдама, болам!

У бошини эгди.

– Йўлқирага пул топмоқчийдим, – дея гўлдиради ер остидан.

– Харом пулни йўлқира қилиб, сафарга чиқмоқчимисан ҳали?! Шунақа қилиб пул топмоқчимисан? – Ота бирпас жим қолди. – Бу ишнинг охири вой, болам, кўзингни оч!..

Келин чой олиб кирди. Чойнакни эрининг олдига қўйиб, сўради:

– Бошқа ҳеч нарса керакмасми, дадажон?

– Йўқ, кизим, – деди ота эркаловчи оҳангда. – Дамингизни олаверинг.

– Хўп, яхши ётиб туринг, дадажон! – Келин чиқиб кетди.

У чойни бир-икки қайтаргач, пиёлага қўйиб, дадасининг қўли етадиган жойга қўйди.

– Россияга кетаман, дейсан, ҳадемай боланг иккита бўлади-ку, – ота вазиятни юмшатиш учун зўраки пўписа қилди. – Ўз уйим – ўлан тўшагим, деган гап бор, ўғлим, – сўнг гап пайновини бошқа ёққа бурмоқчи бўлди. – Олдингилар осон кўзи ёриydi, деб, – хомиладор келинини кўриб, ўғлига гапираётгани учун “осон туғади”, деёлмади, – оғирроқ аёлларга келида шולי туйдиришар экан.

– Ҳамма гапларийиз мақол, матал, эски гаплар-а, дада! – У энди хийла енгил тортди. – Ҳозир замон бошқа. Ҳеч қачон сизнинг айтганингиз бўлмайди, – қўлини силтаб, кўзларини олайтирди. – Ҳозирги иккикат хотинларга шולי туйдириб кўрингчи! Ўлибла қолар!..

Ота пиёладаги чойдан хўплади.

– Хуллас, гап шу: ҳеч қаёққа кетмайсан! – Шундай дея, чойни охиригача сиририб, пиёлани яна тўшакка ташлади. – Ҳажга бораман, деб пул тўплаётгандим. Онангга айтсанг, беради. Ашинга ер олиб, дехкончилик қил ёки уч-тўртта новвос бок. У ёгини ўзинг биласан. Ҳаж бир гап бўлар, – дадаси бирдан хомуш тортди.

У буни бошқача тушунди. Ҳам дадасининг кейинги гаплари кўнглини эритиб юборди.

– Ҳажга ўзим жўнатаман, дада! – деди юзи ёришиб. – Мениям омадим кеб қолар.

– Илоҳи, ниятинга ет, болам. Худо хоҳласа, омадинг, албатта келади. Фақат меҳнат қилиши керак хоҳос, ўғлим. – Отанинг кўзида тафаккур балқиди. – Фашинг келсаям айтаман: тагин бир ёзувчи вақтни даҳшатли нарса, деган. У жуда бешафқат. Вақтни бой берма, ўғлим!

Унинг энсаси қотди: яна насиҳат! Аммо ўйини ташига чиқармади.

– Мактаб директорига ҳам айтиб қўйдим – ишга олади. Ичишни ташласа бўлди, деди. Озгина дарс олсанг, эрмак-да.

– Мактабда қайтиб ишламайман! – деди у болаларча қайсарлик билан.

– Ҳали сизни айтганингиз ҳеч қачон бўлмайди, дединг. – Ота билинар-билимас жилмайди, лекин кўзлари ўйчан эди. – Айтганимни қилсанг бўлади-да. Энди тур! – Чалқанча ётиб, шифтга тикилди. – Деразани кия очиб қўй-да, жойингга чик.

У туриб, пардани сурди. Эҳтиёткорлик билан деразани очди. Хонага тоза ҳаво ёпирилди. Қайфи тарқаб қолганидан оғришга мойил бошига, димоғига хуш ёқди. Қалай, дегандай дадасига қайрилди.

Ота чуқур нафас олди.

– Ёмғир бошлапти, – деди ўзига гапираётгандай. – Чувалчанг ёмғир шекилли...

– Нима? – У тиззасига шапатилаб, пикиллаб қолди. – Ҳазиллашяпсизми, дада? Ҳеч жаҳонда чувалчанг ёмғирам бўладими?.. Бўпти, яхши ётиб туринг. Вой, дадажоним-ей!.. – деди-ю эшикка йўналди.

Ота маҳзун жилмайганча унинг ортидан термилиб қолди.

– Бўлади, болам, бўлади!.. – дея шивирлади лаблари...

Онаси набирасини бағрига олиб, бошини кафтига тираганча пинакка кетганди. Унинг шарпасини сезиб, уйқули кўзларини хиёл очди.

– Ая, – деди хазилкаш оҳангда, – дадам ростданам тузук бўп копти, а? Бунака кўп гапирмасди-ю.

Онаси “ҳм-м”, деди-ю яна кўзларини юмди.

Ташқарига чикди. Олам зимистон. Шамол тинган. Танасининг очиқ жойларига яккам-дуккам томчилар урилади. Осмонга караб, кўксини тўлагиб хаво симирди. Кескин чиқаргач, енгил торгандай бўлди. Ҳалигидан бир пиёла зўр кетарди-да хозир. Уйда йўқ, чойхонаям бекилгандир... Рўпарасида қўшниси Эркиннинг улкан уйи уларнинг ховлисини босиб тушгудай бўлиб қоп-қорайиб кўринди. Куббалари девнинг калласига ўхшайди. Шунака бўлгач, Худодан фақат бойлик сўрайди-да! Хаҳ, дадажоним-а! Чувалчанг ёғармиш!.. Қҳм-м!..

Уйга кириб, пишиллаб ухлаётган хотинининг корнини охиста силади-да, юзидан ўпди: “Акашти хотини, яна ўғил туккин!” Мамнун хўрсиниб, уйқуга ётди...

Туш кўрибди. Каттакон дарахтга осилган халинчақда ўтирганмиш. Дадаси тинмай тебратармиш. Ҳар итарганда халинчақ юкорига кўтарилиб, боши оппоқ булутларга тегай-тегай дермиш. У юраклари хаприқиб, қуларкан: “Бўлди, дада, ниятингизга етдингиз-ку”, – дея қичқирармиш... Бир пайт елкаси силтаниб кетди. Яна, яна... “Туринг! Туринг!” – дерди кимдир. Шуури тиниклашиб, овоз эгасини таниди: хотини. Кўзини очди.

– Нима дейсан? – дея инжиқланди.

– Туринг тезрок. Турсайиз-чи! – тагин турткилади аёл.

– Ишга бормасам, нима қиламан сахармардонда туриб? Тинч қўй мени! – У терс ўгирилди.

– Туринг, дадажон узилиб қолди. Эшитяпсизми, туринг! – дея пиқиллади хотини.

У бирдан сапчиди.

– Нима дединг? Дадам?! Нега?! – Силтаниб, қаёққадир чопмоқчи бўлганди, хотини кўлидан маҳкам тутди.

– Аввал бет-қўлингизни ювинг, кейин кирасиз, – деди йиғлаб. – Ҳали қўни-қўшни, қариндош-уруғларни айтишингиз керак!

У бўшашиб, ўтириб қолди. Кўз олди қоронғилашди...

Ҳаво мусаффо эди. Тун бўйи ёмғир ёккан шекилли, дов-дарахту ўт-ўлан – ҳаммаёқ шалаббо. Димокқа ёқимли хид урилади.

У мустахаб қилиб қайтди. Тахорат олиш учун саҳн четига чўнкайди. Фарғара қилаётганда Эркиннинг уйига кўзи тушди. Осмон очиклигигами, негадир кичрайиб қолгандай туюлди. Кечаги ҳайбаги йўқолгандай. Энди бурнига сув олиб, қоқиш учун энкайди. Оёғи остида ингичка чувалчанг ғимирлади. Парво қилмади. Бирдан тошдай котди. Хотирасининг аллақайси пучмоғида чувалчанг билан боғлиқ фикр жимирлагандай бўлди. Дарвоқе, чувалчангли ёмғир – дадаси айтувди шекилли... Нигоҳи тенди. Бояғи чувалчангдан нарироқда яна биттаси қулча бўлиб ётарди. Аланглади. Ўнгида бир неча, сўлида бир неча, саҳннинг ҳамма ерида чувалчанг. Бари ингичка, ожиз-ожиз кимирлайди. Ахир саҳн асфальтланган-ку, булар қаёқдан чикдийкин? Асфальтни тешолмаслиги аниқ. Наҳотки осмондан ёккан бўлса? Ёмғир бўлиб. Чувалчангли ёмғир! Демак, дадаси тўғри айтган экан-да, чувалчангли ёмғир бўларкан-да!

У энкайиб, чувалчангларни териб, кафтига сола бошлади.

– Дадажон, сиз тўғри айтибсиз! – овози чийиллаб, кўзларидан ёш сизди. – Айтганингиз бўлибди, дада! – Хўнграб йиғлаб юборди. – Энди ҳамма айтганларингиз бўлади, дадажон! Мендан рози бўлинг! Рози бўлинг, дада!..

Кафтидаги чувалчангларни ёмғирда лойланган тупрокка олиб бориб ташлади.

– Энди ерда яшайсизлар! – дея шивирлади.

## Мўъжиза дайридан эшитилар сас



Замира РЎЗИЕВА

\* \* \*

Кўнгилнинг дўсти йўқ оғриқдан ўзга,  
Содик кайғуларнинг бошин силадим.  
Бемажол суяниб хазонрез кузга,  
Сизнинг умрингизга кўклам тиладим.

Андуҳли барглар ишқ, ишқдир изғирин,  
Эскирган ташбеҳми гуллар... эсладим.  
Англаб руҳи ўпган совукнинг сирин,  
Сизнинг умрингизга кўклам тиладим.

Хазонлар авраган ариқ шеър ўқир,  
Маҳзунлиги менинг каби... тингладим.  
Дунёга ишқ дея келганман ахир,  
Сизнинг умрингизга кўклам тиладим.

Кўкламнинг шавқи не, ифори қандай,  
Қачон ўғирлатдим уни – ўйладим.  
Сочимга бемаврид қорлар ёққанда,  
Сизнинг умрингизга кўклам тиладим.

Бир хато тортиғи бўлди минг азоб,  
Унга жон ипимни ўзим уладим.  
Истаклар кучоғи кин эмас, офтоб,  
Сизнинг умрингизга кўклам тиладим.

*Замира РЎЗИЕВА – 1957 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетини тамомлаган. Шоиранинг “Мунаввар юртим”, “Тул ислари”, “Атиргулга айланаман”, “Офтобжамол”, “Жон риштаси”, “Сарчасма”, “Ташинадил” каби китоблари чоп этилган. “Шуҳрат” медали билан тақдирланган.*

## Уйғониш

Кўзимни яйратар уфқнинг рангги,  
Юрагим навкирон куч топиб ураб.  
Кўпдан соғинганим кўшиқ жарангги,  
Топилдигим бўлиб кўнглимга кирар.

Энди кунлар мендан норизо бўлмас,  
Туннинг тўнин ечиб ғолиб тураман.  
Ошиқ фаслларга монанд гулнафас,  
Куйчи кушлар билан сухбат кураман.

Фикримни банд эта бошлар парвозлар,  
Тушкун лахзаларнинг бошин ёраман.  
Алвидо, ёлғон дўст, вафоси озлар,  
Мен буюк муҳаббат томон бораман.

## Дунёни ўрагим келди меҳрга

Кўз очдим, юзимни силар субхидам,  
Тикилсам, тўрт тараф тўлмиш сеҳрга.  
Гулкосалар қуйди лабимга шабнам,  
Дунёни ўрагим келди меҳрга.

Кўнглим-ай, кечаги дардларни кўйгин,  
Тебрангин, энг гўзал ўйларга чўмгин,  
Бу фурсат... хаммани тенг севиш мумкин,  
Дунёни ўрагим келди меҳрга.

Ким риё узатди, ким оғирик... Бас, бас,  
Сени хамал суйсин, аёзлар эмас,  
Мўъжиза дайридан эшитилар сас,  
Дунёни ўрагим келди меҳрга.

\* \* \*

Гулларга ишонса бўлади,  
Шундоқ юрагимни турибди сезиб.  
Хонамга муаттар бўйлар тўлади,  
Қатидан сувратинг чиқади сизиб.

Шамоллар хам ҳамдард, бу аниқ,  
Юзлаб таскини бор бир нафасининг.  
Шивирлаб келади дарчамни таниб,  
Тўкилган шивирлар исмингдир сенинг.

Гуллар унутмайди сира уйимни,  
Шамол-ку шивирга тўлдирди тоза.  
Фақат йўл... тушунмас нега ўйимни,  
Нега тушунмайди бу гунг дарвоза?



**“Чўли ирок”**

Чор тараф кум эмас, илло,  
Зарра-зарра сочилган дардим.  
Улар шунча кадрдон, гўё  
Кўкрагимда минг йил кўтардим.

Товонларим куйиб боради,  
Куйиб борар аъзойи жоним.  
Сирдошгами, билмам, зор эдим,  
Қароғимдан сизар забоним.

“Чўли ирок”... гул-райхон эмас,  
Ёнган қумга жон берай дедим.  
Дардкашимдек бергуннингча сас,  
Қайда эдим, қаёқда эдим?

Сахро ичра сочин ёяр мунг,  
Куёш бўлиб ловиллар фироқ.  
Ораликда йиглайдирман гунг,  
Тушунасан, сен “Чўли ирок”.

**Дарсхонада**

Ғафлати чекинган ғолиб бўлдим, мен,  
Юз ювиб тўлин ой шарорасида.  
Юраги ёришган толиб бўлдим, мен.  
Имом Бухорийнинг дарсхонасида.

Армонни аритгич меҳроб бор эди,  
Рух – дилни ёритгич офтоб бор эди,  
Жом ичра жаннатий гулоб бор эди,  
Имом Бухорийнинг дарсхонасида.

Авлиётус отам рози каради,  
Онам бармоқлари сочим таради,  
Теграмни мўъжиза, оҳанг ўради,  
Имом Бухорийнинг дарсхонасида.

Зиё яқинлашиб кин, риё қочди,  
Тушқунликлар қочди, дийдиё қочди,  
Нажот гулзорлари хуш бўйин сочди,  
Имом Бухорийнинг дарсхонасида.

Даштдан қудук топган саҳройи бўлдим,  
Туннинг ёғду ювган чиройи бўлдим,  
Кўнгил бойи бўлдим, ишқ бойи бўлдим,  
Имом Бухорийнинг дарсхонасида.

Япроқ ёза борди яхшилик боғим,  
Пориллай бошлади мерос чироғим,  
Юртни севмоқ бўлди олий сабоғим,  
Имом Бухорийнинг дарсхонасида.

\* \* \*

Кўнглингизни топгувчи йўл кайда, аёл,  
Юзингиздан сулуврок гул кайда, аёл.  
Бу оламнинг устун синчи севги бўлса,  
Ишқингизда қуймаган дил кайда, аёл,  
Юзингиздан сулуврок гул кайда, аёл?

Гулханларни ёндирган чўғ – сизнинг нигоҳ,  
Сирларидан ой огоҳдир, колдуз огоҳ.  
Сочларингиз тўлкинида тебранар тун,  
Кўзингизда ёш қалқиса – бизнинг гуноҳ.  
Ишқингизда қуймаган дил кайда, аёл,  
Кўнглингизни топгувчи йўл кайда, аёл?

Сиз бор дунё кумуш, зарлик ҳам заргарлик,  
Сиз – оҳангсиз, сиз – ашъорсиз, зеб-зебарлик.  
Алломалар аллангизнинг мўъжизаси,  
Кафтингиздан тўкилгани мунавварлик.  
Ишқингизда қуймаган дил кайда, аёл,  
Кўнглингизни топгувчи йўл кайда, аёл?

Бегим, дейсиз, измимизга интизорсиз,  
Қаҳримизни нари сурган навбахорсиз.  
Яратганнинг ўзи берган улуғлигин,  
Ўзи сезмай яшайдиган хокисорсиз.  
Ишқингизда қуймаган дил кайда, аёл,  
Кўнглингизни топгувчи йўл кайда, аёл?

Сабрингизни кимлар улкан тоққа йўйди,  
Ичингизни соғинч ўйди, ўқинч ўйди.  
Осийларни уйғотай деб, оқил Эгам,  
Жаннатини пойингизга қўйиб қўйди.  
Ишқингизда қуймаган дил кайда, аёл,  
Кўнглингизни топгувчи йўл кайда, аёл?

\* \* \*

Ёшим каби улғайиб борар,  
Кундан-кунга орзу-истаклар.  
Юрагимда бир олов ёнар,  
Ортда қола бошлар эртақлар.

Шарҳи бўлиб нурнинг, зиёнинг,  
Из соламан манзиллар сари.  
Изларимда энди дунёнинг  
Ечилади сир, тугунлари.

## Хур элнинг ҳар кунин битгин муаррих



Ҳалим КАРИМ

\* \* \*

Шукр, яна тонгни кўрди кўзларим,  
Субҳ насими силаб ўтди юзларим,  
Азон айтиб бошланади сўзларим,  
Яна бир кун берганингга минг шукр!

Сахар сархуш тебранади тераклар,  
Кушлар сайраб ҳаёт отин дарақлар,  
Тирикликдан ҳапқиради юраклар,  
Яна бир кун берганингга минг шукр!

Бизларсиз ҳам тонг, албатта, отарди,  
Ташвиш тўла оддий бир кун ўтарди,  
Уйғонмасдан кетиб колсам нетарди,  
Яна бир кун берганингга минг шукр!

Оёқ кўйдим яна азиз тупрокка,  
Қўлим тегди атиргулу бутокка,  
Ҳали ҳозир эмасдирман сўрокка,  
Яна бир кун берганингга минг шукр!

Танбал қалам бугун юрар мардона,  
Ўғил-қизим атрофимда парвона,  
Тонгги шеър-ла сенга айтиш шукрона,  
Яна бир кун берганингга минг шукр!

Сахарлаб олишдан нур берар Миррих,  
Хур элнинг ҳар кунин битган муаррих,  
Юртимда бошланар янги зўр тарих,  
Яна бир кун берганингга минг шукр!

Ҳалим КАРИМ – филология фанлари номзоди. 1960 йилда туғилган. Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ) битирган. Ижодкорнинг “Мана, мен борман”, “Юрак билан сўзлашув”, “Кўнгли ҳаловат истайди” шеърый, “Туйғулар талқини”, “Андижондан эсган саболар”, “Тарихий шахс ва бадий образ” адабий мақолалар тўпламлари нашр этилган.

## Изҳорим

Меҳрим изҳорини айтигин қандай,  
Мадҳинга муносиб ҳеч сўз бормикан?  
Азиз, муқаррамсан тандаги қондай,  
Онажоним – жон Ватан, жоним Ватан!

Вужудим оғритар мисоли тигдай,  
Еринга санчилса кичкина тикан.  
Кўнглимда хилпираб тургайсан туғдай,  
Онажоним – жон Ватан, жоним Ватан!

Онам ўтганида пешонам силаб,  
Отам кетганида бўлдинг жону тан.  
Қарзим кўп, яшайман камолинг тилаб,  
Онажоним – жон Ватан, жоним Ватан!

Гар қутлуғ бағриндан беролсанг бир жой,  
Кетар чоғ шарт эмас ҳаттоки тафтдан.  
Фақат кўз ўнгимда тўкиб тур чирой,  
Онажоним – жон Ватан, жоним Ватан!

\* \* \*

Авжга чиқар мусика,  
Базм қизиб боради.  
Чолғувчи ҳам антика,  
Қуйларидан чалади.

Оёқларнинг гупури,  
Юракка кўчар аста.  
Тантананинг сурури  
Ғамни тўқар бир пасда.

Барча хуррам, барча шод,  
Барча кулар қийкириб.  
Фақат мен бир четда, дод,  
Ўлтирибман қимтиниб!

Қўрмаман тан олишдан,  
Дилда ҳасад ё ҳавас?  
Наҳот, қалбим йиғлашдан  
Бошқага ҳеч ярамас?!

Эй муғанний торингни  
Кўнглим каби созлагин.  
Навога сол зорингни  
Менинг каби бўзлагин...

...Чолғувчи ҳорди чалиб,  
Ёзилмади ҳеч ғашлик.  
Сезмай қолибман, мени  
Ташлаб кетибди ёшлик.

## Андижон

Бир янги сўз айтармиканман,  
 Етармикан мендаги имкон?  
 Таърифингни эплармиканман,  
 Боланг бўлиб, она Андижон!

Боланг бўлиб не ҳам қилибман,  
 Яролдимми бирон корингта?  
 Шунча яшаб энди билибман,  
 Аскотмабман йўғ-у борингта.

Гарчи шаҳар – ота маконим,  
 Дала-киринг кезганларим рост.  
 Парвозларга етмай имконим,  
 Сенга маҳкам ёпишганим рост.

Бола эдим етим ва ўксик,  
 Икков эдик эт билан тирнок.  
 Мехринг билан ўстирдинг ўзинг,  
 Киндик коним тўкилган тупрок.

\* \* \*

Кўзларингни яширгин мендан,  
 Алам билан бургил юзингни.  
 Мен ҳам буткул қочайин сендан,  
 Тополмагин сира изимни.

Кўзларингни яширгин мендан,  
 Забт этмагин қалбимнинг тўрин.  
 Ташвишлардан толган юракда  
 Муҳаббатга топилмас ўрин.

Кўзларингни яширгин мендан,  
 Ҳар кўрганда титрамоқ нечун?  
 Нахот, севги ақл ва бурчдан,  
 Фарзандлардан бўлолса устун?

Кўзларингни яширгин мендан,  
 Мен ҳам ахир олай ҳаловат.  
 Зўр келолмай тошган ҳислардан,  
 Кўзларингдан сўрайман шафкат.



Икромжон АСЛИЙ

## О, йиллар кечдилар айтолмай розим

### Ёмғирлар

Йўлларимни ювди ёмғирлар,  
Ёмғирларни яхши кўраман.  
Кипригимдан силкийди дурлар,  
Хаёлимда сочинг ўраман.

Мени асло алдамас улар,  
Ёғаверар соғинчларимдай.  
Ким эхтимол устимдан кулар,  
Қувонади ўкинчларимдан.

Сен мен ҳақда ўйламайсан ҳам,  
Онасининг эркатой кизи.  
Қонаб ётар юракда ярам,  
Сен гап билан олгансан узиб.

Орзуларим бегона билан,  
Баҳам кўргим келмаса, нетай?  
Зўр эдим сен жонона билан,  
Энди танҳо қайларга кетай?

Йўлларимиз ювди ёмғирлар,  
Ёмғирларни яхши кўраман.  
Кипригимдан силкийди дурлар,  
Хаёлимда сочинг ўраман.

*Икромжон АСЛИЙ – 1983 йилда туғилган. Андижон давлат университетининг филология факультетида ўқиган. Ижодкорнинг “Тонги сабо” тўплами нашр этилган.*

Асабларим чақнайди гумгурс,  
 Чақинлари жонда яширин.  
 Англаб, билиб коламан туйкус,  
 Соғинчларинг васлингдан ширин.

Ой осуда, тун осойиш, жим,  
 Ҳаловатим бузолмас ҳеч ким,  
 Сукут томар юракка тим-тим,  
 Соғинчларинг васлингдан ширин.

Сиғар-сиғмас ҳаддим, барибир,  
 Чархи даввор йўлида гир-гир,  
 Учрашув. Ёд ўтадир бир-бир,  
 Соғинчларинг васлингдан ширин.

Сой, сайхонлик, шукуҳли бир дам,  
 Майса узра чўкканмиз бирдам,  
 Эй суманбар, эй ганжи олам,  
 Соғинчларинг васлингдан ширин.

Бор эдинг сен, энди мен-да йўқ,  
 Ёринг рўзғор бутлаб кўнгли тўқ,  
 Дейман: ичим ёндирса-да чўғ,  
 Соғинчларинг васлингдан ширин.

## Бегона баҳор

*Сиз менга кераксиз,  
 мен сизга кераксиз.  
 Рауф ПАРФИ*

Бу қандайин умид, узилақолмас,  
 Бу қандайин кўнгил, ўзимдан ўжар?  
 Бу қандай сояки, ортимдан қолмас,  
 Қулларим ўзим-ла курашиб ўтар.

Кетгансиз, қолгани бир неча суврат,  
 Сўнгсиз хаёллару бефайз хиёбон.  
 Ижобатсиз дуо, соғинчу узлат,  
 Чаман ҳам кўзимга туюлар ёбон.

Керак эдингизу, керак бўлмадим,  
 Бозордан кечиккан харидор бўлдим.  
 Сизга ҳали-хануз тилақ бўлмадим,  
 Ишқ иқрори ул кун сизга ор бўлди.

Бир йўлга соллолмас мени ҳеч бир пир,  
 Аросатда қолмиш бир ошиқи зор.  
 Бандадан тадбиру Худодан тақдир,  
 Боғларни безайди бегона баҳор.



\* \* \*

Сенинг нигоҳларинг оловдир, ўтдир,  
Босган кадамларинг барака-кутдир,  
Кўрган оним ғамим-кайғум унутдир,  
Кўзимга чалиниб тургувчи хилкат.

Таърифингга ожиз гарчи забоним,  
Борай, тилса ҳамки тикан товоним,  
Йўлингга ҳеч бўлар бор доврук-шоним,  
Кўзимга чалиниб тургувчи хилкат.

Малак деб айтсам гар, эски бу калом,  
Сенда бор, уларда топилмас маком,  
Қай кун тутдинг менга ишқ тўла бир жом,  
Кўзимга чалиниб тургувчи хилкат?

Фарғона эдими жойинг ёки Шош,  
Бағринг оташмиди ёки бағринг тош,  
Йўлингга бардошим барчаси одош,  
Кўзимга чалиниб тургувчи хилкат.

Осмонлар тийрадир, сенсиз қолса гар,  
Сен билан тунлар ҳам афзал, мўътабар,  
Эй нигоҳи ғамга ургувчи табар,  
Кўзимга чалиниб тургувчи хилкат.

О, йиллар кечдилар айтолмай розим,  
Агарчи исмингсиз янграмас созим,  
Етишмоқ учун айт, не қилмоқ лозим,  
Кўзимга чалиниб тургувчи хилкат.

Тинмасин майлига имтиҳонларинг,  
Чаракласин зиёдан осмонларинг,  
Унутма, бор мендек ошиқ жонларинг,  
Кўзимга чалиниб тургувчи хилкат.

Солса ҳам нигоҳинг жисмимга ларза,  
Ўрганиб қолганман мен шундай тарзга,  
Кўзимга ташланиб тургил ҳар лаҳза,  
Кўзимга чалиниб тургувчи хилкат.

\* \* \*

Йигит ва қиз туришар мамнун,  
Сухбатлашиб йўлак четида.  
Меҳр ила ҳаё яширин,  
Ширин сухбатининг қатида.

Қиз юзида ёнган қизиллик,  
Йигитга бахш этар ҳарорат.  
Шундай чоғда дегум: азизлар,  
Олам мухаббатдан иборат!

\* \* \*

Файзли хонадонинг қошидан ўтсам,  
 Чироғинг чарақлаб ётибди хандон.  
 Айтолмай асраган ёруғ хисларим  
 Шу онда тўфондай килди ғалаён.

Сувратингни кўзда тикладим илқис,  
 Юракдан сириқди илохий соғинч.  
 Яқинсану аммо юрагинг олис,  
 Ширин изтироб мўл, борлигим нотинч.

Оғриқли ишқ ҳам бир неъмат эканин  
 Уйингни ёнидан ўтганда билдим.  
 Билдим, бу соғинч ҳам қисмат эканин  
 Ва шу қисматимга шукрона килдим.

### Яхши одамлар

Сенга салом бермай ўтса бир бола,  
 Ҳамма беодоб деб, чекмагил нола.

Мабодо, ранжитса бирор дилозор,  
 Барчани шундай деб, ҳисоблаш бекор.

Зарралаб қумлоқни қазганинг замон,  
 Чикиб келган каби қаршингдан бир қон

Мунаввар чехрали, қутлуғ қадамлар –  
 Ҳаётда кўп эрур яхши одамлар!



**Тўғрилик шундай бир бойлиқдур-  
 ки, унинг турган-битгани хаёр ва  
 нафдур. Бу нафи тўғрилик одам-  
 нинг ҳаловати мангу бўлади.**

**Юсуф ХОС ҲОЖИБ**

Мухаммад АЛИ

## ҲИНДИСТОН МАЛИКАСИ

*(“Рамаяна” эпоси мотивлари асосида)*

*Тўрт парда, ўн бир кўринишли (пролог ва эпилогли)  
тарихий драма<sup>1</sup>*

### 5-кўриниш

Ўрмон ёнбағрида жойлашган Раманинг кичик кулбаси. Жулдур кийимларда Рама, Сита хонимлар атроф манзараларга бокиб суҳбатлашиб ўтиришибди. Лакшман чап томондаги тепаликда узоқларга қараб турибди.

**Лакшман**

*(узоқларга тикилиб)*

Оғажон! Узоқда кўтарилди чанг,  
Кўкни коплаб олди чанг-ғубор, тўзон!

**Рама**

*(бепарво)*

Балки қайтаётир биронта чўпон  
Катта подасини уйига ҳайдаб...

**Лакшман**

Йўқ, оға! Отларни аён кўрурман,  
Кўшин бу! Ана, жанг аробалари!

**Сита хоним**

Қандай кўшин? Ўзинг асрагин, Худо!

**Рама**

Йўқ, йўқ, хордик истаб биронта рожа  
Овга чиққан бўлса керак, маликам....

**Лакшман**

Чамамда, Бҳарат бостириб келар,  
Ана, аробада туғини кўрдим!

<sup>1</sup> Давоми. Бошланиши ўтган сонда.

Ўқдай елаётир, сон мингта лашкар  
Атрофини ўраб от қўйиб елар!  
Ҳа, ха, тахтни олиб кўнгли тўлмаган,  
Бизни гумдон этмай тинчимас асло!  
Жуда соз, қўлим ҳам кичиб турувди,  
Кўрсатайин сичкон инин сенларга!

**Рама**

Йўк, Лакшман! Бу ерда хато киласан,  
Бхарат унчалар шафқатсиз эмас.  
Чамаси, у мени кўрмоқка келар,  
Оғасин қайтариб олиб кетмоқчи...

**Лакшман**

Оғажон, сиз содда, кўнглингиз ҳам пок,  
Ҳаммани ўзингиз каби кўрасиз.  
Аммо Бхаратнинг нияти ёмон,  
Бизларни ўлдириб кейин қайтади...

**Рама**

*(уялтириб)*

Ортиқ ташвишланма, чора топилур:  
Агар хуш келмаса сенга Бхарат,  
Мен унга айтаман: тахтдан воз кечар,  
Ўзинг бошқарсан юртни ўшанда....

**Лакшман**

*(хижолат бўлиб)*

Йўғ-е, оғажоним, ундай ният йўк,  
Тахт ҳам, тож ҳам фақат сизга муносиб!

Сурон товушлари, отларнинг кишнаши яқинлаша бошлайди. Нишодлар подшоси Гуҳа, жулдурвоки кийимда Бхарат кириб келадилар. Изма-из Ковшала хоним, Кайкейи хоним, Сумитра хонимлар ва мулозимлар кўринадилар. Бхарат бориб ўзини Раманинг оёғига уради. Ҳамма бир-бири билан узок кўришади. “Болажоним!”, “Онажоним!”, “Келингинам!”, “Бўйиягдан айланай!”, “Кечирингиз!”, “Соғ-саломат экансиз!” кабилида овозлар.

**Гуҳа**

*(Рамага)*

Ассалом, эй закий, зоти камтарин!  
Нишодлар подшоси таъзим қилади!

*(Бхаратни кўрсатиб)*

Сизни излаб келди Айўдхиядан,  
Азиз оғажоним қайда яшар деб.  
Кўнгличак шахзода ташвиш чекибди,  
Ганга дарёсидан ошиб ўтибди,  
Муборак қадами бизга етибди.  
Мен айтдим Кўшала шахзодасига,

Мана шоҳона жой, ётингиз унда,  
Аммо Бҳарат дер: “Йўк, йўк, ётмайман,  
Оғам зах ерларда риёзат чекар,  
Жулдур кийимларда тортинмай юрар,  
Шоҳона кийимга ҳақким йўк менинг,  
Шоҳона жойларга ҳаддим йўк менинг!..”  
Оғасин бошига кўтарар экан,  
Ҳавас қилдим сизга, Рама баҳодир!  
Мана, кошингизга келдим етаклаб...  
Шундай ука бўлса кошки менда ҳам...

*(таъзим қилади)*

## Бҳарат

*(йиғлаганча)*

Кечиринг, оғажон! Оғажонгинам!  
Кўзим чиксин сизни шундоқ кўргунча!  
Ҳайҳот, мен беадаб укангизни деб  
Бошингизга шундай кунлар тушибди...  
Кашмирда эканман, туш кўрдим, оға...  
Ҳатто душманамга кўрмасман раво.  
Кирмиш тушимга рангпар бечора жоним отам,  
Йиқилди у гўнг тўла сассиқ ховузга бир дам.  
Ҳопитар эрди кулиб, кунжут шовладан ерди,  
Окибат, ховуч-ховуч тинмай мой ичар эрди.  
Подшо бадани мойдан ялтираб кетмиш чунон,  
Ой ерга кулаб тушди, тушди-ю сўнди шу он.  
Денгизлар куриб битмиш, замин зулумотга фарк –  
Қотиб қолдим даҳшатда, бир-бир этганимда фарк  
Жиннисанғи нарсалар кўрар эдим тобора:  
Салт филнинг тиши синиб бўлганмиш пора-пора.  
Тушимда – борлик тутун, нураган эмиш тоғлар,  
Ер буткул ёрилмишдир, бедаводир хар ёқлар!  
Қора кийинган отам темир курсида эмиш,  
Қора либосли аёл жанубга томон элтмиш.  
Аробага кўшилмиш, тулпормас, хангиروق хар,  
Подшога безак бўлмиш бўғрук гуллардан чамбар.  
Қизил кийимлик хотин – рақшас, аробада нақ  
Силкиниб қаҳ-қаҳ уриб қилар масҳара, мазах...  
Ким эшак аробада кетса тушида, эвоҳ,  
Дафн гулхани унга кўз тикур, бўлсин огоҳ...

## Рама

Бу нима деганинг? Не бўлди, сўйла!  
Гапингдан бад нарса ҳиди келади...  
Бир нима бўлдими ёки отамга?  
Гапирсанг, сал қараб гапир одамга!..

Ҳамма хўнграб йиғлаб юборади. Рама хайрон.

**Лакшман**

Нималар деяпсан? Ҳамиша, оға,  
Ёмон нарса кирар сенинг тушингта!

**Гуҳа**

*(Бҳарат ёнига бориб)*

Ўзингни қўлга ол, жасур шахзода!

**Рама**

*(Ковшала хонимга)*

Онажон, не бўлди? Юртлар омонми?  
Тани жони соғми бузрукворимнинг?

**Ковшала хоним**

*(йигламсираб)*

Эвоҳ, бериб қўйдик отангни, ўғлим...  
“Рама! Рама!” – бўлди сўнги сўзлари...

**Кайкейи хоним****Сумитра хоним**

Эвоҳ, роҷамиздан айрилиб қолдик...  
“Рама! Рама!” дея жон берди подшо!

*(йиглайдилар)*

**Лакшман**

Нима-нима? Хайхот, отам ўлибди!...

*(бошини чангаллаганча йиқилиб қолади)*

**Рама**

*(фарёд чекиб)*

Энди қайдан топай отажонимни!  
Ёнида бўлмадим сўнги нафасда...  
Сўнги нигоҳини илғаб қолмадим,  
Сўнги сўзларини тингламадим мен!  
Армон бўлиб қолди бари бир умр!  
Фарзанд деб бўлурми сендай ўғилни!..  
Қандай бош қўтариб юрасан, Рама!  
Бундан кўра ўлмак минг марта афзал!..

*(хушидан кетади)*

Сита хоним “Паҳлавоним!”, “Валинеъматим!” дея ўзини Рама устига ташлайди, укалар, Гуҳа “Оғажон!”, “Оғажон!” дея парвона бўладилар. Ковшала хоним уввос тортиб ўғлининг юзларини силайди. “Сув келтиринг!”, “Сув! Сув!” деган овозлар эшитилади. Раманинг юзига сув сепадилар

**Ковшала хоним**

Эй Худо, бошимга солдинг синовлар,  
Ғаму изтироблар қаърига отдинг!  
Қайси ёзуғимга берган жазо бу?

Бир банданг бошига шунча кулфатму...  
Ахир жазоларнинг борму охири?..

*(йўғлайди)*

#### Сита хоним

Бу қандай кўргилик, эй аччиқ қисмат!  
Мусофир ерларда юрсанг хору зор,  
Бошингга ёғилса яна балолар...  
Кўзингизни очинг, сохибкарорим!  
Дунёдан кетмоқчи бўлсангиз агар,  
Мени ҳам... мени ҳам олиб кетасиз!..

*(йўғлайди)*

#### Бхарат

Оғажон! Оғажон! Суянган тоғим!..  
Мен тахтни бергани келган эдим-ку!

#### Гуха

*(Бхаратга)*

Йўғлама, шахзода, йигит йўғламас!  
Йўғилар ёнига йўлама асло!

Рама ўзига келади. Ҳар ёнда қувончли садолар янграйди.

#### Рама

*(ўйланиб)*

Оламдан ўтибди отажоним, эҳ!  
Бандасин қўлидан нима ҳам келар...  
Отажоним руҳи тинч бўлар фақат  
Агар адо этсак ҳар бир сўзини...  
Эсингда тутгилки, салтанат шаъни  
Зафарёр кўшинга боғлик, укажон.  
Аскарларга доим қилгин эътибор,  
Вақтида бер маош-моянасини.  
Халқни идора эт адолат билан,  
Улуғлар кенгашин қанда этма ҳеч,  
Мазлум бечоралар додига етгин,  
Золимлар таъзирин бергин хамиша.  
Бурни конамасин фақир-мискиннинг,  
Бойлар камбағалга қилмасин зулм.  
Пайкалларни обод этмоқлик учун,  
Ариқлар чиқаргин, ховуз, қудук қаз,  
Болаларга сабоқ бер, ўқит, ўргат,  
Шундай бир тартибни ўрнат, ука, ки –  
Ҳеч қачон фармонинг қолмасин ерда!

#### Гуха

Чинакам оғанинг сўзлари бўлди,  
Донишманд инсоннинг маслаҳати бу!

## Бҳарат

(безовталаниб)

Муҳтарам оғажон! Азиз оғажон!  
 Биларсиз, мен фақат хизматкорингиз.  
 Мен келиб турибман сизларни олиб –  
 Қайтариб кетмоққа Айўдхияга!  
 Сиз отам ўрнида отамсиз менинг,  
 Кетдингиз, хувуллаб колди юртимиз,  
 Шан-шукух, файз йўқдир Айўдхияда.  
 “Рама! Рама! Рама!” деб дод солмоқда халойик,  
 Эрлар яқо этиб чок, хотинлар сочин ёйиб.  
 Мунграган диллар қонаб, кўз ёшлар оқар дарё:  
 Ардоқли Рама суюк элга бўлса, деб, пошшо!  
 Жами ям-яшил дарахт бошларин қуйи солмиш,  
 Баргларга хазон урмиш, гуллар сўлганча қолмиш.  
 Оғажон, ховузлару қўллар суви қурибдир,  
 Ўрмонда йўк хайвонлар – ин-инига урибдир.  
 Бутазорларда кезмас ўкрук филлар подаси,  
 Сиз кетгандан сўнг бўлди бари ҳам ғам задаси.  
 Бўлмиш кенгаш эрлари тарк этган Айўдхия  
 Мушукларга макону бойқушларга ин, уя.  
 Айўдхия байрамсиз, гавжум бозорсиз бу он –  
 Мисли сайёраларсиз, ойсиз мунғайган осмон.  
 Нилуфарлар кўз юммиш, сойлар кўлмагу чалчик,  
 Сувлар бўтана боғлаб, келмоқда бўйи балчик.  
 Дарахтлар боғлар аро эрдилар рангин бутун,  
 Энди рангдан асар йўк, бўлмишлар курук ўтин.  
 Барча йиғлар баробар, мотамсаро Ватаним,  
 Билиб бўлмагай асло ким дўст – ошно, ким – ғаним.  
 Улусни кўриб бундоқ ихтилоф, нифок, ёвда,  
 Филлар депсинур, отлар гижинглашур безовта...  
 Оғажоним, пойтахт буткул ғамларга ботмиш,  
 Одамлар лолу хайрон, ўзни ўтларга отмиш...  
 Бутун эл, халқ, улус Рама қайтар деб  
 Умидвор кутмоқда қадамингизни.  
 Ташқарида отлар тайёр турибди,  
 Елмоққа шай турар учқур ароба!  
 Оғажоним, кетдик, кетдик Ватанга!  
 Агарда Ватанга қайтмас бўлсангиз,  
 Бор иснод ёғилур менинг бошимга.  
 Оғажон, отланинг, кетдик Ватанга!

## Маликалар

Ўғилгинам, кетдик, кетдик Ватанга!..

## Гуҳа

Бутун юрт шод бўлар, қайтсангиз агар!



**Рама**

Отам ваъдасини бажармоқ – бурчим!  
 Бу ваъда вафоси учун отамиз  
 Биргина жонини қилдилар фидо,  
 Ўз сўзида турмоқ – отам шарафи!  
 Мен ота сўзини бажармасам гар  
 Қандай бош кўтариб юраман ерда?..  
 Отам хошиш ила сенга берди тахт,  
 Мен эсам, ўн тўрт йил ўтгач қайтарман!

**Маликалар**

Қайт, ўғлим! Қайт, ўғлим! Бирга қайтайлик!  
*Рама маликаларга таъзим қилади.*

**Ковшала хоним**

*(ийгламсираб)*

Отангни сўзини баланд тутдинг сен!  
 Қаратиб кўймадинг юзимни ерга...  
 Юрагим увалиб турса ҳам, майли,  
 Аҳду қарорингдан розиман, ўғлим!

**Кайкейи хоним**

*(Рамани бағрига олиб, йиглаб)*

Ўғлим, кечир мени, хато қилибман...  
 Бу нодон онангни кечиргин, болам!  
 Қайт энди, тахт сени кутиб турибди!..  
 Шод бўлар отангни нотинч руҳи ҳам...

**Рама**

Отамнинг сўзини икки қилмасман!  
 Ундай ўғилмасман! Отам сўзи – сўз!

Хамма ҳайратда чувуллашиб қолади. “Юрақолса бўлмайдими!”, “Бизларни ҳам ўйла, Рама!”, “Юртингни ҳам интизор қилма!”, “Тошбағир бўлма!” деган овозлар.

**Бхарат**

Оғажон, не дердим, улуғ оғамсиз,  
 Айтганингиз адо этмоқлик – бурчим...  
 Қайтмайман десангиз, не иложим бор,  
 Сиз ота сўзини тутдингиз баланд!  
 Айтиб кўяй мен ҳам укалик сўзим:  
 Тахт сизнинг ҳақкингиз, тож ҳам, шараф ҳам,  
 Асло тахт ёнига йўламасман мен!  
 Фақат бор биргина илтижо, истак:  
 Беринг тахтакачдай шиппагингизни,  
 Тахт пойига кўяй, ўзим-чи пастда  
 Эгнимга илайин пўстлоқдан жанда,  
 Ўн тўрт йил йўл пойлаб зору интизор,  
 Юрт бошқариб турай келгунингизча!

*(Раманинг оёқларига бош қўйиб йиглайди)*

Ҳамма қотиб қолади.

## Парда

### 6-кўриниш

Ўрмон. Саҳна бўш. Бироздан кейин Рама, Сита хоним ва Лакшман кириб келишади.

## Рама

*(ғамгин Сита хонимни юпатиши ниятида)*

Хов анов тоққа кара, унутилгай бегумон,  
 Қўлимиздан кетган тахт, мустарлик, дарду хижрон.  
 Тонг қолгил, эй ойчехра, қушлар галасига бок,  
 Не бор кўкка бош урган чўккилардан улугроқ!  
 Модда борки, қоялар сирли бўялур ҳар он:  
 Сиймин чўкки ёнида тўккизили намоён,  
 Сариги хув – рўяннинг теккандек бад шираси,  
 Кўки ана – гўёки кўк ёқутнинг сараси.  
 Сену Лакшман билан бунда ғамни этмай ҳис,  
 Хўп бисёр фасли кузлар кутиб оларман, ойқиз!  
 Иззат-нафсим миннатдор: отам сўзи синмади,  
 Бхарат калбига ҳам ранжу ғубор инмади!  
 Бизларга бошқа йўл йўқ, кетгаймиз жануб томон,  
 Бизни кутса-да ортда Айўдхия нигорон...

*Бақриб-чақриб дев-хотин Шурпаноқха кириб келади.*

## Шурпаноқха

*(йигитларга кўзи тушиб)*

Анови гўзал йигит қайси юртнинг полвони?  
 Бу кўркинчли жойлардир, рақшас-девлар ўрмони!  
 Бу жойларда ҳамма ҳам яшолмас, юрак ютиб,  
 Ҳар лахзада рақшаслар учиб келурлар етиб.  
 Кимсизлар, эй қайдансиз, илгингизда найза-ёй,  
 Ану ким, ёнингизда оху тери кийган ой?..

*(четга)*

Қандай чиройли, анов зўр йигит турган қулиб,  
 Ўттиз маъбуддай гўзал, Камадай суюкли хўп.  
 Жингалак сочи момик, келур қўлларидан кут,  
 Киприқлар аро кўздан балқиб чиқар оташ, ўт.  
 Мовий нилуфар монанд буғдой чехра-ю, узор,  
 Шохона нишони бор, ёшликка лойик виқор...

## Рама

*(хотиржам)*

Қувилиб келганмиз Айўдхиядан,  
 Қўшала подшосин ўғлиман, билсанг.  
 Бу укам – Лакшман, бу – ёрим Сита,  
 Сарсону саргардон бўлиб юраммиз.

Ўзинг ким бўласан, зотингни айтгил,  
Не сабаб бизларни сўраб турасан?

### Шурпанокха

*(Рамага шахвоний назар билан боқиб)*

Шурпанокхадир отим, ҳар ишда золу зўрман,  
Афсунгар мисол тусим ўзгартира олурман.  
Титрайди даҳшатимдан атроф ўрмон, кулатуз,  
Раванани биларсан? Оғамдир ул порлоқюз!  
Ўзгаси – Кумбхакорна, ғафлат уйқуда мастдир,  
Бошқаси – Вибҳишон-да, динга дили пайвастдир.  
Тўртинчи, бешинчиси – Душвона ҳам Кҳара,  
Уларга, ёғий билан савашган чоғи қара!  
Мен баридан кучлиман, бўлолмас ҳеч нарса гов,  
Зарур эса, осмонга парвоз киларман дарров!  
Ситага бок: беўхшов, қўполдир, бадрафтордир,  
Гўзал Рама, сен менга эр бўлмоғинг даркордир!  
Бизлар мосмиз жуда ҳам, дил ўтли шу аснода,  
Уйлан менга, бахтингни қўлдан берма, шахзода!

### Рама

*(мийғида кулиб)*

Хотиним бор, Видеха маликаси. Чамаси,  
Йўқдир сенда, ойимкиз, кундош бўлмоқ хаваси?  
Сенга, сўлим сонлик қиз, зупта бир кайлик керак.  
Ўқинмагил! Сенга мос укам бордир довьюрак.  
Меру узра балқиган кундек айла иқомат,  
Кундошмассан, чин ёрсан, ёринг бўлса – валломат!

### Шурпанокха

*(мазах бўлаётганини сезмай, Лакшманга мақтаниб)*

Хуснимга бок эй ўғлон! Сени лойиқ кўргайман,  
Ёр бўлсанг, ўрмонларда ойни олиб бергайман!..

### Лакшман

*(четга)*

Хушим келди хунуг-ей, хуш коматга ишқивоз,  
Довдиру хириллоққа хуш келибди хушовоз.  
Сочи сассик, тенгман дер, сочи сара, соз билан,  
Сўзи аччик, тенгман дер, сўзи сарафроз билан.  
Малларанг сариқ ўзи қорамағизга хуштор,  
Эси пасту ғирт жинни излар ақли расо ёр.  
Тасқара-ю таъвия офтоб юзни танлабди,  
Ғилайлиги ёдда йўқ шахло кўзни танлабди.  
Шоҳона нишон таққан хуш қад йигитга мутлоқ  
Тенг кўрибди ўзини тўрсикҳон халгакурсок...

*(Шурпанокҳага)*

Ростдан айтган сўзларинг пурҳикмату маънодор,  
 Мен акамга хизматкор, унга тобелигим бор.  
 Сулувсан, оймитилла, гул чехранг жозибатор,  
 Нахотки хизматкорга чўри хотин бўлгинг бор?  
 Ишон, Рама сени деб ажралур қаҳри баланд,  
 Бадбуруш, бесўнакай, бадсўз кампири билан.  
 Қара, сийнанг тўлғиндир, қуймичинг соз, юзинг ол,  
 Бахтлидир ҳар кандок эр сен ёр бўлсанг, ойжамол!

### Шурпанокха

*(Рама ёнига бориб)*

Илмадинг кўзга мени, анови қаҳри баланд,  
 Бадбуруш, бесўнакай, бадсўз кампиринг билан!  
 Яхшиси, кампирингни тутиб ейман шу маҳал,  
 Сўнг ишкий ўйинларда ким бергай бизга халал?

*(Сита хонимга ҳамла қилади)*

### Сита хоним

*(ўзини четга олиб)*

Бундай кўргилик ҳам бор экан энди,  
 Эй Худо, не солдинг шўрлик бошимга!..

### Рама

*(Лакиманга, газабли)*

О, Сумитра дилбанди, мустаҳику марғуб эр!  
 Ҳазилнинг таги зилдир, шум конхўрга жазо бер!

Лакшман шиддат билан Шурпанокха йўлини тўсади. Хайбатли кизнинг бурни билан кулоғини кесиб ташлайди. Оғзи-бурни қора қон бўлган Шурпанокха: “Войдод! Расво бўлдим! Қайдасиз, Равана ака! Акажо-о-он! Ўчимни олиб беринг! Ўчимни олиб беринг!” деб йўлбарсдай ўкириб ўрмонлар қаърига кочади.

### Рама

*(Сита хонимга)*

Қўрқиб кетмадингни, жоним маликам?  
 Бу ерда ваҳшийлар изғиб юради.  
 Қўркма, ёнингдаман, ел ҳам теголмас!  
 Аммо узоқ фурсат қолиб бўлмагай,  
 Йўлимизни давом эттирайлик, бас!

*(чап томонга чиқиб кетадилар)*

Саҳна бўш қолади. Ўрмон қаъридан гоҳ фил, гоҳ арслон, гоҳ йўлбарс, гоҳ коплон – ҳар хил ваҳший ҳайвонларнинг қўрқинчли наъралари эшитилиб туради. Бироздан кейин Равана билан Шурпанокха кириб келадилар.

### Равана

*(газабли)*

Яна ўша Рама йўлда турибди...  
 Аввал у Ситани тортиб олганди,

Шива камалагин синдириб шартта.  
 Энди-чи, хакорат қилмиш синглимни...  
 Ўқсинма, сингилжон, кўнглинг чўкмасин,  
 Ўчингни оламан, олмай кўймайман!  
 Чамаси, билмаслар менинг кимлигим...

### Шурпаноксха

Қаранг, кўришди-ю ялтқокланишиб,  
 Иккиси ҳам ошиқ бўлиб қолишди.  
 Хушомад қилишиб менга галма-гал,  
 Хўпам талашинди бир-бири билан,  
 Акаси айтади, мен уйланай деб,  
 Укаси айтади, йўқ, мен уйланай!  
 Уларга қилмадим сира эътибор,  
 Ширин сўзларига солмадим кулок.  
 Гапирмангиз, дедим, уят гапларни,  
 Номус-хаё борми, дедим, сизларда.  
 Шундан сўнг укаси менга ташланиб  
 Кесиб ташлади-да кулок-бурнимни...  
 Яхшиямки, ака, яқин экансиз,  
 Ака, деб чопдимۇ тез топиб олдим...

### Равана

Чамаси, билмаслар менинг кимлигим...  
 Улуғ саркардаман, Ланка подшоши...  
 Ҳа, ҳа, қачонлардир мен зоҳидона  
 Ҳаёт кечирардим, азиз жонимни  
 Турфа риёзатлар қаърига кўмиб...  
 Ёлғиз ибодатлар эди насибам.  
 Шижоатим кўриб, Бароҳим тангри  
 “Тила тилагингни, эй зоҳид!” дея  
 Менга илтифотлар айлади аён.  
 Шунда ёлвордимки: “Бароҳим сарвар,  
 Шукрим, риёзат чекканим билдинг,  
 Битта илтижойим бордир ўзингга.  
 Ҳеч нарса керакмас, на мол, зар! Фақат –  
 Енгилмас, букилмас кудрат ато эт,  
 Ки ожиз қолмайин девлар олдида,  
 Яздонларни асло қилмайин писанд!  
 Одамни кўшмайман ёв қаторига,  
 Одамлар кошимда хасдан ҳам ожиз!”  
 Шу-шу, менга ҳеч ким тенг кела олмас,  
 Уч олам тиз чўқар менинг қаршимда!  
 Яздонлар – осмонда хайиқадурулар,  
 Инсонлар-чи – менга чивиндайин гап,  
 Шу сабаб ер узра деганим-деган!  
 Етти музофот бор ернинг тагида,  
 Нағлару гандҳарвлар, асурлар, девлар,

Бари хайбатимдан қочарлар кўркиб!  
 Наҳотки шунчалар дасти сарбаланд,  
 Шунчалар пурқудрат, пурқуч баҳодир  
 Энди кўркиб турса ожиз нотавон  
 Дашаратҳа деган подшо ўғлидан?..

### Шурпанокҳа

*(йиғлаб)*

Акажон, ўчимни олиб берасиз,  
 Шарманда қилдилар мени, акажон!  
 Ҳа, ака, англадим, Сита кўп сулув,  
 Сохибжамол экан дунёда тенгсиз!  
 Сизнинг ҳам куёвлар тортишувига,  
 Хабарим бор эди, борганингиздан,  
 Билгандим ололмай келганингизни.  
 Шунчаларми сулув экан деб эдим,  
 Ситани гўзал деб ўйламовдим ҳеч.  
 Аммо кўркам экан зебодир санам,  
 Дунёда ягона, деса ярашгай,  
 Аёл бўлсам ҳамки, айтайин сизга,  
 Юзимни сидириб бўлса ҳам айтай:  
 Бир кучоқлаб олгим келди Ситани!  
 Бундай ҳурилиқо Рама учун хайф,  
 Ака, Сита сизга бирам муносиб,  
 Агар хотинликка олсангиз уни,  
 Шаксиз, харамингиз офтоби бўлур!

### Равана

*(четга)*

Жуда ҳам барнодир, зебодир Сита,  
 Сохиби латофат, хушқомаат, кўркам!  
 Оҳ! Сита номини эслатиб яна  
 Ўртаб юбординг-ку юрак бағримни!..

*(Шурпанокҳага)*

Ўчингни оламан, бошлаб оламан!  
 Кейин Рама ўзи койил қолади!  
 Морича рақшасни чорлайин буён,  
 Қўлидан кўп нарса келар сеҳргар,  
 Чиройли маролга айлансин-да у,  
 Рама кулбасининг ўтсин олдида.  
 Раманинг кулбасин ҳам, ўзга кенг майдонларни,  
 Ёритиб юборсин-да майдон не, ўрмонларни!  
 Салкин дарахтлар аро югуриб-елсин марол,  
 Териси қумушлансин олачипор, зирахол.  
 Учқур оёқларида зумрад туёқлари бор,  
 Кўрай деса кўргудай кўҳли бўлсин жонивор.  
 Кўрсатиб назокат-ла қумуш холли ўмузин,  
 Сурх новда есин яйраб, бозорга солсин ўзин.

Ўйнасин ҳовли узра, нурлар айласин фишон,  
Домига тушса басдир гул Сита, офатижон!  
Домига тушса басдир, у ёғи ўзимга тан,  
Кучоғимга кирадир ул нозик сийминбадан!

*(қаҳ-қаҳ отиб кулади)*

Ёлғиз ўлтирганда кулбада Сита,  
Девларимга фармон қилгумдир кейин,  
Бари турфа ҳайвон овозин қилиб  
Чийиллаб ўрмонга қўрқув солурлар!

*(кулади)*

### Шурпанокха

Агарда Ситани бадном қилсангиз,  
Ўшанда ўчимни олган бўласиз!  
Ўшанда мен рози бўламан сиздан,  
Йўк эса, отимни қўяман бошқа!..

### Равана

Ўчингни оламан, шаксиз, сингилжон!  
Йўк эса, отингни бошқа қўясан!

*Чиқадилар.*

### Парда

#### 7-қўришиш

Ўрмон. Рама кулбаси олдидаги кенг майдон.  
Рама, Ситахоним ва Лакшман.

### Лакшман

Йўк, оғажон, ишонинг, бу ҳайвонмас, Морича,  
Гўл шохларни ўрмонда қўлга тушириш неча.  
Ҳавас тинч қўймай бари ола солиб камонни,  
Кувмишлар тутмоқ бўлиб бу сеҳргар ҳайвонни...  
Бир юмалаб чиройли марол бўлиб олган-да,  
Бундай сеҳр олдида бари ожиз колган-да!..

### Ситахоним

*(Лакшман сўзини бўлиб)*

Ох, ақлим қилди бирён зарфишон марол кутлуғ,  
Бундан ортиқ зўр юпанч, эрмак асло менга йўк!  
Нилуфардек тумшуғи, кизариб тушмиш, ол-ол,  
Ялтираб турмиш эди, тик бўйни эгик хиёл.  
Мисли барги нилуфар – икки мовий қулоғи,  
Бағоят эрди таранг ёқут тусли курсоғи.  
Нечоғлик соз, ох, Рожа, ўйнамоқ марол билан!  
Ушлаб бергил, Кучликўл, қуввати камол билан!

### Рама

Олтин ранг юнгли марол, рост, мени ҳам этди лол:  
Тундаги тўп юлдуздай ёнар хил-хил тилла хол.

Дилдорнинг нозик кўнглин авайлайлик, укажон,  
 Марол-ку қойилмаком, ха, ха, сўзингда бор жон:  
 Моричадир, рақшасдир, ё чин марол, ҳайвондир, —  
 Тиллоий терисидан айрилмоғи аёндир!  
 Уч бор эгилма камон, ўк тўла садоқ олай,  
 Ғаройиб махлукни деб ўрмон сари йўл солай!

#### Лакшман

*(ўйланиб)*

Сийминранг чавқар марол, бекорга юрмас яйраб...  
 Зарларин ялтиратиб, беғам сурх новда чайнаб...

#### Рама

Маликадан огоҳ бўл, Сумитра арзандаси!  
 Еткурмасин тағин ранж бирор афсун бандаси.

*(Кетади)*

#### Лакшман

*(тепаликка чиқиб Рама кетган томонга қараб)*

Ана, Рамадан кўркиб марол йўқолди кўздан...  
 Олдидан сакраб чиқиб пайдо бўлди туйқусдан!  
 Ўрмон қоронғусида йироқлаб борар кам-кам...  
 Ана, кўринмай кетди Рама ҳам, шум марол ҳам...  
 Акам ўрнида бўлсам, кўзини ёшлар эдим,  
 Бизни алдаганига шарт отиб ташлар эдим!

#### Ситахоним

*(мамнун)*

Сира ўлдирмасин маролни, йўқ, йўқ!  
 Ундайин сўзларни дема, кайнижон!  
 Рама тутиб келсин гўзал маролни!  
 Менга шерик бўлсин ёлғиз чоғларда.  
 Сизлар узокларга кетиб қоласиз,  
 Ов дейсиз, емаклар излаб юрасиз,  
 Бир ўзим қоламан мен-чи кулбада,  
 Қоронғу ўрмонда қолиб кетаман.  
 Тунов кун эрталаб сизлар кетдингиз,  
 Бирдан фил овози келди чап ёқдан,  
 Унга жавоб берди яна бошқа фил,  
 Чамаси, иккиси жанг қилар эди,  
 Сўнг йўлбарс наъраси қўшилди унга,  
 Сўнг бошқа овозлар... мен сенга айтсам,  
 Дахшатли кўрқувдан титраб-қакшадим,  
 Жонимни ховучлаб ўтирдим ёлғиз,  
 Юрагим тарс этиб ёрилай деди!  
 Агарда ёнимда марол бўлса-чи,  
 Ёлғиз қолганимда кўркмайман ортиқ  
 Юпанч борлигидан зерикмайман ҳеч,



Олтинранг бўйнини силаб кўраман,  
 Марол билан бирга ўйнаб юраман...  
 Кўлга ўргатаман уни яхшилаб,  
 Сўнг олиб кетаман Айўдхияга!

### Лакшман

*(четга)*

Ишкилиб, тузокқа тушмасин акам,  
 Не-не ботирларни енган бу жоду.  
 Аммо Рамага тенг биронта куч йўқ,  
 Куч йўқ синдиргучи унинг шахтини!  
 Асли, бошга бало бўлди бу хайвон,  
 У ҳечам маролмас, кўнглим сезади...  
 Инжиқ келинойим тилаб қолдилар,  
 Рост айтсам, аёллар ғишавасига  
 Сира тоқатим йўқ. Ва лекин акам  
 Бағоят севади Сита хонимни,  
 Авайлаб қарайди нозик кўнглига,  
 Шундан отланди-да марол тутайин,  
 Хурсанд қилайин деб келинойимни.  
 Мактовларга лойик акамнинг иши,  
 Ўрнақдир ундаги кўнгилпарварлик.  
 Ўзи ғарибликда юрибмиз дилтанг,  
 Ярим кўнгил бўлиб мустару сарсон...

*(Сита хонимга)*

Ҳализамон акам келиб қолади,  
 Ёкут мугузидан ушлаб маролнинг!  
 Гўзал марол билан ўйнаб юрасиз,  
 Бизлар кетган чоғда бўлади эрмак...

Бирдан ўрмон қаъридан Раманинг жон талвасасида қичқирган: “О, Сита! О, Лакшман!” деган овози эшитилади. Сита билан Лакшман қотиб қоладилар.

### Ситахоним

*(кўрқиб кетиб)*

Вой, Лакшман, бу – Рама овози-ку, қайнижон?  
 Нима бўлди оғангга, кўнглим бўлди даргумон!  
 Нима бўлди, оғангни девлар қуршаб олдим?  
 Ёлғизгина бошига ғаму кулфат солдим?  
 Рамага чоп, оғангга! Вақт кетмасин, имдод қил!  
 Мустар қолган кўнглига мадад бергил, обод қил!

*(йиғлайди)*

### Лакшман

*(жойидан қимирламай)*

Оғамга ишончим бор, девлар унга чўт эмас,  
 Пойида алвастилар бўлурлар хор мисли хас!

*(четга)*

Рама сўзин эсимдан чиқармагайман ҳаргиз:  
 “Ойюзлига хушёр бўл, – деди, – қолдирма ёлғиз!..  
 Ёлғиз қолдириб бўлмас, унга керак ҳимоя,  
 Ҳар турфа ҳолатда ҳам ташлаб кетма, ҳамсоя!.. ”

**Ситахоним***(ёлвориб)*

Нега кимир этмайсан, чакирмоқда-ку Рама!  
 Қурулингни олу чоп, ҳеч нарсага карама!  
 Рамага ука бўлсанг, шопил, шопил шу онда,  
 Ёрдам бергил, кайнижон, қолмайлик-да армонда!..  
 Бўл, бўлақол!.. Турсанг-чи! Ҳалқумга келди жоним!  
 Бало-қазолар ичра қолди жоним-жаҳоним!

**Лакшман***(ҳаракатсиз)*

Мен оғамга хизматкор, тоғ билгайман ўзини,  
 Асло икки қилмайман менга айтган сўзини!  
 Ёлғиз қолдирмагайман сизни ботиб гуноҳга,  
 Ундан кўра ўзимни отиб ўлгайман чоҳга!

**Ситахоним***(фигони чиқиб)*

Ҳай, сен кимсан, вой тавба! Ҳай, Сумитра туккани!  
 Укамассан Рамага, сендай асло йўқ ғаним!  
 Ёки Рама овозин эшитмадингми дейман,  
 Рама бўлсин соғ-омон, шунинг ғамини ейман.  
 Сен боравер, мен қолай, мени бўри ермиди?  
 Оға ахволин кўриб ёнмаган эр эрмиди!  
 Оғажонинг ҳоли танг, унга сира куйгинг йўқ,  
 Энди Рама қайтмас деб, балки нопок кўнглинг тўқ?  
 “Рама! Рама!” деганинг, сиртдан-ку дуруст экан,  
 Ваъдаларинг ваъдамас, бари курук сўз экан.  
 Кўрдимки, Рағҳу наслин заволини тиларсан,  
 Олайтириб кўз... балки... мендан умид қиларсан?..

*(ийғлайди)***Лакшман***(ўзини йўқотаёзиб)*

Тўхтангиз... келиноий... сиз маъбуда бамисол,  
 Кафтга кафт кўйиб, айтай: ҳурматим сизга ҳалол!  
 Гарчи аёллар ноҳақ, озроқ акидапараст,  
 Менга номингиз азиз аввалгидек беғараз!  
 Сизга кўз олайтирсам, кўзларим оқиб тушсин,  
 Қўл-оёғим шол бўлсин! Фақат тингланг, бу гап чин:  
 Бу даҳшатли ўрмонда якка-ёлғиз қолсангиз,  
 Бирон бало-қазога, хайхот, дучор бўлсангиз,

Рама қайтиб, сасингиз эшитурми яна бор?  
Шахло кўзларингизни кўрарми яна такрор?..

**Ситахоним**

*(қулоқ солмай)*

Қимир этмай турурсан, оғанг холи афтода,  
Айт, сендай оқибатсиз ука борми дунёда?..  
Рама сенга ишониб афсус хато қилибди,  
Сендай хоин, кўрокқни ўзига дўст билибди.  
Ниятинг қоралиги шундай турар кўриниб,  
Эргашиб келдинг атай уринибу суришиб.  
О, Лакшман! Эсинг йиғ! Бўлма бундай бетамиз,  
Бизлар Рама икковлон қўшмағиздай биргамиз!  
Рама бўлмаса, хайхот, ичгайман оғу-заҳар,  
Ўзим бўғурман, ўзим тоғдан ташларман агар!  
Ўзим ўтга отарман, дарё гирдобига ё,  
Рама ҳаққи, бокмасман ўзга эркакка асло!!!

*(хўнграб йиғлайди)*

**Лакшман**

*(четга)*

Аччик сўзларингиз аямадингиз,  
Нак илон пўст ташлар бундай гапларга!  
Ҳақ гапни англитиш мушкулдир ҳозир,  
Жаҳл келганида ақл қочади.  
Энди чорасизман, бормасам бўлмас...  
Лекин кўнглим нотинч, оёғим тортмас...

*(Сита хонимни овутиб)*

Кўнгилга олмангиз жон келинойи,  
Тездан кўмаклашай бориб оғамга!  
Эҳтиёт бўлингиз! Ҳазир бўлингиз!  
Зинҳор оча кўрманг эшикни, зинҳор!  
Ичкаридан маҳкам тамбалаб олинг,  
Ташқари чикмангиз кулбадан асло!

*(кетади)*

**Ситахоним**

Борақол, Лакшман! Оғанг интизор,  
Йўлингга зор душман исқанжасида!..

**Парла**

**8-кўриниш**

7-кўринишдаги манзара. Кулба олдида Ситахоним. Художўй браҳман киёфасида эгнида зоҳидона либос, оёғида шиппак, соябон тутиб олган, ёнига кашкул осиб, ҳассага таянган Равана кириб келади. У юрганда “Худо ўзинг мадад бер!”, “Худо ўзинг кам қилма!..”, “Хайр қилинглар!” деган сўзларни такрорлайди.

## Ситахоним

*(четга)*

Тарки дунё килган авлиё чоғи,  
Худо, деб риёзат чекиб юрибди...  
Сўраб кўрайин-чи, ким у, каердан,  
Кўмак берса савоб бўлар, дейдилар.

*(Раванани танимай)*

Қаерга борасиз, эй такводор зот?  
Сафарга чиқибсиз ўрмонда ёлғиз?..

## Равана

*(ўзини руҳоний, беозор кўрсатиб)*

Художўй одамман, савоб ахтариб,  
Сайр этиб юрибман кадамжоларни.  
Бадринатх шаҳрини зиёрат килдим,  
Қайтаётиб кўзим тушди кулбангга...  
Айтгин-чи, сен ўзинг қайдан бўласан,  
Ёлғиз ўлтирибсан, соҳибжамол киз?  
Шунчалар гўзалсан, сенга кулбамас,  
Шоҳона саройлар асли муносиб!  
Қандай келиб қолдинг бу ерларга сен,  
Воҳ, сендай гўзални кўрмагандим ҳеч!..

*(четга)*

Кўл келди бараҳман бўлиб олганим,  
Мени Равана деб ўйламади ҳеч...  
Ўзимни ҳаттоки чумолига ҳам  
Озор бермайдиган қилиб кўрсатай,  
Ошириб мактайин кўрку хуснини,  
Қадди камолини, сохт-сумбатини,  
Мактовга ўч бўлар асли аёллар...

*(ютинганча, Сита хонимга)*

Баркут юзлар олини, пушти лабларни кўрдим,  
Садаф тишлар кўзимга нурли бир жило урди...  
Тип-тиниқ кўлни ойна қилиб бир ўзингга бок,  
Кўрмадим уч оламда тенгингни мутлок-мутлок.  
Завкёб қадду коматинг сарик шойи либосда  
Шуъла тўла оқимдек дириллайди минг нозда.  
Нилуфар чамбариди нафис терингни туси  
Тилло, зардек нурафшон, кўзни олар ёғдуси!  
Айтгил, кимсан ойрухсор, сохт-сумбатинг шоҳона?  
Тан ол – илоҳаи шавк сен, ул Ратий ягона!  
Сен – Лакшмий, ё Киртий? Апсаралар аълоси?  
Бирок, аён туғмабдур сени одам боласи!  
Оппок текис тишларинг маъсум ва холисона  
Ёсмин куртаги янглиғ ярқирай дона-дона.

Кўз оқларинг кизармиш йиғлаб, қорачуғ биров  
 Киприklar аро ёниб термилар йирок-йирок.  
 Қуймичлари диркиллоқ, андоми бол, шақар киз,  
 Юзи ширага тўлган мевадек жилвағар киз.  
 На яздон, на башарнинг маҳбубаси то бу дам  
 Бундок гажак соч кўрди, титра-титрама тўш ҳам!  
 На Кубера чўриси, на-да самовий хурлар  
 Бундок нозик виқорли қад-қоматни билурлар!  
 Уч оламга – на Само, на Ер, на Ернинг таги –  
 Насиб бўлмади сендек илоҳани кўрмаги!  
 Сенга қайинпўстлоқмас, зарбоф либослар даркор,  
 Ўзгинангга яраша даркор мардона бир ёр!  
 Шахло кўз, жавоб бергил, сенга, эй қоши қаро,  
 Худоваш морут, васу, рудралар ё акрабо?  
 Қалбингга ваҳшат солмас нахотки, менга қара,  
 На арслону на бўри, на айик, на қарқара?  
 Зотинг қайдан? Кимдурсан? Қўркмайсанми, эй ойюз,  
 Нарра филлар жуфтини қаттиқ тилаган боис –  
 Кўзлари қонга тўлиб ўзларин уриб ҳар ён  
 Ўқириб ўрмон аро солсалар шовкин-сурон?  
 Кимсан, эй моҳитобон? Сенга не бор ўрмонда,  
 Этхўр, ҳарис рақшаслар изғиб юрган маконда?..

#### Ситахоним

*(четга)*

Вой тавба, нималар дейди бу зохид?  
 Гапи авлиёга ўхшамас сира,  
 Эшитиб уялиб кетади одам...  
 Лекин у меҳмон-да, тагин – бараҳман,  
 Бечора, ногавон, художўй киши,  
 Қаттиқ гап гапирсам гуноҳ бўлади.

*(Раванага)*

Бизнинг бошимизга қора қун тушди,  
 Юрибмиз сарсону саргардонликда.  
 Митҳила подшосин кизи бўламан,  
 Қутли шахзодасин Айўдхиянинг –  
 Раманинг суюкли жуфти ҳалоли...  
 Хуш кебсиз, қулбай вайронамизга,  
 Дерларки, художўй бараҳманларга  
 Холис хизмат қилсанг савоб саналур.  
 Бизнинг қулбамизда меҳмон бўлингиз,  
 Мева олиб келай, келтирай таом...

#### Равана

*(шаҳвоний назар билан тикилиб)*

Шафқатли экансан, эй оқила қиз,  
 Худо паноҳида арасин сени...

Бирон нарса берсанг, майли, еб олай,  
Яна ҳам гўзал бўл, деб, дуо қилай!

### Ситахоним

*(уялиб)*

Бу ерга ўлтиринг, дам олинг бироз,  
Мен эса мевалар териб келайин...

Ситахоним хиромон айлаб юриб товоқдай банан япроғига мева-чевалардан териб солиб Равана олдига кўяди. Равана соҳибжамол маликадан кўз узолмай унинг нозик ҳаракатларини ҳирс билан кузатиб туради. Сита хонимга қаттиқ тикилганча мевалардан бирини олиб оғзига солади...

### Равана

*(четга)*

Ортиқ чидолмайман, кўнглим ўртанар...  
Ёнимда жонимдан ортиқ кўрганам!  
Ҳеч ким йўқ шу палла атроф ўрмонда...  
Яшириб ўлтирма мурод-мақсадинг,  
Кимлигингни танит Равана энди,  
Ўзингни билдириб кўй махликога,  
Сени бараҳман деб юрибди ҳали,  
Зохид деб юрибди, содлагина киз...

*(Сита хонимга)*

Менки, улмен, шахтимдан дунёларинг титраган,  
Зохидлару подшолар, худоларинг питраган!  
Ипақларга бурканган қаддинг кўрган онимда,  
Товланиб сиймин танинг чанг солди имонимга!  
Сени энди ҳарамга олиб кетмасам бўлмас,  
Олиб кетмаса, тамом, Равана кўнгли тўлмас!  
Мен – Равана, иблислар оламида бирубор,  
Бесанок хотинларим ҳайдай, этсанг ихтиёр!  
Минг-минг чўри парвона сўзингга интиқ тургай,  
Маликага ёксам, деб ўзин хар томон ургаи!..

### Ситахоним

*(газабланганча)*

Вой-вой, гапини қаранг, уятсизнинг нақ ўзи!  
Маънисиз сўзлар дейди шундай куппа-қундузи!  
Имонсизни художўй бараҳман, деб ўйлабман,  
Савоб деб, нақ ўзимга бало-қазо тилабман!  
Билгил, дунёга устун Индрадек викори,  
Менинг бегим биттадир: мен Раманинг дилдори!  
Уммон каби теран, тинч, тоғдай коим қарори –  
Асил жанг-чи шундоқ-да! Мен Раманинг дилдори!  
Оламлар узра балққан ойдаё ёрқин узори,  
Қудратда донғи дoston! Мен Раманинг дилдори!  
Ҳимолайдай пурвикор, хушдир бу тоғнинг бори!

Шундай тоғнинг ёриман! Мен Раманинг дилдори!  
 Шери нарнинг жуфтини тилайсан, шақал қилиқ,  
 Йўлдан урмоқка шайсан бир амал-тақал қилиб!  
 Ёвузлик қилмоқ нечун ўзингни айлабон хас?  
 Қуёшнинг нуридекман! Қўл чўзсанг қўлинг етмас!

### Равана

*(сўзни бўлиб)*

О, Митхила кизи! Бил, титрар мендан худолар,  
 Кўриб даҳшатли тарзим бўлур жондан жудолар.  
 Мени кўриб кўркқандан, – йўқ асло бунинг сири –  
 Тинар ҳатто ям-яшил барглар шитир-шитири.  
 Шамол ҳам эса кўрмас, сойларда сувлар котар,  
 Қуёш эса ой каби кўкариб хира торгар.  
 Зўр шаҳарда рақшаслар иқомат айлар азал,  
 Ҳар бирида ароба, фил, қасру боғ мукаммал.  
 Салқин боғлар оралаб дарахтларга боксанг гар,  
 Шира боғлаб пишмишдир хил-хил мева жилвагар.  
 Ҳар кун унда илоҳий фароғатлар аро сен,  
 Банда эмас, яйрайсан мисоли бир худо сен!

### Ситахоним

Рама ёрин истабсан, хах, бу жаннатмас магар,  
 Дўзахнинг зар дарахтин кўрмоқ ила баравар!  
 Рама ёрин ийдирмоқ келмас қўлингдан аён,  
 Бундан Мандара тоғин ортмоқлаб кетмоқ осон.  
 Балки бўйнингда тош-ла сузиб ўтгунгдир уммон,  
 Кўнглимга сололмассан бироқ шубҳа-ю гумон!

### Равана

Рама деб қайғурмагин, битди, бас, унинг куни!  
 У одам-да, ким ахир узайтолур умрини?  
 Тахтсиз-бахтсиз Рамани бошингга урасанми?  
 Хонавайрон, саргардон изидан юрасанми?  
 Билсанг, Митхиладаги куёвларнинг баҳсида,  
 Курашмоқдан тийилдим, четга чиқдим аслида.  
 Боксам рақибларимга, Сугрива, Гуха, Рама,  
 Подшоҳзода, шахзода бўлганига карамай,  
 Тенг кўрмадим ўзимга, курашмоқни ор билдим,  
 Қаланғи-қасанғини ўзим учун хор билдим!

### Ситахоним

Қуёш, ойна кафтда, ё ўтни элтмоқ этакда –  
 Хаёл қилибсан, кўпам куч етмаса керак-да.  
 Тангримонанд қайлигин ўғирлайин дедингми?  
 Хушхулқ хотини бирла яйрашмоқчи эдингми?  
 Чиранмоғинг беҳуда, уринмоғинг бенафдир,  
 Бу найзалар устида юрмоқка тенг бир гапдир!

**Равана***(ялинишига ўтиб)*

Йўқ, демагин! Қошингда турибман мен – бирубор,  
 Кама ўқи қалбимга ботиб бермоқда озор!  
 Изларинг ўпай, майли, тоғни кўпорай шартга,  
 Гапга қўнмасанг кейин, аттанг дейсан албатга!

**Ситахоним***(газабини босолмай)*

Шохона шер ва шакал аро билмассан фарқни,  
 Ирганч сув ила сандал аро билмассан фарқни,  
 Сен – чоҳда хас, билмассан Рама – шуълаи барқни!  
 Агар сен арпа шавла солинган коса бўлсанг,  
 Амрита тўла қадаҳ қаршингда Рама, билсанг!  
 Буюк мард эр қошида жоизми журъат қилмак?  
 Рама – уммон мавжидир, сен – суви сассиқ кўлмак!  
 Агар-чи сен бўрисан, Рама – арслон, билиб қўй!  
 Агарда сен ер бўлсанг, Рама – осмон, билиб қўй!

**Равана**

Нимжон Раманг ким бўпти – бир черткимга ярамас!  
 Ҳей, Митхила дилбари, бахтингда тик қара, бас!  
 Куберанинг Пушпака аробасин олганман,  
 Уммон узра йўлимини фалакларга солганман!  
 Ҳов бурчақда ароба тайёр бўлиб турибди,  
 Парвоз йўлини қутлуғ Ланка сари бурибди!  
 Шурпанокҳа синглимини қилдингизлар ҳақорат,  
 Ҳар нарсасага жавоб бор, дунёда бор адолат.  
 Ҳақоратга жавоб деб сени олиб кетгайман,  
 Сени олиб муродим, мақсадимга етгайман!

**Ситахоним**

Ўғирлаб Шива ёрин – соҳибжамол Шачини  
 Мумкин омон қолмоғинг толе қўллағач сени.  
 Олиб кочсанг Ситани, билки, қолмассан омон:  
 Ўлажаксан бегумон! Ўлажаксан бегумон!

Бирдан рақшаслар ҳукмдори ўзининг даҳшатли киёфасига қиради. Чап қўли билан Ситанинг сочларидан тутиб, ўнг қўли билан қучоқлаб олади-да, қайдандир пайдо бўлган хавойи аробасига минади. Ароба парвозга кўтарилаётганда сахна қоронғилашади.

**Ситахоним***(йироқлардан фарёд қилиб)*

Вой, Рама! Вой, Лакшман!... Вой, Рама! Вой, Лакшман!..

**Парда****9-кўриниш**

Ўрмон ичидаги хушманзара Пампа қўли соҳили. Қушларнинг сайрашлари дам-бадам эшитилиб туради. Рама ёлғиз.



*(маънос, кўлга термилиб юрар экан)*

Қандай ёзуғим бор, билмайман сира,  
 Бошимга балолар ёғдирар такдир.  
 Ватандан қувғинди бўлганим етмай,  
 Ёримдан мосуво бўлиб турибман.  
 Мендек бахти қаро кайда бор экан,  
 Не қилай, э аттанг, манглай тор экан...  
 Наки бир хабар бор ғамгузоримдан,  
 Мустару муштипар дилафгоримдан...  
 Ойнадай кўл тубида мовий, ол мисли бода  
 Нилуфарларни кўриб йиғлайдурмен афтода.  
 Сита ёримнинг ҳажри юрагимни қилар қон,  
 Мен ғамдаман, ҳасратда қолди Лакшман ўғлон.  
 Яйраб яшарлар тамом ёввойи ҳайвонлар ҳам,  
 Зумуррад майса узра тўшалган баргдан гилам.  
 Шамол худоси ўйнар гуллару шохлар билан,  
 Тўпгулу тоқ гул билан, баргу япроқлар билан.  
 Гуллаган бутазорда, чак-чак, чуғур-чуғурлар,  
 Бирам ширин сас берар олачиפור курғурлар!  
 Потрашар дарахтларни қўймайин ҳеч тинчига,  
 Сўнаси кирсам дейди модасининг пинжига.  
 О, фалак, умр недир ул зорсиз, дилдорсиз,  
 Ширинсухан, рухафзо, ул кўзлари хумморсиз?  
 Ул хушовоз, зулфлари ипақдек соз гул ёрсиз,  
 Бу ўрмон, навбахорда мутлако ҳаққи борсиз?  
 Ана, товус, йироқда сўнаси ўйин тушар,  
 Соғинч-ла унга боқиб модаси куйиб-пишар.  
 Бошқаси – чипор куйрук сўна товус титрабон,  
 Безаниб яшнаб кутар модасин ушбу замон.  
 Мода – сўнага юпанч, Видеха ойжамоли  
 Юпанарди меҳримдан доимо мадад олиб.  
 Ох, ох, ҳаёт ҳасратдир йўқ эса хумор кўзли,  
 Хумор, нилуфар кўзли, суюкли, шакар сўзли!  
 Ох, бундоқ хушхон адо, чиройда бамисли ой,  
 Дилбар ҳажрида ёниб, куйганнинг ҳолига вой!  
 На даркор Айўдхия, на Индра пойтахти!  
 Ёрим билан шу ерда яшамок – тахти-бахтим!  
 Ёр билан кечса онлар, айласам ишқий эрмак,  
 Роҳатбахш майсаларда бўлса бағримда малак.  
 Ул малак ой ҳажридан борлигим куймоқдадир,  
 Кунба-кун хижрон фақат ўтга ёғ куймоқдадир!  
 Ул ойни ғамга ташлаб тинч юрсам... шулми қадр?  
 Келиним, деб Ковшала сўрса не дейман ахир?..  
 Не дейман ахир... не дейман ахир...

*(ўтирганча йиғлайди)*

Лакшман, Жонак, Сугрива ва Ҳанумон кириб келадилар ва таъзим қиладилар

### Жонак

Бошингизга ташвиш тушибди, ўғлим,  
Катта кўшин билан елдим бу ёкка...  
Кўнгилни чўқтирманг, ёнингиздаман!  
Шубҳасиз Ситани излаб топгаймиз!

### Рама

*(таъзим қилиб)*

Келганингиз кўриб бошим осмонда,  
Ситани ўйласам, кўнглим йиғлайди...

### Лакшман

*(изтиробли, юпатиб)*

Ҳануз ҳеч ўзимни кечиролмайман,  
Барига айбдор бевош укангиз!  
Нега кетдим, дейман, ўшанда, тентак,  
Бир ўзин қолдириб келинойимни!  
Оғажон, битта гап айтайин сизга,  
У кун олдимдан бир гала буғу  
Гуриллаб чопди-да жануб томонга,  
Яна қайтиб келди бари қошимга...  
Сўнг яна... Уч марта такрор бўлди бу.  
Кўнглим ниманидир сезди, сезди-ю,  
Жануб томонларга йўл солдим, хайхот,  
Учратдим Жатою, биласиз, пуркуч  
Машҳур қарчиғайлар шаҳаншоҳини!  
У менга гапириб берди барини,  
Бадахлоқ Равана, Ланка подшоси  
Пинҳона ўғирлаб Сита хонимни,  
Ўзининг ҳавойи аробасида  
Ланка пойтахтига олиб кетганин...

### Рама

*(ўрнидан туриб кетади)*

Нима-нима дединг?.. Ланка подшоҳи?..  
Ўғирлаб кетибди Равана маккор?..  
А-ҳа, Митхилада бўлган курашда  
Бой берган Равана шундай деганди:  
“Ҳа, майли, дунёнинг иши чархпалак,  
Ҳар нарса жавоби бордир дунёда...”  
Демак, бизга жавоб бермоқ бўлибди,  
Мардлар майдонида, мардона эмас,  
Ўғринча, ҳийла-ю макрлар ила...

### Лакшман

Йўлда кўриб қолдим Сугривани мен,  
Бизни излар экан Ҳанумон икков.

Шамол худосининг ўғли Ҳанумон,  
Кўкда уча олар отаси мисол.  
У ҳам кўрибди-да ўз кўзи билан  
Учкур аробани осмон-фалакда...

**Сугрива**

*(таъзим қилиб)*

Буюк шахзодага таъзим килурман!  
Ашаддий душманим эрур Равана!  
Мана бу Ҳанумон, мохир саркардам,  
Осмонда Равана аробасини  
Кўрибди... Учармиш жуда баландда.  
Учиб борар эмиш гўзал Сита ҳам,  
Шамолда хилпираб ипак либоси...

**Ҳанумон**

Учар аробани кўрган чоғимда,  
Жатою ётарди ерда ярадор,  
Пуркудрат қаноти ёйилиб холсиз...  
Мен ҳам Раванага тенг келолмасдим,  
Аммо учиб бордим изидан қараб...  
Чоғи гўзал Сита мени илғади,  
“Дарагим етказар”, деган умидда  
Биттаси бўлмаса бири етар деб,  
Ипак кўйлагидан бир парча узди,  
Сўнгра тўпиғидан ечиб ҳалҳолин  
Мен томон ташлади!..

**Рама**

*(интиқиб)*

Топиб олдингми?..

**Ҳанумон**

Кун бўйи кидирдим, ўр-чакир, тоғ, дашт,  
Даралар колмади. Ниҳоят, мана,  
Тоғнинг чўққисидан топдим ҳалҳолин,  
Дарахтнинг шоҳига илинмиш парча.  
Иккисин ҳам топиб олдим, хайрият...

*(Ҳалҳол билан парчани таъзим қилиб Рамага узатади)*

**Рама**

*(Парчани ҳидлаб, юзларига суртади, ҳалҳолдан кўз узмайди)*

Ох, ох, ўзим олиб берган ҳалҳол бу!  
Ёқтирган кўйлагим парчаси... хайхот!

*(кўнгли бузилиб йиғлайди)*

**Лакшман**

*(тинчлантириб)*

Эсингизни йиғингиз, мард ўзин қўлга олур,  
 Саботли эрнинг доим идроки тиник колур!  
 Оғажон! Ҳеч қачон мард машаққатдан кўрққанмас!  
 Биз Ситани топгаймиз, кўнглингиз тўк бўлсин, бас!

### Сугрива

Менга кулоқ беринг, буюк шаҳзодам!  
 Эсимда ул эзгу амалларингиз,  
 Тошбағир ва бадфеъл укам Волиндан  
 Кишкиндха тахтини олиб бердингиз.  
 Мен ҳам узиб кўяй ўша қарзимни,  
 Ситани топишга бош-қош бўлайин.  
 Бутун маймунларга чопар юбордим,  
 Наъракор айиқлар қолмади четда.

*(йироқдан айиқлар наъраси эшитилади)*

Барчаси йиғилмиш

*(кўрсатиб)*

пастда, водийда.

Фармонимиз интиқ кутиб турибди.  
 Жонак подшо борар Ҳимолай томон,  
 Бир лашкар Панжобга қараб юради,  
 Бир лашкар йўл олар Банголияга...  
 Кишкиндха тахтининг мутлоқ вориси  
 Саркарда Ангада жанубга жўнар,  
 Улкан кўшинини ордан ияртиб.  
 Унга ҳамроҳ бўлар жасур Ҳанумон,  
 Хар нарсага кодир мағрур Ҳанумон!

### Ҳанумон

*(таъзим бажо келтириб)*

Буюк Рама учун хизматлар қилай!  
 Ҳанумон бахш этар хонумонини!

*(Рамага)*

Ёлғизгина бордир бир илтимосим,  
 Мабодо Ситани учратиб қолсам,  
 Унга бермоқ учун биронта ҳадя,  
 Нарсами илтифот этсангиз, дердим,  
 Токи кўзи тушиб махзун малика  
 Буюк Рама уни унутмаганин  
 Юрак-юрагидан ҳис қилсин, дейман...

### Рама

Ҳанумон, айтганинг хўп оқилона,  
 Теран идрокингни этдинг намоён.  
 Мана, узугим ол, – хоси хотамни,  
 Уни Ситага бер, кўриб қувонсин!  
 Дегилки, хар қандай фалокатда ҳам

Инсон ўз бахтига инонмоғи шарт!  
Ки мен ўз бахтимга ишончим улуғ,  
Бахтим – Сита эрур, ул ёри кутлуг!  
Яна аввалигидек бахтли яшармиз,  
Масъуд кунлар ҳали олдинда, дегин...  
Шундай сўз айтгилки ёри жонимга,  
Тез кунда келишар Рама ва Лакшман,  
Ки девлар кўлидан қилгайлар озод,  
Душманлар додини бергайлар шаксиз,  
Сита ҳам ишонсин бахтига тамом!  
Қалбимда ёнади қасос, интиком!

**Лакшман**

Балли, оғажоним! Таҳсин, оғажон!

**Жонак**

Қалбимизда ёнар қасос, интиком!

**Сугрива**

Садокатли марднинг тантилиги бу!

**Ҳанумон**

Рама айтганин қилур, ўз сўзининг беги ул!

**Сугрива**

Рухсат беринг лашкарга, барчасини кутар йўл!

**Жонак**

Барчасини кутар йўл!

**Рама**

Барчангизни топширдим яздонларнинг хукмига!..

Ташқаридан лашкарлар хайкириғи, “Жўнадик! Жўнадик!” деган овозлар,  
маймунлар чийиллаши, айиклар наъраси эшитилади.

**Парда**

**Тўртинчи парда**

**10-кўриниш**

Ланка мамлақати. Равана саройи яқинидаги хушманзара қалин ўрмонзор.  
Ўрмонзор ичра Равананинг минг устунли оқ саройи. Сарой олдидаги улкан  
дарахт тагида ялтир-юлтурлар билан безанган ҳарам маликалари суҳбатлашиб  
ўлтиришибди. Ўртада – жулдурларга ўралган, йиртиқ либос кийган Ситахоним.  
Дарахт тепасида – яшриниб олган Ҳанумон. Уни ҳеч ким кўрмайди.

**Маликалардан бири**

Ҳориб-толиб бўлдим, кўндирайин деб,  
Бу туришда сира ён бермайди бу.  
Тоғларда охудек бўлмокни истар,  
Аммо ердалиги йўқдир эсида...  
Равана эркаси бўлиб юрсанг-чи,  
Бу ўтар дунёнинг суриб гаштини...

*(Ситага)*

Асло қайсарликка берилма, Сита,  
Шукуҳли ҳарамга бўлгил малика!

*(Сита жавоб бермайди)***Иккинчиси**

Буюк рожа, уни кўндиринг, деган,  
Насихат айлангу пўписа килинг,  
Ҳарамимнинг гўзал чечаги бўлсин,  
Оромимнинг ширин эртаги бўлсин...  
Шундай фармон қилган бизга Равана,  
Шундан ўлтирибмиз кўрикчи бўлиб...  
Агар-чи Ситадан жавоб олмасак,  
Рожа барчамизга жазо беради...

**Учинчиси**

Кўндирай деб роса эсим кетди-я!  
Жуфти ҳалолиман бировнинг, дейди...  
Ажаб, маликалар маликасининг  
Шаъну шукуҳидан юз бурар нодон...  
Гапирсанг гапларинг елдек кетади,  
“Ҳа-ям” демайди-ю “Йўғам” демайди.

**Биринчиси**

Мен ҳам сенга ўхшаб ўжарлик қилдим,  
Оқибат қошингда турибман мана...  
Билмам, нима ортиқ жойи бор экан,  
Фақат: “Сита!”, “Сита!” дейди пошшомиз..

**Учинчиси**

Эх, агар мен унинг ўрнида бўлсам,  
Энг улуг малика каби яшардим...  
Бўлардим ҳарамнинг гул чечаги ҳам,  
Рожанинг ороми, роҳати, жони...

**Тўртинчиси**

У ахир Раманинг суюкли ёри,  
Ўғирлаб келди-ку уни Равана.  
Бировнинг ёрини ўғирлаш гуноҳ,  
Шундай одам ўзин мард санай олмас!  
Мана – пойлоқчимиз бир ойдан бери,  
Дунё тўлиб кетди дарду ғурбагга.  
Келинлар, яхшиси ўйин қилайлик,  
Озроқ кетказайлик дилдан ғуборни,  
Ёзилсин бечора Сита кўнгли ҳам,  
Зиндонда сикилиб ўласан одам...

**Иккинчиси**

Хай-хай, секин гапир, айғокчилар бор,  
Билса, нақ Равана теринг шилади!

### Тўртинчиси

Шилса шилиб олсин, жонимни олсин,  
Бундайн турмушдан ўлмоқ минг афзал!

### Маликалар

(чувуллашиб)

Ўйин қилайлик! Ўйин қилайлик!

Шўх мусиқа чалинади. Рақс бошланади. Маликалар бирин-кетин рақсга тушадилар. “Сен ҳам ўйинга туш! Жуда эзилиб кетдинг-ку!...”, “Ўйинга туш!”, “Ўйна!” “Кўнглингни ёзсанг-чи!” деб Ситани ҳам ўртага оладилар. Аммо Ситахоним жойидан кимирламайди. Сарой маддохлари кириб келадилар.

### Маддохлар

Омон бўлсин, Равана! Ҳа-ха-ха!  
Достон бўлсин Равана! Ҳа-ха-ха!  
Довруқ қўшилсин яна,  
Таралибон хар ёна! Ҳа-ха-ха!  
Дунёда мардлар марди,  
Дилда ошиқлик дарди,  
Атрофида ҳамиша  
Маликалар парвона! Ҳа-ха-ха!..

Равана билан Вибхишон баҳслашганча кириб келадилар. Маликалар уларнинг ҳайбатидан кўрқиб қоладилар. Ситахоним ўрнидан туриб маликалардан бирининг пинжига тикилади.

### Вибхишон

...Йўқ, сиз гапларимни эшитинг бундай,  
Ҳеч қачон бўлмаган кўнглимда ғараз.  
Оғасин ўйлаган, юртни ўйлаган  
Битта уқангизман сизни севгувчи.  
Сизнинг тақдирингиз – Ланка тақдири,  
Тақдир билан эса ўйнашиб бўлмас.  
Яна таъкидлайман, азиз оғажон,  
Ўткир кўзингизни босмасин туман.  
Идрок-ла чамалаб пасту баландни,  
Дадил кадам отган ютади доим...

### Равана

Ғалати гапларни сўйлаётирсан,  
Ановлар гапига ўхшаб кетади.  
Юртнинг улуғлари тўшланиб кеча  
Қошимга кирибди бир талаб билан.  
Дерларки, Ситани юборармишман,  
Шундоқ қўлгинамда турган Ситани,  
Йўқ эса, фалокат келармиш юртга,  
Фуқаро, халқ бундан норизо эмиш...

### Вибхишон

Оғажон, рост дебди ўша улуғлар,  
Шундоқ сезиб турар кўнглим хатарни.

Ситани Рамага қайтарингиз шарт,  
 Битта хотинни деб, юртни бузмоклик,  
 Оқил инсонларга ярашмас асло!  
 Ситани Рамага қайтаринг тамом,  
 Ва дарҳол Рамадан сўрангиз узр,  
 Улуғлар дуосин оласиз шунда,  
 Таҳсинлар ўқийди фуқаролар ҳам.

### Равана

*(зугум билан)*

Махарожа фақат килади фармон,  
 Шартдир халқ, фуқаро адо этмоғи!  
 Гар адо этмаса, ука, билиб қўй,  
 Қатгик жазоларга бўлади дучор!

### Вибхишон

Иллат ботқоғига ботса агар халқ,  
 Подшо тўғри йўлга солмоғи лозим.  
 Майли жазо берсин, тежаб-тергасин,  
 Бирок агар рожа адашса йўлдан,  
 Бидъатлар тўрида қолса ўралиб,  
 Халқ уни тартибга чақирмоғи шарт!  
 Оғажон, Ситадан воз кечмасангиз,  
 Наслу насабимиз топгай патарот,  
 Салтанат емрилгай, кунингиз битгай,  
 Ланка мамлақати бўлгай харобот!

### Равана

*(масҳара қилиб)*

Агарда Ситадан воз кечмасам-миш,  
 Ланка мамлақати хароб бўлармиш!..  
 Патарот топармиш наслу насабим,  
 Салтанат емрилиб куним битармиш!..  
 Вей, жуда ҳаддингдан ошдинг-ку, ука,  
 Тўлишиб кетибди аклинг ҳам, дейман.  
 Дунё кўриб қўйган чоллардай худди  
 Чувалтириб менга кенгаш берасан,  
 Турфа насихатинг керакмас зинҳор!  
 Китобингни ёзиб юраберсанг-чи,  
 Сенга ким қўйибди, бошни қотириб  
 Давлат ишларига аралашинни!

### Вибхишон

Фақат куйганимдан айтаман холос,  
 Халқ сизни ҳамиша қўлласин, дейман.

### Равана

Билиб қўй, не десам, нима буюрсам,  
 Халқ кулоқ солмоғи шартдир, бу – қонун!



**Вибхишон**

Халк пода эмасдир аммо, халк – қудрат,  
Гар ноҳақ бўлсангиз, қўлламайди халқ!

**Равана**

*(газабланиб)*

Шундайми? Билиб қўй, сендай укам йўк!  
А-ха, фуқарони, халкни гиж-гижлаб  
Менга карши қилган сен экансан-да?  
Беномус, хоинга жой йўк Ланкада!  
Йўқол, даргоҳимдан! Кўзга кўринма!  
Изларинг Ланкадан кириб ташланур!

**Вибхишон**

Донишмандлар дерки, кўнгил хамиша  
Хоҳиш-истакларнинг олдида ожиз.  
Хоҳиш-истакларга қул бўлган киши,  
Яхши-ёмон ишнинг фарқига бормас.  
Холис, бир маслаҳат бермоқчи эдим:  
Халқнинг талабини чиқарманг ёддан!  
Агар унутсангиз, интиқом они,  
Бечора халқ сизни қўллагас асло!  
Вақт келар, сўзимни эсга олгайсиз!  
Кетдим! Изим бунда бўлмагай ортиқ!

*(кетади)*

**Равана**

*(унинг ортидан)*

Ақл ўргатмоқчи менга, рожага,  
Подшога бермоқчи панду насиҳат.  
Баҳслашиб мен билан шу ерга келди,  
Укам бўлмаганда, кетарди боши!

**Маликалардан бири**

Хуш кебсиз, пошшойим!!

**Равана**

*(эътибор бермай, Сита хонимга қараб)*

О, Сита гўзал!  
Борлигим банд этдинг, олдинг эс-хушим!  
Сени кўрсам, тамом бўламан беҳуд,  
Нима киларим ҳам билмай қоламан.  
Эхтирос адойи тамом қилмоқда,  
Ишким кундан кунга ўт олиб ёнар,  
Воз кечиб бўларми шундай гўзалдан?..  
Ошиқлигим дoston бўлди дунёга!  
Майли дoston бўлсин, ундан-да ортиқ!  
Сита, атрофга бокқил, канчалар гўзал бу он,  
Гуллар хуш бўй таратар, қушлар чуғурлар хушхон.

Неча-неча келаман, бир оғиз сўзингга зор,  
 Кулиб қара! Ғамни қўй, ғам-ғуссада нима бор?  
 Мендан ҳайикма, дилбар! Бизда шундоқдир удум:  
 Бизларга ўлжа бўлган ҳар гоҳ махбуби мардум.  
 О, Митхила малаги! Тегмасман сенга, ғунча,  
 Ҳузуримга табакай ўзгинанг келмагунча!  
 Кел, саройлар безаги ойчехраларга бош бўл,  
 Малика бўл, бош бўлма, бошлар узра куёш бўл!  
 Кўк хурлари Лакшмийга нечоғ эрур парвона,  
 Сенга Ланка қизлари бўлғай ортик, жонона!  
 Кийим-бошинг увода – буни барча кўрмакда,  
 Ётар жойинг совук ер, сочинг бўлса – турмакда.  
 Нозик бармоқларингга таксанг-чи кўш-кўш узук,  
 Тег менга! Бир лутғ этил бизларга, кўзи сузук!  
 Забт этажак диёрлар, ки бари бир кадамдир,  
 Митхила шоҳи Жонак – кайнотамга ҳадямдир...

#### Ситахоним

Овора бўлма асло, эй рақшаслар подшоси!  
 Отам зормас ҳадянгга, эмас дунё гадоси.  
 Ўйлайсанки, Сита – гўл, ақчаларга сотилгай!  
 Пул, зар, инжу десанг, бас, кучоғингга отилгай!  
 Сенларга аёл зоти одам эмас, эрмақдир,  
 Қадри паст ниҳоятда битта буюм демақдир.  
 Сен ёрга садоқатнинг нелигин билармидинг,  
 “Вафо” сўзин маъносин ҳеч фаҳм қилармидинг?  
 Хаёлингга ҳам келмас, покдомонлик нимадир,  
 Сендай нопоклар шундоқ, виждондан кўз юмадир.  
 Буюк Рама қадримга етар, билиб ол, иблис!  
 Аммо бало бошингга етар, билиб ол, иблис!

#### Равана

Хо-хо-хо, Рама дейсан, Раманг балки ўрмонда  
 Шақалларга ем бўлиб ўлиб кетди армонда?  
 Ўзинг кўрдинг амалда Раманинг шон-шавкатин:  
 Қайин пўстлок жандадир, бори-буди, сарвати!  
 Раманг – ночор, кувғинди, ётиб тургани кок ер,  
 Мен бўлсам – Ланка беги, менман буюкшукух эр!  
 Йиртик либос ичида кўриб нозик ниҳолинг,  
 Сулув ёрларимда ҳам тинмай қолди хаёлим...  
 Кетдик энди, хуркагим, бодрок гулли ўрмонга,  
 Ўрмонга-ю суронли, чўнг қудратли уммонга!

#### Ситахоним

*(газабланиб)*

Борғил, хотинларингга қилғил мурувватингни,  
 Уларга бер, зар-инжу бойлигу сарватингни!  
 Билиб қўйки, мен Рама – шахзоданинг ёриман,  
 Дунёларга алишмас зори ғамгузориман!  
 Индранинг ўқидан балки коларсан омон,

Аммо Рама қахридан қутулмоғинг даргумон!  
 Менга қўл сунсанг агар, қўлсиз колмоғинг аён,  
 Тирноғингни теккизма, бўларсан ер-ла яксон!..

### Равана

*(бўкириб)*

Раманг ким бўпти, хо-хо, бир черткимга ярамас!  
 Эси паст киз, кулок сол, бахтинга тик кара, бас!  
 Бор-будингдан айрилма, қайсарликка буриб юз,  
 Жоним ачийди кўриб ахволингни, кора кўз!

*(хаёлга берилиб)*

Яна ўйлаб кўришга... бир ой муҳлат бераман,  
 Кейин... рози бўлганинг, бўлмаганинг кўраман...  
 Кейин, ташна ошиқдай кучоғингга кираман!..  
 Висол гаштин сураман! Висол гаштин сураман!!!

*(маликаларга)*

Ёлғиз колдиринг уни! Борманг қайсар ёнига!  
 Тавбасига таянсин! Ташна бўлсин қонига!!!

### Маддохлар

Омон бўлсин Равана! Ҳа-ҳа-ҳа!  
 Достон бўлсин Равана! Ҳа-ҳа-ҳа!  
 Борманг қайсар ёнига,  
 Ташна бўлсин қонига! Ҳа-ҳа-ҳа!

Маддохлар кузатувида Равана шиддат билан чикиб кетади. Маликалар чувуллашиб:  
 “Қутулдиг-а! Қутулдиг-а!” деб унга эргашадилар. Ситахоним ёлғиз қолади.

### Ситахоним

*(ўйглаб)*

Рама ёрим, қайдасан? Жонимдан тўйиб бўлдим!  
 Не хорлик бор дунёда, барини кўриб бўлдим!  
 Қайларга ташлаб кўйдинг мени эй, пахлавоним?  
 Куёш балқиб турса ҳам қоронғу бу жаҳоним!  
 Бўлди одош бардошим, токатим ток, сарнигун,  
 Бош кўтариб юрибман ёруғ дунёда нечун?  
 Сочларимни дор қилай, шартга юмиб кўзимни,  
 Бас, мана бу дарахтга осиб кўяй ўзимни!..  
 Майлига, ўлигимни кейин еса кузгунлар!  
 Рама билан Лакшман бўлсалар ҳам махзунлар!..

Ситахоним узун ўрилган сочини сиртмоқдай нозик бўйнига боғлаб дарахтга яқинлаша-  
 ди. Аллақандай шохни топиб, қийинчилик билан унга сочларини боғлашга уринади.

Алвидо, пахлавоним! Мен дунёдан кетарман,  
 Кўлимни ҳам туткизмай пок ва ҳалол ўтарман!

### Ҳанумон

*(дарахт тепасидан шивирлаб)*

Маликам, тўхтангиз!.. Хабар келтирдим,  
 Салом деб юборди Буюк Рама эр!

*(сақраб ерга тушади)***Ситахоним***(дабдурустдан кўрқиб кетиб, четга)*

Шундай кўргилик ҳам бормиди, худо!  
Иблисдан кутулиб тургандим, энди  
Қабих ниятига эришайин деб,  
Маймун киёфада бўлди намоён....

**Ҳанумон***(таъзим қилиб)*

Кўркмангиз, маликам! Отим – Ҳанумон,  
Чопари бўламан Буюк Раманинг!  
Фармон килди, сизни излаб топишни,  
Бир лашкар жўнади Панжоб ёқларга,  
Жонак пошшо кетди Ҳимолай сари,  
Бангол тарафларга юрди бир лашкар,  
Кишкндха вориси Ангада ботир  
Лашкарин бошлади жануб томонга.  
Барчаси колдилар уммондан нари,  
Мен-чи, учиб ўтдим уммон устидан,  
Сизни топайин деб Ланкани кездим,  
Шу ўрмон қаъридан топдим ниҳоят...

**Ситахоним***(ҳайратда)*

Билмайман... Сўзларинг ростми, Ҳанумон?  
Ишонса бўларми?.. Аммо, билмайман...

**Ҳанумон**

Буюк Рама менга бир узук берди,  
Хоси хотамимни топшир Ситага,  
Шунда у ишонар сўзингга, деди.  
Мана, ўша узук. Берайин сизга...

**Ситахоним***(қувониб кетади)*

О, узук! Ёримнинг қўлин безаган,  
Вафо-садоқатнинг сирли шеvasи!  
*(узукни қўзларига суртиб, ўпиб йиғлайди)*  
Билардим... билардим, Буюк Рамани,  
У суйган ёрини хорликда қўймас!

**Ҳанумон**

Рама ҳажрингизда сўлиб-сарғайиб  
Куну тун ёдингиз билан яшайди.  
Ҳар ёқдан излади, сизни топмайин  
Дунёси қоронғу, жони қийноқда...  
Энди хабарингиз етказурман мен,  
Рама шу захоти зўр лашкар билан  
Сизни қутқармоққа келади шаксиз,  
Улкан ва беадад қўшинни бошлаб...

**Ситахоним**

Улкан ва беадад кўшинни бошлаб?  
Воҳ, Рама кўшинни қайдан топибди?..

**Ҳанумон**

Рожа Сугриванинг кучли кўшини  
Рама буйруғини кутиб турибди!  
Маймуллар чериги сонсиз-саноксиз,  
Айиқлар лашкари лак-лак, кўпдан кўп!  
Буюк Рама кўмак қўлин чўзди-ю  
Кишкиндха тахтига минди Сугрива,  
Сугрива – Раманинг кадрдон дўсти,  
Бош бўлди маймуллар мамлакатига!  
Валинеъматим, дер Рамани доим:  
“Тахту хонумондан кечиб бўлса ҳам  
Ситани топишга кўмак берурман,  
Доим ёнингизда бўлурман, – дейди, –  
Ёвингиз кийраттум, эй валинеъмат!..”

**Ситахоним**

*(қўлидаги ёр узугини ўпиб)*

Худога айтганим бор экан, шукр,  
Тангри унутмабди мен муштипарни...

**Ҳанумон**

Ёлғизгина бордир бир илтимосим,  
Қайтиб борганимда Рама ёнига,  
Шубҳасиз, мендан бир совға сўрайдир...  
Унга бермок учун биронта ҳада,  
Нарсами илтифот этсангиз, дердим,  
Токи кўзи тушиб махзун шахзода  
Суюкли ёрининг унутмаганин  
Юрак-юрагидан ҳис қилсин, дейман...

**Ситахоним**

*(қўйлаги бурмасидан бир ақиқ тош олиб беради)*

Бахтли қуларимда ушбу ақиқ тош  
Нурланиб манглайим безаб турарди.  
Рама ақиқ тошни ёқтирарди хўп,  
Доим тақишимни уқтирар кўп.  
Олиб бориб бергил ғамгузоримга,  
Ситани кўргандай бўлиб қолади...  
Фақат тезроқ келсин, чақмоқдан ҳам тез!  
Бардошим нураган, тоқатларим тоқ!  
Шамоллар ухлайди, мен ухламасман!  
Келишин кутаман қуну тун бедор!..

Ҳанумон ақиқ тошни олиб таъзим қилади, кейин дарахтга чиқиб кўздан ғойиб бўлади..

**Парда**

*Давоми бор*

# САЙРОБЛИК БАРАКАЛИ ЙИГИТ

ҳақида қисса



Кулман ОЧИЛ

*Тонг вақти йўлга тушиди.*

“Ойсулув” дostonидан

## ТУПКАНИНГ ТАГИ ҚАЕРДА?

“Ҳайитали Алламуродовни танийсизми?”, деб сўрасам, сиз, албатта, елка қисасиз: “Йўк”. Ажабланадиган жойи кам. Ўзим ҳам танимас эдим. Қандай танийлик, айримларга ўхшаб бўлар-бўлмас иш учун атрофига тўда-тўда мухбир йиғиб, уларга узундан-узун, маза-бемаза интервьюлар бермаса! Матбуот анжуманлари-ю брифинглар, пресс-турлар уюштирмаса! Газета-журналлардан ялтироқ суратлари, телеэкранлардан мамнун қиёфаси аримай, радио тўлқинларидан салобатли овози жаранглаб турмаса!

Шу гапни кейинчалик бир ҳамкасбимга айтсам, кулди: “Тухум кўйган товукка ўхшаб, дунёни бошига кўтариб қа-қалайвериши шартми?”

Тасодифан танишиб қолгач, ҳайратга тушдим: Ҳайиталининг ўттиз йиллик фаолияти ҳақида матбуотда ўттиз сатр ҳам гап чикмаган ҳисоб. Лекин бунинг учун қалам ахлидан гина қилиш адолатдан эмас.

Аслида, бу кишлок йигитининг кўпларга, айниқса, тайинли касб-корнинг бошини тутиб, сабр-бардош билан ҳаракат қилиш ўрнига, ҳар қадамда зорланишни одатга айлантирган айрим ёшларга намуна сифатида кўрсатса арзийдиган ишлари талайгина.

Агар сиз “замонамиз қаҳрамони” деган мартабага лойиқ одам излаётган бўлсангиз, мен Ҳайиталини кўрсатган бўлардим.

Агар сиз тиниб-тинчимаган, шунинг баробарида, ишлари юришган тадбиркорни кидираётган бўлсангиз, мен Ҳайиталини тавсия қилган бўлардим.

Агар сиз камтарин ва камсукум, гапдан кўра ишни афзал биладиган, хокисор, лекин бой-бадавлат мулкдор, сармоядорнинг тажрибаси билан танишмоқчи бўлсангиз, мен Ҳайиталининг ҳузурига жўнатган бўлардим!

Сурхондарёга боринг ва у бунёд этган бизнес-империянинг фаолиятини кўринг; амалга оширган ва ошираётган ҳайратланарли ишларини томоша қилинг! Воҳага сочилиб кетган корхоналари, муассасалари, хўжаликлари ва қурган-қураётган иншоотларига шунчаки бош суқиб чиқилишининг ўзига бир ҳафта етармикин!

*Кулман ОЧИЛ – 1957 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎЗМУ) журналистика факультетини тамомлаган. “Жайдари фалсафа”, “Сой соҳили” китоблари нашр этилган.*

Биз эл-улуснинг фаровонлиги-ю бахтли келажаги ҳақида гапиришни яхши кўрамиз, бизнес аҳли учун яратилаётган шароитларни янада кенгайтиришга, турфа имтиёзу энгилликлар беришга мунтазам эътибор қаратамиз-у, аммо бой-бадавлат тадбиркорларимизнинг ибратли ишларини, тажрибасини ҳаммиша ҳам кўрсата olmayмиз. Кўрсатсак, гўё у кимнидир менсимай, назарга илмай кўяди.

Сезиб турибман: ушбу сатрларни ўқиб, мийингингизга ёйилган истехзони йиғиб олишингиз қийин бўлаётир: “Ҳа энди, Ҳайиталибой ҳам бирорта корчалоннинг арзандасидир-да!”

Агар совхозда шофёр – хайдовчи ўтган ва элликка етар-етмас оғир хасталик асоратидан аввал бир умр топган бор-будидан, сўнг жонидан айрилган бандан мўминни корчалон дейиш мумкин бўлса, шубҳа-гумонингизда жон бор.

Йўқ, Ҳайиталининг на отаси, на ўзи, на тоғаси на вазиру на ҳоким, на бирор йирик корхона ёки хўжаликда раҳбар бўлганки, вақти келганида “ўз улуши”ни суғуриб олиб кетгану энди ҳузурини кўриб ётибди десангиз. Зотида тадбиркор ҳам, бой ҳам, дасти узун раҳбар ҳам бўлмаган.

*Улуғ шоирнинг услубида айтмоққа журъатим етганида ҳам, мен Ҳайиталини илми ҳолу илми қолни дилига тўлиқ жойлаган, дея олмасдим, лекин ўз ишининг такоммили йўлида тинмай ўқиб-ўрганишга мойил замона фарзанди эканини таъкидламасам инсофдан бўлмас.*

Ҳайитали бугуннинг айрим билагон ёшлари каби дунёнинг нуфузли олий таълим даргоҳлари, дейлик, Кембриж, Оксфорд, Гарвард, Токио каби университетларда бизнес илмидан сабоқ олмаган. Дафъатан сўрасангиз, “менежмент”, “маркетинг”, “монетаризм” сингари айрим ажнабий, бироқ дунё истилоҳидаги сержилва сўзларнинг маъносини дарҳол тушунтириб бера олмаслиги ҳам мумкин. Лекин амалда уларнинг пири бўлиб кетган. На магистрлик ридосини кийган, на имтиёзли дипломни кўрган. Кўргани – Термиз давлат университетининг умумтехника фанлари ва меҳнат факультетининг сиртки бўлими. Муаллим, Шунга етгунича ҳам неча уришиб, неча сурирган.

Бу сатрларни битишимдан мақсад – Ҳайиталини кўкларга кўтариб макташ эмас. Инчунун, у менинг алқовимга зор ҳам эмас. Журналист эканимни эшитиб, ёш боладек қизариб кетди: “Бундай гапларни гапиришни билмайман-да, ака, – деди хижолат тортиб. – Гапга жуда нўнокман”.

Кейинчалик сездим: иккори олифталикдан йирок.

“Бундай гаплар” эса унинг иши, ўзи ҳақидаги сўров-саволим эди.

Бирор ишни дўндирган бўлса-бўлмаса, мухбир зотининг соясига кўрпача тўшайдиганларни кўп кўрганмиз. Ҳайиталининг оғзидан ҳар бир гапни тишини сугургандай суғуриб олишимга тўғри келди. Яна биласизки, баъзилар танига сал жир битса, ҳеч кимга гап бермай кўяди. Ҳар кимга, ҳар ишга баҳоси тайин. Ҳаммадан доно, ишбилармон. Зўр маслаҳатчи. Ҳайитали эса бошқача. Даврада бор-йўқлиги ҳам билинмайди. Бир чеккада, кўпинча пойгакроқда, чой сузиб, чой узатиб, одамларнинг гапларига жимгина, бироқ сергак кулок солиб ўтиради. Очик юзида босиқ табассум. Гўё миллионларни, миллионлар нима, миллиардларни қўлида соққадай айланттирувчи бой эмас, ўзидан ёши, нуфузи ва илми хийла зиёда одамларнинг даврасига тасодифан тушиб қолган анчайин бир қоранда. Хўжайинини кутиб ўтирган мулозим.

*Мен уни “ичимдагини топ” хилидаги одамлардан дея олмайман, лекин айтаётган ҳар бир гапини мунг бор ўйлаб, сўзининг оқибатини, масъулиятини ҳис қилиб гапиришини билдим.*

Бу ишнинг кўзини билган одамга, умуман яхши тарбия топган ва келажақдан

умиди бисёр инсонга хос муҳим фазилатдир. Ўйнаб гапирсанг ҳам, ўйлаб гапир!

Ҳайитали Алламуродов 1967 йилнинг сунбуласида туғилиб, вояга етган Сайроб кишлоғига бориш илгари осон эмасди.

Ўттиз йил бурунги бир гапни айтсам. Пойтахтдан Термизгача самолётда, сўнг тоғ-даранинг биқинигача кунда, баъзан кунора катнайдиган шалоғи чиккан автобусда, ундан кейин тубсиз жарликлару қоялар оша ёлғизоёқ сўкмоқлар билан тиззача сой кечиб, от ёки эшакда етар эдингиз. Тупканинг тагини кўрмоқчи бўлсангиз, Бойсуннинг Сайробига боринг, дейишарди.

Ана шундай чекка кишлоқдан чиккан содда-баёв йигит эришган оламшумул муваффақиятларнинг сирини нимада? Мақсадим – шу саволга жавоб топиш. Ҳайитали мансуб тадбиркорлик феноменини англаш, англатиш.

## “ЭНДИ НИМА ҚИЛАМАН?”

Кимки унинг тадбиркорлик йўлига оқ пояндозлар тўшалиб, устига анвойи гуллар сочилган эди, деб ўйласа, хато қилади. Бу йўлларда гулдан кўра чағиру харсанглар, роҳатдан кўра азобу иккиланишлар – эзлишлар кўпроқ. Бугун, ишлари юришиб, назаркардалиқ рутбасига эришганида ҳам кунини осон кечаётгани йўқ.

*Мен уни азобни роҳатга, роҳатни даромадга айлантирувчи сеҳрлар, дея олмаман, лекин фароғатнинг наибу намоси заҳматдан қувват олишини эрта англаб етганига шубҳам йўқ.*

Ўша кунни у жуда яхши эслайди.

Наҳорги чой устида Нормамат амакининг овози момақалдиқдек гулдираб кетди. Бу одамнинг кўнгли Шерободнинг чўлларидан кенг, овози Боботоғнинг чўкқиларидан баланд, ўктам. Доим гулдираб туради.

– Сенга нима бўлди, Ҳайитали? Шеър ўқиясанми?

Ўспирин бошини кўтарди:

– Йўқ. – Унинг кўзлари тўла ёш эди.

– Унда нима деб гўлдираясан?..

– Ётгандаям, тургандаям “энди нима қиламан?” деб пичирлагани пичирлаган, – дея гапга қўшилди ҳоласи. – Худди эси оғиб қолганга ўхшайди.

Важоҳатидан от хуркадиган амаки лабини тишлади. Сийрак қошлари бир учиб тушди. Оғир хўрсинди. Боланинг эзилганича бор. Саратонга чалинган отаси икки дунё оралиғида Ҳақ деб ётибди. Суюнчихўри – Ҳайитали олий даргоҳда сиртдан ўқиш баробарида, ғишт заводида лой чангаллаб юрибди. Беморнинг эртаси маълум. Дўхтирлар нари борса, бир йил яшайди, дейишган. Ўғилники номаълум. Ҳали на тайинли хунари, на иши бор. Отасининг “оёғи тойиб кетса”, етти, йўқ, ўзи билан саккиз жоннинг ташвиши шу тўнғич боланинг нимжон елкасига тушади. Тўйи бўламан деб турган опаси, бўйи етиб қолган сингиллари бор. Ҳаммасига бош-кош бўлиши, уйли-жойли қилиши керак. Шунинг учун бемор ота Нормамат акадан қайта-қайта ўтинган: “Норасидаларимни сизга ташлаб кетяпман, божа! Бошқа кимим бор... Ўзингиз кўз-қулоқ бўлиб туринг. Ҳайитали дуруст, сал қўлласангиз, ўзини эплаб кетади”.

Кўпни кўрган Нормамат Нуралиев божасига ваъда берди ва сўзининг устидан чиқди. Ўта чўрткесар, серғайрат, серфайз бу одам икки оғиз гапи билан ҳар қандай одамни ўзига ром қилиб қўяди. Худо берган қайвони. Гурунгнинг қони. Ўзи айтмоқчи, уруш сабаб “нон кўрмай қатга бўлган”, қачонлардир тоғдан шаҳарга тушган. Тушгану ваҳимадан “лабига учуқ тошган”. Саксонни қоралаб бораётганига қарамай, на юзида ажини бор, на бўйнида тириши.



– Номи Термиз, Ўзбекистоннинг шаҳри бўлгани билан, – дейди у, – менга ўхшаган тоғнинг баласи унга эмин-эркин киролмасди-да. Шаҳар ёпик эди. Бир амаллаб киргани билан нонини топиб еёлмасди. Ҳар қадамда текшир-текшир: “Где твой бошпурт?”. Ҳайиталибой ҳам бошида ана шундай азобларнинг кўпини татиб кўрган. Юртимиз мустақилликка эришганидан кейингина мана бу ерга, – у кенг кўксига бақувват кафтини кўйди, – шамол тегди. Ҳозир ҳам беҳосдан “бошпурт” деган сўзни эшитсам, бир сапчиб тушаман. Вах, энағар савет! Юракни кўп зада қилган-да!..

Нормамаат бобо божасининг фарзандларига ҳам, ўзининг ўғил-қизлари, невараларига ҳам ҳали-ҳамон панд-насиҳат қилиш, йўл-йўриқ кўрсатишдан эринмайди.

– Бирортаси ёкимсиз иш қилса, аяб-нетиб ўтирмайман, – дейди қулиб. – Яхшилик билан гапимга юрса юрди, бўлмаса, – у ёнидаги хивични қўлига олади, – “иш қуролим” ҳамиша ёнимда!

Лекин бобо чумолига ҳам озор бермаслигини, бера олмаслигини, пўписадан нарига ўтолмаслигини уни яхши кўрайдиган бутун Сурхон ахли ҳўб билади. Айниқса, Ҳайиталига меҳри баланд. “Дуруст йигит” лигига ўша, саксонинчи йиллар миёнасида амин бўлган. Бемор отасининг дардида галдира қолганида, қишлоғига юбормай, уйда олиб қолган. Унда-бунда эгри қадам босмасин, бетайинларга кўшилиб, бузилиб кетмасин, деган.

Қараса, йигитча беўй эмас. Ўзи хомроқ бўлсаям, иши пишиқ. Оти ташлаб кетган чавандоздай гангиб қолгани чаток. Лекин тиришқоккина. Бўш қолди дегунча, ҳали томорканинг у ерида куймаланиб ер чопган, ҳали бу ерини ўтоқ қилган, жўяқларга сув тараган. Ҳали ҳовлини супурган, ҳали машинанинг ичи-ташини яраклатиб ювган. Кўрани тозалаган. Юмушни ўзи топиб, ўзи бажаради. Фалон ишни қил, деб айтиш шарт эмас. Иш айтсанг тайсалламайди. Темтингани-темтинган. Поччага шуниси – темтиниши, уйқусининг сийрақлиги, терисининг юпқалиги ёққан эди. Гапингизни ҳукми ҳозиқ бўлиб тинглайди. Тез илиб олади. Бу – бўладиган, палаги тоза боланинг иши.

– Бандаси икки хил бўлади, – дейди оқсоқол. – Бири – ишлаш учун жон-жаҳди билан йўл кидиради. Тинимсиз темтинади. Жаҳд қилса, ҳар қандай юмушни дўндиради. Ҳар қандай одамни ўз гапига кўндиради. Бахту барака – биринчисида. Иккинчиси – қўлини совуқ сувга урмаслик, иложи бўлса, бутини кўтари-иб телевизор томоша қилиб ётиш учун баҳона излайди. Иккинчиси – шўрпешона. Бахтсиз. Баракасиз. Мен иккинчи хил одамлардан доим узок юраман.

Қани энди, вақтинг бемалол бўлса-ю боладай бегубор, хозиргина улоқ-кўпкаридан чиқиб келган чавандоздай соғлом бу мўйсафид билан бафуржа гурунглашсанг. Бу дунёнинг пастини ҳам, баландини ҳам, яхшиси-ю ёмонини ҳам кўриб-кўравериб кўзи пишиб кетган, тилидан шукрона тушмайдиган Нормамаат бобонинг гаплари, ўгитлари, афсона-ю ривоятлари, бошидан ўтказган “эртақлари” адони билармикан! Бундай дарёдил одамлар ҳеч кимдан, ҳеч қачон бегонасираб ўтирмайди. Гўё минг йиллик кадрдонини кўргандек, сени кенг бағрига босади-ю гурунгдан олади. Одам ажратмайди. Меники-сеники, демайди. Ўтириқдан тийилади. Нормамаат бободек ажойиб инсонларнинг суҳбатидан кейин дилингдаги хазинанг дуру жавоҳиротга тўлиб-тошиб, руҳи равонингдаги неча йиллик ғуборлардан форигланиб қолгандек бўласан. Дил бойлиги мол бойлигидан муҳимроқ ва қимматроқ эканига яна бир бор амин бўласан. Шундай одамнинг ўгитларини эшитиб улғайган фарзанд заҳматқаш, тадбиркор ва баракали бўлмаслиги мумкинми!

Мен Сурхондарё сафаридан бобонинг гурунглирига тўймай қайтдим.

Дарвоқе, нонушта чоғидаги суҳбатга, қийиқ кўзлари ёшга тўлиб ўтирган Ҳайиталининг ёнига қайтайлик: “Энди нима қиламан?”

– Нима килишингни окшом айтаман, – деди бирпасдан кейин почча. – Кўз ёшингни бошқа кунларга асраб қўй. Тушундингми?

– Хўп...

Эртас куни алп мезбон билан ниҳолдеккина меҳмоннинг йўли бозор биқинидаги ресторан томон тушди. Ошпаз Ҳайиталини шогирдликка олди. Бошқачароқ бўлиши мумкинмиди? Ҳа. Нормамат амаки журналист бўлганида, балки бирор газета-журнал тахририятига, дўхтирликдан кун кўриб юрганида – шифохонага, илм ахлига дахлдор эса – университет томон юзланарди. Тахмин қиламанки, Ҳайитали кўлига қалам тутиб, ижод махзанига кирса ҳам, эгнига оқ халат кийиб, шифо ёки илму урфон йўлидан кетса ҳам, аро йўлда адашиб қолмас эди. Ўз ўрни, юксак мавқеи, хавас қилса арзигулик бу-гунгидек обрў-эътибори бўлар эдики, бундай дейишимга асосим бор – меҳнатқашлиги.

Амаки савдонинг пирларидан эди.

Шўролар замонида Термизу Тифлисида ҳам, Ургуту Сургутда ҳам – ҳамма жойда, барча ошхоналарда хўроз бир хил кичкирган: овқатга “кўли текканнинг оғзи тегар” ди. Яъниким, раҳбару ходим масаллиқдан урарди: таъминотчи, омборчи, ошпаз, бош ошпаз, ҳисобчи, бу ёқда директор... Чунки ҳамма нарса давлатники. Давлат бой, мол-дунёси камайиб қолмайди. Мантининг гўшти кам, пиёзи мўл, хамири қалин бўлгани шундан. Шўрва шилдир-шилдир, эти тошдан қаттиқ, картошқаси “серяра” бўлгани шундан. Қозондаги туби кўриниб қолган шўрвага оқшом бир челақ қайноқ сув қўшиб юборилганини айтмасак-да бўлади. Аммо шугина таомни ҳам бозорга келган авом товоғигача ялаб-юлқаб кетишидан емакхона ахлининг кўнгли доим тўк: одамларнинг борадиган бошқа ошхонаси, танлаш имконияти йўқ.

Устози тумовга чалиниб қолганида ўчоқбоши бир муддат Ҳайиталининг ихтиёрида қолди. Умида кўлига чўмич ушламаган йигит пазанда онаси Рўзихол опани эслади. Мантига данакдек думба, бир чимдим зира қўшганлари кўз олдига келди. Опа-сингилларига ускунада эзилиб эмас, пичоқда кесилиб майдаланган гўшт таомни тотлироқ қилишини уқтирганлари хаёлидан ўтди. Шўрвани бир соат эмас, тўрт-беш соатлаб қайнатганлари хотирида гавдаланди.

Тонгда, одамлар ҳали уйқудан кўз очмасидан, у ошхонага келиб, хамир қоришни, шўрвага қозон осиишни одат қилади.

Хўрандалар хайратга тушади:

– Нима бало, ошпазларинг ўзгардими?

– Ҳа-а.

– Ким келди?

– Ким бўларди? Бир гўдак-да. Ҳайитали.

Эл орасида, айниқса, бозорда гап ётармиди: “Ҳайиталининг шўрваси”, “Ҳайиталининг мантиси”, “Ҳайиталининг қовурдоғи...”

Одам гуррас-гуррас оқиб келаверди. Гўё овқат ейишдан ўзга иши йўқ. Гўё Ҳайиталининг кўлидан таом ейиш – катта шараф.

“София” ошхонасида ҳозир ҳам шундай. Ишонмасангиз, боринг, кўринг. Камиди эллик-олтмиш чоғли хўранда иштаха билан гўшт чайнаб, хўриллатиб чой, пиво симираётганига гувоҳ бўласиз. Бай-ба-ай!

...Шўролар давлати путурдан кетиб, дўконларнинг пештахтаси тиши тўкилган кампирнинг оғзидек хувуллай бошлаган замон эди. Салтанат ахли бол йўқотган асаларидай гувуллайди. Дўконга мол келса, чакамукдай ёпишади. Бундай пайтда кўпчилик пулнинг бетига қарармиди? Товарни топганидан хурсанд. Хўранданинг бўйни ингичкароғи овқатни ошхонага келиб ейди, йўғонроғи сим қоқди: “Шофё-рмиз боради, бир тоғора қовурдоқ бериб юборинг!..”

Кейинроқ савдони “тебратиб турганлар” ота юртлари – соя-салкин гўшаларга кетаманга тушди. Шаҳар матлубот жамиятининг куни ҳайиталиларга колди. Кейин ҳукумат қоғоз беришга киришди: муассасалар хусусийлаша бошлади. Ҳайитали Алламуродов ҳам кўп қатори мулкдор, амлоқдор бўлиб олди. Ўша мулкни гаровга қўйиб, кредит олиш, бошқа муассаса, масалан, тўйхона қуриш имконияти пайдо бўлди. Кейин тўйхона-ю майхона — иккаласини ҳам гаровга қўйиб, яна кредит олиш мумкин. Сўнг лизинг деган тушунча истилоҳга кириб келди. Бунинг устига, инфляция деганлари ҳам Сайробга қатнайдиغان автобусдай қирнинг елкасида тутанганча тўхтаб қолгани йўқ. Ўша йиллари қаттақон завод харид қилган маблағингизга бугун битта дарвозасини ҳам олишингиз душвор. Кредитда барака бор, деган гапни ана шундай олди-сотдиларни дўндирганлар айтган бўлса не ажаб.

Ишлар гуруллаб кетди!

*Мен сурхондарёлик бу тадбиркор йигит амалга ошираётган ҳамма иш, чиқараётган барча маҳсулотлар ва кўрсатаётган жамики хизмат юксак сифати билан ақли лол қолдиради, дея олмайман, лекин у қўл учиди шиллаган одамдан ҳазар қилишини ва бундай касни ёнига асло йўлатмаслигини биламан.*

Тарозининг тошини тўғри қўйиш, сидқидилдан меҳнат қилиш ва Яратганни муҳом ёд этишининг хосияти кўп. Ҳайиталининг ошпазликдан олган энг муҳим сабоғи шу бўлди: “Сифат бор жойда – барака бор!”

У отасидан эрта етим колди. Лекин дуч келганнинг ортидан эргашиб кетадиган етимкўзи бўлмади. Қозон-ўчоқ олдида ҳам бир умр қуймаланиб қолиб кетмади.

## МУКАММАЛИК ЗАМОНИ

Бошида жуда кийин бўлди. Қишлоқда пахсаю лойсувоқдан бошқа нарсани кўрмаган йигитга бинокорлик йўлини тутиш осон кечмаслиги тайин. Мутахассислиги – муаллим, чиққан жойи ошхона бўлса. Бундай пайтда куладиган бекорчиларнинг уруги урчиди: “Сендан курувчи чиқса, мен эшагимда Ойга бориб келаман!”, “Пул топиб, калла топмаган бандани ожиз...”

*Мен Ҳайиталини донишманд дея олмайман, лекин зийрак, ақли экани аниқ. Мен уни жаҳонгашта дея олмайман, лекин кўпни кўрганга шубҳам йўқ. Мен уни фидойи деб ҳам мақтамайман, аммо Холиқи азал бу йигитни гайрат, шижоат, энг муҳими, сабр-бардошдан сийлаганини кўпчилик тан олган.*

Ҳайитали умид ва сабрни билади. Пўртанаси тоғдан баланд изтиробларини сиртга чиқармасликни билади. Поччаси Нормамат бободек дарёдил одамларнинг қадрини билади. Ўғитларини бир умр эслаб қолади: “Сен тоғнинг боласисан, болам. Ишонган тоғда кийик ётмайди!”

Кейинчалик, Ҳайитали Сурхондарёда нуфузли тадбиркорлардан бири сифатида танилгач, мен унинг хайрли ишлари ҳақида ёзмок ниятида Термизда юганимда Нормамат бобони гапга солдим. Бобо бу пайтда муборак ҳаж зиёратига бориб, Фаётепа деб аталмиш дунёга машҳур қадимги кент харобалари ёнидаги қакшаб ётган ерни сонга солиб, боққа айлантирган. Сермева дарахтлари соясидаги сўрида ён-бошлаб ётган эди. Ҳайиталининг қайбир фазилати унга кўпроқ ёқинини сўрасам, жавоби лол колдирди: “Ўрлиги, қайсарлиги!”

**Ҳожи бобо айтди:** “Бу бола қаердаки янгиликни кўрса, яхши ғоядан хабар топса, оромини йўкотади. Ўшани ўрганмагунча, ўрганиб ўз қорхонасида йўлга қўймагунча тинчимайди. На тун дейди, на кун. На киш дейди, на саратон!..”

Бугун Ҳайитали воҳадаги энг йирик компаниялардан бири – “Термиз тезкор

курулиш” (“Тезкоркурулиш”) ихтисослаштирилган таъмирлаш-курулиш ташкилотининг бош директори даражасига эришган экан, бу чеккан ана шундай заҳматлари туфайлидир. Жамоаси кўп қаватли уй-жой бунёд этишга киришган жойда хали пой-девори кўтарилмасидан одамлар квартира олиш учун навбатга туради. Чунки билад: Хайитали курган уйга факат кўрпа-ёстик кўтариб кирилади. Қолгани бадастир!

Эсингиздадир: *“Сифат бор жойда – барака бор!”*

**“Зиё-кўз” клиникасининг раҳбари Фарҳод Аъзамов айтди:** “Шифохонамиз шаҳар марказидаги замонавий уйнинг биринчи қаватида жойлашган. Қурилиш бошланганида бошқа юмушларга андармон бўлиб, бир нарсани фаромуш қилибман: клиниканинг тепасидан квартира олмоқчи эдим. Қурувчилардан сўрасам, бош чайкашади: “Кеч қолдингиз, ака. Ҳаммаси аллақачон сотилиб кетган!” Аввалига, ҳазил бўлса керак, деб ўйлади. Янги биномизнинг калитини кўлга олгач, хайратдан оғзим очилиб қолди. Кейин тепадаги квартираларни бирма-бир кўриб чиқдим. Қурилишнинг сифати бундан юқори бўлишига ишонмайман. Бари бекаму кўст. Шифохонамизга мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларидан, қўшни давлатлардан ҳам беморлар кўп келади. Уларнинг остона ҳатлаб берадиган илк саволи доим бир хил: “Бу бинони ким курган?”

Мен ҳам шаҳардаги, жумладан, Алишер Навоий кўчасидаги замонавий уйларнинг айрим хонадонларига кириб кўрдим. Ўзим қурувчидан чиққанам боис, бинокорлик ишларининг сир-синаоти менга бегона эмас. Лойиҳаси қулай. Қурилиши тўқис. Фарҳод Аъзамовнинг таърифида заррача лоф йўқ.

*Менга Хайиталининг ҳамма гаплари ёқди, дея олмайман, лекин бир эътирофини дафтаримга ёзиб қўйдим: “Бугун уй-жой, иморату ишоот қуриб бировни хайратга солиш қийин. Қурувчи ҳам, қурилиш ҳам кўп. Лекин ҳаммадан сифатли қилиб қуриб, барчани ҳаммаша хайратга солиш мумкин”.*

Шўро замонидан қолган бир касаллик кўпчиликка маълум: одатда, янги уйга кўчишдан аввал уни обдан таъмирлар эдик. Бу еридан бўёғи кўчган, у ёғидан сувоғи. Қадам қўйишга улгурмайсиз, поллари “муסיқасини бошлайди” – ғичирлайди. Деразаси зич ёпилмайди. Кесақиси ўпирилган эшикларнинг зулфағи йўқ. Газ плитасининг мурвати буралмайди. Иссик сувнинг жўмрағи ёпилмаса, совуғиники очилмайди. Занг босган. Ҳаммасини янгидан сошлаш, таъмирлаш, алмаштириш керак! Курбингиз етса, алмаштирасиз. Етмаса, бориға шукр қилиб яшайвертасиз. Бу орада фарзандларингизнинг бўйи етиб, уларга ҳам уй-жой олиш ҳаракатига тушасиз. Яна янги, лекин думи юлинган товукдай беўхшов ва файзсиз уйларга дуч келасиз. Уларни ҳам таъмирлаш керак.

Умр ўтади.

Уй – шунчаки тўрт девор, бошпана эмас. Инсоннинг яшаш тарзи, маданияти, руҳияти ва маънавиятига бевосита таъсир ўтказадиган, жамиятга, давлатга, сиёсатга муносабатининг шаклланишига хизмат қиладиган муҳим омилдир. Бугун фалон миллион пул тўлаб уй харид қилган киши уни қурган одамларни умрининг охиригача қарғаб эмас, алқаб ўтиши керак. Шу жиҳатдан “Тезкоркурулиш” компаниясининг тилга тушган юксак қурилиш маданияти ўрганишга ва ибрат олишга арзигulikдир. Қўл учиди ишлаш замони ўтди. Замон мукамаллик замонидир!

*“Сифат бор жойда – барака бор!”*

“Тезкоркурулиш” ишчи-хизматчиларининг маоши – вилоятнинг олди. Талаб ҳам шунга яраша. Энг муҳими, компания тизимида “қўли текканнинг оғзи тега” деган гап йўқ. Ким, нега ўғирлайди? Мулк – ўзингники, маблағ – ўзингники. Ҳаммаси эғали. Қаллоблик қилсанг, чўнтагингга зарар. Ҳамкорларинг юз ўгиради. Мехрингни бериб ишла, роҳатни кўриб яша. Менга қолса, улуғларимиз айтиб кет-

ган бир ўғитни жамики биноларнинг пештокига ширдек ёзиб қўярдим: “Бекдай яшаш учун қулдай меҳнат қилиш керак”. Сал дағалроқ, дейсизми? Балки. Лекин фаровонликка эришишнинг бошқа йўли ҳам, йўриғи ҳам йўқ. Кимки, қўлини совуқ сувга урмасдан беқдай яшашни даъво қилса, ўзини бахтсизлик қомига отган бўлади.

Аммо компаниянинг ишлари мукамаллик даражасига етгунча Сурхондарёнинг этағига бош уриб ётган миллион йиллик Амударёдан қўп сувлар оқиб ўтди. Мен зўр лойихачиман деган, мен зўр қурувчиман деган, мен зўр муҳандисман деган қанчадан-қанча валломатлар компаниянинг остонасидан ҳам ўтолмасдан қайтиб кетди. Ҳайитали ўз тасарруфидаги корхона-ю хўжаликларда мунтазам маош олиб ишлайдиган уч юзга яқин ходимни бирма-бир танийди.

*Мен уни бир қарашда ҳар қандай одамнинг ичидагини миридан-сиригача биллиб оладиган синчи, валий дея олмайман, лекин синчков кўзларини қаттиқроқ тикса, қўплар типирчилаб қолиши бор гап.*

Хизмат кўрсатиш ва савдо соҳасидаги авж ишларини тарқ этмаган ҳолда, қурилиш-таъмирлаш жабҳасига от солгани кўпчиликни ажаблантирган эди: “Бу боланинг хаёли жойидами ўзи? Манаман деган қорчалонлар нонини топиб ейиши тобора қийинлашиб бораётган майдонга от солиб нима обрў топади?”

“Бундай шубҳа-ю таъналар беҳуда эмас, – дейди “Сурхонлоийха” МЧЖ раҳбари, тажрибали архитектор Ҳафиз Раҳматов. – Қурилиш – рақобат кучайгандан-кучайиб бораётган соҳа. Қурувчиман деб тендерларда мунтазам қатнашадиганлар кўп. Лекин ишни тез ва сифатли бажарадиганлар кам. “Тезқорқурилиш”нинг ютуғи шунда – сифатга сажда қилишида”.

Ҳамма ишнинг ибтидоси қийин. Айниқса, у кўпнинг иштироки билан битадиган, кўпнинг ризкига боғлиқ бўлса. Ташаббус ҳам, таваккалчилик ҳам, сармоя ҳам сендан, яъни корхона раҳбаридан, замон тилида айтганда, бош менежердан бўлса, янада қийин. Масъулият деб аталмиш оғир юк ночорроқ одамни эзиб ташлайди. Яратган ол қулим деса-ю ишларинг юришиб, тўрт-беш сўм топсанг, хўп-хўп. Тополмасанг-чи? Бизнесга йўналтирилган сармоянгдан хаш-паш дегунча мосуво бўлсанг-чи? Ким сени қўллайди? Ким сенга ишонади? Кейин ким сенга сармоя-ю андоза, янги иш – янги лойиха, янги кредит беради? Ишларинг юришиб турганида устозинг, кўмакчинг, дўсту улфатинг кўп. Чапига кетса-чи? Эшитадиганинг маълум: “Эса, бу болага қурилишда пишириб қўйганмиди? “Тинчгина қозон-ўчоғингни тутатиб юравер”, деб неча марта айтдик. Йўқ, ўз билганидан қолмади. Мана, энди ўзи пиширган ошни айлиниб-ўргилиб ўзи ичсин”.

## ДЎСТУ ҲАМКОР ТАНЛАШ ИЛМИ

“Ўзи пиширган” бундай аччиқ таомларни ўзи ичмаган дейсизми? Ҳайитали ҳам ўз замонасининг фарзанди. Унинг йўллари ҳам Бойсуннинг тубсиз жарликлари, чағир тошлари бахайбат харсанглари оша ўтган. Кечаги асрнинг тўксонинчи йилларида “текшир-текширлар”, “чўз-чўзлар”, “узат-узатлар” Ҳайиталининг даргоҳларини ҳам четлаб ўтмаган. Айрим ишонган дўсту ҳамкорларининг хиёнатларини ҳам кўрди. Жиззадек қуйиб, оловдай ёниб қолган пайтлари кўп бўлди. Чидади. “Майдонга тушган алп манга-лайини қашиламайду”, деганди қабринг нурга тўлгур устоз адибимиз Одил Ёқубов.

Ҳаёт – шафқатсиз, дейдилар баъзан. Уни шафқатсиз қилгувчи нодонлигу жоҳиллик, кину адоват эмасми? Ҳайиталидан шулар ҳақида сўрадим. Инсоннинг жамиятдаги ўрни, масъулият юки ва ютуқлар шарафи, ёр-дўстлар кадрри...

**Ҳайитали айтди:** “Дўст қулфатда билинади, деган нақл бор. Ҳақ гап. Лекин

менга қолса айтар эдимки, чин дўст роҳатда – омадинг юришганда билинади. Нега? Бошига қулфат тушган одамга ҳамдард бўлиш, меҳр-оқибат кўрсатиш кўпнинг кўлидан келадиған иш. Лекин ўзганинг ютуғидан қувонишни ҳамма ҳам эплай олмайдди. Ютуғинг барчага бирдек ёқавермайдди. Ҳатто баъзан энг яқин ошнанг, жигаринг ҳам эришаётган муваффақиятларингни кўриб, кайфияти бузилиб кетганига гувоҳ бўласану ноқулай аҳволга тушасан. Тилида сени табриклаб, қутлаб тургани билан, ичидан зил кетаётганини сезасан: “Нега бунинг ишлари гуруллаб кетяпти-ю, меники ўлда-жўлда?..” Бу жиҳатдан мен ўзимни жуда омадли одамман десам, ишонинг. Яхши қунимда ҳам, ёмон қунимда ҳам атрофимда доим садоқатли дўстларим, ҳамкасбларим кўп бўлган. Ҳаётда нимагаки эришган бўлсам, ҳаммаси ана шундай инсонларнинг суянчи, ёрдами, маслаҳати ва дуолари туфайли”.

*Мен уни мавҳумлик, маҳрумлик ва мағлубиятлардан асло чўчимайдиган йиғит десам, сўзларимга ишонманг, лекин Ҳайиталининг неқбиллиги, кўнглининг кенглиги, жўмардлиги синовлардан кўп ўтган.*

Қурилиш компаниясини ташкил этиш аввалида деярли ҳамма ишни ўзи бажаришига тўғри келди. Кетмону белкурақдан то миҳгача кўлидан ўтказди. Бетон қорувчи машинани ҳам, минорали қранларни ҳам ўзи топди. Сувни ҳам ўзи гаплашди. Бошқа чораси йўқ эди. Тендерда ютгани билан ҳамқору шерикларнинг ишончини қозониш шарт. Бизнеснинг бош устуни – ишонч. Бироқ муаллимдан чиққан ошпазга, ошпаздан чиққан қурувчига ҳамма ҳам дарҳол ишона қолмайдди. Лойиҳани билмас, тушунмас. Кўп қаватли иморатларни шахарга келибгина кўрган бир “тоғлик бала” бўлса.

Мен ҳам ишонмаган бўлардим. Уринишлари-ю жидду жаҳдини “шунчаки тиртанглаш” деб, қўл силтаб кетардим. Ҳар қадамда учратиш мумкин бўлган қилни қирк ёргувчи қурилиш компанияларидан энг синамолига бориб учрашардим.

Катта пул ўйнайдиган жойда бу ҳам табиий ҳол.

## ТАҚДИР КОТИБИНИНГ ЁЗГАНИ

Дарвоқе, дўст ҳақида гап кетар экан, яна Нормамат бобо ёдга тушади.

*Агар гапга тўн кийдириб, самимий ва илҳом билан сўзлагувчилар мусобақаси бўлса, Нормамат бобо, шубҳасиз, биринчи ўринни эгалларди. Агар танишу нотаниш, эркагу аёл, кексаю ёш, соғу хаста – миллатидан, динидан қатъи назар – ҳамма-ҳаммадан ёрдаму маслаҳатини аямайдиган, йўл-йўриқ кўрсатишдан чарчамайдиган қайвониларнинг республика танлови ўтказилганида бош соврин Нормамат ҳожисининг хуржунидан жойи оларди!*

**Ҳожи бобо айтди:** “Саксон тўртинчимикан ё бешинчими йил эди, аниги ёдимда йўқ. Ҳар ҳолда, Ҳайитали ҳали мактабда эди. Отаси, Мамадали божамнинг бирдан мазаси қочди. Томири кесилган дарахтдай қуриб, дармондан кета бошлади. Рўзғори катта. Ётиб ейин деса, ортиқча нарсаси йўқ. Сайробдан Термизга опкелдик. Дўхтирлар у ёғидан ўтиб текширди, бу ёғидан ўтиб текширди. Қони билан пешобининг ийиғини чиқариб юборди – қани энди бирор қарорга келса, маслаҳатининг маъниси бўлса. “Тери силдан тахминимиз бор, – дейишди охири барака топқурлар. – Яна Худо билади”. Жаҳлим чиқди: “Худонинг билиши – ҳақ. Лекин жўяли фикр айтолмасанг, сен бу ерда номаъқул бузокнинг гўштини еб ўтирибсанми!..” Юз – иссик. Ичимда айтдим буни. Бандасини ҳақ-ноҳақ изза қилиш, ранжитиш – гуноҳ. Тангридан ниятимизга қушойиш тилаб, поездга чиқдик. Тошкентда ҳам шу гап, шу тахмин. Сурункали доволашлардан наф йўқ. Божам қуриб, қакшаб кетаверди. Айтган гапи битта: “Уйимга кетаман”. Москвага олиб учдим. Яна текшир-текшир. Яна саргардонлик.



Бир хонада йигирмага якин оқ халат ўтириб маслаҳат қилди. Талашди, тортишди. Охири биттаси айтди: “Термизининг дўхтирлари тўғри топибди. Тери сили. Бундай касални даволайдиган балниса фақат Новосибирск шаҳрида бор. Ўша ёққа олиб бор”. “Тузалиб кетадими?”. “Бу энди дўхтири-ю касалига боғлиқ!”

Дўхтирларга кўпдан-кўп “спасибо”лар айтиб, эшикка қараб юрган эдик, олдимизда бир соя пайдо бўлди. Дев десам – одамга ўхшайди. Аёл десам – эракка. Шу ёшга етиб, одамнинг ургочиси бундай баҳайбат бўлишини кўрмаган-билмаган эканман. Энағарнинг бўйи икки ярим метр келар-ов десам, ишонаверинг. Лекин иккидан ҳеч кам эмас. Бошидаги оқ қалпоғи шифтга тегай-тегай деб турибди. Нормамат бобонгиз у пайтлар ҳам чакана эмасди. Бўй десангиз бўйдан бор, эт десангиз – этдан. Давраларда олишиб, от миниб катта бўлган қорувли йигитмиз-да. Бирок анавининг олдида қизалокнинг кўгирчоғидай бўп қолдим-эй. Эллиқдан оша бошлаган. Ҳар бети чалоп ичиладиган товоқдай. Қовоғи осилган. Кўзининг ости билан ўқрайиб қарайди. Оқ халатман деганнинг ҳаммаси жойидан солдатдай сакраб туриб, тошдай қотди. “Эрак қип яратганида камида генерал бўлардинг, энағарнинг момоси”, деб турибман. Профессор экан. Ҳаммани зириллатаркан. “Та-ак, – деди момомиз. – Қани, биз ҳам бир кўрайлик-чи!” Божам бечоранинг кўзгиналари йилтираб кетди. Умид пайдо бўлди-да. Ҳеч эсимдан чикмайти унинг шу жавдираган кўзгиналари. Новосибирскка бориб юргандан кўра, Сайробимга қайтиб, бола-чақамнинг олдида жон берай, деб зорланиб турган эди. Момонинг ўзи баҳайбат бўлгани билан, овози беҳад мулоийм экан. Ўзини кўрмай, телпондан овозини эшитса, эрак кишининг этлари жимирлаб, конлари кўпириб кетади-ёв. Уккағарга овоздан ҳам берган экан. Момомиз икки қўли билан аввал божамнинг бошини, бетларини, бўйинларини, ўмровларини обдан силаб-сийпалаб, эзгилаб чикди. Қарасам, оқ халатман деганнинг бари киприк қокмай турибди. “Энди канотингизни ёзинг”, деди момо. Божам қўлларини ёзди. Дўхтир сийпалаб келиб, Мамадалининг аввал ўнг қўлтиғига қўлининг учи билан илкис бир туртди. Раҳматли “вах!” деди. Сўнг чап қўлтиғига туртди. Яна “вах!” деди. Жонгинаси оғриди-да. Яратганга тавалло қилиб турибман. Момо ортига бурилиб, қранда қўлини ювди. “Бўлди, – деди. – Онкология институтига жўнатишлар!”

Ана энди у ёқдаги сарсоналикни кўринг! Яна текшир-текшир. Яна чоп-чоп. Момонинг саратон деганича бор экан. Лекин касалхонада жой йўқ, дейишди. Ялиндим. Ёлвордим. Йиғладим. Сиктадим. Қани энди нафи бўлса. “Ҳеч иложи йўқ. Тамом-вассалом! Тошкентингга опкет”. Дўхтирларгаям бир нарса деёлмайсан, эшикнинг олдида дунёнинг одами саргайиб ётибди. Ҳамма миллатдан бор. Оқ-воҳини эшитиб, салга ўзимнинг кўзимгаям ёш тўладиган бўп қолди денг. Во ҳасрат-о, ичаётган сувимиз шундай лойландики, шундай лойландики, асти қўяберасиз! Ётганда ҳам, турганда ҳам: “Эй Художон, – деб ёлвораман, – ҳамма беморларга, шуларнинг қаторида божам бечорагаям Ўзинг шифо бер!..” Бирдан йўлимиз очилиб кетди денг. Лекин чўнтак қавлашимга тўғри келди. “Устимдаги қўйлак-иштонимни сотиб, қипяланғоч қолсам ҳам сизни даволатаман, – дедим божамга. – Пул учун ҳам еманг!” Бечора юм-юм йиғлайди. Қунидан берган бўлса, хали кўп яшайсиз, деб кўнглини кўтараман.

“Биз уч кишимиз, – деди Николай деган дўхтир йигит. – Уч юз берасан”. Мен айтдим: “Беш юз ол! Ҳалолинг бўлсин! Божамни тикка қип берсанг бўлгани!”

Николайжон ногиронларнинг бир аравачасини тўғрилаб қўйиб, гап ўргатди. Аравачага божамни ўтқизиб, эшикка қараб юрдим. Николай укам йўлимни тўсди. Мен дунёни бошимга кўтариб, ўрисча-ю ўзбекча, ора-сира тожикчани ҳам кўшиб, бақирдим: “Божамни бугун балнисангга қабул қилмасанг, ҳаммангнинг энангни

Учкўрғондан кўрсатаман! Борадиган жойимга бориб, теринга сомон тикдираманда, Кремилга осиб кўяман!..” Шундай ўқирдим, шундай ўқирдим! Ичим дардга тўлиб кетган экан. “Кремиль”ни эшитиб, ҳаммаси югуриб чиқди. Николайжон кўриб кетган бўлди: “Бирор чора топмасак, бу одам ҳеч нарсадан қайтмайдиганга ўхшайди”. Эшик очилди. Йигирма кундан сўнги Термизга қайтганимизда боғам самолётдан ўйнаб-қулиб тушди. Ана байрам! Ана томоша! Москвага уч марта опбордик. Бир ой-бир ойдан – уч ой кетдик. Лекин ажал келса, қайтариб бўлмас экан. Тақдир котибининг ёзгани бўлди: боғам 1986 йилнинг кузида бандаликни бажо келтирди. Раҳматли тилло одам эди. Яхши кўрардим!..”

## ТУЯГА МИНГАН УЗОҚНИ КЎЗЛАР

*Мен унинг стратегик режалаштириш бўйича махсус курсларда ўқигани тўғрисидаги дипломини кўрмаганман, аммо амалга ошираётган ишлари билан танишиб, Ҳайитали тажрибали тадбиркор сифатида университетларда мазкур йўналишдан сабоқ берса, эл-юртимизга янада кўпроқ нафи тегарди, деган хаёлларга бордим.*

**Ҳайитали айтди:** “Ишнинг кўзини билган тадбиркор доим беш-олти кадам олдинни ўйлайди: Туяни мину узокни кўзла. Эртанинг талаб ва таклифи, нарх-навоси, имкониятлари қандай бўлади? Нималардан воз кечиб, қайси йўналишларни кучайтириш керак? Режали бошқариш бўйича махсус жамоа – ўзи ишонган мутахассислар билан маслаҳатлашиб чарчамайди. Компаниянинг келажагини аввалдан белгилаб олади. Жамоа эса ишнинг самараси учун жавоб беради. Вазифаларни тўғри белгилаш жуда муҳим. Мабодо, тадбиркор атрофидагиларни ўзидан кўра нодонроқ ва омироқ деган хаёлларга борса, ўзининг ҳам, компаниясининг ҳам холига вой”.

У кўламини доим кенгроқ олишга уринади. 2012 йили “Тезкоркурилиш” компаниясини ташкил этиб, унга ўзи бош бўлганининг боиси ҳам узокни кўзлаб, кўламини кенгроқ олиб амалга оширилган ишлардан бири. Ўзбекистон сўнгги йилларда улкан қурилиш майдонига айланди десам, янги гап айтмаган бўламан. Биргина Сурхондарёнинг ўзида узок муддатга мўлжалланган юзлаб йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Бундай улкан бунёдкорлик ишларидан четда туриш, уларга фаол ҳисса қўшмаслик – ўзини билган тадбиркорни ташвишга солиши табиий.

“Тезкоркурилиш” шиддат билан ишга киришди ва кўп ўтмай, воҳанинг энг йирик, энг ишончли компанияларидан бири сифатида доврुक қозонди.

Компания қурувчилари қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича бунёд этган замонавий уй-жойлар, шаҳарларнинг кўригига кўрк, чиройига чирой қўшаётган кўп қаватли уйлар, янгидан-янги ижтимоий соҳа объектлари: таълим даргоҳлари, шифохоналар, стадионлар, истироҳат боғлари, музейлар... Санаб адоғига етиш қийин. Оддий арифметикага таянадиган бўлсак, кўп қаватли уйларнинг ўзи ўнга яқин. Намунавий лойиҳали қишлоқ уй-жойлари эса қирқдан ортик. Бу – юзлаб оилалар, минглаб одамлар – аёллар, айниқса, болалар, қизлар, келинлар, оталар, оналар, кексаларнинг яшаш шароити кескин яхшиланиб, дилларига қувонч инганидан, орзу-умидлари барқ уриб, келажакка ишончи мустаҳкамланганидан далолатдир. Бу мамлакатимизнинг тинчлиги, осойишталиги, ободлиги, халқимиз фаровонлиги ва аҳиллигини мустаҳкамлашга замонлар оша хизмат қиладиган муҳим омилидир. Бу – ёрқин келажак сари йўналтирилган баракали сармоя, қурилган мустаҳкам кўприқдир!



## РАҒБАТ ВА ФАРОҒАТ

Мен сайроблик йигитдан қисқа муддатда эришилган бу муваффақиятларнинг сирини сўрадим. У ўйланиб қолмади.

**Ҳайитали айтди:** “Бунда ҳеч бир сир, кўпиртириш йўқ. Асосий ютуғимиз қурилиш материалларини ўзимизнинг завод ва фабрикаларимизда ишлаб чиқараётганимизда. Бошқача айтганда, цемент билан кафелдан бошқа деярли ҳамма нарса “деҳқончилик”. Ишга киришишдан олдин жиддий тайёргарлик кўрдик. Ўнлаб турдаги бетон маҳсулотлари, ғишт, йўлак плиталари, эшиклар, дераза ромлари, сантехника жихозлари – ҳамма-ҳаммаси “Тезкорқурилиш” таркибидаги корхоналарда ишлаб чиқарилмоқда. Техника паркимиз ҳам айни муддатда тўла шакллантирилди. Минора кранлари, юк, ёқилғи ва бетон ташувчи автомобиллар, бульдозер ва экскаваторлар шулар жумласидан. Бундай тайёргарликсиз қурилиш майдонига чиқши ва “шерларнинг пажасига панжа уриш” маънили иш бўлмасди.

Ўзингдан чиққанга не етсин! Олдий мисол: бетон плитани олайлик. Бировнинг заводидан сотиб олсак, устамасини тўлашимиз керак. Ўртага воситачи фирмалар суқилса, янада қимматлашади. Ўзимизнинг корхонада ишлаб чиқарсак, бундай харажатлар ёнимизда қолади. Ўнлаб одамни доимий иш билан таъминлаймиз. Муқим иш жойига эга инсондан юмушнинг сифатини, муддатини талаб қилиш осон. Транспорт харажатлари ҳақида ҳам шундай деса бўлади. Ўша бетон плитани қурилиш майдонига олиб келиш учун қимдандир автотранспорт, бошқасидан кўтарма кран, бировидан ёқилғи илтимос қилишга тўғри келарди. Қанча вақтинг, демак, нақдинг беҳуда кетгани сари, харажатлар кескин ошиб, гирибонингдан ола бошлайди. Бу, ишнинг сифатидан умидингни узавер, дегани. Натижада, харажатларни қисқартириш пайига тушасан. Чунки қурилиш сметаси, муддати деган қатъий талаблар бор. Уларга риоя қилишга мажбурсан. Алал-оқибат ноиложу ночорликдан сифати ҳаминкадар қурилиш материалларига кўз тика бошлайсан. Доимий ишлайдиган малакали ишчи-хизматчилар билан хайрлашиб, бугун бору эртага думини ушлатмай кетадиган мардикорларга қуни қолади. Бундай шоввозлар ишни амал-тақал адо этиши маълум. Кўзингни шамғалат қилиб, қўлига илинган нарсани сотиб юборишдан ҳам тоймайди. Бошқа қунда-шунда умидворларни айтмасам ҳам бўлади. Хуллас, уй-жой, иморат қуриб, одамларнинг дуосини олиш ўрнига, қарғишига қоласан”.

Шу боис, дастлабки йиллари олинган деярли барча фойда бизнесни ривожлантиришга кетди: янги йўналишлар очиш, жихозу техника харид қилиш, мавжудларини янгилаш, таъмирлаш, ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, ишчи-хизматчиларни ўқитиш, ўргатиш... Сиртдан осон кўринади. Лекин ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди.

Кўриниб турибдики, тадбиркорнинг бизнес бўйича махсус маълумотга эга бўлиши шарт эмас. Худо уни интилиш, теран нигоҳу зукколикдан қисмаган бўлса, бас. Тахлилчилар ҳам шундай қарорга келишган. Юксак муваффақиятларга эришган нуфузли тадбиркорларнинг аксари олган таълимнинг бизнесга ҳам, иқтисодиёту молияга ҳам алоқаси йўқ. Дейлик, бизнеснинг янги йўналишини очиб, унга инвестиция йўналтиришга аҳд қилсангиз, бунда сизга махсус маълумоту қатта тажрибага эга мутахассислар ўзи қўмакка келади.

Шунга қарамай, илғор тадбиркор мудом изланишни бурч-вазифа деб билади. Ўқишдан, изланишдан тўхтаган қуни бизнесидан барака кетишини англайди. Айниқса, шитоб билан ўзгараётган ҳозирги даврда бу жуда муҳим. Шу боис

Ҳайитали бизнес-семинар дейсизми, йирик кўрғазмалар дейсизми, ҳаммасида катнашишга ҳаракат қилади.

*Мен уни зироатчиликнинг ҳадисини олган соҳибкор дея олмайман, лекин интенсив боғи-ю, полизларидан кўтарилаётган ҳосилнинг таъми хорижда ҳам татиб кўрилаётганидан хабарим бор.*

Ахли калам хуш кўрмайдиган нарса шуки, иложи бўлса, уни четлаб ўтса: факт ва рақамлар. Оёқ-кўлингни боғлаб, қолипга солиб кўяди. На эмин-эркин фикрлай оласан, на кўнглинг кўлчиб ёзасан. Жимжимадор рақамларни ҳисобчи-ю статистларга чиқарган. Лекин бу гал менинг каламим қоғоз узра суворининг тўриғидек йўрғалаб кетди: интенсив боғ билан гулга кирган пахта қизгин парваришда бўлса, эртапишар тарвуз билан шовуллаган ғалла саранжомлаб бўлинган. Бунга сув хавзаларида урчиб ётган “кумуш қушлар”ни қўшсангиз, Ҳайитали Алламуродовнинг кишлоқ хўжалик соҳасидаги фаолиятига оид тасаввурингиз янада бойийди. Ҳавзадаги баликларнинг олди етилган. Қолгани ҳам емишини еб, семириб келаётир. Қаров зўр! Энди шунча маҳсулотга эга чиқадиган тадбиркор кишин-ёзин салқингина бўлиб турадиган омборхонани унутиши мумкинми? Унисидан ҳам бор: 500 тоннани кўрдим демайди.

Навбат – паррандачиликка.

Иш ана шундай – пишк-пухта ва режали ташкил этилган жойда муваффақият, меҳнатнинг самараси, заҳматнинг роҳати ҳақида гап очилса ярашади. Фойда-ю барака, обрў-эътибордан умид килса бўлади. Қайд этилган рақамлар замирида неча ўнлаб одамларнинг заҳмати мужассам. “Оч қорним – тинч қулоғим” деган ақидага сўнадек ёпишиб олган баҳонапарастларга бундай ширин ташвишлар бегона. Улар соя-салқинда “қорнини қашиб ётганида” ҳайиталилар тиришиб-тирмашади, йиқилиб-суринади, лекин тинимсиз ҳаракат қилади. Бундай кезларда қаршисидан чиққан муаммонинг ўзи уларга қувват бағишлайди. Уни ҳал этишдан фароғат туюди. Бошқалар кулфат сифатида қараган кўргиликни улар рағбатга айлантира олади.

*Мен Ҳайитали болалигидан тадбиркор ва бой-бадавлат бўлишни орзу қилар эди десам, сўзларимга жиндек ёлгон аралашган бўлади, бироқ у ҳар бир ишни тадбир билан бажаришига гўдаклигидан ўрганган, ўргатилганига аминман.*

Бу – ноёб кўникма, кам учрайдиган фазилат.

Овруполик фозиллар ёзмишларки, аҳолининг бор-йўғи ўн фоизиданига тадбиркорлик иқтидори бўлади. Шу ўн фоизнинг аксари йиғирма бешга тўлиб-тўлмаган йиғит-қизлар. Бу ёшда нафақат билакда куч, вужудда ғайрат, орзу-ниятда ранг-баранглик, балки дунёни ўзгартириб юборишга катта ишонч ҳам бўлади. Таваккалчилик, неқбинлик, жўмардлик, тажриба-ю синовлардан таптортмаслик кўпроқ шундайларга хос. Чунки “юки енгил”. Зиммасида ҳали оила, рўзғор ташвиши йўқ. Ҳали раъйи қайтмаган, шохи синмаган. Ҳаммаси кейин қийинлашиб бораверади.

Тадбиркорман деганни гапга солиб кўринг. Бирортаси ўз ишини осон дермикан. Маза қилиб яшаётганидан мактанармикан. Йўқ. Лекин бир иш қилишдан кўра, ўтганнинг ўроғини, кетганнинг кетмонини олиб ўтиришни афзал биладиганларга, умрида ақалли товуккатак курмаган, бировнинг кўлига обдастада сув қуймаганларга номдор тадбиркорлардан гап очсангиз, ўйлаб-нетиб ўтирмасдан, беписанд қўл сил-тайди: “Фалончимиз? Омади келган. Отаси ёрдам берган, энаси маблағ ажратган, тоғаси қўллаган. Қайноғаси сийлаган...” Ахли тадбиркорни ўғрию муттаҳамга чиқариб қўйишни хуш кўради. Аслида ботинига дурустроқ назар солсангиз, танбалнинг заҳматкашга, камбағалнинг бадавлатга ҳасадини кўрасиз.

**Ҳайитали айтди:** “Тадбиркор, энг аввало, масъулият дегани. Айтган сўзинг, ба-жарган ишинг, берган ваъданг учун жавобгарлик масъулияти. Худо кўрсатмасин,

мабодо, корхонамда ишлайдиган ходимларга икки ой маош беролмай колсам, холим нима кечишини тасаввур қилишнинг ўзи дахшат. Бир умрлик меҳнатим, тоат-ибодатим қуйиб кетади. Бизнес ҳамкоримдан пул олиб, маҳсулот ёки хизматни талабдаги даражада ва вақтида адо этолмасам-чи? Қаергача бора оламан? Судгачамини? Кейин менга, компаниямга ким ишонади? Бундай вазиятда ҳар қандай бизнес синади. Тадбиркорлик – зўр ишонч, темир интизом дегани”.

Рухий зарба, омадсизлик, ишнинг юришмаслигидан ҳам ҳалол тадбиркор катта наф қўради. Хатосини омадга, омадини эса сармоёга айлантиради. Чунки чиникади. Қўзи пишади. Хатоси, эътибор бериши шарт бўлган, лекин тажрибасизлиги, вазиятнинг ўзгариши сабабли назардан қочирган жиҳатларга қўзи тушиб, нигоҳи теранлашади. Хушёрлиги ортади. Ўқийди, ўрганади. Ишнинг мудом юришиши, омаднинг доим қулиб боқиши, хотиржамликка берилиш бизнеснинг ривожига эмас, касодига хизмат қилади. Ўнгидан келмаган иш хушёрликка, атрофга теранроқ қарашга, босган қадамнинг, амалга оширган лойиҳанг, муомалангни таҳлилу тадқиқ қилишга ўргатади. Қаерда, нимада хато қилдим? Қандай йўл тутсам, тўғри бўларди?

Бундай саволлар-тадбиркорнинг доимий ҳамроҳи. Қўй, бу ишни эртага ҳал қиларман. Бугунча оёғимни узатиб ухлай, деган илинж – хато. Хатолиги шундаки, эртанги кун нари турсин, икки соатдан кейин кеч бўлиши мумкин. Кеч қолиш – пул, сармоё кетди дегани. Минг, балки миллион, эҳтимол миллиард! Кимнинг уйқуси келади бундай лаҳзаларда? Ким яйраб дам олади? Дам оладими, холига вой. Демак, унинг эски замондаги шоп мўйловли колхоз раисларидан фарқи йўқ экан: “Пахта теримига юқоридан имдод бўлса киришамиз!”

## ЯРАТГАННИНГ ИНЪОМИ

*Мен уни пулниги устида тикка турадиган ҳасис дея олмайман, аммо маблағини орқа-олдига қараб, тежаб-тергаб, оқилона тасарруф этишини биламан.*

Тадбиркорнинг энг катта душмани нима, деб сўрадим.

**Ҳайитали айтди:** “Нафс! Бозорга чопган бой бўлмас. Ҳашамдор уй, ялтир-юлтир машина, қимматбаҳо тақинчоғу безакларга ружу қўйилган жойда бизнес ўлади. Ўлмас, етим қолади. Кимки, фақат бойлик ортириш учун бизнесга қўл урса, ибтидосидан интиҳосигача маълум – касод. Мен нафс инсоннинг душмани десам, қуласиз. Қулиб, балки, тўғри қиласиз. Чунки миллион йиллик, сийқа гап. Бизнес бу – ижод. Ўзингни топишинг, ўзгаларга фойда келтиришинг, бу тўрт кунлик дунёда эзгу ишларинг билан яхши ном қолдиришинг. Сизга балки баландпарвоздек туюлар. Бугун фалон сатр шеър ёзиб, фалон минг маблағ ишлайман, деган шоирни кўрганмисиз? Агар бу ёруғ оламда шундай каламкаш бўлса, унинг ижоддек илоҳий туйғуга асло дахли йўқ. У маҳсулотига ҳеч ким бурилиб қарамайдиган жўн ва омадсиз қосиб. Ишнинг кўзини билган тадбиркор топган маблағини шахсий эҳтиёжларини қондиришга эмас, энг аввало, бизнесини ривожлантиришга сарфлайди”.

Энди меҳнат жамоаси ҳақида гапириш фурсати келди. Уни тўғри шакллантириш – муваффақиятнинг боши. Эсингиздадир: “Ҳамма нарсани кадрлар ҳал қилади!” деган гаплар бўларди. Сиз суянадиган ва миллионлаб маблағингизни ишониб топширадиган одам, энг аввало, имонли ва ишнинг кўзини биладиган бўлиши керак. Айтадиларки, бизнес билан шуғулланмоқчи бўлсангиз, аввал йўналишини белгилаб олинг: қайси соҳада фаолият юритмоқчисиз? Ҳайитбойнинг бу борада омади келган. Қўлидан иш келадиган ошна-оғайнисининг кўпи қурувчи-ю меъмор экан. Маслаҳат солди. Маъқул. “Тезкорқурилиш” компаниясини ташкил этишдан

олдин, ўйинбошига ресторанни таъмирлаган бўлишди. Дуруст. Кейин янги тўйхона қурилишига қўл урилди.

Баъзан аввалги тажриба, муваффақият билан амалга оширилган иш, лойиҳага бутунлай тесқари, ҳатто “қуракда турмайдиган” вазифаларга бориб тақалади. Масалан, пахта-ю галла экиш. Боғ яратиш, балиқчилик. Бу таклифларни эшитиб, тили калимага келмай қолганлар бўлди: бу йигитнинг эси жойидами? Умри шаҳарда ўтаётган тадбиркорга чўлда нима бор? Бундан кўра, бутун кучини, маблағу салоҳиятини бир йўналишга – қурилиш-таъмирлаш ишларига йўналтиргани афзал эмасми? Баҳс-мунозаралар, тортишувлар, ҳатто аччиқ-тизиқ гаплар ҳам бўлди. Лекин Ҳайитали фикрида қолди. Замоннинг шиддати, ўзгаришлари шундайки, битта товукнинг катагига кўз тикиб қолмайлик, деди. Қурилишдан бўлмаса – боғдорчиликдан, боғдан бўлмаса – тоғдан, балиқдан бўлмаса – товукдан. Ошхона билан ёқилги қуйиш шохобчалари ўз йўлига. Кимки ишнинг, мўлжалнинг тўғрилигига ишонмаса, кадамингизга тўғонок бўлаверар экан. Фингшийверади: “Айтмаганмидим?..”

“Ундай ходим билан хайрлашган маъқул”, дейди тадбиркор.

Бизнестан мақсад – моддий рағбат, албатта. Лекин бу кайфият узокқа чўзилмайди. Кейин қилаётган ишларингдан хузур туйиб, маънавий-руҳий қувват ола бошлайсан. Мана бу маҳобатли иморатни, анави чиройли уйни мен қурганман, дейсан ичингда. Завки бўлакча. Сурури бўлакча.

Ҳайиталининг тасарруфидаги фирмаларга давлат идораларидан, нефть ва газ компанияларидан ҳам кадрлар келди. Нега? Чунки, Ҳайитали уларга катта маошдан ҳам кўра, кўнглига яқин иш, мансаб пиллапояларидан ўсишни, бизнестинг сир-синаотларини ўрганишни таклиф қилди. Оқибатда қўшлаб йигит-қизлар ғайрат-шижоат билан ишга киришди. Ўрганди ва кейинчалик ўзларининг мустақил бизнесини ташкил қилдики, Ҳайитали уларга ҳам моддий, ҳам руҳий кўмак берди. Рақобатчиси бўлса ҳам. Қайсики тадбиркор фақат ўзини ўйласа, фақат ўзининг орзу-умидлари билан яшаса, узокка бора олмайди. Мулк бир ёки бир неча кишиники бўлгани билан унинг яратувчиси, барака киритувчиси кўпчилик. Жамоа. Ёлғиз отнинг чанги чиқмас. Ҳозир Сурхондарёда ўнлаб қурилиш компанияси фаолият юритмоқда. Бирлари йирик, бошқалари ихчамроқ. Лекин аслини олганда, ҳаммасининг мақсади битта – бунёдкорлик, тез ва сифатли қуриш.

Сурхон йигитининг ҳаёти ва фаолияти, кадриятларга муносабатини ўзимча тадқиқ қилганимда, аввало, саломатлигини ўйлаши, оилапарварлиги, фаровонлик, дўстлар давраси, эминликни кадрларини сездим. Ҳайиталининг иш кабинети прорабнинг хонасига ўхшайди. Қабулхона, котиба, ёрдамчи каби лавозимлар нисбий тушунчалар. У ходимларнинг деярли ҳаммасини – бўёқчи-ю сувоқчидан тортиб директориғача танийди. Бош директорнинг қабулига кириш учун аввалдан навбатга ёзилиш шарт эмас. Истаган ходим хоҳлаган пайтда, эшикни тақиллатмасдан кириши ва дардини, фикрини айтиши мумкин. Бош директор уларнинг гапини сабр билан тинглайди. Ёрдам беради.

Ҳақиқий иш одамнинг кўнгли кенг, сабри метин ва қатъияти мустаҳкам бўлади. Чунки режалаштирилган иш, янги лойиҳа дарҳол самара бермаслиги мумкин. Бунда ҳар бир ишда бўлгани каби сабр керак. Баъзан шундай бўлади: тендерда ютиб чиқасан, лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёр. Марҳамат, ғайрат камарини маҳкам боғла-ю қурилишни бошла. Ҳамма сенга кўз тикиб турибди. Худди шундай пайтда қутилмаган муаммо пайдо бўлади – маблағ йўқ. Банк ажратиши лозим бўлган кредитдан дарак йўқ. Кўпчилик билан битадиган ишларда бундай ходисалар учраб

туради. Нима килиш керак? Ҳайитали узок ўйлаб ўтирмасдан барқарор “сут бериб турган соғин сигирлари”дан бири – ресторанини сотади. Одамлар маош олиши, объект муддатида топирилиши керак. Бу ёқда, компаниянинг обрўси, нуфузига стадиган маънавий зарарни ҳам назардан қочирмаслик лозим: тендерда ютиб, “судралиб юрган” қурилиш ташкилоти билан ким ҳамкорлик қилади?!

Бақирик-чақириклар ҳам бўлиб туради. Беш қўл баравар эмас. Сен ишонган одам, ҳатто жигаринг, бир куни қарасанг, ишнинг пачавасини чиқарган. Мен ишга раҳбар бўлдим, деб ўзидан кетиб қолади. Димоғида – қўрт, иягининг тағида – хода. Салом берсангиз, аранг алик олади. Бундайларнинг, туғишганинг бўлсаям, дарҳол баҳридан ўтилади.

Илгари одамлар тадбиркорликни ўз ҳолича, билганича ўрганган. Қоқилиб-суринган. Лекин бутун давлатимиз мазкур соҳага жуда улкан эътибор қаратмоқда. Минглаб-миллионлаб одамларга бизнес учун имтиёзли кредитлар ажратилмоқда. Кеча кредит сўраб борсангиз, қўлингизга қарайдиган банк ходимлари бугун уйма-уй юриб, хизматини таклиф этмоқда. Кеча “сан”лаб турган амалдорнинг қўли кўксиди: “Тадбиркор бўламан десангиз, марҳамат! Ёрдам – биздан, ғайрат – сиздан! Пишагингизни пишт деганни бизга айтинг!”

Ҳа, тадбиркорликни ривожлантирмасдан мамлакатни тараккий эттириб бўлмайди. Янги ғоялар, янги одамлар, янги тадбиркорлар кириб келмоқда. Улар нафақат ўз бизнеси ривожига, балки бутун мамлакат келажагига хизмат қиладиган ёшлар – замонамиз қаҳрамонларидир!

Ҳамма шеър ёзади, лекин ҳар ким ҳам шоир бўлолмайди. Ҳамма спорт билан шуғулланади, лекин чемпионлик шохсупаси санокли одамларагина насиб этади. Кўпчилик ўзини бизнесга уради – тадбиркор чиқиши кийин. Тадбир билан иш тутишни билмайди. Раҳбарлик, кайвонилик, донишмандлик иктидори етишмайди. Тадбиркорлик ҳам Яратганнинг инъоми.

## БИЗНЕС ВА КўНГИЛ КўЧАЛАРИ

*Мен уни олам сирларидан воқиф файласуф дея олмайман, бироқ мол-давлат, мансаб-мартаба, шон-шухрат, ўйин-қулги – фоний дунёнинг барча неъматлари ўткинчи нарсалар эканини англаб етганига шубҳам йўқ.*

Ундан бизнес, қариндош-уруғ муносабатлари, бурч ва ҳаё ҳақида сўрадим. Ёнингда пулинг кам бўлса, чидайсан. Иложинг йўқ. Давлатинг ошгани сари, кўнгилининг кўчалари ҳам кўпаяверади. Икки ҳолатда ҳам осон эмас, албатта. Сармоясининг миқдори билан қизиқдим.

**Ҳайитали айтди:** “Бизнес қариндошга ҳаё этиладиган тўёна ҳам, хайрия жамғармасининг эҳсони ҳам эмас. Бир киши ёки ўзаро шерик бир неча кишининг мулк бўлса-да, унда кўпчиликнинг, бутун жамият аҳлининг насибаси бор. Бу насибани кўпайтириш, унга барака эндириш, энг аввало, бизнес соҳибига боғлиқ. Умидвор эса кўп. Баъзан эзилиб ҳам кетасан киши. Ҳаё – ўзганинг камчилигини кўрмасликка олиш. Биров сизга ишониб айтган сирни бошқага очмаслик. Майизни майиз дейверсангиз, камаяди. Мен мулкимизни ҳеч қачон пулга чақмайман. Барақаси учади”.

Ҳайиталининг Термиз кўчаларида сайр қилиб юрганини кўриб қолсангиз, қишлоқдан келган муаллим бўлса керак, деб ўйлайсиз. Мабодо ҳашаматли ресторанининг чеккароғида жимгина тамадди қиладиган сохт-сумбати келишган йигитга кўзингиз тушса, эътибор бермаслигингиз мумкин. Лекин шу камсуқум одам мазкур

емакхона хўжайини, ресторан эса неварасининг номи билан аталиши хаёлингизга келармикан: “Фаридун”.

“На бир ҳашам, на бир виқор!”

Маҳобатли ва сифатли иморатлар қуриши билан назарга тушган бинокорнинг уйини, яшаш тарзини кўриб, шу гап хаёлимдан ўтди. Бошқачароқ манзарани – хонларнинг саройини эслатувчи ховли-жой, подшоларнинг қасрларига монанд жиҳозлар, киролларнинг дастурхонидан улгу олган таомларни тасаввур қилган эканман. Акси бўлиб чиқди: ҳаммаси одми, содда, самимий... Қадим шаҳардаги бошка минглаб ховлилардан, оилалардан фарқи кам. Йирик сармоядорнинг айна тутумидан бир ҳикматни англагандай бўлдим: “Бу рубъи маскунда бир коса ёвғону бир тўшам кўрпачага ҳам қаноат қилиб яшаса бўлади”.

## ҚАЙНОТАНИНГ ТУПРОҒИ

“Қуёвни қайнотанинг тупроғидан оладилар”.

Унинг қайнотаси – Абдуҷаббор Ҳасанов айтишларича, ишнинг жиловини кўлига олган, танги ва баракали инсон, кураги ерга тегмаган полвон ўтган. Алплар сулоласининг кенжа вакиллари – беш ўғлининг доврўғи узокларга кетган: ака-укаларнинг барчаси чемпионлик шохсупасини безаган. Билганлар яна айтадиларки, Ҳайиталига қайнотасидан кўп фазилатлар – бағрикенглик, меҳнатқашлик, кўли очиклик, айниқса, кут-барақа юккан. Ошхонада қапирини ўйинатиб юрган сайроблик йигит Абдуҷаббор полвоннинг қизи Саломатга кўнгил қўймаганида, балки бугунги шарафларга эришмас эди. Балки фарзандлари отасидек меҳнатқаш, онасидек зехли бўлиб вояга етмас эди. Йўқ, булар – гапнинг кавшарига айтилаётган мулозамат эмас. Мана, хулосани ўзингиз чиқаринг: тўнғичи Муҳаммадали бугун “Тезқорқурилиш”да ишчи. Қизи Ситора – уй бекаси. Иккинчи қизи Нилуфар темирйўл муҳандислари институти талабаси бўлса, кенжа ўғли Шаҳзод – ахборот технологиялари касб-хунар коллежи ўқувчиси.

Барчаси Ўзбекистонда!

Улар хориждаги нуфузли ўқув юртларида таълим олиши, ажнабий компаниялардан ўзларига аллақачон “иссиқ жой” топиши, “отасининг даврида” ялло қилиб юришлари ҳам мумкин эди. Яна ўша савол: юрганлар камми? Ялло – давлатмандлар ўртасидаги мангу урф, киборлик муҳри-ку. Ўйнаймиз деса, отасининг дасти кўп узокларга ва кўп неъматларга етади. Лекин менинг ҳавасимни кўзгаган фарзандларининг фақат камтарлиги-ю камсукумлиги эмас. Рангпаргина бир йигитчанинг дастурхон бўйида мудом соядек шарпасиз юргани ва тургани. Мен уни замонавий сервис ва этикетни сувдай ичиб юборган дипломли мутахассис, киборлар хонадонида хизмат қилавериш кўзи пишиб кетган тажрибали мулозим деб ўйлабман. Қарангки, кенжатоғи Шаҳзод экан.

Ҳайитали қайнотаси Абдуҷаббор полвоннинг табаррук тупроғини тўтиё қилиб яшаса арзийди.

Бейхтиёр солиштира бошлайсан. Бехосдан меҳмон келса, хонадони бўри оралаган қўтондек изиллаб қоладиган оилалар эсга тушади:

“Эшмат, меҳмоннинг кўлига сув қуй!”

“Онаси, сочиқ қани?.. Сочик деяпман, кармисан?”

“Тошмат, қаёқдасан? Чойни қалпоғимизга қуйиб ичамизми? Пиёла қани?..”

Бу ҳам бир оила, рўзғор, тутим, маданият, тарбия.

## КЎПНИНГ ДУОСИ КЎЛ БЎЛУР!

*Мен уни тоат-ибодатга берилган художўй дея олмайман, чунки улфатлар даврасида “кўпдан қолмагани”га гувоҳ бўлганман, лекин етказган ҳар бир неъматни, кўрсатаётган ҳар бир ёруғ кунни учун Яратганга беадад шукроналар айтиб яшашига ишонаман. Мен уни замонамиз Хотамтойларидан деб алқайдан тийиламан, лекин мусулмон фарзанди сифатида хайру саховат кўчасидан қадами узилмаслигини яхши биламан.*

Агар Ҳайиталининг бунёдкорлик фаолиятига оид ёрқин альбом тузиш ихтиёри менга берилса, ўша рангли тазкирага соҳиби сармоя курган ва кураётган бири-бирдан кўркам кўп қаватли тураржойлар, кишлоклар аҳлига тақдим этган, этилаётган замонавий уйлар, тасарруфидаги заводлар, фабрикалар, стадионлар, гузарлар, тамадихоналар, парвариш этаётган боғлари, баликлари урчиб ётган хавзалари, тарвузлари тилни ёрувчи полизлари, ғўзалари шоналай бошлаган пахтазорлари, серҳосил ғаллазорларининг расмларидан олдин она кишлоғи Сайробнинг энг баланд жойида кўшк каби ярқираб турган жоме масжидининг суратини кўйган бўлардим.

Бугун вилоят ва туман марказларида яшовчилар ҳам, атроф-жавонибдаги бошқа кенту кишлоклар аҳли ҳам мингта яқин тақводорни бағрига олишга кодир ушбу янги масжидда ибодат қилиш шарафига муяссар бўлганига шукроналар айтишади. Бутун Сурхондарё ва Қашқадарё воҳасида бундай маҳобатли, кўркам, кенг ва кулай масжидни учратиш қийин, деб далолат қилишади. Оллоҳнинг уйини курган Ҳайиталини, унинг ота авлод, она авлод барча хешу ақраболарини дуолар қилишади.

Шу ғўзал иморатдан берирокда замонавий шифохона, у ерда малакали шифокорлар, зарур жиҳозлари, гижинглаган тулпори – “Тез ёрдам” машинаси билан ишлаб турибди. Хасталикдан ҳам кўра йўл азобидан кўпроқ азият чекувчи сайроблик беморларнинг энди кўнгли тўқ: шифохона ёнларида. Уни бунёд этиш ниятини ҳам Худо шу эл фарзандининг дилига солган. Бу ният унда балки отаси Мамадали ака узоқ вақт оғир дарддан азоб чекиб ётганида, оддий бир дори, эмловчи ҳамширанинг хизмати учун ҳам шаҳарга чопганларида туғилгандир, балки раҳматли онаси шаҳарда яшашни истамай, Сайробда қолганида хавотирга тушган меҳрибон ўғилнинг кўнглидан кечгандир.

Шифохонадан берирокқа юрсангиз, мўъжазгина стадионга кўзингиз тушади. Тоғу тош, ўнқир-чўнқир, метиндан каттик заминни эпақага келтиролмай, келтирса, торлигидан тўп теполмай “димикиб кетган” ёш-яланг, катта-кичикнинг ям-яшил майса тўшалган теп-текис, куну тун ёп-ёруғ майдончада завқланиб копток суришини кўринг! Ҳамқишлоқ акаларининг алкашлари-ю дуоларини эшитинг!

Булар – Ҳайитали ўз она кишлоғи Сайробда амалга оширган хайрли ишларнинг айримлари. Бу рўйхатга унинг Сурхондарё вилояти, бутун Ўзбекистоннинг бошқа худудларида хайру саховат йўлида қилган ва қилаётган ишларни кўшсак, катта китоб бўлар эди.

Кўпнинг дуоси кўл бўлур!

## ЖАМИЯТ АҲЛИНИНГ НАСИБАСИ

“Бизнесда бутун жамият аҳлининг насибаси бор!”

Буларнинг барчаси ўша насибанинг амалдаги кўринишлари эмасми? Энди уларга Ҳайиталининг тасарруфидаги корхона ва хўжаликлар, муассаса ва идоралар тўлаётган миллиардлаб солиқ ва бошқа тўловларни кўшинг. Юзлаб, минглаб иш-



чи-хизматчилар олаётган маошу мукофотларни кўшинг.

Ҳайиталининг бизнеси кушойиш топаётган, уни бало-қазолардан Ўзи асраётган бўлса, бу миннатдор калбларнинг дуолари туфайли эмасми!..

Ҳайиталининг кечмиши, қадам олиши, сарфу тасарруфи бошқачароқ ҳам бўлиши мумкинмиди?

Албатта-да.

Масалан, қайси бир давлатда пайдо бўлган нефтфурушу газфуруш корчалон сингари топган-тутганига ўнлаб кимматбаҳо автомобиль сотиб олиб, авомнинг кўзини ўйнатишга ва ҳашамдор гаражлар қуришга ружу қўйса нима қилардингиз?! Сўнг бир юз йигирма беш машинасига икки юз эллик ҳайдовчи, ўнлаб мулозиму кўрикчи, ошпазлар ёллаб, “Ҳа-ё хуйт!” деб узок сафарга отланса-чи?! Оврупонинг остонасига етганида юзлаб метрга чўзилиб кетган автомобиллар карвонини кўриб, шошиб қолган чегарачилар “Йўл бўлсин, бовурим?” дейишга ҳам тили бормай қолса-чи? Карвонбоши “Парижни ўз отимда айланиб шикмесем ўлемен!” деса-чи, не холга тушар эдингиз? Яйраб-яйраб қулармидингиз? Ё номуслардан ерга кириб кетармидингиз? Ё алқаб дуолар қилармидингиз? Сизни билмадим, менинг гапим тайёр: “Бели оғриманнинг нон ейишини кўринг!”

## БАҲРАМАНДЛИК

*Мен унинг навқиронлиги мустақиллик йилларига эмас, мустамлака замонига тўғри келганида, тақдири қандай кечар эди, деб ўйладим ва қизиқ-қизиқ жавоблар топдим.*

Авалло, унинг тадбиркорлик иктидори ва салохияти рўёбга чикмасдан, Бойсуннинг қирларида қолиб кетарди. Нар и борса, бирорта ресторанга директор бўлиб, ўша замоннинг машҳур “кўли текканнинг оғзи тегар” деган ақидасига амал қилишни, хўрандаларнинг ҳақидан уришни ўрганиб оларди, эҳтимол. Балки ўзига ҳашамдор уй қуриб, машина ҳам оларди. Лекин хусусий заводи, фабрикаси, ресторани, ёқилги куйиш шохобчалари бўлармиди? Масжид, шифоҳона, стадион кургани учун хамқишлоқлари ўз дуоларида унқин, раҳматли ота-онаси, устозларининг номларини такрор ва такрор тилга олармидилар? Ҳозирда бўлгани каби ўнлаб корхонани тасарруф этиш, юзлаб одамларни иш билан таъминлаш, давлатнинг, жамиятнинг ишонган тоғлари – тадбиркорлар сафида бўлиш саодати насиб этармиди?

Комил ишонч билан айтаманки, Ҳайиталининг ва катта-кичик бошқа тадбиркорларнинг, аҳли Ўзбекистоннинг бахти – мустақиллик шарофати билан яратилган ва яратилаётган улкан имкониятлар, кенг шароитлардан баҳраманд бўлиб яшаётгани, таълим олаётгани, меҳнат қилаётганидадир.

## ЖАЙДАРИ ФАЛСАФА

Сайроблик тадбиркордан яна сўрадим: Сизга панд берадиган камчилгингиз борми?

**Ҳайитали хўрсинди:** “Бор! Инглиз тилини яхши билмаслигимдан эзиламан. Беқунтлигим курсин, хорижий тилларни пухтароқ ўрганганимда, компаниямизнинг экспорт салохияти янада ошган бўлармиди”.

Сезиб турибман, сизнинг ҳам бўш келгингиз йўқ: “Ортида иш ўргатиб турувчи қандайдир раҳнамози, устози бордир-да. Йўкса, бир йигитнинг бунча маблағни топиши, топгач, жой-жойига қўйиб тасарруф этиши осон гап эканми?!”



Хўп, ана, сиз айтганча ҳам бўлсин: раҳнамоси, устози, пири комили бор дейлик. Бўлса-чи? Нимаси ёмон? Ҳаётда кимнинг меҳрибон раҳнамоси, талабчан устози йўқ, бўлмаган? Бу дунёда ҳеч ким осмондан оёғини осилтириб тушмайди. Ҳаммамиз кимларнингдир кўмаги, маслаҳати, йўл-йўриғига таяниб ва суяниб, оёкка турганмиз. Тураммиз. Устоз кўрмаган шогирд қандай мақомларга йўрғалаши маълум.

Ие, бахайр, тўхтанг-чи бир! Нега мен ҳадеб Ҳайиталини, ўзимни ва сўзимни оқлашга тушиб кетдим? Давлат ва жамиятни кўя турайлик, лоақал ўз ота-онасига шараф, наф келтириш, қартайганида суянчиқ бўлиш ўрнига, улар бир умр мисқоллаб йиккан обрў-этибор, мол-мулкни бир кунда совуриб, қиблагохларини гадога айлантириб ташлаётган фарзандлар йўқми?! Ишлаш, меҳнат қилиш, пул топиб, рўзғор тебратиш ўрнига, нафақат ўзи, ҳатто бола-чақаси ҳам, кекса ота-онасининг арзимас пенсиясига шерик бўлиб ўтирган чавандознинг отидек соғлом, хинднинг филидек бақувват йигит-қизларни кўрмаганмисиз?!

Илоҳим, ҳеч кимга кўргилик қилмасин! Балки мени кўлимга қалам олишга ундагани ана шундай азобли ўй-кечинмалар, аламлардир! Балки Ҳайиталидек меҳнатқаш, камтарин, топарман-тутарман, илмли, билимли йигитга, уни камолга етказган ота-онаси, устозлари-ю раҳнамоларига бўлган инсоний бир ҳавасдир! Ким нима деса десин, лекин бир ҳақиқатни тан олишимиз керак: ҳамма ҳам Ҳайитали бўла олмайди! Ҳамма ҳам Сурхоннинг шу камсукум фарзандидек ўнлаб корхоналарга, юзлаб, мавсуми келганида, минглаб одамларга бош бўлиб, бирни ўнга, ўнни туманга, туманни миллион ва миллиардларга айлантира олмайди.

Эл-юртимиз, давлатимизнинг куч-қудрати Ҳайиталидек қут-баракали инсонлар, тадбиркорлар туфайлидир. Ҳайиталининг, ҳайиталиларнинг Раҳнамоси кимлигини жуда-жуда билгингиз келаётган бўлса, айтай: Кўқда – Худо, Ерда – Ўзлари!

Юрт Оғаси айтадики, “тадбиркор ўзининг бола-чақасидан қийиб, тўплаган пули, мол-мулкни янги иш очишга сарфлайди. Банкдан кредит олса, уни ҳам фоизи билан ўзи тўлайди. Унга ҳеч ким ҳар 15 кунда бюджетдан аванс ёки ойлик бермайди. Шунга қарамасдан, таваккал қилиб, ҳузур-ҳаловатдан кечиб, бор имконияти ва маблағини хавф-хатарга қўйиб, ўз иши учун кечаю кундуз жонини бериб ишлайди. Шу йўл билан нафақат ўз оиласини, балки эл-юртни ҳам боқади. Шу маънода тадбиркор бу ҳақиқий фидойи инсон. Шаҳсан мен бундай инсонларни, иккитагина иш ўрнини яратган тадбиркорни бошимга кўтаришга тайёрман”.

Бу ҳақ гапга, тилакка, орзуга қўшимча қилиш менинг кўлимдан келмайди.

Кўлимдан келгани шу – олқиш ва дуо: ишингизнинг баракасини бераверсин, Ҳайитали бой!



## Оқ капалак сирларимни айтиб кетди



Юлдуз  
ЎРМОНОВА

### Юрак

Ич-ичимда у тинмай  
Ёмғирдай ёғилади.  
Чап кўксимда индамай,  
Кимнидир соғинади.

Ох, юрагим, юрагим  
Хазондай ёнар ёмон.  
Борми, ахир, керагим,  
У омон, мен беомон?!

Гоҳо олов томчилаб,  
Юзимда юмалайди.  
Ҳислар руҳим қамчилаб,  
Кўнглимни увалайди.

Ушласам тикон билан  
Атиргул берар мадад.  
Томиримда қон билан  
Ишк оқади тоабад.

Юрак ичар кунда май –  
Ўзича овунади.  
Чап кўксимда индамай  
Кимнидир соғинади.  
Кимнидир соғинади...

## Ўзбекистон ҳаво йўллари


Ҳақ йўллаган ёруғ йўлларим,  
Ёмонлардан фориг йўлларим.  
Мени кўллар тутиб кўлимдан,  
Кутлуғ йўлим, улуғ йўлларим.  
Дил аршидай маъво йўллари –  
Ўзбекистон ҳаво йўллари.

Туйгуларим кўкда сузсалар,  
Ок булутлар бўйлаб кезсалар,  
Темир кушнинг юлдузларидек  
Кулиб турар стюардессалар.  
Юрагимнинг наво йўллари –  
Ўзбекистон ҳаво йўллари.

Хурриятнинг шаксизлигини,  
Хур ниятнинг шаксизлигини  
Кўролмадим чек-чегарасин,  
Кўрдим бахтим чексизлигини.  
Аҳду шахдди сабо йўллари –  
Ўзбекистон ҳаво йўллари.

Учдим, кўрмоқ бўлиб жаҳонни,  
Суйдим ой, куёшли ошённи.  
Шундай баланд парвоз этдимки,  
Юкоридан кўрдим осмонни.  
Юртлар аро аъло йўллари –  
Ўзбекистон ҳаво йўллари.

Бардавомдир зафарларимиз,  
Сокин окшом, саҳарларимиз.  
Энг улуғ, энг азиз синоат  
Кўнгилларга сафарларимиз.  
Бу йўллар бахт, сафо йўллари –  
Ўзбекистон ҳаво йўллари.



## Куз сурати

Дарахтлар ортидан мўралайди куз,  
Шамоллар ўйноки сокин боғларда.  
Ховуч дўланалар узилмай хануз  
Сўнгги илинж каби ёнар шохларда.

Кафтни тўлдиргувчи беҳилар хиди  
Тутиб кетар яна тор кўчаларни.  
Кузакнинг оловранг япроғимиди,  
Тунлари безаган тунд тоқчаларни?

Кун бўйи офтобга юзма-юз бокиб,  
Қуёш нурларидан толган дўшпилар,  
Тонгни кутиб яшар кўкка ўт ёқиб,  
Кузги далаларда қолган дўшпилар.

Барчаси мен кутган олтин лаҳзалар,  
Бекорчи ўйларни унутмоқ чоғи.  
Япроқларни қоғоз четига қадаб  
Куз суратин чизар ўйчан нигоҳим.

## Қишлоқда оқшом

Чигирткалар хуштак чалади,  
Сокин тунга бу келар малол.  
Аллалайди бир туп дарахтнинг  
Шохларини тебратиб шамол.

Уйку ҳақда қуйлайди сўнгги  
Йўловчининг қадам товуши.  
Япроқларнинг шитирлашига  
Тўлиб кетар туннинг ховучи.

Нурин сочар хира фонуснинг  
Хира тортган митти кўзчаси.  
Ошкор қилар изсиз сояни  
Бўйи етган кизнинг кўчаси.

Бу кеч кўкнинг кенг этагига  
Юлдузлар ҳам тўкилган тутдай.  
Ёлғон ўйлар йўлин йўқотган,  
Хув, адашган оппоқ булутдай.

Кўкда ой йўк, тунни ёритар  
Юлдузларга кўшилиб фонус.  
Ва билдирмай парда ортидан  
Бокиб турар сочи ўрим қиз.



Зулхумор  
ОРИФЖОНОВА



**Абдурахим  
АБДИЕВ**

## Орзу

Шундай кизни учратаман, ўзинг гувоҳ,  
Шахзодалар оғизлари ланг бўлади.  
Соғинганда туйғуларим қилар исён,  
Кўрганымда, чап кўксимда жанг бўлади.

Кўзларига охулар ҳам мафтун бўлар,  
Ишққа тўла нигоҳлари махзун бўлар,  
Кокиллари кўйлагидан узун бўлар,  
Кўйлагининг этаклари чанг бўлади.

Қалдирғочлар қошларини тавоф қилар,  
Лабларидан боларилар гулоб йиғар.  
Мен биламан, қачонлардир куёш чикар,  
Зулмат босган дунёимда тонг бўлади.

Мунаввар ишқ, мен томонга юзинг бургин,  
Уни мангу севмоқликка етар қурбим.  
Гар севмасам мен розиман, қолган умрим  
Капалакнинг умри билан тенг бўлади.

## Гулим

Кундан-кунга гўзалсан, гулим,  
Кундан-кунга ортар ошиғинг.  
Лек дилингда топмади кўним,  
Муҳаббатнинг эзгу кўшиғи.

Тишладим, лабларим эзилди,  
Жоним адо бўлди рашкингда.  
Сенга қанча гуллар узилди,  
Қанча дил бузилди ишқингда.

Сен эса очмайсан кўзингни,  
Англамайсан муҳаббат кучин.  
Майса қатл қилди ўзини,  
Оёғингни ўпмоқлик учун.

Хира тортиб бормоқда осмон,  
Юлдузлар тунингда жам бўлди.  
Лабларингни теккизганинг он  
Лаб бўёғинг бағри қон бўлди.

Термилсанг тоғларда тош кўчди  
Кўшилиб дилдаги кўчкимга.  
Бир кулиб бокмадинг, тош юрак,  
Тошойнангдан бошқа ҳеч қимга.

Бўлди, бас, дил бериб, адашдим,  
Хайр, эй адашган фариштам!  
Қидириб борарсан қачондир,  
Зериксанг ўзингни севишдан.

*Абдурахим АБДИЕВ – 1994 йилда туғилган. Андижон давлат университети қошидаги  
иккинчи сонли академик лицейни битирган.*

## Оқ капалак

Ўлтирардим майсалар-ла хаёл суриб,  
Олдимдан бир оқ капалак учиб ўтди.  
Етолмадим, узокларга уни кувиб,  
Оқ, капалак, хаёлларим бузиб кетди.

Мен, аслида, майса ҳақда ёзмокчийдим,  
Хаёлларим кайларгадир дайдиб кетди.  
Ариқдаги сувга мени термилтириб,  
Оқ капалак сирларимни айтиб кетди.

\* \* \*

Кўзларингдан тополмай ўзни,  
Юрагингни тита бошладим.  
Нигохларинг шошди хар томон  
Ва йирокка кета бошлади.

Севгисидан севинган дилни  
Саробларинг саргайтирди жим.  
Бир чеккада кераксиздайин  
Орзуларим ётибди гижим.

Юрагингдан тополмай ўзни,  
Юрагимни тила бошладим.  
Дардларимни сочиб хар томон,  
Кузга тақлид қила бошладим.



Нодира  
ЖЎРАЕВА

*Нодира ЖЎРАЕВА – 1994 йилда туғилган. Марҳамат хизмат кўрсатиши ва ижтимоий-иқтисодий коллежини тамомлаган.*

## УМИД НИҲОЛЛАРИ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Андижон вилояти бўлими қошида 2005 йилдан буён фаолият юритаётган “Бобур издошлари” адабий тўғараги қўлаб ёш истеъдодларга ижод сирларини ўргатиб келмоқда. Тўғарак аъзолари Юлдузой Ўрмонова, Саидабону Абдусаломова, Ойдиной Абдумуталибова, Гўзалой Абдуллаева, Илтижо Тоштемуровалар Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари бўлдилар. Зулфия Нўъмонова, Эъзога Обиджонова, Дилфуза Курбоноваларнинг “Биринчи китобим” лойиҳаси асосида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг “Ижод” фонди томонидан илк китоблари чоп этилди.

Узоқ-яқин туманлар ва шаҳарлардан тўғарак машгулотларига қизиқиб келаётган ёшларимиз орасида истеъдодлилари эҳуда кўп. Туманларимизда фаолият юритаётган адабий тўғаракларимиз ҳам иқтидорли ёшларни рўёбга чиқаришига алоҳида ҳисса қўшмоқда.

Давлатимиз раҳбари юртимиз ижодкор зиёлилари билан бўлган учрашувда бу борадаги ишлар самарадорлигини янада оширишимиз лозимлигига алоҳида эътибор қаратиб, қатор вазифаларни белгилаб бердилар. Устоз-шоирдочлик анъаналарини давом эттириши орқали истеъдодларни юзага чиқариши, керак бўлса, уларнинг илк китоблари чоп этилишига қўмаклашиши лозимлигини таъкидладилар. Албатта, ёшларни тарбиялаши, уларга адабий сирларини ўргатиши доимо ҳар бир устоз ижодкор учун бурч, масъулият ҳисобланган. Бу улугларимиздан мерос. Яратилган имкониятлар эзгу мақсадларимизга етказиши, шубҳасиз.

Эътиборингизга ҳавола этилаётган андижонлик истеъдодли ёшларнинг ижод намуналари сизларга манзур бўлади, деган умиддамиз.

**ХУРШИДА,**

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси  
Андижон вилояти бўлинимаси раҳбари



**Нурилло  
АБДУШУКУРОВ**

### **Боғ ичида**

Боғ ичида корайди кўрқув,  
Дарахтларнинг ўчгандек ранги.  
Товонимда кимирлайди сув,  
Ер чизиғи – ариқлар янги.

Мен ўзимга қидираман жой,  
Шам сочига тутаман гугурт.  
Ва туюлар осмондаги ой –  
Писта идиш ичидаги курт.

Пичирлайман титрок оҳангда,  
Ўз сўзимга бўлиб интизор.  
Гар ухласам, уйғотар тонгда  
Тун кўзига беркинган баҳор.

### **Йўлга чиқдим**

Уйингизга бораман бугун,  
Йўлга чиқдим, мана, йўлдаман.  
Осмон – коса, яримлаган кун,  
Ана, уйғок атиргуллар ҳам.

Тўрт оёқлаб кетяпман, жигар –  
Қизғалдоққа келмайди малол.  
Изларимга баҳорлар тилар,  
Изларимга тушган қиз – шамол.

Билинг, сизни олиб кетаман,  
Эътирозга ўрин йўк сира.  
Нафасимда тақиллатаман,  
Эшигингиз очик бўлса ҳам.



*Нурилло АБДУШУКУРОВ – 1995 йилда тугилган. Андижон ижтимоий-иқтисодий ва педагогика коллежсини тамомлаган.*



Муслима  
УСМОНОВА

## Она

Гарчи  
Сўзимга сийна куёш,  
Сабримга ойна ойдир.  
Она,  
Сизга барибир  
Ўхшолмас на ой, на куёш.

## Кўча

Замин узра оппок пояндоз,  
Қаргаларнинг овози синик.  
Махалламга камига аёз  
Тутатиб кетибди исирик.

Икки девор оралигида  
Икки оёқ бир-бирин қувлар.  
Сўнг қолади беозор кўча  
Кўнглим кўчасидек хувуллаб.

Қадим ғозу кадамим шахдам,  
Бўш келмайман секунд, минутга.  
Туман 'орти – келишган одам  
Ўхшаяпти кўшни йигитга.

Бурилишлар, гавжум кўчалар  
Бузолмайди ширин ўйимни.  
Кирмай туриб шаҳар ичига,  
Негадир кўмсайман уйимни.







Норг'ухта ҚИЛИЧ

## ОСМОН ЙИҒЛАГАН КУН

Ҳикоя

*Энажоним, йилама-ё, йилама...*

Қўшиқдан

### I

Бешинчи май!.. Ё пирай, эслаганингиз ҳамоно, ажабтовур энтиктирадиган, тобора олис ўтмишга айланаётган бир замонларда ушбу кун байрам ҳисобланар эди. Лекин, асли ҳаётда байрамнинг оти бор-у, ўзи йўқ шекилли.

Юзаки қаралганда анави ракамлар ҳам ўз-ўзича ҳеч нимани англамайди – шунчаки бир таъкид. Бирок, авра-астарини кўтариб қарасангиз, бундан аввал ўтганларига кўзларингизни юмиб син солсангиз... ҳаммаси арзимас чақадай туюлиб, кўксингиз хувуллаётгандай бўлаётганлигини сезасиз.

“...Ё тавба, бугун ҳам айни кечагина кечган куннинг ўзи. Умр деганимиз эса сувилондай шитоб сузиб ўтаяпти”. Ҳар гал ушбу фикр кўнглида яшиндай чакнаган захоти, Шоди Шариф оташин хўрсинади ва ўспиринлик йилларида – бундан эллик йиллар аввал ҳайратларга чўмиб кузатган бир ғаройиб манзара: пишқириб оқаётган анҳор бағрида калласи бош бармоқдан сал йўғонроқ, кўзлари кўзмунчокдай коп-қора сувилоннинг оким бўйлаб, малларанг, бўтана тўлқинлардан тўлқинларга сакраб-сакраб, ўкдай сузаётгани кўз ўнгида намоён бўлади. Ўша асно, беихтиёр дилидан тилига бир афгон кўчади: “Ўтди умрим, во дариг!”

У ўспиринлик кезларидаёқ умрнинг тезоблигини, бетакрорлигини билган. Билган... Билган-у, лекин, яхшидан-да яхшироқ яшайжагига, кўпдан-кўп хайрли ишлар қилажагига, жўралари, улфатлари жула кўп бўларига ва уларнинг бариси ҳар қандай риёлардан, хиёнатлардан йироқ туражакларига – эсиз-а!.. – муқаррар ишонган; кўнглида эса ҳеч кимникига ўхшамаган ҳаяжонлари, ҳамиятпарварлиги, шижоатлари бениҳоя эди. Хайриятки, ҳали-хануз шундай. Энди... энди озми-кўпми мулоҳаза бирламчилигини демаса, ҳамон ҳаммаси ўша-ўша. Бирок, афсуски, машҳур бир сатрда янграганидек, “мехр кўп кўргуздим, аммо меҳрибоне топмадим”... Майли, начора!.. Ишқилиб, жон била кирган жафокаш, кадрдон туйғулари чап бермаса бўлгани. Умрнинг бир куни ҳам умр.

Ҳаво салкин. Йўқ, бирмунча аёзроқ. Осмонни қуоқ кулранг булултар қопламоқда. Эрталаб ёмғир хиёл севалаган эди. Ҳали-хануз ҳавода ёмғир хиди анқиёттир.

*Норг'ухта ҚИЛИЧ – 1946 йилда туғилган. Тошкент давлат университетини тамомлаган. “Оппоқ тонг”, “Ёронгул”, “Мўъжиза”, “Чигириқ”, “Байрам”, “Илтижо”, “Ойдин тонгдай намозишом”, “Бахт куши” номли ҳикоя ва қиссалар тўпламлари чоп этилган.*

Негадир Шоди Шарифнинг кўнгли ҳам ёғолмаган булутдай тунд. Аллазамонлардан бери... Кўп йиллар бўлаётир... Лекин ҳеч кўниколмаяпти. Энг ёмони – яна канча давом этади – бир йилми, уч йилми, кўпрокми, билмайди. Айни мавҳумият, мужмал тушуниксизлик Шоди Шарифни кўпроқ ўртайди... Ночор... ноилж ўртанаётганлигининг сабаблари ўзигагина боғлиқ эмас.

“Тўғри-да, ҳамма ҳалол яшаса, ҳамма бир-бирига меҳру оқибатли бўлса, ҳеч ким ёлғон гапирмаса, хушомадгўйлик килмаса, бозору мазорнинг ҳам, кулфу калитнинг ҳам кераги йўқ, – деб ўйлайди Шоди Шариф, бошини хаёлчан ирғаб. – Одамнинг ўлгиси келмай қолади: дунёси гўзал, дунёси жони жанон.”

Гавжум йўл бўйидаги ошхонанинг кенг йўлаги устига қатор қўйилган бўм-бўш столлардан бирига хомуш яқинлашиб, устахонага рўпара ўтирди. Боя машинанинг куйган чирокларини янгилатди, энди то аккумулятор қайтадан қувватлантирилгунигача яна икки соатдан мўлроқ кутиши керак. Ҳалигина ошнаси уста Пиримбет билан гаплашганида шундай деган. Устахонада ошнаси иккалови гурунглашиб, вақтнинг қулини кўкка совурмоқчи эди. Бўлмади: токка улаб қўйилган аккумуляторлар ичида вижир-вижир қайнаётган кислотанинг ўткир, кўкиндай ачиқ хиди бирпасда димоғини куйиштириб, миясини бижғитворди. Кейин келбати пахлавларникидай ошнасининг бемаҳал, ихтиёрий яқунга маҳкумлигини ўйлаб, раҳми келди... Устахонадан чиккач, бир-бир атрофдаги магазинларни айланган: сайр ҳам саёҳат, саргардонлик ҳам...

Афсуски, магазинларга кирмаса бўлар экан. Қайтага, бетайин нарху навони кўриб, багтар куфури кўзиди: учу бешлик гиламнинг баҳоси фалон пул!.. Бирин-бирин невараларнинг ёши етиб келаяпти. Ҳадемай, уйлантиришлари керак. Битта гиламга чолу кампирнинг бир ойлик нафақаси етмаса-я!.. Кўлда тўкилган жун гилам бўлса ҳам майли эди, қамишсифат бўйрага ўхшаган кўримсиз бир хитойи бало.

Томоқ қириб, ошхонанинг дастёр йигити яқинлашди. Ориққина, паст бўйли. Кўлида калам, дафтарча. Бугуннинг навқироқ ўзбеги: ёқасида қоп-қора, капалақнусха бандак!.. Эгнида калта энгли, ок кўйлак. Сочлари сарғиштоб. Ёши ўн олти... ўн еттиларида. Лекин, кўзлари!.. Кўзлари бевош... беғам болаликни четлаб ўтган йигитчаларникидек.

– Саломалайкум, дода, – деб, дастёр йигит нима олиб келишни сўради. – Паловми, шашликми, сосами?

Ҳар учала таомни ҳам Шоди Шариф яхши кўради. Айниқса, паловни!.. Агар палов серсабзи бўлса, устига бир паррак шўртакқина қази ҳамда бир сизгина кўй гўштининг кабобидан қўйилган бўлса. О-о-о! – ана маза-ю мана маза!.. Лекин, айни тобда тушлик маҳали эса-да, очиқаётганлигига қарамай, овқат емайди: овқатдан ўн-ўн беш дақиқа олдин дори ичиши керак. Дорилари эса уйда қолган.

– Майли, бир чойнак қора чой келтира қол, – деди Шоди Шариф, бир камбағалнинг ибратангиз гапини эслаб: қора чой – чарчаганга мадор, чанқаганга – чанқовбости шарбат.

Яхши бўлди: гарчи ошхона ҳувуллаётган эса-да, столни беҳуда банд қилиш нокулай; энди, ҳар қалай, беминнат – бемалол ўтириб, бетакрор ва лекин, беқадр вақтнинг бошига хотиржам сув куйиши мумкин.

Ҳаял замон ўтмай, дастёр йигит бир чойнак чой ҳамда иккита пиёла келтирди.

Шоди Шариф чойни шопирмади, танга кўмди қилиб чой қуйди.

Йўлнинг ошхона жойлашган томони кета-кетгунча – то бозор олдидаги ғалағовур майдонга доғур, машина таъмирлаш устахонаси. Баъзи усталар мижоз пойлашапти, баъзилари эса иш билан машғул.

Бир маҳал, қизил жужунча ҳамда қизил юбка кийган, сўлқиллама, йигирма уч ёшлардаги бўйчангина бир гўзал қизми... жувонми, шоирлар мадҳ этганидек, хиромон айлаб, йўл бўйидан ошхона сари яқинлаша бошлади. Жужунча билан юбканинг ораси

қарий бир қаричдан мўлроқ очик. Яп-яланг!.. Жувоннинг хандонпистадай киндикчаси, зардолиранг қорни, мўрчамиён бели: ана – ман, мана – ман, деяётгандай ўз-ўзини кўз-кўзламоқда; ярим яланғоч елкаси узра мавж урган қўнғирокдай сочлари... соч эмас, аини мастонавор фарёду фитнанинг ўзгинаси: қараганни ҳам қаратади, қарамаганни ҳам.

“Хе, сани тукқан онангга раҳмат-э! – деб, Шоди Шариф чойдан хўплади, лабла-рини ялади. – Санга тарбия берган отангга балли-е!..”

Уста йигитларнинг иш билан банд бўлгани ҳам, мижоз пойлаётгани ҳам бенхтиёр жувондан кўзларини узолмай, бари бир муддат бир тану бир жондай тек котди-колди.

Ногоҳ, уста йигитлардан бирови ҳаяжонини босолмай, кони миясига урдими, кийкирворди:

– Ҳа-а-айт, оагинанг айлансин-а!..

Ҳали жувон устахонанинг ярмига ҳам етмаган, тагин ундан-да кўпроқ масофани бир-бир босиб ўтиши керак эди. Кўрдики, жунунваш кийкириқлардан боши айла-ниб, бир-биридан суқли, бир-биридан ўтлуғ назарлар алангасида аъзойи бадани-нинг гурулламоғи тайин. Шарт бурилиб, мана санларга, дегандай янаям таманно билан катта йўлни кесиб ўта бошлади.

“...Ўҳ-хў, киёмат-ку! – Туйкус, ёддан чиқмас, олис бир хангомани эсларкан: – ..бўлса кераг-э, ўзбек-ку! – деб ўйлади Шоди Шариф, қадим мақоллардан бири ёдига тушиб: бузокча кўзини сузмаса, букача ипини узмайди. – Биё-биё сузгани шу-да! Ҳалиям йигитларимиз яхши-е!..”

Ўша асно, бундан сал кам чорак аср аввал эшитилган кизик бир хангома кулоқлари остида жаранглаб, бор тафсилоти-ю тасвиrotи бир-бир кўз ўнгидан ўтаётиб, Шоди Шариф аини кунларнинг йигитларига дил-дилдан койил қолмоқда эди. Ул ғаройиб хангомани эса кимдан эшитгани, не сабабдан эшитгани ҳамон ҳозиргидай ёдида. Лекин ўшал хангомада Шоди Шарифга ноаён бир неча жумбок бор. Жумбок!.. Эҳтимол, шунча йиллардан бери ул хангоманинг ёдидан чиқмаётганлигининг сабаби ҳам шундандир.

## II

Авжи саратон.

Айни пешин маҳали.

Осмону фалак тин олмай, саховат билан жазирама ҳовур пуркаётганидан бепоён пахтазор узра сароб жимирламоқда.

Тик этган товуш анқога шафе. Ҳатто баҳсма-баҳсига чўзиб, нағмасозлик қилгувчи чирилдоқлар ҳам, чигирткалар ҳам нафас ростлаётган палла.

Кўк токида бир бургут оҳиста қанот қоқаяпти.

Хув ана, пахтазор адоғида, олислардан ям-яшил ўрмондай кўринаётган қалин дарахтлар ортида деворлари, томлари бир-бирига туташган кишлок. Ўртада, шаркираб оқаётган катта анҳор ёқасида деворлари оқланган, деразалари баланд-баланд мактаб бор. Мактаб яна ўн кунлардан кейин очилади. Лекин аллақачон му-аллимлар иш бошлаворганлар. Бепоён пахтазорни тенг иккига бўлиб ўтган анави баланд сўқмоқдан сочлари қўнғирранг, юзлари лўппи, офатижон кўзлари кўм-кўк, бели бўғма, енгсиз қўйлак кийган, ёқасидан маммалари тошиб чиқаёзган, ўттиз ёш-лардаги дўмбоққина жувон ҳар куни эрталаб тўғалари олтинранг, кизғимтир папка-сини қўлида соллангириб мактабга ўтади. Айни пешин чоғи яна ўша алфозда, лаб-ларининг устида, пешонасида маржон-маржон тер йилтиллаган кўйи, сўқмоқдан ортига қайтади. Айтишларича, рус тили муаллимаси эмиш.

Сочлари қўнғирранг, тўлқин... тўлқин, оппоқ бадан, дўмбоққина хоним яқинларда пайдо бўлди. Бирор ўн беш кунлардан бери мактабга ўтиб қайтади. Хо-

нимнинг нозик таманно билан бир-бир одим отиб ўтишининг ўзи ажаб бир томоша.

Лекин дара бўрисиз, ўрмон айиксиз бўлмас, деганларидек, кимсасиз пахтазорнинг ҳам ўз эгаси бор.

Ана, сўкмокдан чап томонда, ўттиз кадамларча нарида, пахтазордан бирор икки газлар баландрок, кенг-мўл чел ўртасида якка гужум. Кўкка бўй чўзган хайбатли гужумнинг сербуток, тарвакайлаган шохлари атрофга қалин соя тўшаган. Барглари раъно гулининг япроғидай чиройли, қуюк. Ўзидан кечаю кундуз, айниқса, намозшомдан кейин салкин эпкин таратади. Салкинда, титиғи чиқаёзган палос устига ёйилган кўрпачада Асад қаро ёстикқа ёнбошлаб, ўлжасини пойлаётган шердай кўзлари ёниб, интикиб ётибди.

Асад қаро – ушбу ўн гектарлик пахтазорнинг сувчиси, мўйлави ўзига ярашган, ёўлабирдай йигит, айни қирчиллама ёшида, мушаклари, пайлари бўртиб-бўртиб чиккан; кўзлари қарочакмоқдай... Эгнида енглари узук, кўкимтир кўйлак. Елка тарафи тернинг шўридан оқарган. Бошида куворитозларникидай қийикча. Иштонбоғининг пўпаги шокиладай осилган. Оёкяланг. Қишин-ёзин куёш тиғида Ёрмат яланғочдай тер тўкаверганиданми, аъзойи бадани кўнгиртоб. Унинг қаролиғи шундан.

Айни кунларда баравж шоналаб, қийғос гуллаётган, гуж-гуж кўрақлари бодрокдай потраб очилаётган ҳар бир туп ёўза учун бир ҳовуч сув – бир кучок пахта. Асад қаро кечаю кундуз ёўзаларга захалатиб сув тарайди. Ҳафталаб бир-ров уйига боролмайди. Бормоғининг сираям иложи-имкони йўқ: пайт пойлаётган кўшни сувчилар дарров сувни тўғондан буриб кетишлари ё пайкалларни сув бошиши ҳеч гап эмас. Ҳар куни икки маҳал: эрта тонг чоғи ҳамда намозгар пайти тўнғичи эшагини йўрғалатиб, егулик олиб келади. Боя шаманда паловдан қорнини тўйғазвоган. Косага муштдай новвотни солиб, устидан қора кумғонда кайнаган чойдан тўлатиб куйиб қўйди. Энди... бетоқат кутаяпти. Юрак жонивор эса бот-бот дукурлаб кўяди. Олислардан кумушранг пардадай жимирлаётган сароб узра ямашил ўрмон янлиғ кўринаётган қишлоқ тарафдан кўзларини узолмайди: фикру хаёли Хонимда!.. Ҳадемай, қишлоқ оралаган пастиқдаги тошлоқ йўлдан пахтазор сари кўтарилаётиб, Хоним тонг куёшидай яшнаб, бор бўйи билан кўриниши керак.

Кеча... куни кеча, айни шунақа пайтда зўр бўлди. Жуда!.. Йўқ, аввал бирор ўн кунча шайтонига хай бериб, гоҳ узоқдан, гоҳ яқиндан роса кўзларини кўниктирволди: камбағалнинг кўрганиям давлати<sup>1</sup> ахир. Лекин, барибир, жисму жонини ишқолон печакдай чирмаётган оташин бир истак баттар авж олса олдики, сира сусаймади... Кейин, секин-секин Хонимга яқинлаша бошлади.

Вуй... қудратингдан-эй, жудаям бошқача-е!.. Здраствуйте, дейди. Жилмаяди. Ўзининг тилида, майин оҳангда куйлаётгандай бўлади: хирмонга барака, деса керак-да!.. Асад қаро эса бирдан беадад истакданми, ҳаёданми, қизиб-қизариб, сибса, дейди. Спасаба!.. Уялади. Асли ўзи уятчан. Лекин... Хонимнинг кўзлари... О, худди юлдузнинг ўзими дейсиз!.. Шунақаям жилмайиб термиладики, айни бағрига чорлаётгандай туюлаверади.

Ахийри бўлмади: кеча ёниб кетди-е!..

Пахтазори тенг иккига бўлиб ўтган сербар сўкмок манави намчил ўқарикқа туташади. Ўқарикнинг у ёғи ҳам кета-кетгунча – то юлғунли мазористонга етгунга довр пахтазор. Ўқарикнинг устига энсизгина кўприкча қурилган.

Кеча... айни шундай сокин, атроф-теварак кимсасиз дақиқаларда... еру кўкда Асад қарони кўролмай, дабдурустдан қаёқларга ғойиб бўлганлигини билолмай, таажжубданми, таассуфданми, бир муддат Хоним танг котиб, кўприкчанинг рўпарасида беҳуд тўхтади: қани, қаерда у – “мой богатир?”

<sup>1</sup> Асад Мухтор ибораси.

Худди ана ўша пайтда Асад каро кўприкча остидан отилиб чиқиб, кўзлари карочакмоқдай чакнаб, аллатовур куткули кулимсиради: мана ман!

Бейхтиёр Хоним ортига тисариларкан, янаям майин, янаям сирлирок жил-маймоқчи бўлди. Лекин эполлмади. Алланечук хавотирданми, кўзлари бошқача чакнаб, аста сўлим лаблари титранди: “Ай, боженъка!..”

Ўша аснода, Асад каро Хонимни даст кўтариб, зувиллаб ўқарикка тушди. Бир зумда гужум остига етиб, Хонимни ерга қўйди-ю, шартта баланд дўнглик устидан кўрпани тортди: бечорагинанинг қўйлаги оппоқ; устига-устақ, арикча намчил ахир... Аввал эгнидан қўйлак-пўйлагини шилиб олдимиз ёки ётқизганидан кейин ечдимиз, эслаёлмайди. Аник ёдида қолгани шуки, ё пирай, иштончаси йўк... йўк экан.

Хоним эса, маҳкам бўйнидан кучиб, хаяжон оташида ловуллаётган юзларини дам у, дам бу бетига босган қўйи, энтикиб-энтикиб шивирлайди: ой, Боже! Ой, Боже!.. Ти – мой багатир. Настоящий багатир!.. Што нибуд гавари. Хотяби в уши шепчи: радаст мая!.. Ну, гавари же?!

*...ҳай, содда-я! Ҳай, соддагина-я!.. Аврашни билмаган саҳроий хушомадни қайқдан билсин.*

Кейин...

...О, кўрмаганининг кўргани курсин экан!.. Сулайиб қолибди. Бир пайт, ялт кўзларини очса, аср намози маҳали – еру кўк баравар нафас қайтараяпти... Бир ўзи. Ётибди. Шотайлоқ... Таажжубланди: қўйлагини ечмовди-ку!.. Кейин, ўша аснода, ҳали-замон ўғлининг келиб қолари хаёлидан кечиби, шатир-шутур кийинди. Турди. Шартта кўрпачанинг бир парча жойини қумғондан илик сув қуйиб, ювди. Намини шимисин, деб, қалин қилиб қум сепди... Сўнг, ўқарикдан чикмай, илдам Тегирмонарикка бориб, бўғзигача чўмиб, кўзларини юмиб ётди: маза!..

Бугун, эрталаб чоғи доларанг қўйлақда Хоним гулхандай ловуллаб ишга ўтган.

...Аёллар бало: эркакларнинг кўзиниям, кўнглиниям ёндиришни билади!..

Вақт пешинга яқинлашаяпти. Аллақачон кўриниши керак эди. Лекин, негадир, бугун... кечикаяпти. Ё шундай туюлаяптимиқан-а?.. Йўк, ана!.. Хайрият-э!.. Ҳозир туради. Худди кечагидай... Йўк, бугун аввалдан ўқарикнинг ичига тўшакни тўшаб қўяди. Кейин, Хоним кўприкчага яқинлашаётганида, қулиб-жилмайиб рўпара бўлади-ю, яна лом-мим демай, худди кечагидай кучоккинасига босиб, яна...

*...вуй, юрак жониворнинг дуқурлашини-ей!..*

Нихоят, ўқарикнинг ичида тўшак ҳозирлаб қўйгани Асад каро секин ўрнидан турди.

### III

Орадан кўп ўтмай, ўқиш бошланиб кетди.

Мақтабдан ётоқхона берган бўлсалар керак, қайтиб Хоним бу томонларга йўламай қўйди.

Сал кейинроқ аёлу эркак, ёшу қари ёппасига пахта теришга тушди.

Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас, деганлари рост экан. Баъзан, гарчи ваъдалашмаган бўлсалар ҳам, Асад каро пешин чоғи қаерда бўлмасин, олис далаларни оралаб, хаяжонланиб, ҳеч кимга билдирмай, ўн гектарлик пахтазорга елиб боради. Яккагужум тагида ширин, шайдойи хаёллар оғушида орзиқиб, бетоқат кутади.

*...келиб қолармикан-а?.. Яна бир мартагина... Бир мартагина-я!.. Яхши кўриб қолдимми-ё?.. Қисталоқ, муҳаббат деганлари шуми-ё?..*

Ҳали-ҳозирча кўрпа-тўшакларини олиб кетгани йўк. Ана, ўраб-чирмаб, гужумнинг шоҳига осиб қўйибди: ноумид – шайтон.

Кейинчалик – мавсум охирироғига яқин, Асад каро Хонимнинг бир қадар аламли, бир қадар армонзада гинасини гоҳо ўзбекчадаям: ҳаво биғам со-ву-у-қ, деб гапиргувчи

франсуз тили муаллимаси, кайвонифеъл опайдан эшитиб қолди: да, он – багатир. Настошый!.. Ах-х, хотя би один раз... всего один разочек спрашивал бы: как меня завут!..

Буни эшитиб, ўшанда Асад каро лов кизарган-у, кўксидан бир хўрсиник тошиб чикиб, хомуш... гамгин кулиб қўйган.

#### IV

Ногох, мижоз пойлаётган ўн чоғли уста даврасида тўполон чикди: жангари хўрозчалардай икки йигит бир-бирига отилиб, бири-бирига тасира-тусур мушт тушира бошлади. На униси, на буниси ўлар-йитарига қараётгани йўк.

Беихтиёр Шоди Шариф ирғиб ўрнидан турди. Лекин, негадир, ўша заҳоти шашти сусайди, фикридан қайтди: оралик масофа кам эмас, кирк кадамлардан кўпрок. То этиб боргунига довур, йигитчалар бир-бирини алвон қонига бўяри аниқ. Улгуролмайди. Кейин, қайтага, ўзи мулзам бўлиши ё нохос калтак ейиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Бошидан ўтган... Билади.

*...нега, нима учун уларни айирмаяптилар? Нима бу – текин томоша хуружими? Хай, одамзот-а!..*

Ана, йигитчаларнинг кирриқроғи кучи етмаслигини билдими, учиб бориб, деворга осиглик ускуналар орасидан бир кулочдан сал калтарок, ўкловдан йўгон бир темирни кўлига олдию шитоб боши узра кўтарди.

*...тамом: қай еридан тегсяям синдиради! Шундай қилиб, туппа-тузук иккала йигитча ҳам си...на...ди. – Бирдан тишлари ғижирлаб, Шоди Шариф тек қотган кўйи, тавалло қилди. – Хай, Қирриқвой, эсингни йиғ, балам, жувонмарг бўп кетасан-а?!.*

Хайрият, шартга икки забардаст уста орага тушиб, унисини у ёкқа, бунисини бу ёкқа кўтариб кетди: тенгсиз олишув, беомон жанг талофатсиз тугади.

Шоди Шариф жойига чўкди. Енгил хўрсиниб, чойдан хўплади.

Боягина йўлни тўлдириб, бир-бир таманно билан одим отиб ўтган қизил жужунчали қиз аллақачон барининг, хатто, Шоди Шарифнинг ҳам хаёлидан кўтарилган эди.

*...шаҳар – чатоқ. Шаҳар – шафқатсиз! – деб, ўйлади Шоди Шариф, бундан уч-тўрт йиллар аввал ихтиёрсиз равишда ўзи иштирокчиси бўлган бир дахшатангиз воқеани эслаб. – Арзимаган баҳонайи сабаб қуйиб кетиши мумкин... мумкин экан... Ўшанда Ўзи бир асради.*

#### V

Кеч кузак кунлари.

Хуфтон махали.

Ҳаво аёз.

Севалаб ёмғир ёғаётгани боис, тобора қоронгилик қуюқлашаётир.

Ёмғир ёғаётганигами ё ёмғирдан йўл қорайгани учунми, машина чироғининг нурлари қоронгилик қаърига сингиб, йўлни хира ёритмоқда. Йўлакда шошиб бораётган, ёмғирпўш кийган йўловчилар дафъатан кўзга аллатовур хаёлий рўёдай кўринадилар. Ёмғирда шумшайган, хира чироқлар оғушида жунжикаётган шаҳар ҳам гўё эртақлардаги рўёлар салтанатига ўхшайди.

Шоди Шариф машинасини секин физиллатаётган эди. Йўл серкатнов. Олдинда машиналар турнақатор тизилган. Орқада ҳам шундай. Ора-чора елиб ўтаётган машиналар гилдирагидан сачраган кўлмак суви бир зумда олд ойнани лойка чаплагандай қилади.

Гавжум бекагдан хиёл ўтганидан сўнг, ногох кета-кетгунча йўлнинг ўртасига қўйилган пастак бетон тўсиқ ёнида нимадир қорайиб кўрингани ҳамоно, беихтиёр Шоди Шариф янаям тезликни сусайтирди. Яқинлашаётиб, ўтиб кетмоқчиём бўлди. Лекин, ҳалиги қорайиб кўринаётган нимадирнинг одам эканлигини билиб, йўл коидасини бузаётганлигини билса-да, таққа машинасини тўхтатди.

...бирор машина уриб кетгандир. Йўл чеккасыга чиқариш керак.

Шоди Шариф машинадан тушди. Совук. Майда-майда ёмғир томчилари юзларига, буйнига муздай санчилмоқда. Жунжикиб, аста яқинлашди. Энгашиб қаради: ёши элликларидан ўтган бир ўрис киши. Соқоллари Асвенсум кондлагерининг махбустлариникидай ўскин. Юзлари, сочлари увада, кийимлари шалаббо. Сал нарида шапкаси увиб ётибди. Ярим юмик кўзлари касалманд кўйнинг кўзларидай совук ялтирайди. Мастми ё... юрак касали хуружидан чўзала тушиб ётибдими, билолмади. Кўлингиздан тутиб турғазсам, ўзингиз юроласизми, деган эди, рус нимадир деб гўлдиради... Шартта жўнаворгиси келди. Бирок, ундай килолмади. Бир муддат совукда, севалаб ёгаётган ёмғир остида хардамхаёлланиб турди. Кейин йўл бўшаганидан сўнг, илдам йўлак томонга ўтди. Сузанғоч букачадай хиёл бошларини хам қилган кўйи, рўнарадан шитоб келаётган талабасифат, йигирма ёшлардаги икки йигитта дадил юзма-юз бўлиб, муддаосини тушунтирди. Йигитларнинг бўлдамлироғи умуман парво қилмади, хатто, Шоди Шарифга киё хам боқмади. Иккинчиси эса, жиннига карагандай бир қараб, яна ўша алфоз йўлида давом этаверди. Салдан сўнг мардикорнамо биров секин яқинлаша бошлади. Шоди Шариф тавозе билан қўлини кўксига босиб, унинг йўлини тўсди:

– Ука, илтимос, – деди салом бериб. – Манави ерда биров йиқилиб ётибди. Кўмаклашворинг, йўл чеккасыга чиқариб қўяйлик?

Мардикорнинг ёши, чамаси, киркларига етган эди. Индамай йўлни кесиб ўтди.

...ўзимизнинг қишлоқи мўминлардан-да! – деб ўйлади Шоди Шариф. – Одамгарчиликни тушунади.

Кейин ўлиқдай оғир ўрисни йўл чеккасыга чиқариб, тақир ерга, севалаб ёгаётган ёмғир остига ёткизганларидан сўнг, Мардикор ўрисга ишора қилиб:

– Уни ўзингиз машинангизда урворган бўлсангиз-чи? – деди, нохос Шоди Шарифнинг елкасидан камчи тортгандай совук, дўриллаган овозда. – Тўғрими?

Бирдан юраги шув этиб, Шоди Шариф:

– Мусулмонсиз-ку, Худодан кўркинг-э! – деди. – Агар ман бу одамни урворган бўлсам, у ер-бу ери қонаган бўлмасмиди?

...хайриятки, қон-пон йўқ.

Мани алдаёлмайсан, дегандек, Мардикор:

– Битта арокка пул чўзинг! – деди. Худди чўзмасангиз, хозироқ мелисани чакириб келаман, дегандек.

...битта арақ?... Сал кам ўн литрча бензиннинг пули. Чўзинг, деяптими?... Битлиқи!

– Инсоф қилинг-э, бу одам манга хеч ким бўлмайди-ку!

– Майли-да!..

Шоди Шариф билдики, паचाкилашишнинг фойдаси йўқ. Унга барибир: бегона туғул, бошка бир биродарини тириклайин кўмдирворсангиз хам майли – ҳақини берсангиз бўлгани... Ноилож, тутакиб-тўнгиллаб, битта беш юзликни узатди.

Мардикор, пулни олишга шошилмай:

– Яна битта кўшинг? – деди.

Шоди Шариф жаҳл билан пулни Мардикорнинг қўлига тутказганидан сўнг, шитоб ортига қайтиб, кескин машинани жойидан кўзгаркан, барибир, жудаям тўғри иш қилганлигига ўзини ишонтиргиси келди.

...ўн литр бензиннинг пули куйиб кетганлиги майли, невараларнинг бош-кўзидан садақа. Ҳар не бўлгандаям, муқаррар фалокатдан бировни... Борди-ю, аллақачон фожиа рўй берган бўлса-чи?! – Ногоҳ рўй бериши мумкин бўлган бошка бир дахшатангиз манзара кўз ўнгидан ўтаркан, беихтиёр Шоди Шарифнинг жисму жони жимирлаб кетди. – Агар ўша тобда аллақайси гўрдан бир миршаб пайдо бўлиб, Мардикорнинг тилидан ҳалиги гапни эшита қолса!..



Бирок, барибир Шоди Шариф ўшанда кўнгили амрига бўйсуниб, жуда тўғри иш қилганлигига ҳамон қайсарларча ўзини ишонтиргиси келади. Ва биладикки, аини кунларда ҳам ўшанақа ҳолатга дуч кела қолса, ҳеч иккиланмай, шартга машинаси-дан тушади-ю, ёрдамга мухтож бечорани юклаб, шитоб касалхонага жўнайди.

*...шу кунларда-я!?. Тобора турфа таъмаю манфаатлар қадриятларни қуртдай емираётган, тобора ўктам ақллар бир-бири билан беомон ёвлашаётган шу кунларда-я!?. Албатта-да, одам ўз-ўзини алдаёлмайди-ку! Жон билан бирга кирган феълү мизож ўлганда чиқар. Замонасозлик – риёкорнинг иши, муттаҳамнинг аъмоли.*

## VI

Пиримбет ошнаси устахонадан чиқиб, секин, хорғин одим отиб, ошхона томонга яқинлаша бошлади.

*...бечора, – деб ўйлади Шоди Шариф, узоқдан ошнасига син солиб. – Худди дунё гусасини елкасида ортмоқлавоган гуссақулдай қарахт-эй! Қирқига чиқмагандир. Лекин... эллигидан ўтганга ўхшайди.*

Ошнаси рўпарасига келиб ўтирди. Ҳали аккумулятор тайёр бўлмаганлигини, яна бирор соат кутиши кераклигини айтди. Ўша аснода, дастёр йигитга палов буюрди.

Хиёлдан сўнг дастёр йигит пиёладан сал каттароқ косада, – бунакасини кундуз кунни чирок ёкиб кидирсангиз ҳам тополмайсиз. Лекин, кисталақлар топадилар-эй! – палов ҳамда бир тақсимча аччиқ-чучук, яримта нонни столга қўйди.

Пиримбет шартта нонни икки бўлак қилиб, бир бўлагидан каттароқ тишлагач, – нонни катта тишласанг ҳам, гапни катта гапирма! – косани ўзига яқинроқ тортиди, қошиқни тўлдириб, оғзини катта очди.

Суқини туширмасликни ўйлаб, Шоди Шариф назарини четга бурди. Иккинчи пиёлага тўлатиброқ чой қуйиб, ошнаси томонга суриб қўйди.

*...қўлда олса, косададаги палов, жуда кўпи билан, икки-уч чўқим чиқар. Қурсоғига урвоқ ҳам бўлмайди-ку!*

Бирпасда палов тугади. Бир бурда нон билан ошнаси косадаги ёғ юқини сийириб, оғзига солди. Бир кўтаришда чойни сипқориб, пиёлани чойнакка яқин қўйди: қуйинг!

Шоди Шариф пиёлага чой куяётиб:

– Оролга сув қираяптими? – деди.

– Йўқ! – деди Пиримбет, кескинроқ оҳангда. – Кам!.. Кимда ким Оролга сув қираётир, деса, ишонманг. Ёлғон!.. Ёлғон сўллийди. Орол қуриётир.

– Оролда балиқ борми?

– Бор, – деди Пиримбет. – Бор!..

Орол балиғининг таъми жуда шўрлигини тахмин қилиб, Шоди Шариф:

– Мазалими? – деди.

– Дим мазали! – деди Пиримбет. – Туз сепмий, хомлай есангизам бўлаварди. Тузсиз қавурсангиз ҳам... Дим мазали. Бир тўйиб есангиз, кун бўйи сув ичиб, узун-узун гақириб юраварасиз.

*...Сувиям шўр-шарава бўлса керак-да!*

Пиримбет чойни ичиб, пиёлани нари сурди. Соатига қаради. Сўнг, бир ерда дим зарур иши борлигини, устахонада жияни қолаётганлигини, жиянига тайинлаб қўйганлигини айтиб:

– Ман тураман, – деди. – Хизмат ҳақини бераверинг?

– Қанча?

– Олти минг.

Гарчи ошнаси аста, бепарво айтган бўлса ҳам, бирдан Шоди Шарифнинг кулоқлари шангиллаб кетди:



– Э!.. – деди. – Икки минг эди-ку?!

– Ўтган йилнинг охирроғида шундай эди, – деди Пиримбет. – Янги йилдан берли икки-уч марта нарх ошди-ку! Хаварингиз бор, кун сайин дўллар кўтарилиб бораётир.

– Беш минг, – деди Шоди Шариф. – Пиримбет, беш минг, жўра?..

Бир зум жим қолиб, Пиримбет:

– Яхши, – деди. – Сиз – пастаянний клиентимсиз. Ман рози.

Шоди Шариф беш мингни санаб, столга қўйди.

Пиримбет пулни олаётиб, дастёр йигитга ишора қилди: бу ёна гал!

Дастёр йигит столдан сал нарида қўл ковуштириб:

– Икки мингу икки юз сўм, – деди.

...Ў, бунча! – деб, ўйлади Шоди Шариф, беихтиёр. – Бозорда бир кило яхши Хоразм гуручининг баҳоси – минг сўм. Бир кило гуручни булар камида ўн косача... Бировнинг чўнтагидагини аҳмоқ санар эмиш. Санга нима!.. Қандини урсин. Замоннинг зайли шу: от – минганики...

Шоди Шариф ошнаси билан хайрлашганидан сўнг, негадир зерика бошлади. Атрофга, йўлдан ўтиб бораётганларга, хув анави магазин олдида осиб қўйилган – киммат-кирон! – гиламларга, чалакурсок бўлволиб, энди тобора гуссақулдай<sup>2</sup> узоқлашиб бораётган ошнасига, сал нарида чала ташлаб қўйилган темир-бетон иморатга, сокин шовуллаётган ям-яшил дарахтзорга ҳаёлчан кўз югуртираётиб: “Ҳаёт – яхши. Ҳаёт – гўзал. Гўзал-э!..” – деб, умидбахш, қувончбахш ўйлар сургиси келди. Лекин, негадир, ичидан аччиқ қолиб, кўчага отланаётганида уйдан бирор китобми, журналними қўлтигига қисиб чикмаганига пушаймон бўлди. Йўқ, аслида ўқиётган китобини олиб чикмоқчи эди. Бирок, кўнглида ўзи хурмат қилиб юрган бир туппа-тузук муаллифнинг урушни ёқлаб ёзгани ёқмади. Сира!.. Беихтиёр таассуфдан ёқасини ушлаб ўқиган жумлалари, мана, айни кезде ҳам сўзма-сўз ёдида: “Все время войны и горя я стоял за войной до победного конца. И никакие жертвы не пугали меня”<sup>3</sup>.

...Ў, Ницше бўл кет-э! – деб ўйлади Шоди Шариф, айни жумлаларни ўқиётган пайтидаги каби ҳам таажжуб, ҳам таассуфни яна қайтадан шууридами, кўнглидами ҳис этиб. – Ўзи-ку, шундоқ ҳам, дунёси туф деган тупукка арзимаса, бандаси не учун келганию не учун кетиб бораётганлигини билолмаса!.. Уруш баҳона милён-милён қурбон бермоқдан не маъни! Эмишки, миллат тозарармиши, миллат ёшарармиши... Йўқ... йўқ... йўқ!.. Ё уруш баҳона майиб-мажруҳлар, боқимандалар, текинхўрлар ён-пасига қирилиб кетишини назарда тутишармикан-а?.. Уларга қўшилиб аллақанча соғлом кучларнинг нес-нобуд бўлиши-чи?.. Йўқ... йўқ!..

Шоди Шариф ҳар қандай урушга қарши. У ҳақда ўқиш тугул, ҳатто, эшитишни ҳам истамайди. Анави муаллиф ёзган урушдан чорак аср кейинроқ бошланган иккинчи жаҳон урушида тоғасидан, амакисидан айрилган. Раҳматли онагинаси то сўнгги нафасларига довр шахид кетган акаларини бот-бот кўмсаб, ярадор жонивордай чингсиб ўтдилар.

...Тавба, урушмиш-а!.. Тоғу тахт эгалари – юҳолар, қурол-аслаҳа хўжайинлари урушнинг касофатидан бойлигини орттиришар. Лекин, туппа-тузук ақл эгасининг урушни ёқлаши...

Ҳаёлпаршонлик билан Шоди Шариф соатига қаради: мана, ниҳоят, тағин ўн беш дақиқалардан сўнг, айтилган вақт ҳам тугайди. Шундай қилиб, – кўзичоқни ўрмонда, еб қўйибди бўри шарманда! – азиз умрнинг қарийб ярим кунни яна қуйиб кетди.

...Ола-а, азизмиш-а!.. Қисталақ муаллиф ҳам ҳақ шекилли!.. Бунақаси кетмайди... Кетмайди. Кўнгли учун бирор эрмак топши керак. Китобхонлик – қорни тўқ, усти бут, гуссадан йироқ Тўравойнинг эрмаги. Ер ҳам, кўк ҳам миннатдор бўладиган бир

<sup>2</sup> Гуссақул – (шева) гуссага ботган, гуссанинг қули.

<sup>3</sup> Николай Бердяев. “История России”.

*фойдали эрмак топиш... Топаман... топаман... то... па... ман – нам... ап... от.*

Шоди Шариф битта юз сўмликини чойнакнинг остига кўйиб, ўрнидан турди. Ва секин ховос устахона сари кета бошлади.

Хали уч-тўрт кадам юришга улгурмаган ҳам эдики, ортидан дастёр йигитнинг аллатовур титроқ овози эшитилди:

– Дода-а?!.

*...момангни кўрмаганман-ку, бўтам. Бунча?!. Худди елкасидан қамчи егандай чинқирайди-я! Пулни кўрмади чоги...*

Шоди Шариф ортига ўтирилди. Чимирилди: нима дейсан?

– Яна юз сўм!.. – деди дастёр йигит. – Чой бизда икки юз...

*...ё Худо! Олмадай бир чойнакчанинг чойи – сал кам бир яримта бўлганинг пулига тенг. Бу қанақаси – қани мантик, қани маъни!? Хўй, нодон, бемаъни ҳаётдан маъни излашининг ўзи бемаъниликдир. Қачон эс киради сан саҳроийга – ўлганингдами?*

Шоди Шариф индамай, яна битта юз сўмликини узатиб, тагин бояги алфоз йўлида давом этди.

*...бу дунёда мен бир йўловчи, шодон менга қўл силки, эрмак. Худди шундай тинч эркаловчи зиё тўқар куз фасли ой ҳам. Бу дунёда мен бир йўловчи...<sup>4</sup> Хар қанча чиранмасин, бандасининг шундан бошқасига қилар даъвоси – охир-оқибат беҳуда шекилли.*

## VII

Пиримбетнинг жияни ориккани, бўйчан, ёши ўн саккизларда, малласоч, кўзлари кўнғирранг йигитча экан.

Салом-алиқдан сўнг Шоди Шариф устахонага кирмай, эшик ёнидаги уринганрок курсига омонат чўнкайиб, жияннинг отини сўради.

– Шер! – деди жиян.

– Шералимисан?

– Шеримбет.

– А-а!.. – деди Шоди Шариф, тушунарли дегандек, қошларини бир кериб. – Яхши... Шер!..

Аккумуляторнинг тўла-тўқис қувват олишига ҳали яна ўн беш дақиқадан кўпроқ вақт бор экан. Ёдда қоладиган бирор янги гап эшитиш илинжида Шоди Шариф Шерни – Шеримбетни суҳбатга тортди.

*...Қадимгилар айтганларки, гапдан – гап чиқар; бекор ўйлаганча, бекор тингла.*

Шеримбет Пиримбетнинг опасига иккинчи ўғил экан. Бир акаси, бир опаси ҳамда бир синглиси бор эмиш. Опаси эрга чиккан. Лекин, оиланинг тўнғичи бўлса-да, ҳали акаси уйланмаган.

Қорақалпоқ томонларда киз узатиш осон. Борса-Келмас деган юрт ҳам ўша тарафларда. У ёқларда ўғил уйлантириш... кийин, ҳаддан жафо кийин: куёв томон келин бўлмиш киз томонга олтиндан зару зевар – бўйнига занжир, – йўғонроғидан! Қулоғига сирға, бармоғига қўша узук, – оғирроғидан! Харид килинганларидан ташқари, йилнинг тўрт фаслига мослаб қўша-қўша кийим-кечак, аллақанча этикчаю кавушчалар олиши керак. Бир совлиғу бир кўчкор, тагин бир сиғиру бир бузоқ келинга атаб тортиқ килиниши шарт. Албатта, қалин пулиси никоҳ ўқилишидан аввал нақд берилади: аллақанча милён. Камида!.. Милён сўм деганингиз йиллаб боғлиқда боқилган филдай бир ҳўкизнинг пули, тагин химматингизга ҳавола, кўпроқ бўлса, янаям яхши – обрўйингиз. Ҳа, келин бўлмиш хуриликнинг ота-онасига, яъни – қайнотаю қайнонага бош-оёқ сарпо!.. Шуниси ҳам борки, етти уруг-аймоқ ёғилиб-ёпирилиб келади, камида ўн-ўн беш яшиқ арок-шароб ҳавасакка ичиладиган никоҳ тўйинининг барча сарфу харажатлари бу ҳисобга кирмайди.

<sup>4</sup>Сергей Есениндан.

...уйланмоқчимисиз – марҳамат, қаро терга ботиб, жавлон уринг... Лекин буларнинг бари эски гаплар-да!

Янги дейишга арзийдигани шуки, уйланмоғи учун акаси пул ишлагани Украинага – Дон дарёси бўйларига – қарийб ўн минг чақирим йирокларга улоқиб кетган эмиш. Ой сайин опасига, – уларда онани опа дейдилар, – икки юз, баъзан икки юзу эллик дўллар жўнатиб турар экан.

...икки юз дўллар – бизнинг сўмда... Ўҳ-ҳў!.. Яхши... жудаям!.. Лекин нима учун отасига эмас-у, опасига жўнатади? Бу ерда бир гап бор. Бор.

Шеримбетнинг ўзи баҳор кунларидан то эрта киш кунларигача Чимкентда– йўл қурилишида йўлчивойлик қилар экан.

– Шимкент бир кадам яқин, ҳам яхши, дейди. – Ўн минг чақирим олисадаги бегона, бепоён Дон дарёси бўйларида ҳам кун кўрмоқнинг, ҳам уйга узлуксиз пул жўнатиб турмоқнинг ўзи бўларканми!.. Бу-де бир қахраманлик, – дейди.

Лекин, нима учундир, ўша ёқлар акасига ёқиб қолган эмиш. Опаси эса бундан ёмон хавотирда: шам-ширағим ўше яклерде бир хахўлга уйлениб, гадой тапмес юртлерде қалиб кетеми!? Пайманам тўлиб, куним битгенде, совук дийдаримни кўриб, табутимни кўтармак несиб этеме?..

– Аммо, ҳар жиҳатдан Шимкент қулай, – дейди. – Минг қилсеям ўзингизнинг мусулманнингиз. Қозоқша суйлеб, мусулмонша куллук қилиб турсенгиз, ютказмайсиз, огай... Ҳар ойда меҳнат ҳақиға уч минг танга есть!..

Қаранг-а, ётоқхона текин эмиш. Мунтазам опасига икки минг тангадан кўпроқ жўнатиб турар экан.

...ий-е, нега буюм опасига жўнатади, отасига эмас? Нима бало, ҳалиям буларда матриархатми-ё?!

– Отанг нима иш қилади?

– Акам йўқ менинг! – деди Шеримбет. Уларда онани опа, отани ака дейдилар. – Қартайиб ўлиб кетген. Икки-уш йил бўла гелди.

– Отанг неча ёшида ўтган?

– Олтмисин-де!

...ё навзамбиллоҳ!.. – Бирдан Шоди Шарифнинг дил кўзи ярк этди. – Бунча?!..

– Опанг неча ёшида?

– У-де қартайган, – деди Шеримбет. – Алли бесинде.

...ё тавба, элик беш ёш ҳам қариллик ҳисобланса?!..

Шеримбетнинг айтишига қараганда, пашти овулларида ишимлик сув жўк. Суви тинитиб ичилармиш.

...шўр-да!..

Отаси тўрт-беш йил буйраги оғриб, бору йўқ молу холни дорига, касалхона харажатларига соврибди-совурибди-да, барибир ўлиб кетибди. Энди опасидаям шунақа оғриқ хуруж қилаётган эмиш.

– Нима учун овулингда, опангни ёнида ишламайсан?

– Ис йўқ-ку! – деди Шеримбет. – Исни топгенинг билен, фермер ойликни икки-уш ой ўтказиб бере.

– Ойлиги яхшими?

– Ис йўқ дедим-ку! Исни ўзинг топувинг керек, – деди Шеримбет, яна қорақалпоқчасига ҳамсуҳбатини сансираб. – Ойлиги қирик минг... Ну, сал кўпрак бўлуви мумкин. Уни-де кешиктириб бере. Шунинг ушун аёллерде шигиб гетаётир, олис ёқларга юмус излеб.

– Шу ерда дойинг билан бирга ишласанг бўлмайдимми?

Хоразм, Қорақалпоқ томонларда дойи деб тоғани айтадилар.

...демак, доҳий дегани дойдан олинган экан-да!..

Жон-жон деб ишларкан-у, лекин, ёз ойлари тоғасининг ёнида иш жуда кам бўлар

эмиш. Ёзда аккумулятор кўп бузилмайди, дейди. Қишда у томонларда қаттиқ совук бошланиб, йўл ишлари камайган паллада тоғасининг ёнига қайтади. Ана ўшанда – қахратон киш кунларида, тоғасининг устахонасида аккумуляторлар қалашиб ётади; иссиққина устахонада қўли-қўлига тегмай ишлайди; пули кўп, жуда кўп бўлади.

Навбатдаги беражак саволи бир қадар кўрсдай туюлиши эҳтимолини англаётган эса-да, барибир, яна бирор янги гап эшитиш умидида Шоди Шариф:

– Шер, тўғриси яит! – деди. – Хаётингдан шодмисан?

Шеримбет, йигитчасига мағрур, мамнун ишшайиб:

– Қанешна! – деди. – А как же?! – Лекин, чиндан ҳам деганича бор: оёғида, – қўлингга гул биттур хитой шилдирларининг! – “Адидас” фасонига ўхшатиб бутлаган кедаси; эгнида ҳам ўшаларнинг тиккан тўрт чўнтакли жинси шими ҳамда кўша киссали, пагонли жинси кўйлаги; билагида зобитларникидақа ясама соат; камарида сўнгги русумдаги қўл телефони; албатта, кўйнида бели букланмаган даста-даста гулқоғози ҳам бўлиши керак. Бўйдоқ йигитга шу-да!.. – Уж еките профессиям бор: атменний дарожник, суппер аккумуляторшик! Дунё кезаётирман: Қорақалпоқ... Таскент... Шимкент. Бизнинг атес есе, овулдан шигмей, қаро зехметдан бошқасини билмей, апамдан бошқасини кўрмей-нетмей, ўтди-гетди.

Шеримбетнинг ниятлари бир-бирдан яхши: тезроқ ўзларининг овулларидан оғасини уйлантиришда опасига кўмаклашмоқчи. Кейин, опасини даволатганларидан сўнг, пулини йигиб-йиғнаб, дойисидай Тошканнын гавжум гузаридан бир устахона очишни мўлжаллаган. Энди овулга қайтиш йўқ. Опасини кўчириб келди. Битта учқур иномарканин зўридан минишни режалаб кўйибди. То ўшангача, ўттизига чикса ҳам, уйланмоқчи эмас. Ахир, у ўзини беҳуда Шер атаётгани йўқ.

*...илоё, тезроқ... тезроқ ниятингга ет, Шер! Бахтларингизга опагинаненин боши омон бўлсин, Шер!..*

– Ина, акумляторингиз тайёр, оғай! – деди Шеримбет, қувват ўлчагич найчани бир-бир аккумуляторнинг туйнукчаларига тикиб. – Гўрдингиз-а?.. Энди то кишгача ҳаз<sup>5</sup> этиб миносиз.

Шоди Шариф, ростиси, айни чоғда аккумуляторни кўнглидагидай қувватлантирилганидан ҳам кўра, кўнглида ғайрати мавж урган, дили пок, нияти холис, онасига, бари эмикдошларига меҳру оқибатли Шер йигит – Шеримбет билан танишганига, суҳбатлашганига жуда... жуда хурсанд эди. Дил-дилидан ишонаяптики, энди узок вақт Шер йигит ёдидан чикмайди.

*...Йўқ, асло! – деб, ўйлади Шоди Шариф, кўп замонлардан бери бунақа ўттишудли йигитни учратмаганига иқрор бўлиб. – Яхши... яхши бўлди. Умридан барака топадиган йигит экан.*

Шеримбет аккумуляторни жойига ўрнатиб, бир-бир бўлтакларни қотиргач:

– Завадит этинг, оғай! – деди. – Давай!..

Шоди Шариф калитни ярим товлаши биланок, мотор гуруллаб ишлади.

– Ўчиринг! – деди Шеримбет. Ва ўша заҳоти яна буюрди. – Давай!..

Иккинчи гал эса аккумулятор янаям кучини кўрсатди: зўр!

Шоди Шариф Шеримбетнинг кифтига қоқиб, хушҳол хайрлашди. Сўнг, секин катта йўлга тушволгач, тобора тезликни ошира бошлади: ҳозир тўғри уйга боради; ана кейин, маза қилиб овқатланади.

## VIII

Ҳали Шоди Шариф катта йўл муюлишига етганича йўқ эди, бирдан осмон буржлари қасир-қусур ёрилиб-ўпирилаётгандек устма-уст момақалдирак гумбурлади. Ва бори ваҳшати била қалдираётган товуш тинар-тинмас, жала қуя бошлади.

<sup>5</sup> Ҳаз – маза (шева).

Умрида бунақа жала ёққанини Шоди Шариф кўрмаган. Йўқ!.. Дунёсининг аллақайси олис юртларида рўй бераётган тўфонни, қуюнни, сув босқинини, торнадаю сунамиларни бот-бот телевизорда кўрган чоғлари беихтиёр ёқа ушлаб, онадиёрини бало-казолардан Яратганининг Ўзи асраётганига дил-дилидан шукроналар айтган... Лекин, бунақасини, хатто, хаёлига ҳам келтирмаган эди.

Ана, бир зумда ҳаммаёқни узлуксиз оппоқ сел... Йўқ, калин жала пардаси коплади. Шоди Шариф энди бир кадам, хатто, бир қарич ҳам жилолмаслигини билди: машинасини тўхтатди. Атроф-теварақда нималар бўлаётганлигини кўриш... маҳол. Йўқ, кўролмайсиз. Тунука томлар дўмбирадай дарангламоқда. Дарахтлар шовуллаб-юлкиниб, таг-тубидан томир-помири билан кўпорилгудай қарсиллапти. Осмон... кўринмайди. Лаҳза сайин кучаяётган жала пардасидан ҳаммаёқ оппоқ. Осмон бўғриккан шишадай оппоқ. Еру кўк эса тобора дилларга даҳшат солиб гувулламоқда.

Ҳаял-замон ўтиб-ўтмай, ариқчалардан тошиб чиқаётган бўтана кенг-мўл йўлни тўлғазиб, пасткамликлар сари тўлкинланиб-чайкалиб оқа бошлади. Йўлда, йўлакларда бирор бир йўловчи йўқ. Ҳамма ўзини дуч келган панага урган.

Ногоҳ йўлак бўйидаги баланд эски пахса деворнинг катта бир қисми сўнгги маротаба оғир хансираётгандай гуп этиб қулади. Ўша аснода, кенг йўлак ёқасидаги қари теракнинг катта бир шохи аянчли ғичирлаб, остидаги қора “Mers”нинг устига гурсиллаб тушди. Ва, шунинг баробарида, жонивор машина, кўз кўрмаган, кулоқ эшитмаган ушбу фалокатдан олам-жаҳонга жар солаётгандай чинқирворди: вай-вай-вай-вай!!

Айни ўша лаҳзада тагин момақалдиروқ аввалгиларидан-да узокроқ, аввалгиларидан-да даҳшатлироқ гумбурлаб, янаям жала кучайди.

*...йўқ, бу... бу – жала эмас, бу – тўлиққан осмоннинг кўзёшлари!..* деб ўйлади Шоди Шариф, анг-танг ёқасини ушлаган кўйи, калин жала пардасидан кўзларини узолмай. *Ҳеч нимадан, ҳеч кимдан нажот тополмай, еру осмон аро маҳв бўлиб турганингизда она-табиатнинг энг мўрт, энг ожиз бир зарраси эканлигингизга имон келтириб, беихтиёр Ўзига тавалло қилар экансиз: Ҳақ – дўст, ё Оллоҳ! Ҳақ – дўст, ё Оллоҳ!*

Хайрият, жала қандай бирдан бошланган бўлса, ўшандай тинди-қолди.

*...қанча вақт ёғди – беш дақиқача қўйдими? Шундан кўп эмасдир.*

Ана, тарновлардан шовуллаб куйилаётган бўтананинг товуши тобора сусаяётир. Жалага ғарқоб ариқчалар, йўлакларнинг гоҳ у ер-гоҳ бу ерида лойка сув билқ-билқ пуфак отаяпти. Абжағи чикқан “Mercedes” эса хануз боягидай фарёд чекмоқда: вай-вай-вай!!

Шоди Шариф кўзларида беадад бир таажжуб ва хаёлчанлик билан осмонга тикилди. Ё пирай, осмон артилган ойнадай тип-тиниқ!.. Ҳаммаёқ баҳор куёшининг мўл-кўл нурларидан бениҳоя нурафшон.

Бир маҳал Шоди Шариф ўскин дарахтлар, баланд томлар оша ғаройиб камалакни кўрди. Кўрдию, шартга машинасини йўлак бўйига аста жилдирди. Тўхтатди. Тушди. Қачонлардир бунақа ёркин камалакни кўрган-кўрмаганлигини эслаёлмади... Ўша асно, кўзни қарактиргудай<sup>6</sup> рангин камалақдан сал пастроқда... йўқ, Ҳасан-Хусан ёйининг қарийб тенг ўртасида оппоқ чорсуни бошига елвагай ташлаган бир нуроний момони кўрди.

*...ким у – Биби Марямми ё... ё... ўзимнинг онамми? –* Ушбу савол кўнглидан кечаётгани ҳамоно, бирдан Шоди Шарифнинг кўкси бир қалқиб, юраги гупурди. –

<sup>6</sup> Қарактиргудай – камаштиргудай (шева).

Фақат ман кўраямманми ё бошқалар ҳам кўраётганмикан-а?! Она... онажон! Илоё?!

Ажаб, Шоди Шариф ўзини аллатовур бир тозаргандай ҳис этмоқда эди. Енгил антикди.

## IX

Хотини эшикни очаётиб:

– Вуй-й! – деди. Бошини лиқиллатди. – Сел ёққанини кўрдингизми?

– Сел эмас, жала эди у, – деди Шоди Шариф. – Жала!.. Камалакни кўрдингми?

Хотини эшикни ёпаётиб, кўзларини пирпиратди, бошини чайкади: йўк.

...атта-а-анг?! Демак?..

– Мани онамни-чи?..

Хотини:

– Қаерда?... – деди оғзини юмолмай.

– Камалакнинг ўртасида.

– Ҳазиллашаяпсизми?..

Шоди Шариф хотинининг ишонмаётганига дилида ўкинчга мойил ниманидир туйди... Индамай, бошини чайкади... Сўнг бирпас нафас ростлагани курсига оғир чўкиб, бола онасига деяётганидек, оч қолганлигини айтди.

– Кўчада овқатлансангиз бўлмасмиди?

...э, айтасан-да! Наҳотки... наҳотки-а?!

Нима учун эри кўчада овқатланмаганлиги сабабини хотини яхши билади. Бир зумда очил дастурхон тузаб:

– Кофеям ичасизми? – деди.

Шоди Шариф камалакни... камалак ўртасида биби Марямми... онасиними кўриб бир яйраганлигини демаса, анча толиққан эди, жиндай мизғимокни ўйлаб:

– Йўк, – деди.

Шу қадар очикқан эканки, хатто, дориларидан битта-битта ичиш ҳам хаёлига келмабди. Овқатланганидан сўнг, хазмига асалчой ичаётганида, хотини тўлиб турган экан, дабдурустдан арзу додини бошлаворди: туман электр тармоқлари идорасидан назоратчи келиб, ток ўлчагични йўлқадан уйнинг ичига – даҳлизга кўчиртирганликлари учун жариманома ёзиб кетибди, жарима миқдорини эртага идорада каттақонлари белгилар экан.

...бир каму шу бошозриқ эди, деб ўйлади Шоди Шариф асалчойнинг ҳам таъмини сезмай. Агар эртагаёқ каттақонга учрашиб, дархол жаримани тўламасалар, пешиндан кейин чирокчилари токни кесиб кетармиш. – ...нима учун тушунмайдилар-а?! – Ток ўлчагични даҳлизга кўчиртирганликлари бир неча йиллардан бери сурилиб келаётган можаро эди. Ахийри, жонига тегиб, назоратчининг жариманома ёзиб жўнаворганлигини ўйларкан, Шоди Шарифнинг боши қотди. – Ахир, ток ўлчагични биз ўз ихтиёримиз билан эрмакка кўчиртирганимиз йўқ-ку!

Ток ўлчагични даҳлизга кўчиртирганликларининг асосий сабаби шуки, охирига қаватда яшаётганликлари учун, томдан қор, ёмғир сувлари сизиб-сиркийверганлиги боис, симларнинг туташтирилган жойларидан учқун сачрайвериб, ўт чиққанлигидан рўпарадаги қўшиланининг ток ўлчагичи куйиб кетган эди... Энди овораю сарсон бўлиб бориб, тушунтириши керак. Жариманома ёзиб кетган йигитча, негадир, бу гал эшитишни ҳам, тушунишни ҳам хохламабди.

Айвонда ўтирган эдилар.

Шоди Шариф хомуш-ховос катдан тушди. Беҳуд тўнғиллаган кўйи, секин ётоқхонаси томонга юрди.

Хотини дастурхонни йиғиштираётиб:

– Чойингизни ичмайсизми? – деди.

Шоди Шариф тўхтамай:

– Бирпас чўзилай, – деди ортига қарамай, жуда чарчадим, дегандай оҳангда. – Кейин ичарман.

Лекин, Шоди Шарифнинг асаббозликлардан, бетайин можаролардан чарчаганлиги рост эди.

*...мудраб бўларканми энди?.. Кўзларимни юмиб, ҳеч нимани ўйламай... Ахир, ҳеч нимани ўйламаслик ҳақида ўйлашнинг ўзи ҳам... Азоб-э!.. Кимдир биров айтган эмиш: оғриқсиз бош ҳам бошми, деб... Аслида, эртаю кеч хотинининг гишавасидан тўйиб кетганлигидан Сукрот айтган бўлиши керак.*

Хотини чой тўла чойнакни ҳамда катта пиёладаги совиб қолаёзган асалчойни столга қўйгач, индамай, ортига кайтди.

## X

Эшик кўнғироғи устма-уст, бетоқат жиринглади.

Шоди Шариф мизгиган-мизгимаганлигини билолмай, ҳамон назоратчи йигитчанинг қилмиши хаёлини банд этган кўйи, хиёл бир кўзини очиб, девор соатга қаради: беш бўлаяпти.

*...невараларнинг тўнғичи мактабдан... Ҳадемай, ўртанчасиям... Кейин... Энди мудраб ҳам, мизгиб ҳам... – Шоди Шариф кўзларини очди. Оёқларини катдан туширди. – Айтишларича, бунақа пайтда ухлаётган одамнинг дами қирқилармиш. Туриш керак.*

Хотини паст овозда неварани огохлантирди:

– Бобонг дам олаяптила!..

*...дам?.. Хомтама бўлма, хотинжон, бу дунёсида дам олиш...*

Эртага туман электр тармоқлари идорасига хомуш, хаёлчан кириб боражанини ўйлади.

...Борганидан сўнг, назоратчи йигитчанинг кўзлари совук чақнагувчи каттакони билан гаплашаётиб, ақл бовар қилмас бир англашилмовчиликка йўлиққанларига ишонолмай, номаълум муддатга чўзилажак овораю сарсон-саргардончиликлар қанча давом этишини, охир-оқибат, натижа нима билан тугашини билолмай, идораю уйи орасида бўзчининг моқисидай қатнайвериби, гангиб-гарангсиб қолади.

Бирок, ҳали, ҳозирча Шоди Шариф буни билмайди; ҳатто, беаъни, беаёв саргардонлик исканжасида ўртанарини хаёлига ҳам келтиролмайди.

Шоди Шариф бугун Шер отлиғ бир шердай йигит билан учрашганига; қисқа ва лекин, ёддан чиқмас, қувончбахш гурунғ қилганларига; кейин, рангин, ажабтовур ёрқин камалакни... камалакнинг ўртасида Биби Марямними... жойи ростонлари тоабад илохий нурлар ила мунаввару нурафшон бўлгур онасиними кўрганига хурсанд.

*...қандай яхши... қандай соз: Шернинг кўнгли тўла умид, тўла ишонч!.. Хайриятки, дунёсининг шунақа кунлариям бор-а!.. Лекин... бугун осмон роса йиғлади-ей!..”*

Ноумид – шайтон, айни чоғда эртанги куни янаям нурлироқ ўтаридан Шоди Шариф жуда-жуда умидвор.

Ана, эртанинг нурафшон бўларидан ёрқин дарак бериб, уфқ томонларда оловранг булутлар ловулламоқда.

## Шодлигиндан ўзда йўқ мастонаман



Фарид УСМОН

\*\*\*

Ҳақиқатнинг юраги қон бўлмасин,  
Кўнгилларда сира армон бўлмасин.

Куйиб, кул бўлмасин нодир тилаклар,  
Умид деган учкун сарсон бўлмасин.

Саодат гулшани – ростлик, ҳамиша,  
Унинг гулзорлари пайҳон бўлмасин.

Муқаддас – халқ яратган бу иморат,  
Ноқасу, ножинисга ошён бўлмасин.

Аламлар селига ғарқ бўлмасин у,  
Нураб охир хонавайрон бўлмасин.

Ҳақиқат эзгу хислат тўлқинидур,  
Унинг энг сўнгида пушмон бўлмасин.

Қолиб оворалиқлар кўчасида,  
Юриб ҳар ён, гаранг-сарсон бўлмасин.

Фарид, мўътабар тут ҳар ростни –  
Ҳақиқатнинг юраги қон бўлмасин.

*Фарид УСМОН – 1946 йилда тугилган. Андижон давлат педагогика институтининг (ҳозирги АДУ) филология факультетини ҳамда Горький номидаги адабиёт курсини тамомлаган. Ижодкорнинг “Жон қуши”, “Умид гулзори”, “Навосиз наво”, “Қадр кечаси”, “Мени сев” каби шеърӣй ҳамда насрий китоблари нашр этилган.*



\* \* \*

Уфқларнинг барида доим кенглик олар тин,  
Уфқларнинг барини ёпиниб ётар замин.

Кўз олдимга бу олам уфқ боис бепоён,  
Куёш, еру осмонни фарқ эттирувчи ёлқин.

Коинот – жонли вужуд, коинот – сезгир тана,  
Энтикиб турар доим сизга ёлғон менга чин.

Тириклик нелигин мудом уктириб турар,  
Хаёт шамолиман деб, юзга урилган эпкин.

Яшаш деган дақиқа насиб экан, шукр айла,  
Эй юрак, уни кучгин, унинг юзидан ўпгин.

Ёруғ, кенг бу оламда, Фарид меҳри бор экан,  
Уфқларнинг бағрида жами кенглик олар тин.

\* \* \*

Кўнглимдан ўтолмай кулиб турибсан,  
Кўнглимда не гап бор, билиб турибсан.

Сеҳрми ёки сен сохиби жоду,  
Кулиб, салча қувлик қилиб турибсан.

Нигоҳинг қиличу қошинг ханжардир,  
Дил нимталаб кўксим тилиб турибсан.

Гўё йил икки бор жилган вақтдай,  
Гоҳ у ён, гоҳ бу ён жилиб турибсан.

Хузурланар жоним борлигинг боис,  
Баҳор офтобидек илиб турибсан.

Турибсан жилмайиб Фарид кўнгли деб,  
Кўнглида не гап бор, билиб турибсан.

\* \* \*

Эй хаёт, қаршингдаман, ҳайронаман,  
Ҳам яна ошифтаман, парвонаман.

Ғамларингдан сигмасам бағрингга гоҳ,  
Шодлигингдан ўзда йўқ мастонаман.

Ёвлашиб турсам агарда, ранжима,  
Ёвлашарди ҳамки чин дўстонаман.

Заррача бўлса ҳақиқат йўлида,  
Шамъ янглиғ ўртанурман, ёнаман.

Ўртаниб беҳуда, кўп куйма дема,  
Негаки, бир шоири девонаман.

Менга сен чиндан кадрдонсан агар,  
Айт ўзинг, қандайки сендан қонаман?

Шу қувонч, шу изтироб боис Фарид,  
Дер, сенинг мехрингга доим қонаман.

\* \* \*

Тушимда кўрдиму ул ёрни мен айрилдим, эх, тушдан,  
Тушимданмас, кўрарман айрилишнинг боисин хушдан.

Хушим бор бўлмаганида, айрилиб қолмас эдим, балки,  
Тушимнинг эркаси бўлган, гўзал дилбар, паривашдан.

Тушингда кўрганим недур дея, сиз сўрмангиз дўстлар,  
Жавоб бўлмайди тушдан айрилиб қолгувчи беҳушдан.

Қаноат ҳосил этган бормикан бу кўхна оламда,  
Хаёлот осмонида парвоз айлаган қушдан?

Келар гоҳ ихтиёрсиз нолигим ташвишли умримдан,  
Тушимда тинчлигимни йўқ қилар бу хилда турмишдан.

Фарид, ўнгида ёрдан айрилиш ҳар кимсага мушқул,  
Шукр қил ҳамда миннатдор бўл окшом кўрганинг тушдан.

\* \* \*

Ғамингда, эй санамжон, ўртанурман,  
Мухаббатда юрак бағри ёнурман.

На бўлғуси бу ўтни бир ўчирсанг,  
Ёниш бобида гўёки танурман.

Деёлмам, юзма-юз гарчи сенга,  
Ёниб юрмоғлигимдан рост тонурман.

Оловдан ташналик ортғуси дерлар,  
Олов сувиға мен эрса қонурман.

Ёнарда жизғанақман, жизғанақман,  
Қаранглар, тўлқин уриб тўлғонурман.

Санам деб, қанча қуймай, қанча ёнмай,  
Яна қуймоққа ўзни кўп солурман.

Фарид, ёнмоқлигим жонимга аро,  
Ёнурман, ўртанурман ва қонурман.

## Яхшилик қайтар

Биргина ҳолат менинг гоҳ дикқатим тортар бу кун,  
Биргина ҳолат учун, рост, хайратим ортар бу кун.

Биргина ҳолат хаёлимни тамом банд айлаган,  
Боғ-роғ ҳамда чаманзор гарчи муаттар бу кун.

Биргина ҳолат шуки, оддийгина ҳам жўнгина,  
Яхшилик ўздан эмас, бегонадан қайтар бу кун.

Биргина ҳолат, ёнарсан сен ўзинг дардинг билан,  
Дардинг айтмоқ истасанг, ўз дардини айтар бу кун.

Биргина ҳолат, ёко тутмоқдин ўзга чора йўқ,  
Ким кулар қаҳ-қаҳ уриб, ким кўз ёшин артар бу кун.

Биргина ҳолат, Фарид, бу чарх янглиг кўхнадир,  
Шул сабаб такрорланар, қайтар яна қайтар бу кун.



**Мевага мағз ўлса, бўлур нўст ҳам,  
Кимсага ҳам душман ўлур, дўст ҳам.**

**Алишер НАВОИЙ**

## ШОИРНИНГ БЕТАКРОР УМР КИТОБИ



Абдугани СУЛАЙМОН

Адабиёт – ҳаёт кўзгуси. Кўзгу бўлганда ҳам инсон ва жамият ҳаётини бор мураккаблиги билан акс эттириши жиҳатидан у санъатнинг бошқа турларидан алоҳида ажралиб туради. Тарихий шароит, ижтимоий-сиёсий ҳаёт адабиётда ўз ифодасини топгани каби баъзан унга ўз таъсирини ҳам ўтказган. Адабиёт қизил шиорларнинг маддохига айлантирилган шўролар замони бунинг яққол мисолидир. Лекин яна бир ҳақиқатни тан олиш керак: фавқулудда истеъдод соҳиблари ҳар қандай шароитда ҳам ўз халқининг дардларини, орзу-армонларини баралла куйлай олган. Коммунистик яқка мафкура сўз эркини бўғиб қўйган, адабиёт социалистик реализм деган тор қолипга солиб қўйилган мураккаб даврда ҳам Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Рауф Парфи сингари халқимизнинг улкан ижодкорлари ўз истеъдодлари кучини кўрсата олдилар. Бу улуғ шоирларнинг шеъри дostonлари ўзида катта ҳақиқатларни ифода этгани, фавқулудда самимияти, мукамал бадиияти билан XX аср иккинчи ярми – XXI аср бошлари ўзбек адабиёти ривожига алоҳида ўринга эга.

Эркин Воҳидовнинг биринчи тўплами – “Тонг нафаси” ўзбек шеъриятига чиндан ҳам тонгнинг саррин ҳавосини олиб кирди. Шоирнинг бор-йўғи саккиз мисрадан иборат “Тонг лавҳаси” шеъри бунинг ёркин исботидир. Шеър ҳажман кичик бўлса-да, ўзида чуқур мазмунни акс эттирган:

*Уфқларга қўйиб гулдаста,  
Тог ортидан қўтарди-да бош,  
Пастга боқди чўққидан аста  
Олтин қалам тутган бир наққош.  
Ҳар нуқтага сайқал бериб у,  
Водий узра чизди зар лавҳа.  
Сўнг кўёш деб имзо чекди-ю  
Тонготар деб қўйди сарлавҳа.*

Шоир тонготар чоғидаги манзарани сўз санъати орқали бамисоли rassом каби ўқувчи кўз олдида намоён қилади, табиат тасвирига жон бағишлайди. Тонгга берилган таъриф – “олтин қалам тутган бир наққош” ўқувчига завқ бағишлайди. Унинг

*Абдугани СУЛАЙМОН – 1943 йилда туғилган. Шинжонг университетининг журналистика факультетини тамомлаган. Шоирнинг “Кўнглимдаги дарё” ва “Кўнглим китоби” шеърий китоблари нашр этилган. Унинг асарлари қозоқ, қирғиз, уйғур тилларига таржима қилинган.*

олтин калами – куёш тоғ ортидан бош кўтариб, чўккидан аста пастга бокади: хар нуктага сайқал беради, водий узра зар лавҳа чизади. Куёш дея имзо чекади, тонготар деб сарлавҳа кўяди. Табиатнинг бунчалик гўзал тасвирини яратиш, у орқали инсон туйғуларини кечинмаларини ифодалаш ўтган асрнинг 50-йиллари шеъриятида янгилик эди. Чунки ўша кезларда пахта, ўрок, болға ҳақидаги ҳис-туйғудан маҳрум, одамга заррача ҳам эстетик завқ бермайдиган риторик шеърлар ёзиш анъанага айланган эди.

Эркин Воҳидов кўлига калам олган биринчи кунлариданок ўз олдига катта мақсадларни кўйган, шу йўлда тинимсиз изланган, захмат чеккан, ҳавас қиларли натижаларга эришган ноёб истеъдод эгасидир. Шоирнинг 1959 йили ёзилган “Перо” номли шеърда қуйидагиларни ўқиймиз:

*У даставвал ойболта бўлди,  
Сўнг замбарак бўлиб қуйилди.  
Қилич ҳам у,  
                    милтиқ  
                                ва наган,  
У бомба ҳам бўлиб портлаган.  
Лекин олган жаҳонни фақат  
Перо бўлиб қуйилгач пўлат.*

Ушбу шеърни мутолаа қилар эканмиз, икки нарсани англаймиз. Биринчиси, шоир инсониятга тинчликни раво кўради. Тарихнинг турли даврларида кўлига ойболтаю замбарак, қилич ва милтиқ олиб, жанг қилган, ўзаро биродаркушликдан кўп азиат чеккан одамзот бахтга эриша олмади. Бахт йўли эса тинчлик, ўзаро бирдамлик манзиллари орқали ўтилиши мумкин. Иккинчиси, инсонни саодатга элтувчи йўл битта – илм ва ижод йўли. Перо бўлиб қуйилган пўлат – илм ва ижод тимсоли. Шоир одамларни ана шу йўлда ғайрат кўрсатишга ундайди.

Ижодкорнинг гўзаллик ҳақидаги қарашларига эътибор беринг. Борлиқ мулки аро бир маҳал кўрксизгина бўлиб яралган олам, дунёга сайқал бериш учун яралган одам ҳақида сўз юритар экан, шоир муҳим бир хулосага келади:

*Шундан бери инсон тинмайин  
Шу ер узра тер тўқар ҳамон.  
Ерни гўзал қилгани сайин  
Гўзал бўлар ўзи ҳам инсон.*

Эркин Воҳидовнинг истеъдоди шеърдан шеърга, китобдан китобга ўса борди, ўқувчилар кўнглини тобора кўпроқ забт этди. Ўз олдига янгидан-янги режаларни кўйган ижодкор мумтоз жанр – арузга қўл урди, ажойиб ғазаллар ёзди. Буюк сафдоши Абдулла Орипов шоирнинг арузга доир ижодий изланишларига ўз вақтида қуйидагича баҳо берган эди: “Ўлмас аруз вазнига беписанд қараш ҳали ҳукмрон бир шароитда Собир Абдулла, Ҳабибий, Чархий сингари мўътабар сиймолардан кейин ғазалиётимизнинг олтин эшиклари абадий бекилади, дея қаромат қилишаётганда ёш авлод орасидан биринчилардан бўлиб Эркин Воҳидов арузнинг табаррук остонасида посбон янглиғ пайдо бўлди. Тўғри, ҳозиргача ҳам арузда ижод қилувчилар озмунча эмас. Бироқ соғлом кишининг нафас олишидек мунтазам ва равон, асл аруз мавжудки, бу санъатга “булҳавас”ларнинг аралашувлари ҳеч қандай самара келтирмайди. Аксинча, содда муаллифни куппа-кундуз куни беобрў қилиб қўйиши мумкин. Шу маънода, ғазалга таважжух билдирган ёшларимизга ҳозирги замон шоирларидан Эркин Воҳидов ижоди мактаб бўла олади, деймиз”.

Ҳақиқатан, “Ёшлик девони” орқали кўҳна ғазални замонавий шеърятимизга ўзига хос мумтоз мазмун ва оҳангларда олиб кирган шоир бу борада катта ютуқларга эришди. Унинг ғазаллари элнинг тилига тушди, дилидан жой олди. Одамлар орасида – тўйларда, гап-гаштакларда, ижодий учрашувларда ҳозиргача айтилиб келади. Жумладан, шоирнинг қуйидаги сатрларини ёд билмаган одамни топиш қийин:

*Дўст билан обод уйинг,  
Гар бўлса у вайрона ҳам,  
Дўст қадам қўймас эса,  
Вайронадур қошона ҳам...*

Халқона ҳикматларни эслатадиган бундай чуқур мазмуннинг аруз оҳангига солиниши сўзнинг таъсир кучини бир неча баробар ошириб юборади. Шунинг учун ҳам турли касб эгалари – деҳқондан ҳунармандгача, тadbиркордан саноат ходимларигача, муаллимдан ўқувчию талаба ёшларгача – барчаси бу мисраларни такрорлашдан завқ туяди.

Эркин Воҳидовнинг ғазаллари кўнгилларга оқиб киради, ўқувчининг туйғуларини забт этади, унинг қалбини эзгуликка ошно қилади. Шоир ғазаллари, бир қарашда, содда сўзлар асосида яратилгандай, бу йўлда ижод қилиш анчайин осондай тасаввур уйғотади. Лекин улардаги самимият, ана шу содда сўзлар ифодалаган мазмуннинг чуқурлиги, ҳаётийлиги ўқувчини ҳайратга солади.

Шоирнинг фикрича, ишқ ва шеър – эгизак тушунчалар. Сабаби шундаки, ишқ дардидан айри шеър ҳеч қандай таъсир кучига эга бўлмагани сингари ишқнинг моҳиятини бошқа бирор ҳодиса шеър каби тўлақонли акс эттира олмайди. Буни шоир “оғунинг шифоси оғу билан” тарзида ифода этади. Умуман, ана шундай таъсирчан, халқона иборалардан моҳирона фойдаланиш – Эркин Воҳидов ғазалларининг етакчи хусусиятидир:

*Заҳмати ишқ дard эурса,  
Заҳмати шеърдур даво.  
Чунки оғунинг шифоси,  
Дейдилар, оғу билан.*

“Ёшлик девони”да “Дилдорга нома ёздим” сарлавҳали ғазал бор. Ушбу ғазал Эркин Воҳидовнинг ғазалнависликда мумтоз шеърятимиз анъаналарини муносиб давом эттиргани билан ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Ғазал матласи бу фикримизга далил бўла олади:

*Гул бўйларини богдан  
Келтирган, эй шаббода,  
Дилдорга нома ёздим,  
Еткур уни ҳавода.*

Дилдорга ҳаводан нома йўллаш – бу мумтоз ғазалчилигимизда мавжуд анъана. Маҳбубасига арзини етказишда боди сабо – тонги шаббодага мурожаат мумтоз шоирларимизнинг ижодида кўп учрайди. Негаки, шамол, биринчидан, поклик тим-соли. Иккинчидан, у бегараз элчи. Шоир ана шу анъанани давом эттириши баробарида уни янги бадиий деталлар билан бойитади:

*Еткур уни ва лекин  
Кўнглига қайғу солма.  
Шарҳи дилим этарда  
Бўлсин тилинг навода...*

Эркин Воҳидовнинг аруздаги шеърлари ичида энг кўп эътироф қозонгани ва шоирга катта шухрат келтиргани бу – “Ўзбегим” қасидасидир. Тан олиш керак, ўтган асрнинг 60-йилларида бундай асарни ёзиш учун ижодкордан катта жасорат талаб қилинарди. Собик Иттифокдаги барча миллатлар учун мавҳум “советлар ўлкаси” ватан дея тақдим этилган, ҳамма миллатлар қўшилиб ягона “совет миллати”га айланиши ҳақидаги сохта ғоялар авж олган бир даврда “Ўзбегим” деб қасида ёзиш шоирнинг бошига кўп маломатларни олиб келиши тайин эди. Абдулла Ориповнинг “Ўзбекистон – ватаним маним” қасидаси ҳам айни ўша кезлари ёзилганини эътиборга олсак, бу икки буёқ ижодкорнинг Ватанимиз, халқимиз тарихидаги, адабиётимиз юксалишидаги ўрнини чуқурроқ аниқлашимиз, ҳис этишимиз мумкин бўлади. Демак, ана шу икки ижодкор тимсолида халқимизнинг ўлмас руҳи шеърятимизга кириб келган эди ўша замонда.

Қасидада Эркин Воҳидов миллатнинг кўҳна тарихида сўз очади. Унинг ўтмиши минг асрларга бориб уланиши, демак, дунёнинг энг қадимий миллатларидан экани ҳақида ифтихор билан ёзади:

*Тарихингдир минг асрлар  
Ичра пинҳон, ўзбегим.  
Сенга тенгдош Помиру  
Оқсоч Тиёнишон, ўзбегим.*

Афросиёб ҳақидаги тарихий манбалар, Ўрхун хати – бу халқнинг дунё тарихида туганган ўрни нечоғлик баланд, инсониятнинг ёзув маданияти шаклланишидаги хизматлари қанчалар катта эканлигидан дарак беради. Ал-Беруний, ал-Хоразмий, ал-Форобий сингари фарзандларининг башарият тараққиётига қўшган ҳиссаси бу юртнинг шаъну шавкати қанчалик улуғ эканлигига далолатдир. Лекин тақдир тақозоси билан унинг бошидан кўп оғир қуноқлар ўтган, шамширларини ўйнатган неча қоон, неча султон, неча минг хон жабру зулмини тортишига ҳам тўғри келган. Ўша оғир дамлар халқимиз тарихида қандай машъум излар қолдирганини шоир қуйидагича образли тасвирлайди:

*Тоғларинг теғрангда гўё  
Бўзма аждар бўлди-ю,  
Икки дарё – икки чашиминг,  
Чашими гирён, ўзбегим.*

Ижодкор аниқ тарихий далилларга мурожаат этади: Рум Қайсари найзасидан бағрида доғ узра доғ, кўкси Чингизу Боту тинига қалқон, тўрт ёндан асрлар бўйи бошига тийри қамон ёғишидан кўп азият чеккан, умри қурбон, мулки торож, юрти вайрон бўлган миллати учун қуйнади, изтироб чекади. Шунинг баробарида, бошига шунчалик оғир синовлар, урушлар, қирғинбаротлар тушишига қарамай, бу миллат ҳеч бир замонда зулмга бош эгмаганидан, гоҳ Муқанна, гоҳ Сарбадорлар тимсолида ўзининг эркесварлигини намоён этиб келганидан ифтихор ҳиссини туяди. Одамийлик дини билан тоза имон – бу миллатнинг чин эътиқоди бўлганидан фахр қилади.

Мирзо Улуғбек тимсолида сирли осмон токига илк нарвонни қўйган ким – ўзбек! Мир Алишер тимсолида наърасига жаҳон акс-садо берган, шеърят мулкида шоҳу султон мавқеига эришган ким – ўзбек! Қасиданинг ана шу сатрларида чуқур мазмун ва баланд пафос уйғунлашиб кетганини сезиш қийин эмас.

Қасидада кўтаринки руҳ ва изтироб туйғуси алмашиниб келади. Шоир илму шеърда шоҳу султон бўлишига қарамай, тақдирга қул бўлган Заҳириддин Муҳаммад Бобур қисмати ҳақида ёзар экан, фиғони оламга ўт солган халқига дард-

дош. Шоҳ Машраб, Нодира, Фуркат, Муқимий каби улуғларни ёдга олар экан, уларнинг кўз ёшу армонлари, изтиробу фиғонларини гўё ўз вужудида ҳам ҳис этади. Она халқининг тарихини битишга мингта Фирдавсий кераклигини, унинг бир бор чеккан охи минг дostonга мавзу бера олишини таъсирчан ифода этади.

Шоир таърифича, Ватанни боғ деб айтса, бу боғнинг гули – ўзбек! Агар она заминни кўзга ташбеҳ этса, мужғони – ўзбек! Бу халқ билан кўкракни тоғ қилиб фахр этса арзийди, негаки, кўкрагида тоғ кўтарган танги деҳқон – ўзбек! Шунинг учун ҳам шоир бу халқнинг фарзанди бўлиш нақадар катта бахт эканини қуйидагича ифодалайди:

*Мен буюк юрт ўғлидурман,  
Мен башар фарзандиман,  
Лекин аввал сенга бўлсам  
Содиқ ўғлон, ўзбегим.*

Эркин Воҳидов адабий, ўлмас мавзуларда шеърлар, дostonлар ёзди. Она халқининг маърифати юксак, Ватанининг шаъну шарафи баланд бўлишини истади. Бутун ижодини, истеъдодини ана шу улуғ мақсад сари йўналтирди. Асарларида айни орзу-ўйларини бадний сўз воситасида бетақрор талқин этди. Шоир шеърларидан бирида “Ўзбек Навоийни ўқимай қўйса” деган саволни қўяди. Алишер Навоийдай даҳога эга бўлиш, табииyki, ҳар қандай халқнинг орзуси. Бирок бундай улуғларнинг асарларини муталаа қилиш, улардаги эзгу ғояларни ҳаётга татбиқ этиш зарур. Акс ҳолда нима бўлади? Шеър ана шу ҳақда. Жумладан, шоир қуйидагича ёзади:

*Ўзбек Навоийни ўқимай қўйса,  
Дод демоққа палла бўлгани шудир.  
Маърифатдан айру ўйнаса, қулса,  
Аза чоғи ялла бўлгани шудир.*

Шоир халқ тилини чуқур билади, юракдан ҳис қилади. “Аза чоғи ялла бўлиши” – ўзбекнинг табиатига мутлақо тўғри келмайдиган ҳол, ўзликнинг бой берилгани аломати. Ана шу ибора айни бандда ифодаланган фикрнинг таъсир кучини таъминлаган. Бундай фожиали ҳолга тушмасликнинг ягона шarti – маърифатли бўлиш. Бунинг учун эса, Навоийни ўқиш керак.

Эркин Воҳидов – ҳазрат Алишер Навоий асарларининг билимдон тадқиқотчиси. Шоирнинг “Сўз латофати” асари ҳам бу фикрни тасдиқлайди. У Навоий асарларини жуда нозик тушунади, чуқур таҳлил қилади. Бунинг натижасида олган хулосаси: миллат – миллат, халқ – халқ бўлиши учун бу улуғ мутафаккир асарларидан баҳра олиши шarti. Акс ҳолда, шоир таъбири билан айтганда, “юлғич азиз бўлиб, билгич хор бўлгани шудир”. Бу эса, шеърнинг хулосасида айтилганидек, пайтаваннинг салла бўлишидек аянчли ҳолга олиб келиши мумкин.

Ижодкорнинг асл ижодкорлиги фақат яратган асарлари билан эмас, балки ватанпарварлик туйғулари нечоғлик баландлиги билан ҳам белгиланади. Зеро, чин ижодкор ўз тақдирини Ватан тақдири билан уйғун кўради. Эркин Воҳидов Ватан озодлиги, юрт мустақиллиги ғоясини ўз асарларида баралла қуйлаган шоир сифатида ҳам адабиётимиз тарихидан муҳим ўрин олган. Қуйидаги сатрларда шоир учун Ватан озодлиги, эркинлиги нақадар олий неъмат эканлиги ўз ифодасини топган:

*Чекибдур Бобуру Фурқат Ватан ҳажрида афгонлар,  
Мен эрсам, ваҳ, не гурбатким, Ватанда беватан бўлдим.*

Бобур ва Фурқат Ватандан айрилиқда фиғон чеккан бўлсалар, шоир бундан ҳам



оғирроқ фожиага учраган. У – Ватанда беватан. Яъни Ватанда истиқомат қилаётган бўлса ҳам, унга эгалик ҳуқуқи олиб қўйилган, эркинлик деган улуғ неъматдан бебахра.

Табийки, шоир Ватанининг равнақ топишини, миллатини дунёдаги тараққий этган халқлар даражасига юксалишини орзу қилади. Лекин бунга эришиш осон эмаслигини юракдан ҳис этади. Сабаби, ёллар она Ватанининг тараққиёт йўлларини беркитиб қўйган, бирлигига барҳам берган. Бу ҳол ҳар бир ватаншарвар каби шоирни ҳам изтиробга солади. “Туркистон бир – Ватан бир” бўлиши унинг қалбида силкиб турган буюк армон эканлигининг сабаби шунда. Шоирнинг бу армони қуйидаги дардли сатрларида ўта таъсирчан ифодаланган:

*Ёллар пора қилган тан, хомталаш бўлган ватан,  
Оҳ бўлурми қайтадан, Туркистон бир – Ватан бир.*

“Ёллар пора қилган тан, хомталаш бўлган ватан” – шоир она заминнинг истибдод замонидаги аҳволининг айни шу тарзда эканидан таассуфини яширмайди. Изтироб шундаки, ўша кезлари миллатларнинг тенг ҳуқуқчилигини, халқларнинг саодатини ваъда қилган тузум, аксинча, бошқа қўллаб халқлар қатори ўзбекни ҳам эркисизлик, ҳақсизлик гирдобига ташлади. Берган ваъдалари ёлғон бўлиб чиқди. Шоир эса, “ёлғон саодат, ёлғон эрк, ёлғон ватан”га рози бўла олмайди. Қуйидаги сатрларда ана шу дард, ана шу изтироб талқинини кузатиш мумкин:

*Бас, етар ёлғон саодат,  
Ёлғон эрк, ёлғон ватан,  
Хуррият завқини чин  
Сурмоқни истайдир кўнги.  
Кутлуғ истиқлол қунда,  
Эй Ватан, бағрингда шод  
Эркин ўғлонинг бўлиб  
Юрмоқни истайдир кўнги.*

Истиқлол орзусини Эркин Воҳидов ана шундай мисралар орқали ифода этди. Чинакам хурриятга муяссар бўлмоқ, унинг завқини сурмоқ истади. Ваганимиз мустақилликка эришгач, шоир нафакат қалами, тафаккури, истеъдоди, балки бор салоҳиятини унинг равнақи йўлига бағишлади. Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси Сенати аъзоси, қўмита раиси сифатида мустақилликни мустаҳкамлайдиган қонунлар яратиш борасида изчил фаолият олиб борди.

Ўтган 2016 йилда “Шарқ” нашриёт матбаа акциядорлик компанияси Эркин Воҳидовнинг энг сара шеърларию дostonларини ўзида тўлиқ жамлаган қарийб эллик олти босма табоқ ҳажмидаги “Танланган асарлари”ни чоп этди. Китоб шоирнинг “Бағишлов” сарлавҳали ғазали билан очилади.

*Эй сен, латиф дўст, бу сенга  
Умрим китобидир,  
Умрим китоби не, олис  
Йўл сарҳисобидир.*

Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Эркин Воҳидовнинг умр китоби ҳикматларга, ибратларга тўлиқ эканлиги билан азиз ва қимматлидир. Шоирнинг умр китоби – бамисоли кўзгу. Бу кўзгуда миллатнинг ўзлиги, тарихи, орзу-армонлари, ҳистуйғулари акс этган. Эркин Воҳидов ижодининг умрбоқийлиги эса она халқига ана шундай мусаффо кўзгуни тута билганида бўлса, ажаб эмас.

# СЎЗНИ ТОВАЛТИРАЁТГАН ШОИР



Мунира ЙЎЛЧИБОЕВА

Атокли шоир Икром Отамурод бир суҳбатида шундай деган эди: “Шоир шеър ёзишда сўзларни ҳисоб-китоб қилиб ўтирмайди. Шеър ёзиш режали иш эмас. Шеърнинг мисралари, қофиялари табиий йўсинда қуйилиб келаверади. Уни нари-бери “суриш” мушкул. Мен қўллаган барча сўзлар, жумладан, сал тушунарсиз, ғалатирок деган сўзларингиз тилимизда, сўзлашув йўсинимизда бор. Шеваларимиздаги ҳар бир сўз – халқимизнинг бойлиги. Уларни адабий тилимизга олиб киришимиз, ундан барчани баҳраманд этишимиз лозим”<sup>1</sup>.

Чиндан ҳам, биз сўзларни қийин, тушунарсиз деб четга сурмай, тушунишга ҳаракат қилмоғимиз даркор. Икром Отамурод бугун шундай йўлдан юриб, ўзбек шеърлятида ўзигагина хослигини белгилаб берди.

*Хаёлимни титаман кертиб,  
Бар тутдирмай қочади хаёл.  
Осуда тун чоқини йиртиб,  
Қайларгадир йўртади шамол.  
Мен шамолга дил очмам зинҳор,  
Мен шамолга бермайман ройиш.  
Рухимда титрайди интизор,  
Ҳижронга йўғрилган қушойиш.*

Юқоридаги шеърда биз кам дуч келган сўзлар “бар”, “қушойиш” сўзларини учратамиз. Бу сўзларнинг турлича маънолари бор. Масалан, “бар” сўзининг Алишер Навоий асарлари луғатида форсчадан олинган “бир чекка, қирғоқ”; олд қўшимча сифатида қўшилиб бирор сифат, белгига эгаликни; юнончадан олинган оғирлик, юк маъноларига; инглизчадан олинган тўсиқ, кумлоқ, саёзлик каби маъноларига ўзбек тилининг изоҳли луғатида эса чекка, қирғоқ маъноларига дуч келдик. “Қушойиш” сўзини “очилиш, равшанлашиш, хурсандчилик” маъносида; “муваффақият, омад” каби маъноларда учратдик. Энди Икром Отамурод ижодида бу қандай маъноларда ишлатиляпти? *Хаёлимни титаман кертиб, бар тутдирмай қочади хаёл...* Демак, хаёлни шунча титса ҳам у ижодкорга бир чеккасини бўлса-да ушлатмайди. Шоир-

<sup>1</sup> Мохият – 2006 й. 13 октябрь.

нинг сўздан фойдаланишдаги маҳоратини кўринг. Сўз устида ишлаш, сўзни излаш, уни сайқаллаш ижодкорнинг мукаддас вазифаси.

Унинг барча шеърлари ички катъийлик ва ташқи ўйнокилик руҳида ёзилган. Бир қарашда тушунарсиздек туюлувчи сўзлар шеърини оҳангга йўғрилган ҳолда ўз маъносини беркитаётгандек бўлади. Айрим сўзларнинг луғавий маъносини эса дастлабки мисраларда олға сурилган фикрга қараб, шеърхоннинг ўзи чакиб олаверади. Унинг шеърларини мутолаа қилган одам ўзини ўзбек кишлоқларида, меҳнатқаш, тиниб-тинчимас, бадий сайқалсиз, чапаниларча гаплашадиган одамлар орасида юргандек, улар билан гаплашаётгандек бўлади. Қишлоқ одамларининг ўша “тирик” сўзларини шеър қилиш замирида шоирнинг қатта меҳнати борлигини унутмаслик лозим. Сўз – миллатнинг шаъни, миллий бойлик, миллат ор-номуси. Уни тушунарли ёки тушунарсиз дея саралаш адабиётшуноснинг иши эмас.

Маълумки, адабий асарнинг шаклига фақат унинг тили эмас, характерлар, сюжет, конфликт ва бошқа кўпгина компонентлар ҳам қиради. Чунки бадий асар ана шу компонентларсиз майдонга келмайди. Аммо бадий асарнинг ҳамма компонентлари фақат тил орқали ифода этилади. Шунинг учун ҳам тилнинг бадий асардаги роли жуда каттадир.

Бадий асар тилининг бундай хусусиятлари унда кўпгина тил воситаларининг ишлатилиши натижасида майдонга келади. Бу воситалар баъзан етук, баъзан эса қуртак ҳолда халқ тилининг ўзида мавжуддир. Ёзувчи шу воситаларни ўрганadi ва уларни мукамаллаштиради, айрим ҳолларда янги тил воситаларини кашф этиб, халқ тилини бойитади.

Ўқувчилар ва баъзи адабиётшунослар орасида, бадий адабиётнинг алоҳида тили бор, деган фикр юради. Бу, албатта, нотўғридир. Чунки бадий адабиётнинг халқ тилидан ажралиб турувчи алоҳида тили бўлиши мумкин эмас. Агар шундай бўлган тақдирда, бадий адабиёт ҳаммага бирдай манзур бўлмасди, ҳамма уни тушуна олмас эди. Академик Ойбек “Ёзувчи халқ тилининг бой хазинасидан истаганича материал олади. Асарнинг бадий тўқимасида юзларча мақоллар, махсус ифодалар, турли гаплар, кочирмалар, сўз ўйинлари ярқирайди. Мана булар тилни конли, жонли образли бир тил қилади”,<sup>22</sup> – деб бежиз ёзмаган эди.

Биз биламизки, бадий тилнинг энг муҳим ўзигагина хос хусусиятлари сифатида образлилик ва эмотсионаллик кўрсатилади. Бадий асарда тасвирланаётган нарсани жонли тасвирлаш, ҳис-туйғу ва кечинмаларни ёрқин ифодалашга хизмат қилувчи воситаларни умумлаштириб *бадий тасвир ва ифода воситалари* деб номланади. Бу воситалар образлилик ва эмотсионалликни кучайтирувчи унсурлардир. Бадий адабиёт сўз воситасида фикрлайди, сўз воситасида тасвирлайди.

Табиийки, биз айтган оғишларнинг барча турларидан Икром Отамурод ҳам самарали фойдаланади ва муҳими, бу оғишлар ҳис-туйғунини ёрқинроқ ифодалаш, поэтик оламни жонлироқ тасвирлаш мақсадига хизмат қилади. Буни юқоридаги мисолларда ҳам учратиш мумкин. Жумладан, фонетик сатҳдаги оғиш намунаси сифатида қуйидаги шеърга тўхталамиз:

*Ҳилолини соғинди осмон,  
Кў-ў-ў-ўп соғинди.  
Соғинчдан чурқади аъзойи тани  
Узоқ чўзилди ўн беш кун,  
ўн беш кун чўзилди узоқ...*

<sup>2</sup> Ойбек. Асарлар, 9 май. 275-бет.

*Ўн беш кун... осмон кийди  
тушинг қора чопонин.*

Ижодкор ўқувчининг бадий хотирасига мурожаат қилади. Нафақат ижодкор, балки биз кундалик ҳаётда ҳам икки кишининг суҳбатини олайлик. Ота-онасидан йироқда юрган талаба дугонасига “Ота-онамни жуда соғиндим. Уларни кўргим, тўйиб суҳбатлашгим келяпти” деса, табиийки, унинг ҳам кўз ўнғига, хаёлига ота-онаси, яқинлари тушади. Улар билан боғлиқ жараёнларни эсга олади. Худди шу каби бадий адабиёт ҳам ана шу “бадий хотира”ни қайта уйғотади. Юқоридаги мисралардан халкимиздаги “Ойнинг ўн беши ёруғ бўлса, ўн беши коронғу” деган нақл ёдимга тушди. Энди эса ҳилолини соғинаётган осмоннинг ҳолатини тасаввур қилиб кўринг. Бу бевосита ўша халкимизда қўлланиб келаётган нақл билан боғлиқ ҳодисага ўхшайди. Ўн беш кун қора чопонини кийиб, уни қора булут қоплаб олганда ўз “халоскори” ойна соғинишдаги ҳолати. Шундай бўлса-да соғинчдан тўхтамай *кў-ў-ў-ўн* соғиняпти. Чунки у биладики, ана ўша қора чопондан сўнг харир либос кийган ҳилоли чиқишини ва яна олдингидай ёруғликка тўлишини. *Кўп соғинди* деганда буни ҳис қилиш, ёркинрок тасаввур қилиш мумкинми? Бизнингча, шоир айтган даражада таъсирли бўлмасди. Шунинг учун ҳам шоир мана шу маънони англанишда товушларни иккилантиришдан фойдаланяпти. Эътиборимизни *чурқади* сўзига қаратмоқчимиз. Бу сўз ўзбек тилининг изоҳли луғатида учрамайди. Алишер Навоий асарларида эса “қуйдирмоқ” маъносида:

*Чўп урди хазон ели совуқ дам,  
Япроқни қурутди, чурқади ҳам.*

(“*Лайли ва Мажнун*”)

ва яна бир ўринда “ўрамоқ” маъносида қўлланилган:

*Э Навоий, шик бизни гарчи расво айлади,  
Ул не қилса пардайи китмонга они чурқади.*

(“*Бадое ул-вақое*”)

Энди шоир қўллаган бу мисраларда-чи? Осмоннинг аъзойи тани соғинчдан чурқади. Ҳилолини соғинган осмоннинг тани. Бу ерда “ўраб олмоқ” маъноси унчалик ҳам мос эмас. Негаки “*соғинч чурқади*” эмас, *соғинчдан чурқади аъзойи тани* деяпти. Агар биринчи ҳолат бўлганда ўраб олмоқ шунга мос тушар эди. Шундан хулоса қилган ҳолда қора булут қопланган осмон ўзининг қаролиги билан, зулмати билан унинг аъзойи танини қуйдирди десак, мақсадга мувофиқ бўлади. Демак, биринчи айтганимиз маъқулроқ бўлса керак. Ёки шу сўзнинг бошқа бир шеърдаги ҳолатини текшириб кўрайлик:

*Ёлғизлик – сен руҳимда йиртилган ёбон,  
Руҳимда тўраган тўр сен – ёлғизлик.  
Ёлғизлик – сен руҳимда чуркаган тобон,  
Руҳимда йўраган нур сен – ёлғизлик.*

Ушбу шеърда “тобон” сўзи билан ҳамоҳанг тарзда “руҳимда порлаган қуёш ёки ой” каби маъноларни ифодалаётганга ўхшайди. Нимага биз буни порлаган дея айтаямиз? Чунки *чуркаган* сўздан сўнг “тобон” ой, юлдуз ва қуёшга яқинроқ маъно англатувчи сўз келяпти. Ёки буни кейинги мисраларга ҳамоҳанг тарзда *руҳимни, руҳимда ўраб олган порлоқликсан* дея таҳлил қилиш ҳам мумкин. Бундан англаши-

ладики, иждокор ўқувчига сен бу ҳолатда, ёки бундай тасаввур кил деб белгилаб бермайди. Уни ўзига ташлаб қўяверади. Бу шаклда сўзларни қўллаб шоир бир хилликдан қочади. Ёзганлари фақат бир маънонигина англатишини истамайди.

Сўздаги товушнинг чўзиб талаффуз қилиниши маънони кучайтиришга, белгини орттириб ифодалаш, рухий ҳолат ёки муносабатни аниқроқ ифодалашга хизмат қилади:

*Кў-ўп уз-зоқда қолар... Сабух ... Сарвигул...*  
*Кў-ўп уз-зоқда қолар... Шафоатсиз кун...*  
*Кў-ўп уз-зоқда қолар... Меҳрсиз дунё...*  
*Кў-ўп уз-зоқда қолар... Кўзи оч, нафси оч одамлар...*  
*Қорни томон югураётган одамлар...*

Хўш, шоир бундай товуш иккилантиришлардан, уни чўзиб ифодалашдан нима-ни кўзлаяпти. Бу “ичкари”нинг риштасига боғланиб, ташкарига чиқариш ҳолати. Яна бу ерда ҳарфнинг ҳам ички моҳияти, рухий ҳолати ифодаланаёпти. Ва мана шу чўзиш, товуш иккилантириш асносида оқаётган дарёнинг тилсимини-да ҳис қилса бўлади. Буни билиш учун шеърни яна ҳам ичига кириб бориб, лирик қаҳрамоннинг ҳис-туйғуларини, ички кечинмаларини бошимиздан ўтказиб кўрамыз. *Кў-ў-ўп уз-зоқда қолар... сабуҳ... сарвигул...* Бу мисралардан киши ўйга толади. Қаҳрамоннинг оғир ички ҳасратлари, ўйлари, мушоҳадалари ифодаланаёпти. Тонгнинг *кў-ў-ўп* узокда қолиши, узокда қолганда ҳам жуда олисида “уззоқ”да қолиши, окқабатда куннинг шафоатсиз келиши ҳақида, дунёнинг меҳрсиз эканини шоир жуда зўр маҳорат билан куйлаяпти. Агар худди шу мисраларини *кўп узокда қолар сабуҳ, сарвигул* дея ўқисак, биз буни шоир айтганидек тушунармидик? Бизнингча, бу ҳолат юқоридаги маънони ифодалаш учун торлик қилса керак. Шоирнинг ўзига хослиги ҳам айнан мана шунда кўринади.

Ҳозирги даврнинг умумбашарий муаммоларидан бири инсонни ўзлигидан, қалбидан бегоналашуви экани ҳақида файласуфлар жуда кўп гапларни айтганлар. Икром Отамуроднинг кўнгил оламида кўнгил даъвати билан яшашга иштиёқини инсонни ўзлигини соғиниш сифатида талқин қилиш мумкин. Бундай ҳолатларни у табиат ҳодисалари билан ҳамоҳанг тарзда берган.

*Ёмғирдан сўнг... ойнинг сочини*  
*эркалаб силайди насимлар.*  
*Суманбардай кетар очилиб,*  
*ёмғирдан сўнг осмон тарсиллаб.*  
*Ёмғирдан сўнг... тарқар хилма-хил*  
*ташвишлар, сиралар, танглиklar.*  
*Ёмғирдан сўнг... мовий, ям-яшил*  
*руҳимда уйғонар кенглиklar.*  
*Ёмғирдан сўнг...*  
*Ём-ғирр-дан сў-ў-ўнг...*

Шоир талқинида ёмғир ёғиб бўлгандан сўнг манзаралар ажиб бир тус олади. Манзаралар гоҳ, “насим”, “мусаффо осмон” шаклида кўринса, гоҳ бошқа бир бетак-рор ҳолатларда намоён бўлади. Аммо, бизнингча, шеърдаги рухий муддао бу эмас. Чунки бу манзарадаги шоир назарда тутган асосий муддаолардан бири худди ана шу табиат манзаралари-ю ҳодисаларига урғу бериш асносида инсон руҳининг тозарини ҳолатини тасвирлашдир. Ёмғир ёғишини кўз олдингизга келтириб кўринг. Ҳаво мусаффо ва ўша мусаффо ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олганингизда руҳиятингизда

қандайдир бир енгиллик бўлади. Чунки табиатдаги чанг-губорларни ёмғир ювиб, тозалаб юборди. Бадний адабиётда ёмғир покланиш, поклик белгисидир. Худди шу маънода, айниқса, шоирнинг ушбу шеърдаги “Ёмғирдан сўнг мовий ям-яшил, руҳимда уйғонар кенгликлар” сатрлари шеърятимизда руҳият шоири сифатида эътироф этилган Рауф Парфининг “Ёмғир эмас, марварид ёғар” каби руҳий манзараларига ҳамоҳанг тарзда янграйди. *Ёмғирдан сўнг, Ём-гирр-дан сў-ў-ўнг...* каби мисраларда эса юқоридаги кўнгил манзараларини чизишнинг энг олий нуқтаси деб биламан. Чунки инсоннинг дилдан “чанг, губорлар” кетса, ташвишлардан фориг яшаса, унинг ҳаётида қандай ўзгаришлар бўлиши ҳеч кимга сир эмас. Буни шоир яна-да аниқроқ тасаввур қилишимиз учун товушларни иккилантириб, чўзиб тас-вирляпти. Ва бу билан у ўз мақсадига-да эриша олган.

Ижодкор яна сўзларни қофияга мос ҳолда ёки сўзга маъно юклаш учун мослаш-тиришга уринади.

*Тилларда раҳмон-у дилларда шайтон,  
Покликдан ривоят келтирар найранг.  
Диёнат – томири кесилган пайкон,  
Имон – шўр ютиб, шўр туфлаган қайранг.  
Алтомши йиғлайди – қўллари банди,  
Ёсуманнинг макри тиглаб парчади.  
Вақт – руҳим изоси тахланган сандиқ,  
Юрагимда меҳр йиғлаб чарчади.*

Келтирилган шеърдаги *парчади* сўз шаклига эътиборни қаратмоқчимиз. Аввало, бу сўзнинг қисқартирилган шакли эканлигини сезиб олиш қийин эмаслигини таъкидлаш керак. Бирок эътиборлироқ бўлмаган шеърхон бунинг қайси сўз шаклининг қисқартирилгани эканлиги масаласида янглишиб қолиши мумкин. Чунки буни “парчадир” сўз шаклининг ҳам, “парчаланди” сўз шаклининг ҳам қисқартмаси деб ўйлаш мумкин. Тўғри ҳулосани эса сўзнинг ўрама (контексти) кўрсатиб беради: *Ёсуманнинг макри тиглаб парчади* дегани “парчаламоқ” маъноси устунлигини кўрсатади. Табиий савол туғилади: тайёр сўз шаклини бу тарзда қисқартиришга зарурат бормиди? Яъни бу ўринда кузатилаётган морфологик сатҳдаги оғиш ўзини оклайдими? Ҳа, оклайди ва буни қуйидагича изоҳлаймиз. Агар буни ўз ҳолича қўлласа, вазнда бўғин орғиши ва қофияга мос тушмаслигини биламиз. У шунинг учун ҳам уни *чарчади* сўзига қофия тарзида ишлатяпти. Унинг ижодида бундай ҳолатлар жуда кўп учрайди:

*Юрагимнинг кўзлари яра,  
Умидимнинг муроди сабил.  
Ёнаётган осмонга қараб,  
Қашқадайронинг қақрайди лаби...*

Бу мисралар бевосита шоирнинг шахсий ҳаётига етаклайди. Албатта бунда у ўзини акс эттирган. Биринчи мисра ҳаммага тушунарли. Тўғри, бунда фикр кўчма маънода қўлланилган. Кейинги мисрадаги *Умидимнинг муроди “сабил”* сўзи *йўл, имконият, восита* яна унинг *эгасиз, қаровсиз, хароб бўлган, аянчли, ачинарли аҳволга тушган* каби маъноларда ишлатилади. Туғилиб ўсган жойидан йироқда юриб, уни соғинганидан шоир тушқунликка тушганки, ҳатто унинг умид қилишга-да имкони йўқ. Умиди-да сўнган, аянчли, ачинарли аҳволга тушган. *Ёнаётган осмонга қараб, Қашқадайронинг қақрайди лаби...* ёнаётган, яъни осмон юлдузлар билан тўла бўлса ҳам осмонга қараб, ўз ўглининг бағрида эмаслигидан Қашқадайро

хам ўксиняпти. Икром Отамурод соғинч мисраларини ўз шеvasида, Қашқадарёнинг Қасби туманига хос шеваларда ифодалайди. Сўзларни эса ўзи истагандай, тасвир талабига мос равишда жойлаштиради.

*Канглум, ким ҳам сенинг ҳаддинг сиздирар,  
канглум, ким ҳам сенинг кўтарар роинг  
Биргина ўзингсан ўзингга ярар,  
Биргина ўзингсан ўзингга сойим...*

Энди мана шу мисраларни *кўнгил* деб ўқиб кўрайлик. Албатта, “кангул” ифодалаётган маънони бермайди. Шоира Қутлибека Раҳимбоева: “Унинг шеърятини “кангул” сиз тасаввур қилиб бўлмайди... Мен ҳар гал шоирнинг “кангул” манзараларини ўқир эканман, “кўнгил” сўзидаги кўн, муроса қил деган ундов Икром Отамуроднинг кўнгилга ўтирмаги учун “кангул” тарзида ишлатса керак деб ўйлайман. Чунки, жисм – кўнувчан, журъатсиз, у жисмоний оғриқни тез ҳис этади. Қаршилиги тез синади. Аммо кангулда кўникмаслик, қаршилиқ, яшовчанлик мужассам”<sup>3</sup>, – дейди. Худди шу маънода шоир: “Мен кўнгил сўзининг маъно кўламини тор деб ўйлайман. Менга бу сўз торлик қилади, мен излаган маънони бермайди, бу сўздан қониқмайман. Агар “кангул” деб айтсам, таскин топаман. Излаганимни топандай севиниб кетаман”, – дейди. Кўнгил – бу мақаддас макон. Унда раҳмат ҳам, меҳнат, миннат, қўйинги, дунёдаги жамики яхшилиқ ва ёмонликларларнинг бари мужассам бўлиши мумкин. Энди ўзингиз ўйланг, ижодкор қандай қилиб шунча маънони “кўнгил” сўзига жойлай олади?

*Боринг ҳам канглунгда,  
Зоринг ҳам канглунгда.  
Етганинг ҳам канглунгда,  
Кетганинг ҳам канглунгда.  
Раҳматинг ҳам канглунгда,  
Лаънатинг ҳам канглунгда.  
Кариминг ҳам канглунгда,  
Яриминг ҳам канглунгда...*

Чин шоир ҳамма кўриб, билиб турган ҳолатни тамомила ўзгача тасаввур қила билади дейдилар. Яъники, уларнинг учинчи кўзи – қалб кўзи очиқ бўлади. Улар оламни, ундаги барча нарсаларни ўша қалб кўзи билан кўради. Айтишларича, инсон бу ёруғ оламга келганида унга учта кўз берилар экан. Кейинчалик учинчи кўз, қалб кўзи йўқолиб борар экан. Фақат шоирлардагина, ижодкорлардагина сақланиб қоларкан. Кўнгилга разм солиш, кўнгилнинг туб-тубига кириб бориш, унинг барча кўчаларига кириш чин шоирлардагина насиб қиларкан. Икром Отамурод ҳам ўз номи билан “КАНГУЛ” шоиридир. Бунинг ёрқин исботи сифатида юқоридаги мисраларни кўришимиз мумкин. Ҳақиқатан ҳам, шоир қўллаган “кангул” сўзида ҳеч кимнинг мисраларида учрамайдиган, ҳеч бир ижодкорнинг мисраларидаги сўзга ўхшамаган янгротлик, алоҳидалик бор.

Маълумки, адабий тилда кам қўлланилувчи диалектизмлар, архаик ва тарихий сўзлар бадиий асарда давр колоритини, жой колоритини (рухини) бериш учун қўл келади. Ёзувчи ёки шоирнинг кам қўлланилувчи тарихий, архаик, шевага хос бўлган сўзларни қўллашидан мақсади давр, жой, ҳудудга тааллуқлилиқни кўрсатиш билан бирга ўқувчининг воқеликдагига, ҳаётини ҳақиқатга мос тасаввур қилишига ёрдам бе-

<sup>3</sup> Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2001 й. 4 май.



ришдир. “Икром Отамурод сўзни товлантиришни ёктирадиган ва бу ишни уддасидан чиқадиган шоир. Баъзан бу ҳолат айримларга сўзни зўрлаш, унга зуғум қилишдай туюлиши мумкин. Лекин шоир сўзни жуда нозик ҳис қилибгина қолмай, унинг маъно катламларидаги айирмалар ва тадрижий ўзгаришларни ҳам яхши билади. Икром шерьий сўзга даҳлсиз хилқат деб қарайди. Уни иш қуроли санайди. Сўзларни ўзига хос тарзда, тасвир талабига қўра истагандай ишлатади”, – дейди Қозокбой Йўлдошев.

*Армон, сенга ўтин бўлдим,  
ўтингда кўйдим –  
азобингга тутдим дилимни.  
Армон, сувратингни дилимга ўйдим –  
ранглارнинг юраги тилинди.  
Мен – томирингда қувраган увала,  
қарогингдан узилган итоб.  
Ёмғирлар – кўкдан нураган гувала –  
руҳимга ёй тортади иштоб...*

*Қувраган увала* бу сўз авваллари кўп истеъмолда бўлган. Унинг маъноси “қуриган, қурукшаган” дегани. Ҳозирда эса жуда кам қўлланилади. Асосан, Қашқадарё шевасида, Қашқадарё сўзлашув услубида кўп ишлатилади. Икром Отамурод эса мана шу кам қўлланилаётган сўзларни адабиётга олиб кириб, унга яна қайтадан “жон” ато этипти. Ахир шоирнинг нияти ҳам айнан мана шу истеъмолдан чиқиб, аста-секин йўқолиб бораётган сўзларни тирилтиришдир. Буни у жуда кўп марта таъкидлайди. *Итоб* сўзи эса мумтоз адабиётимизда кўп учрайди, “таъна, маломат” деган маъноларни англатади. Балки унинг бундан бошқа, шоир етказмоқчи бўлган маънолари ҳам бордир.

*Шоҳи золим айлабон мулкин хароб,  
Тушди-ю қилди халойиққа итоб.*

(“Лисон ут-тайр”)

Золим шохнинг халойиққа қаҳр, ғазаб қилди деган маънони англаб олиш кийин эмас. Лекин Икром Отамурод *итоб* сўзининг Навоий ишлатган маъноларда эмас, балки улардан ташқари ҳам бошқа маъносини кидираётганга ўхшайди. Чунки, лирик қахрамон қандай қилиб армоннинг қароғ, қўз қорачигидан узилган қаҳр-ғазаби, маломати бўлиши мумкин? Шунинг учун агар сўзнинг фақат ўз маъносига эътибор қаратадиган бўлсак, ижодкор уқтирмоқчи бўлган маъноларни англамай қоламиз. Юқоридагиларни умумлаштириб қуйидагича хулосага келишимиз мумкин: сўзларни ўзи хоҳлаган тарзда қўллаб, лекин маънога салбий таъсир этмайдиган ҳолатда ишлатиш; сўз ва сўз шаклларини қофияга, вазнга мослаштириб, оҳангдорликни ошириш; тарихий ва эскирган сўзларни қайта жонлантириб, сўзлашув тилимизга, бадий адабиётимизга олиб кириш; шевага хос сўзларда, истеъмолда кам қўлланилувчи сўзларни асарлари орқали маъносини очиб бериш унинг ўзига хослигини кўрсатади. Биз мана шундай ижодий мувоффақиятларга эришаётган шоир ижодига омадлар тилаймиз.





Саваш ЕЛЎҚ

## ОЗОД КЎНГИЛ ҲИКОЯСИ

Замонавий ўзбек ҳикоячилиги бугунгача бир нечта хронологик ҳамда поэтик боскичларни босиб ўтган бўлса, буларнинг орасида ўзининг бадий тасвир усули ва қаҳрамонлар табиати нуктаи назаридан алоҳида ажралиб тарадиган боскич мустақиллик даври ҳикоячилигидир. Мустақиллик даври ўзбек ҳикоячилиги бадий сюжет, композиция, услуб янгиланишлари билан бир қаторда психологик тасвир борасида ҳам салмоқли ютуқларга эришди. Бу борада Эркин Аъзам, Аҳмад Аъзам, Шойим Бўтаев, Неъмат Арслон, Назар Эшонкул, Абдуқаюм Йўлдош, Зулфия Куролбой кизи, Лукмон Бўрихон, айниқса, Хуршид Дўстмуҳаммад ҳикояларини алоҳида таъкидлашни истардим.

Хуршид Дўстмуҳаммад яқинда нашр этилган бир илмий мақоласида ҳикоя жанри ҳақидаги анъанавий қарашларга нисбатан шундай муносабат билдиради: “Ихчамлик ҳикоянинг хос белгиси эканлиги тўғри, лекин унда қаҳрамон ҳаётидан фақат битта воқеанинг бўлиши, бу етмагандай сюжети содда бўлиши, ҳатто ихчам воқеа лўндагина ифодаланмоғи даркорлигини ҳазм қилиш кийин. Нима учун фақат битта воқеа? Нега энди сюжет содда бўлмоғи? Ва лўндагина ифодаланмоғи?.. Ҳар учала шартни тамомила инкор ва рад этган ҳикоялар оз эмас жаҳон адабиётида”.<sup>1</sup>

Ёзувчининг бундай кескин фикрларидан биз қандай хулоса чиқаришимиз керак? Демак, мустақиллик даври ўзбек ҳикоячилиги ўз бадий мезонларини яратиш йўлида изланмоқда. Ҳикоянинг анъанавий шаклларини, у ҳақдаги илмий қарашларни инкор этмоқда. Бу ҳолат фақатгина илмий ёки публицистик мақолаларда эмас (бу жойда Назар Эшонкул, Улугбек Ҳамдам, Исажон Султон, хусусан, Хуршид Дўстмуҳаммаднинг айрим мақолаларини назарда тутяпмиз – С.Е.), балки бевосита ҳикоя жанри бўйича кўзга ташланаётган бадий экспериментларда ҳам яққол кўринади. Аҳмад Аъзам, Шойим Бўтаев, Собир Ўнар, Абдуқаюм Йўлдош, Назар Эшонкул каби ўзбек ҳикоячиларининг кейинги даврларда ёзган ушбу жанрга мансуб асарларида фикримиз исботига хизмат қиладиган жиҳатлар талайгина.

Ўзбек ҳикоясидаги бунингдек мазмун ва шакл ўзгаришларининг, бир турк адабиётшуноси мустақил кузатувларига кўра, учта муҳим сабаби бор. Биринчи сабаб,

<sup>1</sup> Дўстмуҳаммад Х. Ҳикоянинг тақомил йўли / Сарчашма мавжлари. Мақолалар.-Т.: “MASHUR PRESS”, 2016.-Б. 164.

*Саваш ЕЛЎҚ – 1974 йилда туғилган. Ғози университети турк тили ва адабиёти бўлимини тамомлаган. Бир қатор илмий-адабий мақолалар ва бадий таржималар муаллифи. Ҳозирда ўзбек ҳикояларини таъқиқ этиши билан бирга уларни турк тилига таржима қилиб келмоқда. Чулпон, Абдулла Қаҳҳор, Шукӯр Холмирзаев каби ёзувчиларнинг ҳикояларини турк тилига таржима қилган.*

мустақиллик даврига келиб, ўзбек адабиётида ёзувчи шахсияти, дунёкарашининг тубдан янгиланганлиги; иккинчи сабаб, ҳикоя прототиpleri бўлган ўзбек кишилари ҳамда ХХI аср ўзбек халқи турмуш тарзи, жамиятдаги маънавий, психологик ҳолат-вазйатнинг ўзгариши; учинчи сабаб, адабий таъсир натижасида ҳикоя жанри спецификасининг янгилана бориши. Биз бу жиҳатларни юқорида саналган нисбатан янги фикрли ёзувчи шахсиятларининг барчасида кузатамиз. Профессор Умарали Норматовнинг қуйидаги фикрлари фикримизни янада кенгайтиради ва тўлдиради: “Уч йилдирки, “Жаҳон адабиёти” журналида “Жаҳонга бўйлашиб” адабий минбари орқали бир қатор ўзбек адибларининг шеърий, насрий асарлари эълон этилди, жумладан, Абдуқаном Йўлдошнинг “Пуанкаре” ҳикояси кенг адабий жамоатчилик эътиборини ўзига жалб этди. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси мунтазам тарзда жаҳон адабиёти дурдоналари янгилекларини ёритиб бораёттир. “Китоб дунёси” газетаси эса миллий адабиётимиз янгилеклари билан ёнма-ён жаҳон адабиёти машҳур намоёндалари бисотидан намуналар бериб боришни одат тусига айлантирган. Айниқса, жаҳонга машҳур ҳикояларнинг авваллари бўлгани каби асосан русчадан эмас, бевосита аслиятдан – инглиз, испан, немис, француз каби етакчи тиллардан таржима қилинаётганлиги диққатга сазовор”<sup>2</sup>.

Ўзбек ҳикоячилигидаги шакл-мазмун янгиланишлари, жаҳон ҳикоячилигига яқинлашуви, айниқса, бугун кўзга ташланаётган поэтик экспериментлар ҳақида гапирганда, биринчи навбатда, Хуршид Дўстмуҳаммад ижоди олдинги планга чиқади. “Ўтган чорак аср давомида, – деб ёзади адабиётшунос Баҳодир Карим. – Ўнлаб, юзлаб ҳикоялар матбуотда ва китоб ҳолида чиқди. Эса қоладиганлари, бугунги ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришлар, одамлар руҳиятидаги зиддиятларни тасвирлаганлари ҳам етарли. Эркин Аъзамнинг “Ступка” номи “ўйин”ли, “Ёзувчи” деган жиддий ҳикоялари босилди. Аҳмад Аъзамнинг “Кўп ишни қилиб кўрдим, турли юмушга қўл урдим. Лекин ҳеч бири ёзишга, ёзиш берадиган машаққатли завққа тенг келолмайди”, деган бир гапини ўқидим. Ижод завқига монанд фаоллашган адиб “Тикин”, “Нима қилиб қўйган эканман”, “Кулф тили” каби яхши ҳикоялар ёзди. Хуршид Дўстмуҳаммаднинг “Шабада”, “Қичкирик” каби ҳикоялари адабий жамоатчилик эътиборини тортди”<sup>3</sup>.

Ҳақиқатан ҳам, Хуршид Дўстмуҳаммад ўзининг илк ижодий фаолиятдан бошлаб, қатор бадий экспериментларни муваффақиятли тарзда амалга ошириб келмоқда. “Жажман” ҳикоясидаги жаҳоний мифологик руҳ, “Ибн Муғанний” ҳикоясидаги нозик психоаналитик таҳлил, “Қичкирик” ҳикоясидаги миллият билан тўйинган бадий рамзлаштириш усули ёзувчи ижодининг бадий жиҳатдан ўзга ҳикоячиларга ўхшамаслигидан далолат беради. “Жимжитхонага йўл”, менимча, ўзбек адабиёти тарихида биринчи насрий назира ҳисобланади. Италиялик ёзувчи Дино Буццатининг “Етти қават” ҳикояси Хуршид Дўстмуҳаммад бадий тафаккуридаги шарқона қамров, ўзбекона маънавият, фалсафа талқини поэтик жиҳатдан юксак поғонага қўтарилган. “Ёшлик” журналининг 2017 йил 2-сонидан эълон қилинган “Эрта баҳор” ҳикояси ҳам ёзувчи Хуршид Дўстмуҳаммад насрий ижодидаги ўзига хос бир чўкки, ютуқ дейишга асос беради.

Ҳикоянинг янгилиги ва ўзига хослиги шундаки, унда тасвирланган воқеа-сюжет ҳар йили, ҳар қандай миллатга мансуб, ҳар қандай киши ҳаётида рўй бериб турибди ёки рўй бериши мумкин. Худди шу жиҳати билан “Эрта баҳор” ҳикояси

<sup>2</sup> Норматов У. Жаҳонга бўйлашиб / Сарчашма мавжлари. Мақолалар.-Т.: “MASHUR PRESS”, 2016.-Б. 78-79.

<sup>3</sup> Карим Б. Муъжаз хазиналар сирини ёхуд ҳозирги ёшлар ҳикоячилигига бир назар / Сарчашма мавжлари. Мақолалар.-Т.: “MASHUR PRESS”, 2016.-Б. 306.

жаҳоний, умумбашарий аҳамиятга эга. “Эрта баҳор”, бир сўз билан айтганда, киш бўйи диккинафас уйда зериккан ва ниҳоят, баҳор ташрифи туфайли “озодлик”ка чиққан, ўз озодлигидан бироз хавотир, бироз кўркув, бироз шубҳа, бироз завк туяётган инсон кўнгли ҳақида. Асар қаҳрамонига қўйилган исм ҳам, ҳикоянинг асосий сюжети каби, куюк рамзга йўғрилган. Қаҳрамоннинг исми оддий исмлардан эмас. Мукамал, нозик ва, ўз навбатида рамзий исм – “Ромиз шоир”. Ромиз шоирнинг вокеликни идроклаш, ўзи идроклаган дунёни тассаввур ва баён қилиш усули ҳам ўзига хос, бошқа биронта қаҳрамонга ўхшамайди. Ромиз шоир диккинафас киш бўғувидан қутулиб, ниҳоят боққа етиб келади. Ҳикоя шу билан бошланади: “Ромиз шоир жуда-жуда соғинганди боғни. Соғиниш ҳам гапми, боғни унутиб юборгандек эди, назарида. Унутиш ҳам гапми, батамом оқибатсизлик йўлига ўтган-у, мана, кўз-кўзга тушганда хижолат ўтида ёнаётгандек, изза бўлаётгандек, истихола ўтида қоврилаётгандек эди”.<sup>4</sup> Туркийларнинг классик адабиётидаги ружуъ санъати руҳида тузилган ушбу мухташам жумлалардан аён бўладики, Ромиз шоир эрта баҳорда талпиниб, судралиб, ичкикиб, ошиқиб етиб келган боғ, аслида, кўнгил озодлигининг рамзий ифодасидир. Қаҳрамон бу туйғуни анча муддат унутган, унутиш асносида яшашга ўрганмоқни тану жони учун хавфсиз, хотиржам турмуш тарзининг гарови деган фикрга кўникаётган. Аммо шундай маҳбусона туйғулар катида пинҳон озодлик ҳақидаги хотиралар қаҳрамонни яна ўз аслига қайтарган: “Уй-жойи, бола-чақаси бағрида, хизматида бориб-келиб турди. Лекин юраги сиқилди, фақат нега, нимадан сиқилди, не ҳасратларда бу қадар қисинди – ўзи ҳам билмади, тагига етолмади, тайинли жавоб топмади. *Худди барча тушуниксиз дилхунликлари фақат ва фақат дала ҳовли васлига, дийдорига етсагина тарқайдигандек туюлаверди.* Боғ ҳовлиси тушларига кирди, ташида ҳам, уйғонгач, ўнгида ҳам ҳадемай баҳор келақолса, дея сабрсизланаверди...” (таъкид бизники – С.Е.).<sup>5</sup>

Мақсадига эришган, дала ҳовли дийдорига етган қаҳрамон ҳам сўзлаш услубида, ҳам ҳикоя сюжетининг умумий қурилишида ружуъ – ортга қайтиш усулидан унумли тарзда фойдаланади: “Қандайдир кўринмас-мавҳум куч унинг бу ният-маслагига етишмоқликка тўсқинлик қилиши муқаррардек *бот-бот кўр хавотирга тушиди...*” (таъкид бизники – С.Е.).<sup>6</sup> Бу билан бир тарафдан ҳикоя услуби билан классик туркий ғазалиёт услубини синтезлайди, иккинчидан, ҳикоялаш манерасида янгилик ясайди, учинчидан, ҳикоянинг қутилмаган, ўзига хос сюжет қурилишининг оригинал ташкилланишини таъминлайди. Энг муҳими, қаҳрамон психологиясини барча мураккабликлари билан психоаналитик тасвирлашга эришади. Бундай ютуқ, Хуршид Дўстмухаммаднинг юқорида келтирилган тадқиқотида қайд этилганидек, ҳикоя жанрига хос эмас, деган аънавий тушунчалар бор эди. Экспериментлардан ҳеч қачон чўчимаган Хуршид Дўстмухаммад ҳикоя жанри ҳақидаги мана шундай доғмастик қарашларни синдиришга муваффақ бўлди. Ҳикоя услуби, қаҳрамонлари тасвири, психологик талқин нуктаи назаридан худди шундай ўзгариш ва янгиланишлар ХХ аср турк ҳикоячилигида, айниқса, С.Илери ҳикояларида яққол кўзга ташланади. Бу жиҳат икки туркий тилли адабиёт вакили бадий дунёқароши, вокеликни бадий идрок этиши ва тасвирлашидаги муштаракликдан далолат беради.

Дарҳақиқат, ёзувчи Хуршид Дўстмухаммад мутахассислар билан бўлган суҳбатларидан бирида адабий образлар яратишда руҳий таҳлилнинг аҳамияти ҳақида шундай ёзади: “Фёдор Достоевскийда шундай гап бор: “Факт тугаб, мушоҳада-

<sup>4</sup> Дўстмухаммад Х. Эрта баҳор. Ҳикоя // Ёшлик, 2017. - №2. - Б. 11.

<sup>5</sup> Шу манба. - Б.11.

<sup>6</sup> Шу манба. - Б.11.

мулоҳаза бошланган жойда, бадий адабиёт бошланади”. Биздаги кўпгина асарлар мушоҳада бошланган жойда тугайди. Мен нима демокчиман? Инсонни ўрганиш – психология. Психология – таҳлил. Таҳлил кучайгани сайин адабиёт кўпроқ тош босади. Образларни мураккаб ҳолатларга солиб тадқиқ қилиш керак. Ёзувчи инсонни истаганча тадқиқ қилиши мумкин. Инсон психологияси тугамайдиган конга ўхшайди. Кимдир тадқиққа мойил бўлади, кимдир воқеага. Масалан, кўп детектив асарларда жараён кучли. Мени кўпроқ асар воқеаларининг тафсилоти эмас, ўша воқеаларнинг қахрамон қалби, шууридаги инъикоси кизиқтиради”<sup>7</sup>.

Хуллас, “Эрта баҳор” ҳикояси қахрамони дала ховли (рамзан озод кўнгли) оғушида турфа хаёллар суради, хилма-хил ғайриоддий ҳолатларни бошдан кечиради. Бу кўнгли дунёсига бошқа номлар, янги ва бир қадар бегона ҳолатлар, кечинма ва хулосалар кириб келади. Ромиз шоир – Ромиз Жўрага айлангунга қадар дала ховлига кириб келган Омад, Фарида, Зиёда образлари, менинг тушунишимча, худди Фаридулдин Атторнинг “Мантик ут-тайр” дostonидаги кушлар образидек, қахрамон кўнглидаги хислар ранг-баранглигини ифодалаб келади. Ҳикоянинг сўнгги сахнасида кириб келадиган: “...жингала сочлари сутдек оппоқ бетларига, тим қора кўзларига бирам ярашган, оқ, сарик, қизил гулли яп-янги ҳарир кўйлакча”ли қизалоқ кўнгли ва рух озодлигига рамзий ишора вазифасини бажаради. Матлаъ-жумлаларда ифодаланган вазият-ҳолат тасвири гўё қахрамонга оид озод кўнгли кўшигидек жаранглайди. Ромиз Жўранинг кўнгли ҳаловати ва руҳий озодликка етишганидан мужда беради:

– Ман-чи, сизга ширин овқат опкелдим, амаки...

Қизалоқ жарангдор овозда шундай деди-да, кўлидаги тугунчани Ромиз Жўрага узатди. Ромиз шоир журъатсизланиб тугунчани олишини ҳам, олмаслигини ҳам билолмай, ҳамон хайратлардан ҳушини йиғолмай аланглади.

Кўча кимсасиз, жимжит эди...”<sup>8</sup>

Кўринадики, Хуршид Дўстмуҳаммаднинг “Эрта баҳор” ҳикояси инсон кўнгли озодлиги ҳақидаги мухташам асардир.



## Ўшқ кўнли муфрoаи бир кимиёгур...

Алишер НАВОИЙ

<sup>7</sup> Дўстмуҳаммад Х. Мушоҳада бўлган жойда бадий адабиёт бўлади... (П.Кенжаева билан суҳбат) // Ўзбекистон матбуоти. 2007. 5-сон. –Б.33.

<sup>8</sup> Дўстмуҳаммад Х. Эрта баҳор. Ҳикоя // Ёшлик, 2017.-№2.-Б. 21.



**ХУМОЮН**

## **БОБУРИЙ МИНОРАЛАР**

Ҳиндистон сеҳру жозибаси билан қадим-қадимдан бутун дунё аҳлини оҳанрабодай ўзига тортиб келган мамлакат. Қадимги ҳинд эпослари, эртақ-афсоналари эллараро кезиб юради. Буни ўқиган, эшитган, кўрган ҳар қандай одам ҳинд заминига бир бор бўлса ҳам боришни орзу қилади.

Бундан йигирма йилча аввал, 1998 йили хизмат сафари боис афсонавий Ҳиндистон диёрига бориш бахти менга насиб этди. Мустақиллик шарофати билан хорижий давлатларга чиқиш бошланган ўша вақтларда биз бораётган ҳамма жойлар ҳам ҳайратга солар эди. Айниқса, Ҳиндистон! Дехлида ўтган бир ой ҳозиргидай ёдимда. Янги ва эски шаҳар, турли табақа вакиллари яшайдиган мавзелар, йўл ўртаси ёки четида ётган ва ҳеч кимга малол келмайдиган сигирлар, турли даврларда қурилган турфа иморатлар ва ҳар хил эътиқодли одамлар, митти маймунчалар...

Ҳали мен Ҳиндистонда Бобурийлар бунёд этган бинолар ҳақида тўлиқ маълумотга эга эмасдим. Албатта, ҳамма қатори дунёга машҳур, мўъжизавий Тожмаҳални билардим. Яна, ҳазрат Захириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” мемуари ва бошқа асарлари, Пиримқул Қодировнинг романлари маълум тасаввур берар эди. Аммо кўз билан кўрган бошқа экан. Амалиёт ўташ жойимиз Дехлида бўлиб, бу шаҳардан Аграга қадар икки юз чақирим атрофида машинада борилар экан... Ҳиндистонда бўлиб, Тожмаҳални кўрмай қайтиш эса – бу мамлакатда бўлмади деган гап!

Бир кунга белгиланган сайёҳлик йўналиши бўйлаб айланадиган автобусда Агра сари йўл олдим. Менинг кўнглимда фақат Тожмаҳални кўриш истаги бор эди ва бу саёҳатдан бошқа мўъжиза кутмаган эдим.

Аграга борадиган автомобиль йўли жуда ҳам тор ва ердан юкори кўтариб қурилгани учун икки чети очиклигидан хавфли кўринарди. Йўл-йўлакай кишлоқ ва ўрмонларни томоша қилиб борар эканман, ҳинд халқининг оддий турмуш тарзи, кишлоқлари, табиатининг мўъжизалари менга ғоят қизиқарли туюлди.

Саёҳатимнинг биринчи манзили Дехли шаҳридаги Хумоюншоҳ мақбараси

---

*ХУМОЮН – 1964 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) ўзбек филологияси факультетини тамомлаган. Унинг “Юракдаги рангин камалак”, “Унутилган гул”, “Дилхирож”, “Кўнглим гули”, “Ёшлик бекати”, “Туйғулар рақси”, “Интиҳосиз навалар” китоблари нашр қилинган. Ижодкор Перси Биши Шелли, Александр Пушкин, Жеймс Жойс, Рефьярд Киплинг асарларини ўзбек тилига таржима қилган.*

бўлди. Мен учун қутилмаган янгилик, қалбимга ҳайратлар бағишлаган манзил... Қизил мрамардан Тожмаҳалга монанд лойихада бунёд этилган муҳташам макбаранинг агрофи боғ, ям-яшил майсазор. Келаётган зиёратчи ва сайёҳларнинг ҳисоби йўқ. Макбара худудига киришда инглиз тилида мрамар лавҳга Хумоюншоҳ исми ва макбара қурилган сана битилган. Муҳташам макбарани зиёрат қилар эканман, ўзимни Самарқандда юргандай ҳис этдим. Шу лаҳзаларда боболаримизнинг Ҳинд заминида бунёд этган муҳташам иморатлари билан фахрландим. Ахир менинг бу макбара ҳақида умуман тасаввурим ҳам йўқ эди-да!

Ҳазрат Заҳириддин Муҳаммад Бобур тарбиясини олган Хумоюншоҳ ҳам адолатли шоҳ ва шоир сифатида тарихда қолган. Унинг қандай дилбар инсон бўлганини Гулбаданбегимнинг “Хумоюннома”сини ўқиб, кўз олдингизга келтиришингиз мумкин. Биринчи макбарани кўриб, менда бу бино Андижонда ёки Самарқандда қурилиши мумкин эди-ку, деган фикр уйғонган бўлса, Тожмаҳални кўрганда изтироб қалбимни ўртади.

Саёҳатимиз давом этди. Йўл-йўлакай турли динларга оид ибодатхоналар билан танишиб, ниҳоят Тожмаҳалга етиб бордик. Муҳаббат қасри дунё мўъжизаларидан бири сифатида эътироф этилганича бор экан. Шоҳжаҳон ва Мумтозмаҳал қабрини зиёрат қилиб, ҳовуч-ҳовуч чиннигул сочар эканми, бу лаҳзалар ғоят қадри ва унутилмаслигини ҳозир ҳам ўша вақтдагидай ҳис этаман. Ҳа, дунёни ҳайратга солган бу иморатларни Андижонда таваллуд топган Заҳириддин Муҳаммад Бобур бобомизнинг авлодлари қурган эди-да!

Жамна дарёси пойини ўпиб оқаётган оппоқ, шаффоф мрамардан қурилган Тожмаҳал деворларига араб имлосида муқаддас Куръон оятлари битилган. Бошловчи шу ердан туриб кўз илғар даражада жойлашган яна бир қаср – Акбаршоҳ дафн этилган Қизил қалъани кўрсатди ва кейин ўша томонга йўл олдик. Бу энди менинг ҳайратимни янада оширди. Қалъага кириш дарвозаси ва атрофи баланд мрамар девор билан ўралган. Бухоро Арки ёки Хоразмдаги Ичан қалъага ўхшаб кетади. Фақат Қизил қалъа девори бўйлаб ташқарида чуқур хандақ қазилган, сувга тўлатилган ва қалъага кўтарма кўприк орқали катта дарвозадан кирилади.

Оламга машҳур Тожмаҳал, Хумоюн макбараси, буюқ Акбаршоҳ дафн этилган Қизил қалъа таассуротлари тарихга, дунёга қарашимни ўзгартириб юборди. Ахир бу ерда Андижонда қурилиши мумкин бўлган саройлар бунёд этилган эди-да! Тарихнинг ғаройиб саҳифалари. Бобурийлар бунёд этган бири биридан гўзал бинолар Ҳиндистондаги бошқа иморатлардан ўзгача салобати, кўркамлиги, озодалиги билан ажралиб туради, уларнинг деворларидаги эски ёзувимиздаги битиклар кўнгилда ажиб бир орзиқиш уйғотади. Уч юз ўттиз йилдан ортиқ ҳукм сурган Бобурийлар салтанатининг шуқуҳли йўлини чин дилдан ҳис этдим.

Биринчи марта Ватандан олисда кўп вақт юриш, юрт соғинчи, турмуш тарзидаги тафовутлар уйга қайтиш истагимни кучайтирган эди, боболаримиз тиклаган мангу обидалар бу соғинч изтиробини босгандай бўлди.

Бу сафарда мен Ҳиндистонни эмас, балки ўзимизни, боболаримизнинг улуғлигини, уларнинг дунё тамаддунига қўшган бебаҳо ҳиссасини, башариятга қолдирган бебаҳо меросини кашф этдим.

Саёҳатимиз якунланиб Дехлига қайтгач, “Ашока палас” меҳмонхонасида “Андижонда қурилмаган миноралар” номли шеър бир лаҳзада қоғозга тушиди, чунки бу шеър йўлда, автобусда келаётганимиздаёқ хаёлимда яралган эди:

*Бобур Мирзо, олий ҳазрат, сиздай зотга  
Беркитдилар ота юртининг дарвозасин.  
Бир тахт кетди, бир бахт кетди шунда ётга,  
Бахтсиз, тахтсиз Ватан қолди, овозасиз.*

*Мирзосини тан олмаган бечоралар,  
Андижонда қуролмади миноралар.*

*Ҳинд юртининг осмонига согинч-тўлган,  
Қушлар бўлиб кўрингайдир боққан маҳал.  
Жамна мрамар пойларини ўпганда ҳам,  
Андижондан хабар қутар Мумтозмаҳал.*

*Согинчлари юрагимни минг поралар –  
Андижонда қурилмаган миноралар.*

*Бири Агра, бири Деҳли, бири Лоҳур  
Самолари узра боқар олисларга.  
Бобурийлар руҳи ила обод турур,  
Хабарлашиб, йўл кўрсатур юлдузларга.*

*Бобурийлар кимлигини сўзлаб турар,  
Андижонда қурилмаган миноралар.*

*Кимдир мўғил, кимдир ўзбек, ким турк атар,  
Ўз юртига сизмаган ул мирзоларни.  
Тарих мисли дарё оқар, ўтар, кетар,  
Тузатарми энди ўшал хатоларни?!*

*Боғишамол сари, мана, юрт оралар,  
Андижонга қайтаётган миноралар...*

Аммо, орадан йигирма йил ўтгач, ҳозир бу борадаги фикрларим ўзгачарок. Бобурийларимиз бунёд этган бинолар нафақат Ҳиндистонда, балки дунёнинг бошқа мамлакатларида ҳам қад ростлаб, бизнинг ким эканимизни сўзлаб турибди.

Таъбир жоиз бўлса, бу саройлар, мадраса, макбаралар муҳташам, бетакрор бинолигидан кўра ҳам каттарок мўъжизадир. Буни таърифлаш кийин. Маънавият, адабиёт, тарих мўъжизасига монанд буюк ҳодиса! Мен дунёнинг барча ҳудудларида биз билган ва билмаган шундай мўъжизаларимиз борлиги билан фахрланаман...

## “БИР ЮРАК ЁНМИШ, ЁРОНЛАР!”



Баходир РАҲМОНОВ

Андижонлик шоира Хуршиданинг биринчи шеърий китоби 1998 йилда чоп этилган эди. Илк бор қўлимга олиб очмасимданоқ китобнинг номи кутилмаганда юрагимга бир титроқ солганди, ўшанда. “Сизгагай жисмим жаҳонга” – жуда оғир ном. Бу номга муносиб шеърлар бўлиши учун, номнинг залворли юкини кўтариш учун шоиранинг юрагида қанча-қанча дардлар бўлиши керак. Дард бўлганда ҳам кундалик ғам-ташвишлардан туғилган шунчаки ўткинчи дард эмас, балки инсон ва замин, ақл ва руҳият зиддиятларидан зада юракнинг дарди. Агар шундай бўлса бу юрак билан яшашнинг ўзи оғир қисмат-ку. Китобнинг муқовасига ишланган расмда ҳам (муаллифнинг ўзи чизган) мураккаб руҳий ҳолат тасвирланган. Лирик қахрамон нигоҳи нақадар ўйчан ва дардли. Кўкка талпинаётган кушлар дардли руҳнинг изтиробларини, риёзатларини рамзий ифода этмаяптими. Яшил рангнинг танлангани-чи! Мана шундай ўйлар билан китобни очдим. Биринчи шеър:

*Бу на туйғудир, кўнгилини бир ажиб ҳол ўртагай,  
Бу на кўнгул, соҳибин қаддин этиб дол, ўртагай...*

Англадим, жуда тез англадим. Мана шоиранинг руҳий дунёси. Бу дунё заминдан юксакроқ. Бу дунёда доимо талпиниш бор, риёзат бор. Бу дунёда кушлар каби доимо кўкка қанот қоқиш керак. Бу дунёнинг манзили узок... шеър шундай яқунланади:

*Кўп алам кўрган кўнгул шояд газал гулзорида,  
Очилур гул-гул, дебон ҳайронаю лол, ўртагай.*

Шеърятга дардли кўнгил билан кириб келишда хосият кўп. Чунки дарддан эзулик туғилади, эзулик эса шеърятнинг қони. Назм гулзорида гул-гул очилмоқ орзуси ўртаган шоиранинг “Алдамчи тонглар”, “Изҳор”, “Тажалли” номли шеърий тўпламлари, ниҳоят, 2012 йилда “Самойнур” номи билан сайланма китоби

*Баходир РАҲМОНОВ – филология фанлари номзоди, доцент. 1960 йилда туғилган. Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ) филология факультетини тамомлаган. “Ўзбек адабий танқидчилиги”, “Ғарб адабий танқидий тафаккури тарихи очерклари” (проф. Дилмурод Қуронов билан ҳаммуаллифликда), “Муқаддасдир шоир деган ном”, “Ойга яқин юлдузлар”, “Вафо қисмати”, “Фурс тароналари”, “Ҳаётимсиз одамлар” номли китоблар ва 100 дан зиёд илмий, аммабон мақолалар муаллифи.*



шеърят шайдолари ҳукмига ҳавола этилди. Қувонарлиси шуки, унинг шеърлари етакчи ижодкорлар ва адабиётшунослар томонидан ижобий баҳоланди. Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Абдулла Орипов ёзади: “Шеърни кўнгил иши, деганлар нечоғлик ҳақ эканлигини Хуршиданинг шеърларини ўқиганда англайсиз. Чунки кўнгил инсоннинг кўксигади шох - унинг амри вожиб, бажарилиши шарт ва уни адо этмаганлик учун баҳона-ю сабаблар инобатга ўтмайди. Зотан, Хуршиданинг ҳар мисраси юракдан яшашга фатво олиб яралгандай”. Ҳақиқатан ҳам Хуршида кўнгил буюрганини ёзади. Лекин бу кўнгил юқорида кайд этганимиздек, ўртанаётган кўнгил – ажиб бир ҳол, ҳар субҳи висол ўртаётган кўнгил. Яъни ишқ ўртаётган кўнгил. Бу ишққа мубтало кўнгил энди вужудга сиғмайди, вужуд эса жаҳонга. Фақат руҳ кенгликлариди яшай олади ва ўша маъвода шеър туғилади: “Сиғмагай жисмим жаҳонга...” Кимлардир хайратланди бундан:

– Сен Ишқ ҳақида шеър ёздинг!

– Ҳа, ёздим!

– Ой висолин орзу этдинг!

– Тонмайман!

– Ҳисларинг ортидан дунёдан чиқдинг!

– Бу руҳинг иши!

*Тутқин эди жисм вафога, жон эса руҳга*

*Анголмаслар ҳислар илоҳиётин умидландилар!*

*Қочдим. Паноҳ излаб топганим шу шеър!*

*Эришганим – висол – шеърларим, холос!*

Демак, шоир учун шеър – паноҳ, қолаверса, висол.

Чинакам ишқ соҳибларида бир улуғ фазилат бор. Ўзи суйиб интилаётган Ёрига бошқаларнинг ҳам интилишини хоҳлайди. Ишқи ҳақиқий бўлишига ундайди. Унинг учун ракибу ағёр йўк. Фикримизнинг исботи сифатида тарихдан бир мисол: Ислом дунёсида Робия ал-Адавия номи анча машҳур. Чунки бу аёлнинг тақдири илоҳий ишқ билан боғлиқлиги учун ҳам тилдан-тилга ўтиб инсонларни хайратлантириб келмоқда. “Ривоят қилишларича, бир куни Робия бир қўлида бир челақ сув, иккинчи қўлида ёниб турган машғала кўтарганча Басра кўчаларидан югуриб ўтаётган экан. Йўловчилар хайрон бўлиб ундан сўрашибди:

- Бунчалар шошилиб қаерларга йўл тутдинг, эй Робия?

Робия қўлидаги челаққа ишора қилибди:

- Дўзахдаги ўтни ўчирмоқчиман.

Йўловчилар ёқаларини тутиб, “астағфируллоҳ” деганча, сўрашибди:

- У ҳолда қўлингдаги машғала нечун?

- Бу машғала билан жаннатга ўт қўймоқчиман.

Йўловчиларнинг юзларидан қони қочиб кичкиришибди:

- Аллоҳдан мағфират сўраб илтижо қил, эй бадбахт аёл, акс ҳолда қофир қавмлардан бўлиб қоласан.

- Йўк, сизлар мени нотўғри тушундинглар. Мен қофир эмасман, Аллоҳ таоло билан бандалар ўртасидаги бу икки пардани йўқотмоқчиман холос, токим бандалар Аллоҳ таолога дўзах ўтларида қуйишдан қўрққанликлари ёки жаннат иқболидан умидворлиги учун эмас, балки Унинг Аллоҳ эканлиги, Биру Борлиги ва боқий гўзаллиги учун ибодат қилсинлар.”

Бу ривоятни келтиришимиздан мақсад нима. Шоира ижодига қандай боғлиқлик жиҳатлари бор. Аввало шуки, у – аёл. Иккинчидан эса, умрини ҳақиқий ишққа

бахшида этган зот. Ниҳоят, инсонлар қалбида пок ишқ уйғотишдек эзгу ишга чоғланган. Шеърятнинг вазифаси ҳам инсонлар қалбига эзгулик уруғларини сепиш эмасми! Ҳар бир ижодкор қалби эса ўша эзгулик уруғларининг униб чиқишига тайёр бўлган заминдир. Бу замин ҳосил бериб, ниҳоят, уруғ боғлаб кейинги авлодларга саралаб этказиши керак. Бу ижодкорнинг бурчи.

Хуршиданинг қалбидаги пок ишқ ва унинг ижодий ҳаракатлари Робия чоғланишларига ўхшаб кетади. Қолаверса, ижодда адабий анъананинг таъсири муҳим ва аҳамиятли – дунёқараш ва шаклланиш учун ҳам. Шу жиҳатдан олганда Хуршиданинг ижодида Моҳларойим Нодиранинг таъсири кўпроқ сезилиб туради. “Қуйиб, эй Нодира, олам элига муҳаббат шевасин ошкор эт”, деган шоира ўз ижодида мажозий ишқни илоҳий ишқ билан уйғунликда куйлаган ва бу билан Яссавий, Баҳовуддин Нақшбанд, Зебуннисо ва Машраблар таъсирини ўзида мужассамлаштирган. Айниқса, унинг “Эҳтиёж” радифли ғазалида ҳақиқий ишқ ўртаётган қалбнинг эҳтиёжлари юксак бадиий ифодасини топган. Хуршиданинг айнан шу ғазалга муҳаммас боғлашида ҳам қалбан ва руҳан яқинликни сезиш мумкин.

*Ўтмагай гам, тун ўтар, кун ўтгуси,  
Оҳ чексам Арига ўт кетгуси,  
Билки, фурсат кутмагай, тарк этгуси,  
Бир тараҳҳум зоҳир этсанг нетгуси,  
Қилди ҳуснингга мени зор эҳтиёж.*

Гап ҳақиқий ишқ ҳақида кетар экан, арабларнинг бир мақолини қайд этиш жоиз: “Муҳаббат Худо ёккан оловдир”. Демак, бу оловда ёниб “Мазҳаби парвона”га айлана олганларгина ҳақиқий ишқ йўлини тутганлардир. Хуршида шеърларининг лирик қаҳрамонини ҳам фақат ёнишда кўрамит. “Юрак ўтдан яралган бўлса, Ёнмай ахир нима қилайин?” – дейди у. Бошқа бир жойда ёзади: “Самандар зотидин Хуршида равҳ айлар олов ичра”.

Самандар – ўтдан пайдо бўладиган ва ўтда яшайдиган афсонавий қуш. Равҳ – яшаш. Демак, лирик қаҳрамон ўзининг ўтдан пайдо бўлганлар қавмиданлигини ва олов ичра яшашини ифодалаяпти, яъни ишқ олови азоблари унинг учун қисмат.

Лирик қаҳрамоннинг яшаш шарт, фарёди, ишқ ўти ва камоли – мана шу қисмат билан боғлиқ. Шунинг учун ҳам у ўз мақсадида қатъий, журъатли. Шунинг учун ҳам сўзи кескир:

*Келиб жон сўрса Азроил, назар этмай уволени,  
Қўюрман шарт, кўрсат аввало ёрим жамолини.*

*Ўйилган дилда исмингни ўқибон Мункару Накир,  
Кетур қайтиб, этиб шафқат, беролмай бир саволини.*

*Магар фарёд қилсам Арига жабру жафоингдан,  
Юборгай мен томон Ҳақ, дил – танинг ёллаб шамолини.*

*Қуёш миллиард йил ўтгач ёқай деб келса ер шарин,  
Топур хоким уза ишқим ўтидин ўз заволини.*

*Ки Маҳшар тонги Хуршида гуноҳи ишқи- чун сенга,  
Дадил дўзах сари бормогида топгай камолини!?*

Лирик кахрамон ишқда бу қадар олий мақсад сари юз бурган экан, унинг бандасига бўлган меҳр-муҳаббатидан чўғ олганлигини ҳисобга олсак, дунёвий-илоҳий ишқ уйғунлигини кўрамиз. У бу дунё муҳаббатида ҳам барча азобларга рози ва сабрли:

*"Сендан ранжимамайман,  
фақат дунёда  
тирик эканингни билиб турсам бас!.."*

*"Майли,  
Бераверинг озорми, ситам,  
Мен – сабр элининг фуқаросига.  
Минг соғинч, меҳр ила суртгум жабрингиз  
Кўзгинамнинг оқи ҳам қаросига..."*

Ижод меҳр-муҳаббат маҳсули. Хуршиданиннг меҳр-муҳаббати ҳам чексиз: Ватанига, халқига, кўхна тарихга, адабиётга, ота-онасига, жигарбандларига, ёру дўстларига. Бу унинг хаёт ва ижод мундарижаси. Биз эса шоира ижодининг чексиз уфқларига бир назар ташладик ва ундан биргина жиҳатига тўхталдик, холос.

Хулоса шуки, ижодкор адабиёт майдонида ўз юраги, ўз дунёси билан кириши керак. Хуршида ана шундай ижодкорлардан. Унинг шоирлик бахту қувончи ҳам, дардли қисмати ҳам қуйидаги биргина жумласида мужассамлангандай:

*"Бир юрак ёнмиш, ёронлар!"*



**Бўлаёси доно хушомаддан ўироқ,  
Марг ўўлига хушомаддир тузоқ.**

**ЧУСТИЙ**

## ҚАЙГУЛАР БАҒРИДА УЛҒАЙГАН ШОДЛИК



Маматқул ЖҶРАЕВ

Ўзбек халқи қадимдан меҳрибон, ўз дарди қолиб, ўзгалар дарди учун қуйиниб яшайдиган жонсарак халқ. Бу менталитетга хос хусусиятлар халқнинг оғзақи ижодидан тортиб, бадиий ижод маҳсулигача ўз аксини топган. Ўқтамоё Холдорованинг яқинда нашрдан чиққан (“Қамалақ” нашриёти, Тошкент, 2016 йил) “Меҳр гули” номли қисса ва ҳикоялари жамланган тўпламини ўқиган киши ўзининг олис болалигига, меҳрибон кадрдонлари, момоси ва жигаргўшалари бағрига қайтгандай ҳис қилади.

Тўпلامдан жой олган қиссаларни ўқир экансиз, замон ва макон фаразий эмас, аксинча воқеалар ўзингиз борган ёки билган, эшитган жойларда ривож топаётганини биласиз.

“Энам сабоқлари” қиссасида муаллиф бувиси билан кечган қунларни “беадок соғинч” билан қўмсайди, фурсат ўтиши билан ўзгариб, олдинги файзу тароватидан асар ҳам қолмаган ҳовлида энасини эслатиб тургувчи букчайган, афтодаҳол бир туп тут дарахти қошида сўнгсиз ҳаёлларга берилиб, “кадрдон бир туйғуни ҳис этмок илинжида” таскин ахтаради...

Қиссани ўқир эканмиз, беихтиёр кўз ўнгимизда ҳаётнинг аччиқ-чучугини татиган, сабру қаноат билан тақдирнинг ногаҳоний зарбаларига мардонавор дош берган, ҳаётининг ҳар бир дақиқасидан тириклик изини топа олган нуроний, заҳматқаш бир кампир қиёфаси намоеъ бўлади.

Муаллиф хотираларидан жонлантирган энаси Робия кампирнинг қалтис замонларда кечган ёшлигини, раҳмдиллиги баробарида ҳар юмушни “ҳафсала билан, санъат даражасида” бажаришга одатланганини (“Заҳматқашим энам”), қаҳатчилик йилларида бошидан кечирган азоб-уқубатларини (“Энамнинг ҳикоялари”), ҳар қандай шароитда ҳам Яратганга шукрона айтиб, ғанимат лаҳзалар қадрини англашга бўлган иштиёқини (“Пилла қурти”), “ёлғизқўл аҳволи билан қатта қилган” фарзандининг орзу-ҳавасини кўришдаги умидворлигини (“Тўй”), тадбиркорлиги боис, қийин, мураккаб вазиятларни енгиб ўтиш палласидаги жонбозликларини

*Маматқул ЖҶРАЕВ – фольклоришунослик фанлари доктори, профессор. 1956 йилда туғилган. Тошкент давлат университетини (ҳозирги ЎзМУ) тамамлаган. У фольклоришуносликка оид бир қанча китоблар муаллифи. Халқ озақи ижоди намуналари бўлган “Қиронхон” достони, “Наврўз тароналари”, “Икки кўнғил бир бўлса” (Ёр-ёрлар), “Қоши кўзи пилиқдай” (Келин саломлар)ни тўплаб нашр эттирган.*

ни (“Лойсувоқдаги тушлик”, “Чумчук кабоб”), ўтаётган вақт кадрига етиш учун огоҳликка даъватларини (“Дилбузар”), сўзга эътибори ҳамда ўлан айтишдаги тугма маҳоратини (“Энамнинг ўланлари”), ҳар ишда бош-кош бўлган ҳолда, ҳаётий тажрибаларига таяниб, ҳасталар дардига малҳам бўла олиш қобилиятини (“Табобат”), инсон зотига хос бўлган барча хислатларни ушоқдек вужуди ҳамда бепоён қалбига сингдириб, сиғдирилган ғамхўр, меҳрибон, мушфиқ, муштипар бир кўнгил манзарасини ҳаётий, жонли воқеалар тимсолида ёрқин гавдалантирган.

Тўпламдаги биргина “Эртақлар дунёси” бобида баён этилган воқеаларда қирғинбарот йилларининг маънавий фожиаси акс этган: “...Энамнинг кўлларига бирор марта китоб кўрмаганмиз. Шунинг учунми, ўзимизча “Энамнинг саводлари йўқ”, деб ишонардик.

Бир куни қизик воқеа бўлди. Танديرимиз эскириб, ярми тушиб кетган эди. Шунинг ўрнига яна тандир қурмоқчи бўлдик. Тандир тепасини энам укаларимга олдирилди, пастига келганда энам нима учундир пайсалга солиб:

– Бўлди, кеч бўлиб қолди, қолганини эртага қилармиз, – деб ишни тўхтатиб қўйди.

Ҳайрон бўлдик, нима учундир энамни биринчи маротаба жуда тушқун, кайфиятсиз ҳолатда кўриб, ажабландим.

Кечга яқин укаларим ухлаган паллада энам катта ўғил укам ва мени етаклаб, ҳовлимиз ёнбошидаги тандир бошига етаклаб бордилар. Энамнинг бир қўлида теша ва бир қўлида пилтачироқ бор эди...”

Сўнг тандининг пастки томони эҳтиёткорлик билан кўчириб ташланади. Қалин матоларга ўралган тугунларда кўмиб қўйилган китоблар бор эди: “У эскириб увадаси чиқиб кетган латталарни очаркан, пешонаси тиришиб, афт-ангорини ҳазинлик эгаллай бошлади. Ниҳоят, латталар ичидан увадаси чиқиб кетган аллақандай китобларни қўлига авайлаб олиб, ичини очмоқчи бўлди.

– Эна, булар нима? Китобларми? – дедим юрак ютиб.

– Ҳа, китоблар, ноёб китоблар! Эсиз, эсиз!!! – энамнинг кўзларида ёш йилтилади.

У ичидан тўлиқиб йиғларди. Биз “саводсиз” деб тусмоллаган энам китобларни очиб бутун қолган жойларини ўқиб, уларнинг қандай китоблар эканини айтиб берар эди.

– Бу “Қиссаи Машраб”, мана буниси “Ибн Сино табобатлари”, бу эса “Сўфи Оллоҳёр”, буниси “Аҳмад Яссавий ҳикматлари” экан...”

Бу воқеани ўқирканмиз, беихтиёр қатагон йилларида халқимиз, маънавиятимиз бошига ёғилган фожиаларни алам билан эслаймиз, “зулму адолатсизликларни кўравериш, зада бўлган юраги” ўрганган “саводсиз” алломаларимиз, ноҳақ жабр кўрган бегуноҳ жонлар, жонҳолатда тандининг тагига, чуқур ўраларга, паҳса деворлар орасига беркитилган, қабристонларга кўмилган ёхуд ёқиб юборилган қанчадан-қанча ноёб битиклар, маънавий бойликларимиз ҳаёлимизда жонланади...

Китобдан ўрин олган қиссалардан бири “Энам сабоқлари” деб номланиши ҳам бежиз эмас. Зеро, мактаблар, дорилфунунлардан ташқари яна бир илм даргоҳи борки, у, шубҳасиз, Ибрат сабоғидир. Китоблардан ўқиганимиз, оташин нутқлардан эшитганимиз – умумбашарий хислатлар, фазилатларни токи етук инсонлар тимсолида кўрмас ва улардан ибрат олмас эканмиз, биз ўрганган назарий билимлар муаллақлигича қолаверади. Яхши кишилар ҳаёти ва фаолияти, уларнинг ўрнак бўлишга арзигулик эзгу амаллари, одамий тамойилларининг ўзи – ўқиб-ўрганишимиз зарур бўлган жонли Сабоқ бўлиб, бу эзгу ҳодиса қамрови ва таъсири ҳеч қайси илму ирфондан қолишмайди... Муаллиф ана шу воқеалар тафсилотини жонли ва ишонарли тарзда очиб берган.

Тўпلامдаги “Ўлим – охири йўлмас” киссасида ўлим билан юзма-юз келган беморнинг ҳолати ишонарли баён этилган. Муаллиф ушбу кисса орқали бу дунёда эзгулик истаб яшаган жонлар учун у дунё кўрқинчли ёхуд охири манзил эмаслиги ҳамда руҳларнинг абадийлигига ишора қилади. Бу ишоранинг илдизи беҳад чуқур бўлиб, у бевосита қадимий ва умрбоқий хикматлар шажарасига бориб тақалгани билан ҳам қадрли, эътиборга лойиқдир.

Тўпладан ўрин олган “Тақдири азал” киссаси ҳам қутилмаган воқеалар, ҳолатларга бой. Қиссада тақдирдан қочиб қутулиш маҳол эканлиги, барча амалларимиз ниятларимизга яраша ҳодисалар билан уйқашлиги ҳақида батафсил сўз юритилиб, ҳар қаричи муқаддас саналган еримиз ичра янада муқаддасрок манзилу маъволар борлиги алоҳида таъкидланган. Ҳаётимиз турфа ҳодисалар қамровида ўтади. Барчамиз пешонамизга битилган азалий битиклар сўқмоғи орқали умр деб аталмиш гоҳ қиска, гоҳ узун, гоҳ беҳуда, гоҳ мазмунли йўлни босиб ўтарканмиз, қанчалик оғир бўлмасин, бу йўлнинг қақшатқич зарба ва синовларига бардош берган ҳолда, ҳар нечук тўсиқларни, ғамларни енгиб ўтиш, умримиз бўшлиқларини сабру таскинлар билан тўлдириш, бир сўз билан айтганда, тақдирга тан бериш – бурчимиз... Қиссадаги шиддатли воқеа ва ҳолатлар китобхонни ҳушёрликка, огоҳликка чорлайди.

Тўпلامдаги “Шол аёлнинг шодлиги”, “Ёнғоқ ўғриси”, “Буюрилмаган неъмат”, “Қимматга тушган кино”, “Ота насихати”, “Кушноч”, “Яшил дил орзулари” номли ҳикояларда ҳам жисмоний ногиронликдан маънавий мажруҳлик хатарли эканлиги, шодлик манзилига элтувчи жидду жаҳдлар ҳалоскорлиги, шубҳа, ўринсиз гумонларнинг эзгу туйғуларимиз қушандасига дўниб, шахсимизни нечоғлик емириши, Оллоҳ ато этган неъматга ношуқурликнинг аянчли оқибатлари, меҳр, муҳаббат, диёнат, ихлос сингари эзгу туйғулар, ҳислатлар ҳар қандай моддийликдан баланд, қушойишлар қалити эканлиги самимий, ҳолисона, ихчам тарзда баён этилган.

Ҳикоялардаги сюжет воқеаларининг қутилмаган тус олиши, тасодифий кечмишларга бойлиги, персонажлар қисматидаги ранг-баранг жараёнлар, мураккаб ҳолатлар ўқувчи эътиборини асар якунига қадар ушлаб тура олади.

“Меҳр гули” китобининг тарбиявий аҳамияти ҳам катта эканлигига, ўқувчининг маънавий ҳаётида эзгу из қолдиришига ишонамиз.



**Шавқати инсон эрур улму агаб.  
Эътибор бермас анга молу насаб.**

**Абдулла АВЛОНИЙ**

## Ёмғир – томирвойларга кўкламдан келган сова



Моҳидил  
АБДУЛЛАЕВА

### Эртақлар

Бор экану йўқ экан,  
Салом сизга эртақлар.  
Бобожоним айтгандек,  
Яхшиликка етақлар.

Дарди борларга даво –  
Эртақлар буюқ ҳақим.  
Бу гал ҳам қизик эртақ  
Айтар Қундуз амақим:

– Аълоҳонда кўрдимми  
Ака-ука Гримми?  
Айтмайман Кайни ўқиб  
Роса йиғлаганимми.

Антуанга қандайин  
Мактуб юбориш мумкин?  
Кичкина шахзодани  
Тушимда кўрдим бугун.

### Беш

Каминаю камтарин  
Тўрт сонининг ақаси.  
Танидингиз мен ўша  
Олтивойнинг уқаси.

Рақамлар салтанатин  
Гир айланиб кезай ман.  
Аълочи болаларнинг  
Қундалигин безайман.

Биласанми, не учун  
Анвар доим бахтиёр?  
Чунки, у зўр ўқувчи  
Дафтарда кўп беши бор.

Моҳидил АБДУЛЛАЕВА – 1998 йилда туғилган. Алишер Навоий номидаги Ўзбек тили ва адабиёти университети талабаси. Ёш ижодкорларнинг анъанавий Зомин семинари қатнашчиси.

## Совға

Табиат кайфияти  
Бугун бунчалар ёмон.  
Уйқудан кеч уйғонган  
Офтоб бобо, ассалом!

Шумтака шабада ҳам  
Сокинликни унутди.  
Қорни ёрилиб кетди  
Оппоккина булутнинг.

Заминга меҳмон бўлди  
Саможоннинг кўз ёши.  
Ёмғир синай бошлади  
Ўрик гули бардошин.

Ёмғирнинг томчиси ҳаёт –  
Майсалар дейди олга!  
Ёмғир – томирвойларга  
Кўклардан келган совға.



## Қалдирғоч

Кўш кайчи қанотларин  
Сермаб, кўшиқлар айтиб,  
Баҳорни бошлаб келар  
Яшариш, шодлик пайти.

Жой олар уй тўридан  
Хонадонга кирган он.  
Қош, кўзлари тим қора,  
Қалби оқ, азиз меҳмон.

Зулфира  
НЎЪМОНОВА

*Зулфира НЎЪМОНОВА – 1997 йилда туғилган. Алишер Навоий номидаги Ўзбек тили ва адабиёти университети биринчи босқич талабаси. “Осмоннинг фанори” номли ilk тўплами чоп этилган.*



## Ғаройиб гол

Жавлонни кўрдингизми,  
Пешанаси дўнг, ғурра?  
Шунданми, шишиб кетган  
Дейсиз, нақ кўм-кўк ғўра?

Сабаби, у тушида  
Ўйнабди роса футбол.  
Ҳатто, ғолиб бўлибди  
Боши билан уриб гол.

## Туя

Кўш ўрқачинг, туяжон,  
Ўхшар икки адирга.  
Бардош эрур йўлдошинг,  
Сен билан доим бирга.

Сахроларда, ҳаттоки,  
Саманлардан ўзасан.  
Янтоқ керак бўлганда  
Бўйларингни чўзасан.

## Жилғавой

– Сакрайман тошдан-тошга,  
Салом бериб куёшга.  
Чўзаман шамолга қўл,  
Мени қутар ёруғ йўл.

Кўркмайман тўсиклардан,  
Ўтаман бўлиб бардам.  
Дадил ташлайман қадам,  
Ғайратга тўлиб ҳар дам.



## ТУЙҒУЛАР САМИМИЯТИ



Севинчой  
ЁҚУБОВА

Мустақиллик даври жадал тараққиёт ва глобаллашув жараёнлари шиддатига ҳамқадам бўлиб келаётган диёримизда амалга оширилаётган ўзгаришлар, кўзланган олижаноб мақсадлар бадий ижод аҳлини ёшлар маънавий-ахлоқий ва маданий даражасини янада ўстириш, уларни миллий ва жаҳон маданиятининг энг яхши намуналаридан баҳраманд этишдек машаққатли, аини чоғда хайрли юмушларни бажаришга ундаши табиий. Бинобарин, ўзбек болалар шоирлари, ёзувчи ва таржимонлари, мунаққидлари олдида ҳам ўз ечимини кутаётган улкан вазифалар мавжуд.

Хисобот даврида Шарифа Салимованинг “Хайвонот оламига саёҳат”, Дилшод Ражабнинг “Бахши бола – яхши бола”, Набижон Эрматнинг “100 топишмоқ ва тез айтишлар”, Набижон Қодировнинг “Дўппи кийган болалар”, Фахриддин Хайитнинг “Шоколадли туш”, Нуруллох Остоннинг “Чучумога хат” каби китоблари ёш китобхонлар кўлига теғди.

Халқимизнинг сеvimли шоираси Шарифа Салимованинг “Хайвонот оламига саёҳат” китоби ардокли адибимиз – Ўзбекистон халқ ёзувчиси Худойберди Тўхтабоевнинг “Табиатнинг очик қалби” номли сўзбошиси билан очилади.

Болалар адабиётида салкам ярим асрдан бери қалам тебратаётган отахон адиб ушбу китобнинг қуйидаги фазилатларини санайди:

Биринчидан, мазкур шеърый гулдаста ўзбек болалар адабиётида хайвонот ва наботот олами ҳақида битилган асарлар нисбатан кам бўлган бир шароитда юзага келган.

Иккинчидан, унда қиёфалари синчковлик билан кузатилган ўттиз бир нафар жонзотнинг фазилат ва кусурлари инсон тарбиясига таъсири нуқтаи назаридан акс этган.

Учинчидан, ҳар бир манзума шаклан ихчам, қофиялар тизими рангин, табиатан кувнок, ифода жиҳатидан самимийдир.

Шубҳасиз, юкорида саналганларнинг барчаси китобга кирган бадий асарларнинг ўқишли бўлишини таъминлаган омиллардир.

Аслида, муаллиф олис болалик ва хотирасида муқим ўрнашган, хайвонот дунёсининг сирли оламига нисбатан уйғонган ҳамда онгу шуур қатларию кўнгили пучмоқларида

---

*Севинчой ЁҚУБОВА – 1996 йилда туғилган. Илмий изланишлар ва бадий ижод билан шуғулланади. Шеър, мақола ва эсселари “Гулхан”, “Ёшлик” журналларида, “Ёшлик илҳомлари”, “Бегараз ҳавас тафти”, “Қалдирғоч қанотида келган қувончлар”, “Изланиш” тўпламларида эълон қилинган. Алишер Навоий номидаги Ўзбек тили ва адабиёти университетининг талабаси.*

бир умр асраб келинган муҳаббат чашмасидан куч ва ижодий илҳом олган. Ҳайвонот олами хақида билганлари, кузатганларидан ибратли хулосалар чиқаришга интиланган. Муҳими, нафис адабиёт, лирик ҳароратли сўз воситасида болаларни табиатни севиш, уни яқиндан ўрганишга даъват этибгина қолмай, уларнинг тасаввур оламини янада кенгайтириш, нафосат туйғусини юксалтиришни ҳам кўзлаган.

Шоира негадир шеърларни тизимлаштиришда кирилл алифбосига таянган ва шу асосда ҳарфларни анъанавий тартибда ёзув белгиларига кўра тизиб чиққан. Шеър болакайларнинг ҳарфлар жадвалию товуш белгиларини ёд олиши, ёзув тизимини ўзлаштиришини муайян даражада осонлаштиради. Муҳими, ёш китобхон саналган мавжудотларга ҳос муҳим белги-сифатлар билан яқиндан танишади, келтирилган айрим ишораларданок уларни танийди. Қизиғи шундаки, ушбу шеър бутун китобдаги ашёрлар учун ўзига ҳос очқич вазифасини ҳам ўтайди. Зотан, кейинги саҳифаларда китобхон ҳар бир жонзот билан алоҳида юзлашади. Уларнинг дил сўзларига кулоқ тутлади. Тинглайди, мулоҳаза уммонига ғарқ бўлади. Гоҳ кулади, гоҳида ачинади. Шу тарзда маънан улғая боради.

Назаримизда, бу ўринда лотин ёзуви асосидаги янги ўзбек алифбо тизими-га таянилса, манзуманинг бадиий-эстетик таъсир қуввати янада ортган бўларди. Шеърда ҳайвонларни бир манзилга жам қилишни ният қилган муаллиф негадир бу қаторга “райхон”ни ҳам қўшади. Бироқ синчков ўқувчи бу ўсимлик эканини билгани, хушбўй гул ёхуд ошкўк ва зиравор сифатида танигани учун унинг ҳайвонлар қаторида саналишига бироз ажабланади.

Қизиғи шундаки, ёш ўқувчи китоб билан танишиш асносида бемалол Лайлак билан тиллашиши, уни эркалаши, ҳатто овутиши мумкин. У ўзини ҳимоясиз Мушукча ҳомийси санаши; Ниначиға эргашиб боғу бўстонда сайр этиши, унинг “виз-виз деган баёти”ни тинглаши; Олмаҳонга кўшилиб кумуш ёнғоклар ўйнаши мумкин. Китобхон поёнсиз ўрмонда оналарга ҳос меҳр, ям-яшил арчазорда кўз қувнатгучи сеҳр, куёш беланчагида ўзига қорлагувчи ҳарорат, баҳор чечагида ажиб малохат, райхонлар атрида нафис ифор, кўк элаган опшоқ қорда беозор майинлик, ҳатто бир қарашда ўта совуқ туюлган музликларда пингвинлар (кенг маънода инсон) сабрини синовдан ўтказувчи жозиба мужассамлигини илғганида беихтиёр олам гўзаллигидан ҳайрат туяди, унинг ижодқорига олқишлар айтади.

Дилшод Ражаб ўзининг болаларга аталган: “Отамнинг боғи”, “Дарё кўнгил”, “Жилвон ўғлони”, “Алифбо”, “Санок”, “Сукут сарҳади”, “Таниш товушлар”, “Ўн ўртоқ, санаб бок” каби ўнлаб шеърый ва насрий китоблари билан илмий-адабий жамоатчиликка яхши таниш. Унинг “Баҳши бола – яхши бола” номли янги китоби шеърлар, эртаклар ва ўрта мактабларнинг бошланғич синф ўқувчилари иштирокида мўъжаз саҳналарда “Конституция куни”, “14 январь – Ватан ҳимоячилари куни” каби тантаналар, байрам тадбирларини ўтказишга мўлжалланган сценарийлардан таркиб топган.

Шоир изланишларида наср ва назм мутаносиблиги яхши таъминланган. Жумладан, “Баҳши бола – яхши бола” туркумига кирувчи шеърларида кофияли насрдан фойдаланилган. Масалан: “Алкисса, баҳши бола, одоб-хулқли, яхши бола, сўзлари дил накши бола, кўлга олиб созини, янградиб овозини, шундай баён этибди, завқию дил розини” Кўринадики, мазкур шеърга қадимий кисса ва дostonларимизга ҳос руҳ сингдирилган. Баъзи ўринларда шоир фольклорда мавжуд:

*Кўлга олиб торимни,  
Айтай дилда боримни.*

каби тайёр жумлалардан ўринли фойдаланади. Табиатни нозик кузатувчи лирик қаҳрамони:

*Онам тафтин эслатар  
Силаб ўтган саболар...*

Ёки бошқа бир ўринда:

*Қиқир-қиқир кулади  
Дошқозонда сумалак...*

тарзида фикрлайди. Бу ҳол ёш китобхон поэтик нигоҳини ингичкалаштириш, эстетик дидини юксалтиришга хизмат қилади.

Дилшод Ражабнинг “Дехкон даласида”, “Сўз ўйини – зўр ўйин”, “Учқунбекнинг саволлари”, “Фикратжоннинг фикрича”, “Мусаввирнинг шеърлари”, “Шерзоджон билан савол-жавоб”, “Шикоят дафтари”, “Шумтаканинг шеърлари” каби туркум шеърлари; “Энг буюк бойлик”, “Ўғрининг қисмати”, “Куч бирликда” сингари эртақлари алоҳида кузатишга лойиқ бадий бақувват асарлардир. Ҳозирча, шуни эътироф этиш лозимки, Дилшод Ражаб 2016 йилда шаклий-услубий изланишларга бой кўплаб шеърый, қисман насрий ва жажжи драматик асарлар ҳам битган энг фаол ва сермахсул болалар шоиридир.

Набижон Эрмат (Худойберган ўғли)нинг “100 топишмоқ ва тез айтишлар” китобида шу жанрларнинг ҳар бирида 100 тадан (жами 200 та) ихчам шеърлар жамланган. Бу асарларда минг йилликлар синовидан ўтган топишмоқ ва тез айтишлар ёзиш адабий анъанаси давом эттирилган. Улар шоирнинг “Тўксон тўққиз топишмоқ ва тез айтишлар” китобининг бешта наشريдан саралаб олинган. Мазкур жанрлардаги асарлар мустақиллик даври ёшлари тилининг бурролигини таъмилаш, зукколигини ошириш, уларда ҳозиржавоблик фазилатини шакллантириш, дунёкарашини кенгайтиришда муҳим роль ўйнайди. Зотан, муаллиф таъкидлаганидай: “Топишмоқлар ғаройиб, тез айтишлар ажойиб” лиги билан эътиборга моликдир.

Шоирнинг давлатимиз рамзлари, ўқувчи ва ўқув қуроллари, табиат ҳодисалари, чолғу асбоблари ва спорт турлари ҳақидаги топишмоқлари у қадар мураккаб эмас. Шу боис болалар бадий матнга яширинган “сир”ни бирпасда топа олишади. Жумладан:

*Тўкин-сочин ноз-неъмат,  
Қайси фасл, айт, Ҳикмат?*

каби ўқилиши, ёд олинishi осон ва бир зумда жавобини топиш мумкин бўлган топишмоқлар болаларнинг ёшига мослиги билан эътиборга лойиқ. Қолаверса, шоирнинг мавзу танлаши, ёшлар маънавиятини шакллантириш, уларни давлат рамзлари, ўқув қуроллари, атроф-муҳит билан таништириши, шуғулланиши лозим бўлган машғулотларга эътиборини жалб этиши ҳам муҳим тарбиявий, ахлоқий-таълимий аҳамият касб этади. Набижон Эрмат шеърларида дарахтлар “олтин чойшаб ёп”ади, “япроқлар олтин” либос кияди. Куёш уфқдан “бош кўтар”ади. Янги чикқан ой “бир тилим қовун” ёхуд “бир карч хандалак”ка, дафтар бетига ёзилган хат “оқ саҳнга солинган накш”га; булутлар “туянинг ўрқачи” ёхуд “оппоқ пахта”га, чақмоқ “илон изи”га, қиров “қумуш қор”га, шудринг “майсанинг туғи”га, баъзан япроқнинг “холи”га, уфқ “Куёш ётоғи”га ўхшатилади. Масалан, Ой ҳақида битилган топишмоқда:

*Ҳандалакдан бир карчча,  
Тилиб, осмонга отдим.  
Тунда унинг зиёсин,  
Мазасин қониб тотдим.*

сингари муваффақиятга эришилган ўринлар анчагина. Фаол қўлланилган метафора, ўхшатиш, муболаға, сифатлаш, такрор сингари кўплаб бадий-ифодавий воситаларга мурожаат қилиниши топишмоқларнинг поэтик сержиллигини таъминлаган. Бундай топишмоқлар болаларнинг сўз бойлигини ошириш, уларнинг

хаёт ҳодисалари ҳақидаги тушунча ва тасаввурлари, идроки ҳамда мулоҳаза қобилиятини кенгайтиришга хизмат қилади. Бинобарин, муҳим тарбия воситаси сифатида намоён бўлади.

Фахриддин Ҳайитнинг “Шоколадли туш” китоби ҳам шеър ва топишмоқлардан таркиб топган. Филология фанлари номзоди, доцент Кавсар Турдиеванинг “Ёрқин рангли шеърлар” номли сўзбошисида шоирнинг битиклари: “Энг кичик китобхонларга мўлжалланган жажжи шеърлар” экани, улар “осон ёдланадиган, болаларга ёрқин тасаввур, эса коларли образларни намоён этувчи, мусаввирларга ҳар бир сатр учун расм чизишга имкон берувчи” асарлар экани эътироф этилган.

Фахриддин Ҳайит китоб сарлавҳасига чиқарган “Шоколадли туш” номли шеър Мирвоҳид исмли болакай ва унинг меҳрибон онаси диалоги асосига қурилган. Онанинг эркалаб айтган:

– *Ширин тушлар кўр,  
Шод тур эрталаб!*

деган тилагига жавобан Мирвоҳид:

– *Ойи, шоколад  
Бермасангиз хўш-и,  
Қандай қилиб мен  
Кўрай ширин туш!?*

деган сўзлари:

Биринчидан, жажжи болакайнинг туш кўриш ҳақидаги нотугал тасаввуридан дарак беради.

Иккинчидан, персонаж ширинликка ўчлигидан келиб чиқувчи “шум”ликни намоён этади.

Умуман, болакай фикридан ибтидоланиб унинг тилга кўчган эътироз ва талаб мазкур шеърга ўзига хос табиий жозиба бахш этган.

Шоирнинг “Юртимга келди Наврўз” шеърида куёш ёғдуси “пайса”лаб ўлчанади. Ёмғир булутнинг “кўз ёши”га, варрақлар бепоён “денгизда кезаётган елкан”га қиёсланади. Ҳар бир шонада “кўз оч”ган наврўз шукухи дил қулоқларимизга қушлар чуғурига вобаста бахтиёр болаларнинг қувноқ товушларини олиб қиради:

*Турналар овозига  
Жўр болалар бахтиёр.  
Тўлди қушлар созига  
Гул диёр, гулзор диёр.  
Ҳар шонада очиб кўз,  
Юртимга келди Наврўз!*

Кўринадики, мазкур шеърда болаликнинг тонгдай мусаффо, офтобдай ҳароратли, беҳад қувноқ ва шодон нафаси уфуриб турибди.

“Уч кичик дунё” ва “Антиқа ихтиро” китоблари, шунингдек республикаимиз театрларида муваффақиятли сахналаштирилган “Анқонинг уруғи” номли сахна асари, “Армонли дунё” бадий фильми билан китобхонларга яхши таниш – Республика Бадий академияси аъзоси, Ўзбекистон халқ устаси Набижон Қодировнинг навбатдаги “Дўппи кийган болалар” китоби даставвал чиройли безатилиши, шеърлар қирилл ва лотин имлосида ёнма-ён берилиши билан эътиборимизни тортади.

Нафақат бадий қулолчилик, балки шеърний машқлари билан ҳам ёш китобхонлар кўнглига йўл излаётган Набижон Қодиров ижоди элимизнинг суякли шоири Турсун-

бой Адашбоев тўғри таъкидлаганидай, ўзининг “равон ўқилиши”, фикр қарашларининг “қувнок ҳазил-мутойибага тўйинган тагдор ифода”си билан кўнгилга яқин.

Шоир “Дўппи кийган болалар” номли панд-насихат руҳидаги шеърда катталар дилбанди, ажодлар насли пайванди бўлмиш миллатсевар, ширин-шакар, гўзал ва қувнок ўғил-қизларни ардоқлайди:

*Бошга қўндириб ойни,  
Очиб кўрку чиройни,  
Ўқишар Барчинойни  
Дўппи кийган болалар.*

Шоир “Хотира” шеърда ёш-яланларга боқаркан, беихтиёр олис болалик хоти-раларига шўнғийди.

*Чорлар мудом бобо уй,  
Ҳар бир тўсин, вассаси.  
Мунгайиб салом берар  
Бобожоним ҳассаси.*

Англашиладики, меҳрибон бобосининг эркалатишлари, қайтмас ўтмиш армон-лари лирик қахрамон калбида ғамгин ўйлар уйғотишига қарамай, вақтни қадрлаш ва кексаларни эъозлашга даъват этади. Умуман, Набижон Қодиров шеърларида бир жихатдан, бобоси ўғитларини дилига жо қилган ва Саттор бобо сингари фа-ришгамисол чолларни кўмсаётган набиранинг сўнгсиз соғинч ва армон ҳислари силқиб туради. Иккинчидан, бу шеърларга шўх-қувнок, андак ўйинқароқ болалар жонли ва завқли ҳаёти бутун жозибаси билан кўчиб киради. Фикр тасдиғи учун “Олмазор” шеърини тўлик келтирамиз:

*Боққа кириб олма едик  
Қарсиллатиб.  
Шохларини синдирдик гоҳ  
Қарсиллатиб.*

*Ётиб олдиқ қоринларни  
Ларсиллатиб.  
Ҳазиллашиб олма отдиқ  
Чарсиллатиб.*

*Богбон келиб қувиб қолди  
Ҳарсиллатиб.  
Тутиб олиб, урмаса бас  
Тарсиллатиб.*

Таъкидлаш ўринлики, шоир битикларида фикр такрорлари, шунингдек шеърый ихчамликка эриша олмаслик каби кичкинтойлар диққатини етарлича эътиборга ол-маслик холлари ҳам учрайди. Айни пайтда, севимли шоиримиз Набижон Қодировга Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджон таъсиридан буткул қутулиб, ўз услубини яна-да раванқ топгириш йўлида изланишлар олиб боришда муваффақиятлар тилаймиз.

Нуриллоҳ Остоннинг “Чучмомога хат” китоби номланишида поэтик жозиба му-жассам. Зотан, истироҳат боғлари ёхуд хонадонларда ўстирилувчи чучмомо бола-ларга яхши таниш. Улар чучмомонинг гуллаши, гўзал манзара ҳосил қилишини би-лишади. Қолаверса, унга битилган нома деталли ҳам болалар руҳиятига анча яқин. Шу боис, гарчи шеърда гулнинг сиёҳранг эканидан бўлак бирор сифати акс этмаган бўлса-да, у билан:

*Менга жиндек бериб тур,  
Сижиндан Чучмомо!*

тарзида мулоқотга киришиш мумкинлиги болаларга хушқайфият улашади. “Сархил юрт” шеърисидаги уззу-кун “булутларни соғиб” ёккан ёмғир ва ёғиш тингач, еру осмонда турфа “ранглар ёниши” билан боғлиқ тасвирлар ёш китобхонни табиатни кузатиш, уни бадиий идрок этишга ўргатади. Шу азиз Ватанга бўлган меҳр-муҳаббатини камол топтиради. “Қирқим тут” ширасига ёпирилган “шилқим куш”лар галасидан ғазабини яширмаган болакай, мевасига маза инган узумни ҳам очкўз чумчуқлар тумшугидан асрайди. Айни пайтда, у ғоят самимият ва бағрикенглик билан “чумчуқ-тумшук”ларни узум пишиғига чорлайди. Шоир кунгабоқарлар гала-гала бўлиб, қуёш томон “сафланиши”ни жонлантиради. Яна бир ўринда келтирилган совутгичнинг “хуррак отиши” лавҳаси ҳам ёш китобхон мийиғида ширин бир жилмайиш ҳосил қилади. “Олапар” шеърисида ҳамдамона ачиниш ҳислари ифода этилади. Кирпи “жадал юриши”га хос кесатик эса, унинг “ёмғирпўшни унутиш”и билан боғлиқ ҳаётий лавҳа орқали киноя билан алмашинади.

*Тўхта, ошина Кирпижон,  
Бунча шошма Кирпижон.  
Тугамасдан иш маҳал,  
Қайга кетурсан жадал?  
Кирпижон қовоқ уяр:  
– Кўчада ёмғир қуяр.  
Ёддан чиқипти...  
– Хўш-хўш?  
– Олмабман-ку ёмғирпўш!*

Нуриллоҳ Остоннинг “Одил тақсим”, “Олма”, “Дангалчи”, “Чой ичганда” шеърларида очкўзлик, “Изкувар”, “Тадбиркор уста”, “Мақтанчок бурга”, “Сабзи полвон” шеърларида мақтанчоклик иллатлари фош этилади. “Туянинг бўталоғи” шеърисида ёлғончилик, “Чирок ёнсин”да ялқовлик “Бетокат” ва “Хўрак” асарларида лоқайдлик, “Дазмол” шеърисида укувсизлик, “Шахмат”да жанжалкашлик, “Чўпон суруви”да эркатойлик, “Қовоғарининг қовоғи”да таъмағирлик сингари болалар табиатида учровчи айрим иллатлар устидан гоҳ киноявий-мажозий, гоҳ комик, гоҳида эса, нимкулги асосида поэтик ҳукм чиқарилади.

Шоир битиклари айрим нуксонлардан холи эмас. Жумладан, “Кўзичок” шеърисида “кизғалдоқранг” далалар “ям-яшил” тарзида таърифланадики, кизғалдоқларни кип-кизил ранг билан таниган ёш китобхон ўз тасаввурига зид бундай холга ишонмайди. Нуриллоҳ Остон “Тиш докторига”, “Ўғит”, “Эҳтиёт бўл” сингари бир қатор битикларида ошқора дидактикага берилиб кетади.

Маълумки, болалар шеърисида лирик субъект бирқадар ўзгачароқ тарзда намоён бўлади. Шу боис, болалар шоирлари табиий тарзда персонажлар нуткига кўпроқ эътибор беришган. Улар калбини хатти-харакат ва ҳолатлари, ички ва ташки нутки воситасида очишга интилишган. Вокеликнинг бундай қисқа ва ихчам тасвири болалар шеърисида ҳам муаллиф ички олами бош мавзу, хис-туйғу ва кечинма эса унинг тасвир предмети эканини инкор этмайди. Зотан, болалар шоирларининг мақсади ҳам воқеани тасвирлаш эмас, воқеа орқали лирик кечинмани ифодалашдир. Ҳисобот даврида шоирларимиз вокеликнинг кечинмани тасвирлаш учун энг муҳим бўлган “детал”лари, кизгин, кульминацион нукталари (манзара тасвири, персонаж тавсифи)ни жонлантириб, туйғуни ўша тасвир ва тавсиф замирига жо қилишаётгани қувонарли ҳолдир.

## Дунёга қалб билан қаранг



Исмомил ТЎЛАК

### Умид

У хар сахар  
сафар олдидан  
умид килар,  
бир тасодифла  
учрашсалар.  
Ташна нигоҳлар  
бир-бирига  
тўйсалар қониб.  
Сўзлар суқилмаса,  
қўллар ҳам  
ўз жойида  
турсалар қотиб.  
Оёқ илдиз отиб  
кетгандай ерга  
жилмаса,  
тебраниб тураверса жим.  
Лаб титраса,  
кўзлар жилмайса,  
яноқларда табассумлар ним.  
Мана шу дард,  
мана шу орзу,  
уни хар шом,  
хар тонг,  
хар сахар  
сафарларга  
ундайди эзгу.

*Исмомил ТЎЛАК – филология фанлари доктори. 1947 йилда туғилган. Ижодкорнинг “Сени ўйлаб”, “Тўрғай”, “Кенгликлар”, “Яшил сабо”, “Муҳаббат шеваси”, “Кўксимдаги ҳақиқат” номли шеърӣй тўпламлари; “Нурли манзиллар”, “Абдулҳамид Чўлпон маҳорати” сингари рисолалари нашр этилган. Исмомил Тўлак 2003 йилда вафот этган.*



## Ўзбекистон далаларига

Интиқ нигоҳ ила боқаркан,  
турналарнинг галаларига,  
Ҳис киласан, қасида бошлар  
Ўзбекистон далаларига.

Таъзим айлаб, келажagini  
тулпорлардан излагай халққа,  
хирмонининг устида шодмон  
“қур-қур”лашиб ясайди халққа.

Ўлкаларнинг холис элчиси  
нигоҳ ташлар экан юксакдан,  
ташвишларин кўради элнинг  
юрагига монанд кўсакда.

Қанотидан тўқади гўё  
далаларга ўзга инъом не керак?  
Бундан ўзга инъом не керак  
кўли кадок деҳқонга, асли?

## Сизга

Бу аччиқ гапларим келмасин малол,  
қалбимни очишга мажбурман сизга.  
Яшамок не ҳожат шиллиққурт мисол,  
яшамок не ҳожат лаб босиб тизга.  
Биз, ахир, дўстмизку,  
сўнгги нафасда  
бел боғлаб туришга ярагувчи куч.  
Юракни сақламок мумкин қафасда,  
тушовлаб бўлмайди, лекин қалбни ҳеч.

Бу тонг кўзингизга термилдим узок,  
бефарқ тингладингиз тўрғай оҳини.  
Бефарқ карадингиз шудрингларга сиз,  
нахот қалбингизни  
манфаат йўлида чўқтирдингиз тиз?  
Ишонмайман.  
Йўқ ишонмайман.  
Сиз, ахир, дунёга кераксиз.  
Дунёга қалб билан қарангчи, ўрток.

Мен доктор эмасман.  
Яшамок мумкиндир балки юраксиз,  
лек, қалбсиз дунёга бокмоққа  
ҳаққингиз йўқ сизнинг.  
Ҳаққим йўқ менинг.  
Агар сўнаётган бўлса қалбингиз,  
мана, ўз қалбимни бераман,  
менинг қалбим билан боқинг дунёга...

\* \* \*

Ўтиб юртнинг қанча бекатларидан,  
 Ис олиб қирларнинг кўкатларидан,  
 Завкланиб тонгларнинг эртақларидан,  
 Тутиб устозларнинг этакларидан.  
 Туркона лисонда сўзлаб чиққанман,  
 Қутлуғ манзилларни кўзлаб чиққанман.

Пана-паналарда турган эй ғаддор,  
 Фиску фасодингдан юрагим абгор,  
 Айтгил, ғайирликдан сенга не наф бор?  
 Карвонман. Фингшишинг барибир бекор.  
 Ғаниммас. Содик дўст излаб чиққанман,  
 Қутлуғ манзилларни кўзлаб чиққанман.

“Қайтиш йўқ бу йўлдан, фақат, олға бос!”  
 Бу гап боболардан ёлғиз бир мерос,  
 Тушмаскан қадамим қадамларга мос,  
 Менга бу йўллар берк, манзил беркдир, бас.  
 Супургимас, созни созлаб чиққанман,  
 Қутлуғ манзилларни кўзлаб чиққанман.

Дунёда тенгсиз куч, халким, қаҳрингдир,  
 Топганим қаҳрингмас, меҳри баҳрингдир,  
 Қалбимнинг дармони сўзинг-наҳрингдир,  
 Интилган ошёним танҳо бағрингдир,  
 Эзгу хисларингни бўзлаб чиққанман,  
 Қутлуғ манзилларни кўзлаб чиққанман.

\* \* \*

Минбарларда туриб, демадим: “Халким!”  
 Давраларда сармаст кермадим кўкрак.  
 Зотан ғоз туришга бор эди ҳаққим,  
 Ўзимдан-да, сени ўйлардим кўпроқ.

Мадҳ майдонида от сурмадим, йўқ,  
 Сўзни нишолдадай кўпиртирмадим.  
 Лекин бир нарсадан доим кўнглим тўқ,  
 Ташвиш чекканингда лоқайд турмадим.

Жимгина яшадим, жимгина севдим,  
 Жимгина бағрингга кўйгум бошимни.  
 Сендек буюк қалбни сал кечроқ сездим,  
 Қабул эт, она юрт, ўтинч ёшимни.

\* \* \*

Бир кўшиқ тўқисам.  
Қалбимда авайлаб асраган  
муқаддас сўзлардан яралган кўшиқ,  
Сен уни  
энг баланд, энг нафис пардаларда  
куйласанг,  
Дунё  
шу кўшиққа бўлса махлиё.

Кушларнинг тилида,  
тоғларнинг тилида,  
дарёнинг тилида,  
инсоннинг тилида янграса шу кўшиқ.  
Яратаолармиканман  
шундай бир муқаддас кўшиқни,  
Шундай бир муқаддас кўшиқни  
куйлай олармикансан,  
сен ҳам севгилим?

Бир кўшиқ тўқисам...  
Бир кўшиқ куйласанг...

### Сонет

Юрт ҳақда сўз кетса, сиз ширин забон,  
кўксингиз дорида унинг ёрлиғи.  
Лек, Ватан туйғуси сизда борлиги  
Мени шубҳаларга солади ҳамон.

Жағингизга келсин раҳмингиз,  
Минбардаги ваъзлар бариси ёлғон.  
Ўтди. Ўтиб кетди сўз кўпигини  
Нишолда деб пуллайдиган у замон.

Битта ҳақиқатни ёд этиб хар он,  
Қаъбага сиғинган мусулмон каби  
Унга сиғинингу келтиринг имон.

Ватан деган сўзнинг муқаддаслигини  
Ватандан айрилган ёлғиз қалбчалик  
Ҳис этолмайди ҳеч ким, ҳеч қачон.

# ИККИ ЎТ ОРАСИДА

Ҳикоя



Саïда  
ЗУННУНОВА

Тўй тараддуди бошлангандан бери Вазиранинг тинчи баттар йўқолди. Мижа кокмасдан тунни тонгга улайди. Хаёл олиб кетаверади, олиб кетаверади. Мана бугун ҳам шу аҳволда тонг откизди. Ҳовлига чиқди. Эрталабки салкин ҳаво баданини жунжиктирди. Куз бошланаяпти. Дарахтларнинг барги хира тортиб қолган. Осмон бирам тиниқ, бағрига сингиб кетгинг келади. Вазира аста хўрсиниб кўлига супурги олди. Хазонлар туша бошлабди.

Уйда будильник жиринглади. Бир нафасдан кейин мактаб ҳаракатидаги укаларининг говур-говури эшитилиб қолди. Уларга алланарсаларни уқтириб онаси уйдан чиқди. Водопровод жўмраги олдида юз-қўлини юваётган кизига синчков назар билан қаради.

– Намунча эрта турмасанг?!

– Уйғониб кетдим.

Вазира ухлаёлмадим, деёлмади. Ҳар қалай онаси-ку. Шундоғам тушуниб тургандир ҳаммасига. Такдирлари шунақа бўлгандан кейин нима қилсин? Ким билади, бу такдирга қайси бири айбдор. Уларнинг юракларида ҳам бир армон, бир афсус бормикин? Балки улар ҳам Вазира каби дардларини ичига ютиб ётишгандир. У йигирма ёшга кирди. Эсини танигандан бери юрагининг бир чети жизиллаб туради. У ёкка борса, бу ерда онаси маънос термилиб қолади. Боради-ю, онасининг нигоҳи кўзидан нари кетмайди. Изига қайтади. Худди шундай маънос нигоҳ билан унга дадаси термилиб қолади. Уйига қандай етиб келганини билмайди. Энди унинг бутун хаёли дадасида қолади. Лекин онасига нима десин, айтолмайди.

У доим мана шундай яшади. Икки ўт, икки оловнинг ўртасида яшади. Ўрталикда жой бормикин... Йўқ, ўртада жой йўқ. Улар қачон ажралишган, нега ажралишган, Вазира буни ҳам билмайди. Дадаси ҳам рўзғорлик бўлиб кетган, онаси ҳам. Аросатда Вазира қолган, холос. Нега уни ўйлашмаган? Тили забони йўқ учун одам санашмагандир.

Укалари тапир-тупур қилиб мактабга кетишди. Кўчада машина сигнал берди. Дадасини ишга олиб кетгани келди. Онасининг илтимосига кўра Вазира бу кишини ҳам дада, дейди. Лекин ҳар айтганда тили дилини куйдиради. Иложи борича камрок мурожаат қилишга ҳаракат қилади. Қизик, ота-онани алмаштириб бўлармиди... Тагин ота-онанинг ўзлари шуни талаб қилиб туришса-я.

*Саïда ЗУННУНОВА – 1926 йилда туғилган. Андижон педагогика институтида, кейинроқ Ўрта Осиё давлат университетида (ҳозирги ЎзМУ) таҳсил олган. “Қизингиз ёди”, “Туллар водийси”, “Қизларжон”, “Бир йил ўйлари” каби шеърий, “Тулбаҳор”, “Бўйларингдан ўрғилай” каби нарий тўпلامлари босилган. “Тулхан”, “Олов”, “Директор” қиссалари муаллифи. 1977 йилда вафот этган.*

Вазира кийиниб, сочини тараб турмаклади. Кўйлагининг елка чоки пастга тушиб колибди. Озибди. У аста иккинчи уйга чикди. Тикка турганича, истамайгина пиёлага чой куйиб курук хўплай бошлади.

– Бирон нарса емайсанми? – деди онаси ташвиш билан. – Бу ахволда қандай ўқийсан, болам?

– Егим келмаяпти.

Онаси унга тикилиб жим колди.

– Чеварникига борасанми?

– Дадам келгин, деган эди бутун.

Орага яна жимлик тушди.

– Ўша ёкка ўтасанми? – деди онаси ниҳоят.

– Айтган эди.

Онаси Вазиранинг кетидан кўчага чикди. Вазира унинг юзига қарамаса ҳам ҳозирги аҳволини билиб турарди.

– Тезроқ қайтасанми? – деди онаси синик бир оҳангда.

– Кўраман.

Нега кўраман, деди. Нега, хўп, деб қўя қолмади. У энди онасига ачина бошлади. Унинг синик овози қулогига кириб олгандай эди. Бу овоз бутун дарс давомида ҳам қулогидан кетмади. Коридорни тўлдириб юрган кизларнинг қулгилари, суҳбатларига лоқайд қарар, дугоналарининг ҳазилларига хаёл парижонлик билан жилмайиб қўярди. Мана, яқинда тўй бўлади. Дадаси, ўзининг дадаси бу тўйга келолмайди. Унга оқ йўл, бахт тилаб кузатиб қололмайди. Бу ёқда ўйин-қулги бўлади, у ёқда дадаси ҳеч нарса бўлмаётгандай жимгина ўтиради. Тўй бошида туриши керак бўлган одам ҳатто, бегона қатори ҳам тўйга келолмайди. Вазира қачондан бери шуни ўйлайди. Бир марта онасига салгина ёрилиб ҳам кўрди. Онаси анча вақтгача бир нима деёлмади. Кейин охишта:

– Ўзинг ўйлаб кўр, қизим, – деди хўрсиниб. – Бир кунлик тўй ўтар-кетар. Лекин бу ёғи нима бўлади? Кичкиналагингдан шу дадангнинг қўлидасан. Юзига оёқ қўйиш яхши бўлмас.

– Ахир бир кунга, бир-икки соатга келса...

– Шу бир-икки соат менинг турмушимни бузса-чи?

Вазира индамай қолди.

– Рўзгорлик бўлганинда тушунарсан ҳали, – деди онаси яна секингина.

Вазиранинг юраги сесканиб кетди. Ишқилиб, турмуши яхши бўлсин. Ҳеч кимнинг боласи тирик етим бўлмасин. Ўлса ўлди, дейдилар. Ёниб сўнган бир ўтнинг тафти, харорати қалбингда, хотирангда туради. Лекин ҳадеб дуч келавермайсан.

Вазира куёвниқидан келган саруполарга ҳам, онасининг қилган сепсидиргаларига ҳам яйраб, қувониб қарамасди. Ҳамманинг ҳам кўзи ўтмайдиған, ҳар ким ҳам қўра олмайдиған, ҳаммага ҳам насиб қилавермайдиған бир бойлик, бир бахт бор. Бу маънавий бойлик, қалб бойлиги, бу бағри бутунлик. У ана шуни орзу қилади, узун кечаларда хаёл суриб ана шуни тилайди. Гарчи ўзи танлаган йигитга турмушга чиқаётган бўлса ҳам баъзан чўчийди.

Дарсдан чиқиб, дадасиникига кетди. Ҳовлида арқондан сакраб ўйнаётган киз уни кўриши билан тўхтаб қолди. Кейин чопкиллаб тўрдаги уйларнинг бирига кириб кетди. Вазиранинг юраги дарвозага яқинлашгандаёқ ура бошлаган эди. Бу ерда ҳеч ким унга ёмон гапирмаса ҳам ўзини ноқулай сезар, қисилар, сиғмаётганга ўхшаб турар, қовушолмасди. У арик лабига бориб тўхтаб қолди.

– Келинг, келаверинг, – ичкаридан ўрта бўй, ориқроқ бир аёл чиқиб келди. Унинг орқасида ҳалиги қизча ёввойи қараш қилиб турарди.

Аёл Вазира билан кўришди. Кейин кизига пўписа қилган бўлди.

– Опанг-ку, нега кўришмай, индамай турибсан? Қачон ақлинг киради, кизим?

– Кел, Мавжуда, – деди Вазира уни имлаб, кейин сумкасидан бир плитка шоколад чиқариб узатди. – Ма, ол.

Мавжуда ҳамон ўрнидан қимирламасди.

– Олсанг-чи! – деди онаси ҳам. Лекин у югурганича кўчага чиқиб кетди. Вазира шоколадни узатганича қолаверди. Аёл айвондаги стол устини артиб, уни ўтиришга ундади. Вазира стулга омонатгина ўтирар экан, қўлидаги шоколадни столнинг бир четига охиस्ताгина қўйди. Аёл дастурхон ёзиш тараддудида эди.

– Овора бўлманг. Ҳеч нарсанинг кераги йўк... Дадам хали қайтмадимиз? – Вазиранинг овози ичига тушиб кетгандай ғалати, паст эшитилди ўзига. Ўз отасини, негадир бу жойда, дада, деб аташга журъат этолмасди. Аёл индамайгина юриб стол устига уни-буни қўйган бўлди. Узум чайгани кетаётганида Вазира ўрнидан турди.

– Мен қила қолай.

– Йўк, йўк, ўтиринг. Сиз меҳмонсиз.

Аёл буни тўғри маънодами ёки кесатиб айтдимиз, Вазира билолмади. Тўй ҳаракатида бирон нарса ундиришга келгандир, деб ўйладимизки? Дадаси шу кунни тайин қилгани учун келган эди. Нима гапи, нима иши бор. Вазира билмайди.

Дарвозадан дам-бадам мўралаб турган қизлар тапир-тупур қилишиб югуриб кетишди. Эркак кишининг овози эшитилди. Мавжуда барваста, кўркам, чакка сочларига оқ оралаган кишининг қўлига осилиб, эркаланиб кириб келди. Вазира ўрнидан туриб, унинг истикболига юрди.

– Ассалому алайкум.

– Кел, кизим.

Вазира тўхтаб қолди. Кўришишга тортиниб бошини эгди. Дадаси унинг елкасига қокиб қўйди.

– Қалайсан? Ўқишларнинг дурустми?

– Раҳмат. Ўзингиз яхши юрибсизми?

– Юрибман, кизим, юрибман. Қани, ўтир, – дадаси ечинишга бўлса керак, уйга кириб кетди.

Чой устида ҳам сира гап гапга ковушмади. Мавжуда бўлса дадасининг ёнидан бир кадам жилмас, гоҳ бўйнига осилар, гоҳ суркалар, Вазирадан ҳам нигоҳини узмасди.

– Овқатинглар бўлай дедими? – сўради дадаси.

– Бекорчимасман-ку! Ишдан яқинда келдим, энди уринаман.

Бу кўрс жавоб орага яна жимлик туширди. Вазира ўрнидан турди.

– Мен кетай бўлмаса.

Дадаси индаёлмади. Кўзларини пирпиратиб, ғалати бир маҳзун қараш билан унга тикилди. Вазира аёл билан хайрлашди.

– Ўтирмайсизми?

– Раҳмат, борай.

– Келиб туринг.

Бу яхши сўзлар ҳозир шу қадар совуқ, шу қадар қалбаки эдики, Вазиранинг баданларигача музлаб қолаётгандай туюлди. Дадаси уни кузатиш учун кўчага чиқди. Мавжуда ҳамон унинг бир қўлига осилиб олган, дадаси бўлса нимадир демокчи, лекин айтолмасди.

– Бор, столда папирোসим қолибди, олиб чик! – деди у. Мавжуда югургилаб ховлига кириб кетди. Шу пайт дадаси чўнтагидан қоғозга ўроғлик алланарсани олди-да, шошиб Вазирага узатди.

– Ола кол. Мендан иккаланларга эсдалик бўлсин. Олмасликни иложи йўқ эди. Бунинг устига Мавжуда чиқиб қолса дадасининг хижолат бўлишидан андиша қиларди.

– Бекор овора бўлибсиз.

– Нега энди? Ундай дема. Каминг бўлса айт.

– Ҳеч нарсанинг кераги йўқ.

– Нега энди? Отангман ахир.

– Раҳмат, дада.

Вазира кўзига келган ёшни куч билан қайтариб турарди. Ҳансираганича Мавжуда етиб келди.

– Хайр, бўлмаса.

– Хайр, кизим. Бахтли бўлгин. Бахтли бўлинглар.

Ота ҳалигиндай маҳзун қараш билан уни кузатиб қолди. Энди Вазиранинг кўзида ана шу маҳзун нигоҳ туриб қолган эди. Бу нигоҳ унинг оромини бузар, юрак-бағрини эзар, дадасининг ёнига қайтгиси, бўйнидан кучоклагиси, унга яхши-яхши гапларни айтгиси келарди. Лекин қайтолмасди. Дадасининг тинчлигини бузгиси келмасмиди ёки ҳадди сиғмасмиди, буни ўз ҳам билмасди. Бирдан қўлидаги қоғозни эслади. Йўлидан тўхтамай уни очди. Иккита тилла никоҳ узуги ярақлаб кетди. Уларнинг бири каттароқ, иккинчиси кичикроқ эди. У тўхтаб узукларга яна тикилди. Кейин негадир орқасига ўгирилиб бир қаради-да, уларни қоғозга ўраб сумкасига солди.

Машина шалдиратиб алланарса тикаётган онаси унинг келганини билиб:

– Вазира, даданга чой дамлаб бергин, – деди ўрнидан кўзгалмай. Вазира жавоб бермади. Унинг иккита отаси бор. Лекин на унисини, на бунисини астойдил, бағри бағридан, дада, деб қақиролади. На унисига, на бунисига эркалик қилолади.

Кунлар шу хилда ўтиб, тўй куни ҳам етиб келди. Ҳовлида хотин-халаж кўп, қариндош-уруғлар ҳаммаси йиғилган, Вазира уларнинг гапларига лоқайдлик билан қулоқ солар, хаёл паришонлик билан гоҳ гапини, гоҳ қилаётган ишини эсидан чиқариб қўярди. Эргалабдан ёнига келган яқин дугоналари ҳам унинг чехрасини очишолмасди.

– Кечкурун ҳам шунақа тумшайиб ўтирасанми? – деди улардан бири. Вазира зўраки илжайиб қўйди. Унинг кўзидан отасининг ўша кунги киёфаси сира нари кетмасди. Бугун тўйлигини билади. Ўйлаётгандир. Лекин келолмайди бечора дадаси. Ўша куни секингина, худди ўғринчадек оқ йўл тилади, фотиҳа берди. Тўйга келган аммаси ҳам қовушмай, чекка-чеккада юрибди.

Кечкурунга бориб кизлар Вазирани ясантиришди. Қоматига мос тикилган узун оқ кўйлак унга жуда ярашган эди.

– Чиройлилигингни биласанми ўзинг? – деди кизлардан бири ҳазиллашиб. Вазира яна қулиб қўйди.

Ўйин-қулги билан музыка садолари остида куёв келди. Ўртоқларининг орасида кизариб, ўнғайсизланиб турган куёвга Вазиранинг кўзи тушди. Яна дадасини эслади. Уларни ёнма-ён ўтказишди. Қадаҳлар тўлдирилди, табриклар, тилаклар бошланди.

– Куёв-келиннинг бахти учун! – деб кичкирди кимдир. Қадаҳ жаранглади. Вазира энтикди. Кўз ёшлари юзига тушди. У рўмолини тўғрилаган бўлиб юзини пана қилди. Унинг юраги унсиз хитоб қиларди:

– Бағри бутунлиги учун, денглар одамлар! Фарзандга ота-она бағридек кенг, тинч жой бўлмайди. Агар уни кемтик қилиб қўйсанглар, остонасини тилло қилиб берсанглар ҳам татимайди. Бу кемтикни тўлдиролмайсизлар. Болаларингизга бағри бутунликни тиланглар, одамлар!

Вазиранинг аҳволини сездими, куёв аста унга энгашди.

\* \* \*

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма олти йиллиги олдида Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолари: Примқул Қодиров (мархум) – “Амир Темур сиймоси” ҳамда “Тил ва эл” асарлари учун биринчи даражали, Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид “Очил, эй гул, ки бўстон вақти бўлди” китоби учун иккинчи даражали Давлат мукофоти билан мукофотландилар.

\* \* \*

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма олти йиллиги олдида Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан қуйидаги Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолари олий даражали унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирландилар. Ўзбекистон халқ шоири Махмуд Тоир “Эл-юрт хурмати” ордени, адабиётшунос олим Иброҳим Ғофуров “Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби” унвони, адабиётшунос олим Бахтиёр Назаров “Ўзбекистон Республикаси фан арбоби” унвони, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоҳир Малик ва шоир Мирғўлат Мирзо “Меҳнат шуҳрати” ордени, ёзувчи Эркин Самандар, ёзувчи Асад Асил, шоира Фарида Афрўз, публицист Аҳмадjon Мелибоев, шоир Исмоилjon Мирзамаҳмудов ва меҳнат фахрийси, адабий таржимон Дина Султонова “Дўстлик” ордени билан мукофотландилар.

\* \* \*

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма олти йиллик байрамга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциациясининг “Медиа-холл”ида “Энг улуғ, энг азиз” республика кўрик-танлови ғолиблари ва совриндорларини тақдирлашга бағишланган маросим бўлиб ўтди.

Бу йилги танловда ёзувчи ва шоирларнинг бадий асарлари бўйича биринчи ўринга “Аёлга гул беринг” шеърӣ тўплами учун Зулфия Мўминова, иккинчи ўринга “Олам мўъжизаси остонасида” маърифий-публицистик китоби учун Жуманазар Бекназаров, учинчи ўринга “Шохсанам” кассалар ва ҳикоялар тўплами учун Орзикул Эргашев лойиҳа деб топилди. Рағбатлантирувчи мукофот “Қизғалдоқлар очилди” шеърӣ тўплами учун Йўлдош Эшбекка, “Оламда йўқ Тошкентдек шаҳар” шеърӣ тўплами учун Омонуллоҳ Муталга топширилди.

\* \* \*

Ватанимиз мустақиллигининг 26 йиллигига бағишлаб, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, Ўзбекистонимизнинг буюк келажаги йўлидаги улғувор янгиланишлар, замондошларимизнинг ёркин сиймолари акс эттирилган, юксак маҳорат билан ёзилган энг сара бадий-публицистик мақолалар, очерклар, насрий ва шеърӣ йўналишдаги энг сара асарлар учун Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан эълон қилинган “Ватан учун яшайлик” VI Республика танлови ғолиблари эълон қилинди. Бу йилги танловда биринчи ўрин “Она ҳақида дoston” асари учун Ўзбекистон халқ шоири Энаҳон Сиддиқовага, “Шом шафағи жилвалари” кассалар тўплами учун Жамила Эргашевага; иккинчи ўрин “Кўёш хузурига йўл олган қарвон” публицистик тўплами учун Хумоюн Акбаровга, И. К. Эккерманнинг “Гёте билан суҳбатлар” ҳамда И. В. Гётенинг “Муҳаббатнома” асарларининг аслиятдан таржималари учун Янглиш Эгамовага, “Эдельвейс” шеърӣ тўплами учун Марта Кимга; учинчи ўрин “Яхшилар боғи” болаларга ёзилган ҳикоялар тўплами учун Абдулҳай Носировга, “Мангулик сўкмоғи” романи ва матбуотда эълон қилинган публицистик мақолалари учун Сотим Авазга, “Ташриф” шеърӣ тўплами учун Сирожиддин Рауфга топширилди. Шунингдек, Ҳакимjon Каримов, Ойдиннисо, Жуманиёз Утениёзов, Рауф Субҳон, Меҳрибон Абдурахмонова каби фаол шоиру адибларимизга рағбатлантирувчи мукофотлар насиб этди.



ДУРДОНА

НОДИРА. Сулаймон сори Билкис кўйидин бир мархабо келтур. ....4

ПУБЛИЦИСТИКА

Шухратбек АБДУРАҲМОНОВ. Эзгу мақсадлар йўлида. ....8

НАЗМ

Тўлан НИЗОМ. Юрт боғида ниҳолдай ўсдим. ....12

Абдунаби БОЙҚЎЗИЕВ. Ишқ тўла қалбларда ох бўлиб қолай. ....25

МУНАВВАРА. Кўксимда ҳаёт тумори. ....30

Замира РЎЗИЕВА. Мўъжиза дайридан эшитилар сас. ....39

Ҳалим КАРИМ. Хур элнинг хар кунин битгин муаррих. ....43

Икромжон АСЛИЙ. О, йиллар кечдилар айтолмай розим. ....46

НАСР

Қамчибек КЕНЖА. Жума ёмғири. Ҳикоя. ....16

Наби ЖАЛОЛИДДИН. Чувалчанг ёққан кеча. Ҳикоя. ....34

Қулман ОЧИЛ. Сайроблик барақали йигит ҳақида қисса. ....85

Нортўхта ҚИЛИЧ. Осмон йиғлаган кун. Ҳикоя. ....112

ДРАМАТУРГИЯ

Муҳаммад АЛИ. Ҳиндистон маликаси. ....50

ЁШЛАР ДАФТАРИДАН

Ок капалак сирларимни айтиб кетди. ....105

БУ БЎСТОН САҲНИДА

Фарид УСМОН. Шодлигингдан ўзда йўқ мастонаман. ....127

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Абдугани СУЛАЙМОН. Шоирнинг бетакрор умр китоби. ....131

Мунира ЙЎЛЧИБОВА. Сўзни товлантираётган шоир. ....137

Саван ЕЛУЌ. Озод кўнгил ҳикояси. ....144

МУТОЛАА

Маматқул ЖЎРАЕВ. Қайгулар бағрида улғайган шодлик. ....155

КЎНГИЛ МУЛКИ

Баҳодир РАҲМОНОВ. “Бир юрак ёнмиш, ёронлар!” .....151

ТАЛҚИН

ХУМОЮН. Бобурий миноралар. ....148

ИЖОДИЙ КЕНГАШЛАР

Севинчой ЁҚУБОВА. Туйгулар самимияти. ....161

УНУТМАС МЕНИ БОГИМ

Исмоил ТЎЛАК. Дунёга қалб билан қаранг. ....167

Саида ЗУННУНОВА. Икки ўт орасида. Ҳикоя. ....171

БОЛАЛАР ДУНЁСИ

Ёмғир – томирвойларга кўклардан келган совға. ....158

Адабий ҳаёт. ....175

\* Муаллифлар фикри таҳририят ижодий жамоаси нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга юборилган материаллар муаллифларга қайтарилмайди.

Журнал ОАК эътироф этган нашрларнинг 10.00.02 “Ўзбек адабиёти” ихтисослиги бўйича рўйхатига киритилган.

\* Журналга обуна даврий нашрларни етказиб бериш билан шугулланувчи барча ташкилотлар орқали амалга оширилади.

Обуна индекси – 911

Маъзилимиз:

100127, Тошкент шаҳри,  
Ислоҳ Каримов кўчаси, 16-а уй.  
Телефонлар:  
227-00-81, 245-22-99, 245-27-87  
www.sharqyulduzi.uz  
e-mail: sharqyulduzi1931@mail.ru

Босишга рухсат этилди  
12.09.2017 йил.  
Қоғоз бичими 70x108 1/16.  
Офсет босма усулида офсет  
қоғозида босилди.  
Босма табоғи 11,0.  
Шартли босма табоғи 15,4.  
Нашириёт ҳисоб табоғи 17,2.  
Адади 2400 нуска.  
Бўлуртма № 441

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 05.02.2016 й.  
0562-рақам  
билан рўйхатга олинган.  
Ғафур Ғулом номидаги НМИУ  
босмаҳонасида чоп этилди.

Корхона манзили:

Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани,  
Лабзак кўчаси, 86-уй.  
Журнал ойда бир марта  
чоп этилади.

Мусахҳих:

*Дилфуза Маҳмудова*

Саҳифаловчи-дизайнер:

*Мадина Абдуллаева*

# Унутилмас лаҳзалар



*Адиб ҳаётидан лавҳалар*



Обиджон Бакиров. Натюрморт.

*Хурматли журналхонлар!*

*2018 йил учун “Шарқ юлдузи” ва “Звезда Востока”  
журналларига обуна бошланди.*

*Журналларимизга барча обуна ташкилотлари ёки  
тахририятимиз орқали обуна бўлишингиз мумкин.*

*Обуна индекслари: “Шарқ юлдузи” – 911*

*“Звезда Востока” – 831*